

Пирназар ДАВРОНОВ



САМАРҚАНД ЖОМИ

Пирназар Давронов

Самарқанд Жомӣ

«Зарафшон» нашриёти ДК,
Самарқанд -2009 й.



Пирназар ДАВРОНОВ

Самарқанд Жами

«Зарафшон» нашриёти ДК, Самарқанд -2009 й, 236 бет.

Қадимий «Буюк ипак йўли» бўйида жойлашган Жом қишлоғи, унинг географияси, бетакрор табиати, иқлими, этнографияси ва этник таркиби, урф-одатлари, тўй-маъракалари, мактаблари, масжидлари, зиёли ва улуг инсонлари, полвонлари, чавандозлари ва бугунги Жом қиёфасини тўлиқ маълумотлар асосида китоб ҳолига келтирган – шу юртнинг содиқ фарзанди профессор Пирназар Давронов катта ишни якунига етказди.

Қўлингиздаги китоб нафақат жомликлар, балки кенг жамоатчилик учун мўлжаллаб ёзилган.

ISBN 978-9943-329-51-5

© Пирназар ДАВРОНОВ



*Мавлоно Жомийнинг қадами етган,
Буюк Жаҳонгирнинг лашқари ўтган,
Эрону Туронга довруги кетган,
Рум билан Хитойни боғлабон тутган,
«Буюк ипак йўли» ўзингдан ўтган,
Лолазор тоғларинг, гўзал боғларинг,
Мен учун муқаддас она қишлоғим.*
Ж.ИРИСҚУЛОВ

СЎЗ БОШИ

Одамзод борки, авлод-аждодлари кимлиги, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, Ватани тарихини, ватандошларининг ибратли фаолиятларини билишни истайди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, ўз маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсондир.

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ [29. 4].

Катта тарихга эга бўлган қадимий Жом қишлоғининг номи кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган. Кейинги йилларда қадим гўша ҳақида қатор мақолалар чоп қилинган бўлсада, унга бағишланган алоҳида китобни учратмадик. Бу қишлоқнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида билганларимизни тўпланган маълумотларга асосан ёзишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

*Тарихин қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак тарих афсона.
Саодат инсоннинг ўз ҳунаридир,
Тарихнинг қисмати эмас баҳона.*

Ушбу китобда энг катта ва қадимий қишлоқлардан бири-Жомнинг географияси, табиати, иқлими, жой номлари, этник таркиби, урф-одатлари, тўй-маъракалари, мактаблари, масжидлари, тиббиёт муассасалари, маҳаллалари, қабристонлари, диний илм соҳиблари, зиёли ва улуг инсонлари, ҳунармандлари, полвонлари, чавандозлари, бугунги Жом, унинг ишлаб чиқариши ва мустақиллик йилларида эришилган юксак ютуқлари ҳақида

маълумотлар берилди. Китобда Б.Равшановнинг Жомнинг ишлаб чиқариши ва Толли қишлоғи, Р.Маҳмаюсуповнинг тўймаъракалар ва чавандозлар, Э.Раҳимовнинг кабристонлар, И.Иброҳимовнинг масжидлар ва имомлар, Э.Давроновнинг шифохоналарга оид, Ж.Ирискуловнинг «Гирдикўрғон» маҳалласи, Қ.Турғоновнинг «Жом» маҳалласи, С.Суюновнинг Чўнқаймиш қишлоғи, Б.Равшанов ва Ҳ.Қиёмовларнинг жой номлари ҳақидаги маълумотлари, А.Ёркуловнинг археологик илмий изланишлари натижаларидан фойдаланилди.

Тарихий манбаларга асосан, Жомда ибтидоий аجدодларимиз, кейинчалик суғдий-туркий, XIII асрдан бошлаб туркий халқлар таркибига кирувчи қипчоқ-ўзбеклар қоришувидан пайдо бўлган аҳоли яшайди. Қадимда Жомда 92 ўзбек уруғлари ҳисобланувчи Жоми ва Хабрин уруғларига мансублар кўпчиликни ташкил этган. Бу икки уруғнинг номи жой номларига кўчиб, «Жом» ва «Ҳафрин» атамалари шаклланган, ўзлари эса бора-бора унутилган. Жом аҳолисининг асосий қисми ўзларини сарой уруғидан ҳисоблашади. Уйшун, Обоҳли, Қонжиғали каби қишлоқлар аҳолиси билан суҳбатлашилганда, улар ўзларини сарой уруғиданлигини айтишади. Бироқ, Қонжиғали Қўнғирот уруғининг катта беш бўлагининг улуғи бўлса, Обоҳли, Улус, Қора мўйин 64 та ўрта бўлиниш, Таромиш, Бойавлоди, Чақа эса 300 та майда бўлиниш таркибига киради. Шунинг учун Хўжақул бобо бундан 250 йил олдин Хуросон томондан Бухоро амири Муҳаммад Раҳимбий юритган каттиқ сиёсатдан бешиб уруғдошлари билан биргаликда Жомдаги қўнғирот оғайниларини қора тортиб кўчиб келишган. Булардан кўринади-ки, Жомда ва унинг атрофидаги қишлоқларда қўнғиротлар кўпчиликни ташкил этади.

Китобда 92 ўзбек уруғи номлари тақдим этилди. 300 га яқин жойлар атамалари берилди. Эллиқдан ортиқ номлар сув, жумладан булоқ сўзи билан боғланган гидронимик атамалардир. Жой номлари аниқланган қисмининг мазмуни изоҳи берилди.

Ўзбек уруғлари ва жой номлари тўғрисида шу соҳанинг йирик мутахассиси профессор Б.Ўринбоев ва доцент А.Турабовларнинг фикрлари инобатга олинди.

Жомдаги қорақозон доирасидаги тўй-маракаларда бироз мавҳумроқ бўлсада, ўн бир даҳа қипчоқсарой ва Хушвақт мискарнинг афсонавий кўпкарили тўйи тўғрисида кўп гапирилишини эътиборга олган ҳолда, улар ҳақида маълумотлар берилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 372 нафар кишининг номлари аниқланди, улардан 170 нафардан ортиғи жанггоҳларда ҳалок бўлишган. Фарҳод канали, Каттакўрғон сув омбори қурилиши, ишчилар батальони иштирокчиларидан 50 кишининг, 10 га яқин қатагон қурбонларининг номлари тикланди. Аслида бу рўйхатлар анча катта бўлиши керак.

Китобга маълумот тўплаш мақсадида 2002 йилдан бошлаб жомлик кексалар – Манзар Мирзаев, Абдуалим Ортиқов, Зиёт Давронов, Бердимурод Равшанов, Раҳматуллоҳ ҳожи Маҳмаюсупов, Эшмурод Назаровлар билан жуда кўп марта суҳбат қурилди. 2005 йилда Жом улуғларидан 200, 2006 йилда 500 кишига сўровнома хатлари тарқатилди. 2007 йилда ушбу китобнинг хомаки варианты «Жомлик алпомиш авлодлари» номи билан аҳолига тарқатилди ва шундан олти ой ўтгач, 2007 йил 18 август куни Илҳом Зиёт ўғли хонадонидида 150 дан ортиқ қишлоқдошлар тўпланиб, улар билан фикр алмашилди. 2007 йилнинг Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа)да масжиднинг имом-хатиби Равшан Аъзамқул ўғли намозхонларга қишлоқ тарихи ва ўзларининг сулолалари тўғрисида билганларини ёзиб беришларини илтимос қилиб, мурожаат этди. 2008 йилнинг май ойида китобнинг қўлёзмаси ўн икки нусхада кўпайтирилиб, қишлоқнинг зиё масканлари, мактаблар, маҳаллалар, шифохоналарга ўқиб, фикрларини билдиришлари учун тақдим этилди.

2008 йилнинг 26-27 июл кунлари Жом маҳалласидан Қувон Норбоевникида, Гирдикўрғон маҳалласидан Ғофур Зиётовникида, Тегирмонбоши маҳалласидан Суюн ҳожи Норкуловникида, Омондара маҳалласидан Хурсан мерган Рустамов ва Нодир Зиётовларникида китоб юзасидан суҳбатлар ўтказилди. Китобнинг ёзилишида бир неча йиллар давомида Жомдан Самарқандга узлуксиз равишда маълумотлар ташиб турган шогирдимиз Акмал Қувон ўғлининг хизматлари бекиёс. Етти йиллик узлуксиз меҳнат, ижодий изланишлар натижасида қўлингиздаги китоб

Республикаимизнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида дунё юзини кўрди.

Қайта-қайта мурожаат этишимизга қарамасдан ўзлари, сулолалари тўғрисида маълумот беролмаган қишлоқдошлар ҳақида билганларимизни ёзиш билан чегараландик.

Китобни ўқиб қимматли фикрларини билдирган филология фанлари доктори, профессор Б.Ўринбоев, Тошкент молия институти профессори М.Раёмов, ЎзФА Археология институти етакчи илмий ходими А.Бердимуродов, СамДУ доценти О.Эшмуродов, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти С.Назаров, Самарқанд Давлат чет тиллар институти доценти А.Туробов, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доцентлари Р.Усмонов ва Л.Жамолов, Жиззах Давлат педагогика институти доценти Ғ. Қудратов ҳамда нашр этишда амалий ёрдам кўрсатган Бахтиёр Садиновларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

ЖОМ ТАРИХИ

«Жом» атамаси ҳақида

Ривоят қилишларича, подшоҳнинг яхши кўрган, жанговар филии ўлиб қолади. Шоҳ фармони билан бу филни тирилтириш учун авлиёлар жамланади. Аҳмад исмли шайх ўлган филни дуо билан тирилтириб ва бошқа жам бўлганларга тирилган филнинг жони ўрнига Оллоҳга ўзининг жонини ҳадя этиш учун тошбўрон қилиб ўлдиришларини васият қилади. Бу васият бажо келтирилиб, уни шу ерга дафн этишади ва ўзини зиндафили Аҳмад шайх, кўмилган жойини эса Мавлонаи Жом ота, деб аташади. Шу воқеа сабабли «Жом» сўзи мулалар жам бўлди, яъни жамланиш маъносидан келиб чиққан, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ўлган ҳайвонни тирилтириш ҳодисаси ХХІ асрда ҳам кузатилмоқда. Масалан, Шри-Ланкада яшовчи авлиё Свами Бхутта медитация кучи ва илоҳий қувватга эга қўллари билан ўлгандан сўнг бутунлай танаси совиб қолган ҳайвонни ҳаётга қайтармоқда, бундан айниқса фермерлар хурсанд.

Самарқанд Жомидан эмас, балки Хуросон Жомидан бўлган Зиндафил, яъни филни тирилтирган инсон бундан 700 йиллар олдин яшаган бўлсада, ўша даврларда ҳам кишлоқ Жом, деб аталган. Аҳмад шайх тошбўрон қилиб ўлдирилмаган, чунки соҳибқирон Амир Темур 24 ёшида Зиндафил хизматиға бориб унинг дуоларини олган [51.120]. 1399-1404 йилларда Ирок, Озарбойжон ва Шом устиға қилинган урушға боришда ҳам, қайтишда ҳам соҳибқирон Амир Темур Зиндафилнинг табаррук манзилгоҳида бўлиб, ул зоти муборакнинг дуоларини олган [11. 498, 558].

Шунингдек, Обрўй Эшмуродов ва Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф ўғлининг фикрларича, кишлоқ карвон йўллари бўйлаб жойлашганлиги туфайли кишилар бозор-ўчар қилиш учун тўпланишган, қорақозон доирасидаги тўйлар, дафн маросимлари муносабати билан одамлар жам бўлишган, шунинг учун кишлоқнинг номи жамланиш маъносида «Жом» деб аталган.

Айрим кишилар кишлоқнинг тоғлар билан ўралганлигини эътиборга олган ҳолда «Жом» атамаси идиш, коса маъносини

беради дейишади. Жом форсча қадах, кўпинча кумуш ва мисдан ясалган коса, пиёла, тоғорача маъносини англатади [68].

Қаюм Турғоннинг фикрича қишлоқдан ўтган йўловчилар, қарвонлар тоғлар орасида жойлашган сўлим гўшанинг гўзаллигидан ҳайратланиб, зилол булоқ сувларидан ичиб роҳатланиб, бу жойни қанча ичилса ҳам тугамайдиган афсонавий Эрон шоҳи Жамшиднинг Жомига ўхшатишганликлари тахмини ҳам бор [54].

Жомлик тарих ўқитувчиси Ж.Ирискулов фикрига кўра, А.Жомий 1444-1449 йилларда Самарқандда Мирзо Улуғбек мадрасасида ўқиб, таҳсил олган. Улуғ пир Самарқанддан ватани Хуросон Жомига бораётган ва қайтиб келаётганида, Самарқанд Жомиди тўхтаб, бир окшом тунаб, кейин йўлини давом эттирган. А.Жомий Хуросон ва Мовароуннахрнинг улуғ пири бўлган. А.Навоий ва Ҳусайн Бойқаро томонидан Жомий ҳазратларининг қадамжоси сифатида қишлоққа «Жом» номи берилиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

Нормўмин Очилов бу ерда Жом ота номли авлиё-пир яшаб ўтганлиги учун қишлоқнинг Жом, авлодлари дафн этилган қабристоннинг эса – Мавлонаи Жом ота, деб аталишини ёзган [43].

Таниқли рус тилшунос олимлари В.И.Даль ва С.И.Ожеговлар томонидан тузилган луғатларда «Ям» сўзининг рус тилига татарчадан кириб келганлиги қайд этилган. Ям белгиланган манзилга почта чопарларини жўнатувчи қишлоқ, станция, ямшик-ямдаги почта хизмати бошлиғи, йўл кўрсатувчиси, чопари, извошчиси, ямшица-ямда туриб навбатдаги чопарларни, хабарчиларни жўнатишга хизмат қилувчи, ямник-тўпланган почтани ямшицага, чопарларга бериб юборувчи, ямская-почтага хизмат қилувчилар яшайдиган шаҳар, унинг четидаги катта қишлоқ, шаҳарнинг бир қисми, кўрғон, ҳовли, хона маъноларини билдиради [20;42].

Дарҳақиқат, Жом қишлоғи Самарқанд ва Қарши шаҳарлари орасида жойлашган бўлиб, чопарларнинг отлари алмаштирилладиган почта хизмати жойи бўлганлиги ҳам аниқланган.

Чингизхон Ўрта Осиёни 1219-1221 йилларда босиб олган ва ўлимидан биров олдин империяни ўз ўғиллари Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тулуга бўлиб берган.

Мовароуннаҳр, жумладан, Жом ерлари Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой тасарруфида бўлган. Чигатой ўзига тобе жойлардан ўтувчи карвон йўлларига «Ём»лар, яъни бекатлар курдирган.

Халқининг тинчлиги, фаровон яшашига ўта масъулият билан қараган соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат тепасига келгач, мавжуд «Ём»ларни таъмирлашга, янгиларини қуриш ишларига катта эътибор берган. «Ём» сўзи мўғул ва татарлардан рус тилига «Ям» бўлиб кирган бўлса, «ж»-ловчи шевамиз таъсирида бизда «Жомга» айланган бўлиши мумкин. Шунинг учун айрим ёзма манбаларда «Жом» атамасининг келиб чиқиши Чигатой курдирган «Ём» нинг шевамизга мос ўзгарган шакли кўринишида талқин қилинади.

Айрим кишилар «Ём» (бекат)лар кўп бўлган-ку, нега уларнинг ҳаммаси «Ём» ёки «Жом» бўлиб сақланмаган, деб ўйлашлари мумкин. «Оби Ём» иборасидаги «Об» (сув) сўзига алоҳида урғу берилганига эътибор қилиш керак. Жомда булоқ сувлари ҳозиргидан-да мўл бўлган. Жиззах вилоятининг Зомин туманига қарашли булоқ сувларига бой қишлоқ бугунги кунда ҳам «Ём» деб аталиб турибди. Карвонлар, лашкарлар сувни мўлжалга олиб ҳаракат қилишган, улар учун «Оби Ём» алоҳида аҳамият касб этган. Бойси Самарқанд билан Қарши оралиғида бошқа сувли жой бўлмаган. Жом карвонларнинг ягона сувли тўхташ жойи бўлган. Шунинг учун сувли жойлардаги «Жом» ва «Ём» атамалари сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Жом тарихий манбаларга биноан, «карантин пости» вазифасини бажарган. Касал ҳайвонлар ва одамлар аниқланиб, ўша давр талаблари бўйича тегишли чоралар кўрилган. Бугунги кунда Мавлонаи Жом ота бекатининг тагида кўмилиб ётган йўнилган тош ва пишган ғиштлардан қадимда сув оқиб тушадиган нов ясалган. От, туя каби ҳайвонлар бу нов тагида чўмилтирилиб, йўловчилар хордиқ чиқариб, сўнгра, Жомда кесишган икки карвон йўллари бўйлаб ҳаракатланган. Одатда карвонлар бир суткада тўхтамасдан тахминан 70 километр масофани 14 соат атрофида

босиб ўтиб, 10 соат дам олишган. Ҳозирги бозор ўрнида карвонсарой бўлиб, унинг айрим бинолари кейинчалик чойхона, дўконларга айлантирилган эди.

Б.Аҳмедов «Амир Темур» тарихий асарининг икки жойида Жом сўзини ишлатган [11. 498;558], Зоминдаги Ём қишлоғи ва Хуросондаги Жом шаҳри борлигини таъкидлаб [11. 605], Самарқанд Жом тўғрисида маълумот бермаган.

Профессор Т.Нафасов топонимикани уч таркибий қисмга ажратган: ойконимика (аҳоли яшовчи масканларнинг номларини ўрганувчи соҳа), гидронимика (сув ҳавзалари номларини тадқиқ этувчи соҳа), оронимика (ер юзаси шакллари текширувчи соҳа). Жом, жон, шонни гидронимик, тоғ, қоя, чўққи, қия, қир, доvon, бел, кўтал, тепа, дўнг, газа, танги, ўр, ўра, камар, жар, зов, мўла, тақир, бет, ғор, кўриқ, ота, тумшук, битов, қалоқ, жангал, яйлов каби номларни оронимик индикатор (объект турини билдирувчи лексема)лар таркибига киритган [39. 106].

Интернет маълумотларига кўра, «Жом» термини топоним бўлиб, мўғилча «йўл» маъносини билдиради [81].

Профессор Б.Ўринбоев таъкидлашича, жом>жон>жан>жим компонентли жой номлари мавжуд. Улар бекат, истехком, йўл, дарёлар ўзанининг сув секин оқадиган чуқур қисми, сизот сув, канал, булоқ, сув манбаи, ариқ, анҳор, жилға, дарё шохобчаси, сув маъноларини ифодалайди. Жан (жом, жон) сўзи сўғдча бўлиб, у булоқ, канал, сув манбаи деган маънони англатади. Жан компонентли номлар IX-XIII асрларда гидронимик (Ўзбекариқ, Найманариқ, Қиётариқ, Қўнғиротариқ каби) атама сифатида кўп қўлланилган ва у сув омбори, канал, сув ҳавзаси маъносида ишлатилган [38]. Масалан, Буржан, Руйжан, Сангжан, Обижан (Искандаркўл) каби жой номлари шундан далолат беради.

Жом, Жом чўли, Жом сойи, Жумруд каби жой ва сув билан боғлиқ номлар борлиги Низомиддин Шомиийнинг «Зафарнома»-сида, Муъниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворих»ида, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмуа ул-баҳрайн»ида, «Бобурнома»да, В.В.Бартольд асарларида эслатиб ўтилган. Жом сўзи ём-жам-зам шаклида учрайди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида эса, савдо, алоқа йўлларидаги бекат, от-уловлар алмаштириладиган жой, хабарларни бу бекатдан

наригисига етказиш учун хизмат қиладиган сарой бўлганлиги юкорида таъкидланди [75.48].

Профессор Х.Дониёровнинг тадқиқотларида, ўзбек халқининг 92 бовли уруғлари саналганда, улар таркибида «Жоми» уруғи ҳам эсланади [26]. З. Дўсимов, Х. Эгамов Жомбой сўзини этноним сифатида изоҳлашган [72; 74; 27]. Ушбу этнонимнинг жом қисми М. Қошғарий эслатган жумул уруғ номининг қисқарган шакли бўлиши мумкин: жумул-жум-жом каби. Чунки, Жомбой атамаси шу тумандаги қангли шевасида Жумбой тарзида талаффуз қилинади [52].

Жомбой этноними асосида шаклланган топонимлар (географик ва жой номлари) Қозоғистоннинг Гурьев вилоятида Жомбой, Самарқанд вилоятида Жомбой, Пастдарғом туманида Жомбойли, Ургут туманида Жомбойлиравот, Бойсун туманида Жомчи, Нуробод туманида Жом, Зомин туманида Ём номлари тарқалганлиги шундан далолат беради. Хуллас, Жомбой кипчоқларнинг унутилиб кетган бир уруғининг номидир. [72.16-18; 32.96; 52.30-31]. Бу илмий хулосалар ҳамда Қўнғирот, Обоҳли, Уйшун, Ўймовут, Боёвут, Чимбой, Хитой, Нукус, Митан каби кўплаб қабилалар номларининг этноойконимлари мавжудлиги, ҳамда интернет маълумотига асосан, Жомнинг топоним эканлиги эътиборга олинса, «Жом» атамаси ўзбек уруғларидан «Жоми»нинг этноойконими эканлиги келиб чиқади. Уйшун, Обоҳли, Жом аҳолиси билан ўтказган суҳбатларимизда ўз уруғини жой номи билан атамасдан, сарой уруғиданмиз, деб жавоб беришди.

А.Туробовнинг таъкидлашича, этноним жой номига ўтгач, дастлаб икки вазифани бажаради, яъни аҳолининг этник таркибини ва улар яшаган жой номини билдириб туради. Аста-секин аҳолининг этник таркиби унутилиб, жой номи сақланиб қолади [52.22]. Бу илмий хулосага асослансак, қадимда қишлоқда яшаган аҳолининг Жоми ва Хабрин уруғлари унутилиб кетиб, жойларнинг номи бўлган «Жом» ва «Ҳафрин» атамалари шаклланган. Кейинроқ кўчиб келган қавм ва уруғларнинг номлари сақланиб қолган. Шундай қилиб, «Жом» ва «Ҳафрин» атамалари ўзбек уруғлари номлари экан.

«Обоҳли» уруғи 1911 йилда Д.Н.Логофет тузган ўзбек уруғлари рўйхатида келтирилган [34.115]. Профессор Х.Дониёров

томонидан обохли кўнғирот қабиласининг Алпомиш етишиб чиққан бешинчи бўлаги бўлган тортувли уруғи таркибига кириши кўрсатилган [26.87]. Демак, кўнғиротлар таркибига кирувчи обохли уруғи номи ҳам этноойконимга айланган, яъни Обохли қишлоғи номи шу уруғ номидан ҳосил бўлган. Худди шунингдек, Улус қишлоғи номи ҳам этноойконим бўлиб, у шу жойда яшаган улус кўнғирот ва улус найман тармоқ уруғ номлари асосида шаклланган.

Жой номи бир нечта уруғ номининг қўшилган шаклида ҳам намоён бўлади. Бу ўша жойдаги аҳоли таркибида шу уруғ вакиллариининг кўпчилиқни ташкил қилишини билдиради. Масалан, Саройкўрғон, Галакудук сарой, Сойбўйи сарой каби қишлоқларда – сарой уруғи аҳли, Катта найман, Найманчада-найманлар, қипчоқсаройда – қипчоқлар ва саройлар, найман-саройда – найманлар ва саройлар, кўнғиротсаройда – кўнғирот ва сарой уруғларига мансуб аҳоли кўпчилиқни ташкил этади.

АСРЛАРДЕК БАРҲАЁТ НОМЛАР

Жуғрофий номлар ернинг тили бўлиб, унинг мазмунида ётган сирни аниқлаш билан топонимика фани шуғулланади. «Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган» [29. 92].

Абрикли сой – Шамолли ёнидаги бу жойда эфир мойига бой абрик ўсимлиги ўсган. Унинг ивитилган суви билан иссиқ ўтган болаларни чўмилтириб даволашган.

Авлиёбобо ёки Сонсувлук ота – Сонсувлукдаги қабристон ва у ердаги масжид ўрни.

Авлияш – Гулқишлоқнинг жанубидаги сой. Бу жойда ёш авлиё киши яшаган.

Адрайкамар – Авлияш билан Оксувбет оралиғида жойлашган бўлиб, аслида Абдурайим бобонинг камари, маъносини билдиради.

Азартепа – Мозортепа, яъни тепаликда жойлашган қабристон. Ўртабулокнинг ғарбидаги тепалик.

Азимнинг камари – Тошбулок билан Шойматбой чорбоғи оралиғида.

Алимбойнинг сойи – Сўписойнинг қибла томонида бўлиб, бу жойда Хайдар Ўсаров чортоқ курдирган.

Андизлисой – шифобахш андиз мўл бўлган сой, Ёмонқул бобонинг ери билан Жарбулоқ оралиғида.

Анназират – Мойданақ билан Чўнқаймиш оралиғида. Чўнқаймишдан Тахти Исога чиқаётган зиёратчилар тепаликдан катта сойдаги зич дарахтлар ўрмонини кўришиб, – ана зироат,- дейишган экан. Шундан «Анназират» атамаси келиб чиққан. Шунингдек, бу жой Онҳазрат маъносини беради, деган фикрлар ҳам мавжуд. Анназиратдан Чўнқаймишга ошувдаги қора тошларда сўғд ёки араб ёзувлари мавжуд.

Аноргузар – Яккачоғал билан қишлоқ ичидаги асфальт йўл оралиғи.

Ашур бобонинг чорбоғи – Тошбулоқ билан Сассиқбулоқ оралиғи.

Бачакалон, Бойўғлитепа – Калтасойдан Кичкина толлига боришда. Бу тошли тепалик қарвон йўлидан ўтаётганларга катта боладек кўринган. Тепаликда бойўғли яшайди, ҳар йили тухум кўйиб бола очади.

Башинсой – Мажак қишлоғидаги ичимлик сув минораси ўрнатилган катта сой.

Бекназар бойнинг қўтони – Дўғоб билан Жавлача оралиғида.

Белисиникота – Бутунбой қудуғининг ғарби, яъни Жом билан Айритом чегарасида.

Бешбармоқ – аслида беш ирмоқ маъносини билдиради. Қаптархона тангисининг (икки тоғнинг қисилиб келган жойи) шаркида жойлашган. Ялангоёқ эшон бобо қадамжоси шу қишлоқда.

Бешбулоқ – Ғий-ғий булоқ, Қорабулоқ, Яхбулоқ, Сарикбулоқ ва Қўтирбулоқлардан ташкил топган. Айрим ривоятларга кўра, Бешбулоқда аслида битта булоқ бўлиб, унинг атрофидан беш кишининг мурдалари топилган. Ҳозирда бу жойдаги булоқлар сони ўндан ортиқ.

Бештандир – Дуғобнинг шарқий қисмида, Туятош атрофида бешта ер тандир ўрни бор, улардан айримлари кўмилиб қолган бўлсада, ўрни мавжуд. Сори Фармон ўғлининг маълумотига кўра, бу жойда қўнғиротларнинг 21 та ўтови (юрта)си бўлган.

Бешқоқ ва Еттиқоқ – бир-бирига якин бўлиб, Яккачоғолдаги Керагатошнинг шимоли-ғарб томонидаги кўнғир харсанг тошларнинг табиий ўйиғида ёғин сувлар тўпланадиган жой.

Биби Марям қабристони – Чўнкаймишдаги Тахти Исо чўққисининг ғарбий этагида жойлашган.

Битов (Питав) – уч томони тоғ ва қирлар билан ўралган, қибла томони очиқ «Жом» маҳалласи тўйларининг кўпқарилари чопиладиган Яккабулоқ шарқидаги сой.

Бовамқишлоқ – Яккачоғал билан Аноргузар оралиғи.

Боймат бобо – Ойғутон билан Қоразов оралиғида. Бу жойда Боймат ботирнинг қабри бор.

Боймат бобонинг қибла томонидаги қабристонга 1989 йил 12 январда биринчи Пиримқул Омоновнинг жасади қўйилган.

Бойтепа – Зиннонсойга киришда чап қўлдаги харсанг тошларга бой, ҳарганаси (форс-тожикчасида «хори ганда»-ёмон тикан) мўл тепалик.

Бойўғлихона – Сўписойдан Эскионнага кириш жойи.

Боборавшаннинг камари – Дюккернинг ғарбида. Дюккер – сув ўтказгич.

Боват бобонинг ери – Ҳафриндан Кўрбулоққа ўтгандан кейинги ерлар.

Боврайбулоқ – Тоғ, қир ёнбағридаги булоқ маъносини билдиради. Ашур бобо чорбоғи юқорисидаги ҳовузга сув беради.

Бойхон бобонинг ери – Ўртабулоқ оқимидаги ерлар.

Бозортош – Қизилқот билан Мойданак оралиғида. Тош орасидан булоқ суви отилиб чиқиб туради.

Бошбулоқ – Ўртабулоқ билан Ҳайдар табиб қурдирган чорток оралиғида.

Бурим – Бошбулоқ билан Чўммоқ қишлоқ орасидаги йўлнинг бурилиб ўтиладиган жойи.

Бутунбойнинг ери – ҳозирги «Тинчлик» қишлоғининг шарқида, Айритом ва Олтипойга билан чегарадош. Қадимда шу жойда бир козоқ аёли томонидан бунёд этилган қудук жамоалаштириш давридан Бутунбойнинг қудуғи, деб юритилади.

Бўлаксой – Дасманнинг ғарбидаги Учтумшук томон йўналган биринчи сой.

Бўғжоматош – Даврон бобо гужумининг жанубида.

Гаванжар – Зиннонсойнинг жануб томони охиридаги тик, чуқур, худди эртақлардагидек кўрқинчли жарлик. Форс-тожик тилида «гав» сигир ёки чуқур ғорсимон маъноларини англатади.

Газа – икки тепалик оралиғидаги йўл ёки ўтиш жойи.

Газабет – Тиқилинч жар билан Имомбет оралиғида.

Галатўла – Тинчлик қишлоғи (Подсобный) билан Сонсувлоқ оралиғидаги кўп ертўлалар бор жой.

Галашерик – Ҳафринсой билан Номсизтепа оралиғида, Ҳафринбобо қабристони жойлашган сой. Бу жой жамоалаштириш даврида ҳашар йўли билан ўзлаштирилиб, экин экиладиган унумли ерга айлантирилган.

Гирдикўрғон – қадимги Кўрғон (Кўрғонтепа) атрофидаги қишлоқ.

Гулаксой – Бўлаксойнинг ғарби, Гулқишлоқнинг шарқий чегарасидаги сой.

Гулжовғошин (Гулдовошин) ёки Жана ариқ – бу ердаги 230 гектар майдон мулла Хўшмаматнинг отаси Абдулазим Азиз ўғли томонидан трактор билан очилган. Қадимда гул сифатида асосан лола (гулдов-гултов, тоғ гули маъносини англатади)ни тан олишган. Бу жойда лола мўл ўсиб, узокдан гул ёққандек кўринган. Омондара суви шу жойда бунёд этилган Жана ариқ орқали Қаррикўлга узатилган.

Гулқишлоқ – Кармовул билан Таромиш қишлоқлари оралиғида жойлашган.

Гум – қадимги Қарши йўли билан Учтўла оралиғидаги бир нечта чуқур сойлар мажмуаси.

Гумгаза – Жом билан Кўчқорбулоқ оралиғида.

Давкамар(Девкамар) – Дюккер сув ўтказгичнинг жанубий томонидаги кўпкари чопиладиган жой.

Давлатқир – Жонабулоқнинг шарқидаги тепалик.

Даврон бобонинг ери – Ашур бобонинг чорбоғи билан Сассиқ-булоқ оралиғида.

Даврон бобонинг гужуми – Даврон бобо ерида.

Дасман – кенг атроф кўринадиган жой маъносини билдиради. Жомда учта Дасман бор. Асосийси – Кармовулда, иккинчиси Бош-булоқ билан Бурим оралиғида, учинчиси – Авлияшнинг жануб

томонидаги Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари чегарасини кўрсатувчи пирамида шаклидаги темир белги турган жойда.

Дорсой – Қизилкот чегарасидаги тик тепаликда тешик тош бўлиб, қадимда ундан дор сифатида фойдаланилган. Тош тешигидан ўтказилиб боғланган арконнинг бир учидаги сиртмок маҳкум бўйнига солиниб, кейин у тепаликдан итариб юборилган. Дорсойнинг шарқий қисмида қадимий қабристон мавжуд.

Дюккер – 1972 йилда бунёд этилган сув ўтказгич. Сув келиши туфайли ободонлашган Дюккер атрофи кейинчалик «Ором» қишлоғи номини олди.

Дўлтали – Омондарадан Писталига бориладиган сойдаги тош билан қопланган чайла шаклидаги 10-15 та қўй кетадиган ғор. XX аср бошларида Дўлта номли маймунга ўхшаш ҳайвон одамлар томонидан кўп кузатилган. 10-12 яшар бола катталигидаги бу жонзод ўта ҳаракатчан бўлиб, айтишларича, у бир кўриниб ўзини тезда панага оларкан. Сурхондарёда унинг уяси кавлаб кўрилганда, майдалаб титилган майин жун тўплами, катта-кичиклигига қараб моҳирлик билан саралаб ажратиб қўйилган бир неча ботмон ғалла уюмлари топилган. Дўлта томонидан гўдак болаларни ўғирлаб кетиш ҳоллари учраган. 1980 йиллар атрофида Мирзачўлнинг пахта ва ғалла далаларида ҳам бу ҳайвон учратилган, улар хонадонлардан егуликлар ўғирлаган. Фикримизча, қадимда Дўлталида ҳам шу жонзод кўп бўлганлиги эҳтимоли бор. Жомда айрим одамлар бўрини ҳам дўлта, деб аташади.

Дўланали сой – Жамолқир билан Жарбулоқ оралиғида.

Дўғоб – икки сой суви қўшиладиган жой, асли номи – Ду об.

Еттитандир – Калтасойга сув келадиغان сойга чорвадор оилалар баҳорда кўчиб чиқиб яшашган, нонларини еттита ертандирларда ёпишган.

Еттитандир булоқлари – Қорабулоқ (Қоратош булоқ), Оқбулоқ, Номсизбулоқ.

Ёмонқул кўнғиротнинг ери – Тошбулоқнинг шарқ томонида жойлашган 150 гектар майдондан иборат.

Ёрбўл – Ўсарқўлнинг шарқий қисмида жойлашган. Бу ерда раис Тохир Одиров битта ер тўла кавлатган.

Жавлача – Кўрбулоқдан Сарсонга ошиб ўтиш жойидаги яйлов.

Жайилма (Ёйилма) – Тошгазадан Жимилдигача бўлган асфальт йўл атрофи.

Жамолқир – Ёмонкул қўнғиротнинг ери. Ёмонкул номи ҳозирда Жамолқир, деб аталади.

Жарбулоқ – Шойматбойнинг чорбоғи жанубида.

Жимилди – Жайилмадан Янги анҳоргача бўлган жойлар. Бу жой Жума ўлди, деган маънони билдиради.

Жонабулоқ – Юқори қишлоқ билан Бешбулоқ оралиғида, асфальт йўлнинг шимолида.

Жузқишлоқ – жуз уруғига мансуб аҳоли яшайдиган, Чўнқаймиш сойининг шимолий қисми. Бу жойдаги тошдаги ёзувлар ва бошқа тарихий манбалар ўрганилишини кутиб ётибди. Ҳозирги кунда қишлоқ ҳудудидан топилган айрим ёдгорликлар Чўнқаймишдаги 19-мактабда сақланмоқда. Бу ерда катта қалъанинг ўрни бор.

Жўл्लисой – Жомдан Айритом томон ўтган йўл бўлиб, Ёишоли билан Кўктўба оралиғида жойлашган.

Заранги – ёғочи ўта қаттиқ заранг дарахти ўсадиган, Оқчоғолнинг шимолидаги, Каттакамар билан Кичиккамарнинг устидаги жой.

Зиёт бобонинг қўй ётоғи – Жамолқирнинг ғарбий ёнбағрида чўпон бобо ёз ва куз ойлари чошғоҳда 40 йилдан ортиқ қўйларини шу жойда ётқизган. Омондара аҳолиси бу қўтондан қўй қийларини супуриб келиб, қишин-ёзин тандирларда ёкиб нонларини пиширишган.

Зиннонсой – Бойтепа билан Гаванжар оралиғидаги ҳамма томони баланд қирлар билан ўралган зиндонга ўхшаш катта сой.

Илонлисой – Ғоҗғолтошнинг ғарбидаги сой. 1960 йилларда бу сойда илонлар кўп бўларди.

Имомбет – Газабет билан Эрали бобонинг камари оралиғидаги тоғ ён бағрининг қуёш чиқар тарафи.

Итбулоқ – Қурбонбулоқнинг шарқ томонидаги сойда жойлашган.

Итхулар – Қаррикўл билан Қизилтош оралиғида. Қишнинг қаҳратонида адашиб қолган йўловчи итнинг товушидан бу жойга келиб, жон сақлаб қолган.

Каклик учар – Отаёрсой билан Сарсон оралиғида.

Калбет – Қўрғонтепанинг жануб томонидаги баҳорда ҳам ўтлар кам ўсадиган тепалик. Шу атрофдаги қишлоқ ҳам Калбет, деб аталади.

Калтасой – Ғофуртоғнинг шарқий қисмидаги, Еттитандирдан сув келадиган сой.

Каптархона – Каттачўл билан Қорагаза оралиғидаги ғор. Унда кўк каптарлар ва кўршапалаклар макон топган.

Каримбойнинг камари- Қорачағол билан Новбулоқ оралиғида.

Кармовул – Каримнинг овули маъносини билдиради. Гулқишлоқнинг шарқида жойлашган, Тегирмонбоши маҳалласига қарашли қишлоқ.

Каттакамар ва Кичиккамар – Юқори қишлоқдан Бешбулоққа боришдаги тепаликдан ўтгач, жануб томонда.

Катта кулгаза – Чўчабулоқдан Эйрисойга ўтишдаги жой.

Катта кўтал – Жомдан Толлига боришдаги Оқчағол билан Кичик кўтал оралиғидаги баланд тепалик.

Каттаонна – Яккабулоқ суви оқадиган сой.

Каттатепа – Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудидаги ҳарбий мақсадларни кўзлаб яратилган қадимий қалъа ўрни.

Катта толли – Катта кўтал, Кичик кўталдан бошланиб, шарқдан Қашқадарё вилоятининг Тутли, жанубдан Обоҳли, Қорақия қишлоқлари билан чегараланган ҳудуд.

Катта чўл – Ғиштбанд сув омбори ўрни.

Катта ҳовуз – Дуғобда.

Келагай тош – ранги янги туққан молнинг сути (увузи)га ўхшаш тош. Жомда увуздан қайнатиб тайёрланган таомни гулагай, келагай деб аташади.

Керагатош – Яккачоғол тепасида кўриниб турадиган кўнғир тусли тошлар тўплами.

Киндик – Кўнғироткамар билан Оннақўтон оралиғидаги текисроқ жой ўртасида ўсиб чиққандек иккита тепалик бор. Улар Катта киндик ва Кичик киндик деб номланади.

Кичик кўтал ёки Қизил кўтал – Катта кўталнинг жанубий давомидаги тош ва қумлари қизил рангдаги доvon (ошув).

Кичик толли – Калтасой томондан боришдаги Шойматбой чорбоғи жойлашган ерлар.

Коризбулоқ – Бешбулоқ худудидаги Кўтирбулоқ. Бу жойда 2005 йили Даврон Дўсман ўғли томонидан бир нечта кудуклар сувлари лаҳим орқали бирлаштирилиб қурилган ер ости сув иншооти, суви ташқарига оқиб чиқадиган оқар кудук барпо этилган.

Кулгаза – Чўчкабулоқнинг Абриклисой томонида.

Култепа – Қизилғор атрофида жойлашган бўлиб, бу ерда кадимий кул тўдаси мавжуд.

Куюкмозор – Ўсаркўл билан Ўттизкулоч оралиғида.

Кўкбулоқ – Туюлдиннинг бошида.

Кўктош – Ҳафрин бобо булоғи олдидаги бу қабр тошидаги ёзув 2001 йилда самарқандлик Аҳмадхон томонидан ўқилган: «Фи тарихи жумадул охироти санато ҳамсино ва сабаҳа ниятин. Пўлод Султон 750 (мелодий) вафот шуданд ва Сирқабой дафн кард» (Пўлод Султон 750 мелодий йилда вафот этдилар ва Сирқабой дафн этди). XX асрда кўкйўтал билан оғриган болаларга бу тошнинг устидан сув қуйилиб ялатилар ва бемор шифо топарди. Бу тадбир бошқа туманлар, жумладан, Жомбойдаги кўк тошда ҳам шу усул аҳоли томонидан қилинганлиги кузатилган. Халқнинг бу тажрибасида ҳали ўрганилмаган бирор тиббий хислат бор бўлиши мумкин.

Кўктўба – Галатўланинг шарқида жойлашган тепалик.

Кўк кўтон – Чўнкаймиш қишлоғи устидаги Оқтоғ билан Ўрмон оралиғида.

Кўрбулоқ – Отаёрсой билан Ниёзнинг камари оралиғида.

Лайлакуя – Катта кўталдан ўтадиган Ипак йўли билан Чамбил оралиғидаги катта қирнинг нурашидан ҳосил бўлган тик жарлик. Бу жойни турли хил қушлар макон тутган.

Лукки – Чўнкаймишдаги Яккаолма билан Чинорота оралиғидаги сарой уруғига мансуб аҳоли яшайдиган кичик қишлоқ.

Мажак – Гулқишлоқ билан Таромиш қишлоғи оралиғида.

Манти бобонинг ховузи- Юқори қишлоқ булоқлари суви тўпланадиган ховуз.

Мирзабой мўла – Қизилтош билан Сассиқ оралиғи.

Мирзакамар – Қудуқ билан Ортиқ бобонинг тини оралиғи.

Мирзамуроднинг боғи- Кармовулдаги Мусо бобо чорбоғи ўрни.

Мойданак – Сарикқўл билан Бозортош оралиғида, Чўнқаймиш тоғига туташиб кетган ерлар.

Муллатош – ҳозирда бешбармоқлик Али бобонинг ҳовлиси ичида қолган қоятошда яримта ойна ва панжа излари мавжуд. Бу ердаги тош намоз ўқиётган одам шаклида.

Мулла Рустамнинг эммаси – Дюккернинг Умакай томони.

Мулла Суюн – Қаррикўлнинг шимолида.

Муҳиддин маҳсум бобонинг боғи – Яккатолдаги ерлар.

Мўлтоникамар – Ўсаркўл билан Бутунбойнинг ери оралиғида. Мўлтони (лўли)лар кўчиб юриши даврида шу жойда тўхтаб ўтишган.

Найманқўтон – Қизилбулоқ билан Фермасой оралиғида.

Назарнинг ери – мулла Қодир бобо боғининг ўрни. Бу жойнинг ғарбий чегарасида археологик маданий қатлам мавжудлиги 2006 йилда А.Ёркулов томонидан аниқланган. Шу тепаликнинг ғарбий этагида Омондарасой ва Толлисой сувлари қўшилади.

Ниёзбулоқ – икки жойда, яъни Юқори қишлоқ ва Кудуқчада мавжуд.

Ниёзнинг камари – Кўрбулоқнинг жануби-шарқида.

Новбулоқ – Қорачоғолнинг жанубий томонида. Ундан Чўммок қишлоғи аҳолиси фойдаланади.

Намозбулоқ – Тошбулоқ билан Ашур бобо чорбоғи ўртасида.

Номсиз тепа – Галашерик билан Фермасой оралиғидаги тепалик, кир.

Норбойдўнг – Тошбулоқнинг шарқидаги тепалик.

Нурумнинг чинақайи – Қаррикўл билан Давкамар оралиғидаги ингичка кир бўлиб, уни Жомдан Жўллисойга боришдаги йўл кесиб ўтади. Бу жой Нурум бобога тегишли бўлган.

Нурбойнинг камари – Нурумнинг чинақайига яқин жой.

Нуртой танги – Шойматбойнинг чорбоғидан оққан сув ўтадиган тор жой.

Ойпар – Қўнғирот камар билан Сонсувоқ орасидаги жой. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг отаси Маҳмадўст раисга отаси Холбозор бобонинг айтганларидан – Қўнғиротларнинг аёллари жуда ақлли, уddaбурон ва сулув эди. Биз йигитлар уларнинг чиройини, отда юришларини тамоша қилиш учун борардик. Айниқса, Ойпар исмли қиз ўта сулув бўлиб, Ойбарчиннинг тирик

тимсоли эди. Бугунги Ойпар шу гўзал кўнғирот қизи исмининг ўзгарган шакли.

Ойхолсой – Тийилдининг шаркида. Сори Формон қассоб ўғлининг берган маълумотига кўра, бу сойда кўнғирот уруғига мансуб, эридан бева қолган Ойхол момо икки қизи билан истиқомат қилган. Қўй-эчкилари, қорамоллари, йилқилари кўп бўлиб, уларни хизматкорлари боқишган.

Ойгутон – асли Ойқўтон маъносини билдиради. Боймат бобонинг ғарб, Қудуқчанинг жануб томонидаги жойлар.

Олтипойга – Айритом билан чегарада жойлашган. Бу жойда яшаган қозоқ аёли битта катта қудуқ қаздирган. Жамоалаштириш даврида раис М.Холбозоров битта ертўла кавлатган бўлиб, унинг ичидаги иккита хонага 16 тадан, жами 32 бош хўкиз боғланган. Охурлар ҳам ернинг ўзидан кавланган. Ертўлага ер ҳайдаш учун 16 омон, ем-хашақлар, нима зарур бўлса, барчаси жойлаштирилган, бир хонасида одамлар яшашган. Ертўла Эроли бобо томонидан кавланган. М.Холбозоров Эроли бобо меҳнат ҳақингизга қанча ғалла берай, деганда, – раисжон бир пуд ғалла берсангиз бўлди, деган экан. М.Холбозоров унга 100 килограмм буғдой бердирган. Аждодларимиз ўзларининг нафсларини жиловлай олишган, бўлмаса шундай катта меҳнат эвазига бир пуд ғалла сўралармиди!

Олтитўла – Хоразм билан Галатўла оралиғидаги Гумнинг ичида жойлашган.

Олчали булоқ – Туятош томондан Ҳафринсойга қараб оқади. Булоқ бўйида олча дарахтлари ўсган.

Омонбой бобонинг ҳовузи – Мулла Холикул чавандознинг отасига тегишли ҳовуз. У Каттатепанинг қибла томонида бўлган. Сувнинг ерга сингиб кетишининг олдини олиш мақсадида боболаримиз ҳовузга отларни оралатишган.

Омондара – Омонлик дараси. Ривоят қилишларича, қишлоққа душман босқини бўлади. Санокли одамларгина шу дарада яшириниб жон сақлаб қолишади ва бу жойни Омондара, деб аташади.

Омондара булоғи – Омондара кўприги билан Ғиштбанд оралиғидаги Жомнинг энг катта асосий булоғи. Жом қишлоғининг мавжудлиги шу булоққа боғлиқ.

Омонтўла – Соатов Омон бригадир раҳбарлигида кавланган битта ертўла.

Ортиқ бобонинг тими – Каттакамар билан Мирзакамар оралигида.

Отабой бобо қабристони – Мавлонаи Жом ота қабристони билан Отқамар оралигида. Отабой бобо деган киши ўтган, у доимо тошларнинг тагини кавлаб юрган. Айтишларича, тош тагига ўзи қўмган олтинлар ўрнини унутиб қўйган. Ўлган жойига мулла Холиқул қози дафн қилдирган. Тириклигида ҳам у мулла Холиқул қози қарамоғида бўлган.

Отаёрсой – Авлияшнинг шарқида.

Отчопар – Ойғутондаги Омондара маҳалласининг кўпқари жойи.

Отқамар – Отабой бобо қабристонининг шарқида. Асов йилқилар шу жойга қамаб ушланган.

Оқгаза – биринчиси, Каттакамар ва Чўнқаймиш, иккинчиси, Дюккер билан Чимқўтон оралигида.

Оқсувбет – Яккатол билан Кармовул оралигида, Дасманнинг жанубий томонидаги қир ёнбағри.

Оқтош – Товуқхонанинг шарқий қисмида. Бу жойда қабристон, тегирмон ва масжиднинг ўрни бор. Қадимда масжид ўрнида катта оқ тош бўлган. Тегирмон Омондара булоғи суви билан юргизилган. Эски анҳор, Ўсарқўл, Товуқхона, Оқтошмозор, Чимқўтон бир-бирига яқин жойлар.

Оқтош ота қабристони – Супақишлоқ билан Дасман оралигида.

Оқтоғ – Чўнқаймишнинг шарқидаги баланд тоғ тизмаси. Унинг устида йил давомида оппоқ қор қўриниб туради.

Оқчоғол – Чўммоқ қишлоқ билан Тутли оралигида жойлашган узун тоғ. Чоғол тоғ маъносини англатади.

Оқшоппа – Яккачоғолнинг шарқий қисмида, Ғиштбандга нисбатан шимоли-ғарбда жойлашган, Жом тоғлари орасида энг кўп тошларга бой, тик қояли жой.

Оғилсой – Бовамқишлоқдаги Яккачоғол билан Супақишлоқ оралигидаги сой.

Пистали – кадимда писта ўрмон бўлган. Ҳозирга келиб бир дона писта қолган. Бу дарахт ҳар йили баҳорда гуллайди, бироқ ҳосил бермайди.

Писталибулоқ – Пистали сойдаги қишин-ёзин суви қуримайдиган булоқ.

Пистали сой – Пистали билан Қомовтанги оралиғи.

Планли тоғ – Эйрисойнинг шимол томонидаги Жомнинг энг баланд тоғи.

Райимқул бобонинг ери – Юқори қишлоқ билан Қудуқ оралиғи.

Сариқтолбулоқ – Жарбулоқнинг жанубий юқори қисмида.

Сариқчўққи – Ҳафринбобо қабристонидан шарқ томон кўтарилиб борган тоғнинг сариқ тусли энг баланд чўққиси.

Саркамтош – Туятошнинг шарқида.

Сассиқ – Аччи билан Сонсувлук орасидаги жой бўлиб, табиатнинг турфа ўсимликлари ўсиб, ажойиб ҳид таратиб туради. Боболар шу ҳид туфайли, сассиқ деб аташган.

Сассиқбулоқ – Ашур бобо чорбоғининг жанубида.

Сафар шайит – Катта кўтал, Кичик кўтал ва Қўнғиротлар қишлоғи орасида жойлашган қабристон.

Сигиртепа – Амир Темур номли мактабнинг шимолидаги сигирнинг ястаниб ётишига ўхшаш тепалик. Авлияшга томон сойдан ўтгач, чап кўлда ва Умакайда ҳам Сигиртепа номли тепаликлар бор.

Совуқбулоқ – Кичкина толлида, Шойматбойнинг чорбоғидаги суви ўта совуқ булоқ.

Сонсувлук – Қўнғироткамарга яқин. Асли номи сонсиз сувлот бўлиб, бугунги кунда унинг тагида катта кўл борлиги аниқланган. Бу жойда ўрганилишини кутиб ётган археологик ашёлар жуда кўп.

Сувлисой – Чўчкабулоқдан Отқамар томон оқадиган узун сой.

Супақишлоқ – Аноргузарнинг ғарбий, Тоштубачакнинг жанубий қисмидаги текис ерлар.

Сўписой – Юқориғўл билан Бойўғлихона оралиғидаги экин экиладиган ерлар.

Сўфи Оллоёр – Самарқанд яқинидаги Минглар қишлоғидан бўлган, Бухородаги жўйбор шайхлари даргоҳида таълим олган XVII асрнинг мутасаввуф шоири. Ривоят қилишларича, Сўфи

Оллоёр Анжирлининг шаркидаги тоғ устида сўфилар билан бир кеча тунаб, эрталаб Тўғрисўфига йўл бошланг, дейди. Шундай қилиб, бу туналган жой Тўғрисўфи номини олади. Улар кечга яқин хозирги Чинор ота, деб аталадиган Чўнқаймишдаги булок бошида тунашадилар. Сўфи Оллоёр тонгда ерга тикиб қўйган ҳассасида ўсиш аломатларини кўриб, уни шу жойда қолдиради. Бугунги кунда ўша ҳасса улкан чинорга айланган. Эрталаб Сўфи Оллоёр Йўрғасўфига йўл бошланг, – дейди ва бу тунаш жойи Йўрғасўфи, кейинчалик Йўрғабулок, деб аталган.

Танги – Чамбилтоғ билан Кичик кўтал тепалиги орасидаги тор жой.

Тангибулок – Шойматбой чорбоғининг Танги томонида.

Таромиш – Каттатепа атрофида жойлашган қишлоқ.

Тахти Исо – Чўнқаймишдаги Оқтоғ шимолидаги баланд чўққи. Бу чўққи оралиғида бошқа тоғ тизмаси бўлишига қарамасдан, Каттакўрғон, Гўзалкент, Жума, Гумбаз, Бурганли томонлардан ҳам яққол кўриниб туради.

Тепасой – Катта чўл билан Туркманқир оралиғида.

Терс – аксарият сувлар шарқдан ғарб томон оқади. Анназират ва Чўнқаймиш сойларидан келган сувлар қўшилиб дастлаб жануб, кейин шарқ томон оқиб - Қашқадарё сув омборига қуйилади.

Тийилди – Дўғоб билан Туятош оралиғида.

Тилавбойнинг ери – Омондарасой атрофидаги ва Гулжовғошиннинг жануби-ғарбидаги суғориладиган ерлар.

Тинчлик қишлоғи – Эски анҳор бўйида.

Тиқилинчжар – Сарикчўққи тоғидан Найманкўтон оркали сув оқадиган тор жарлик.

Товукхона – Ўсаркўлнинг шаркидаги 1936 йилда ташкил этилган товуқ фермаси ўрни.

Тойпонг – Зиннонсойнинг шаркидаги кенг ва нисбатан текис ерлар. Тайпок(ясси) сўзининг ўзгарган шакли.

Токли – Дўғобдан Қорақияга ўтишдаги камар.

Толли – Катта толли ва Кичик толлидан ташкил топган ҳудуд.

Толлибулок – Шойматбой чорбоғи ичида.

Тошбулок – Ашур бобонинг чорбоғи билан Танги оралиғида.

Тошгаза – Торамишдан Жайилмага ўтишдаги тошли тепалик.

Тоштубачак – Илонлисойнинг ғарби, Супақишлокнинг шимолидаги тошли тепалик.

Тошқўра – табиий равишда тошлардан қўра шакли ҳосил бўлган. Унинг очиқ қолган жойлари одамлар томонидан тош билан ёпилган. Натижада, 300-400 қўй сиғадиган қўра пайдо бўлган ва жамоа хўжалиги даврида ундан фойдаланилган. Тошқўра жойлашган 700-800 метрлик сой уч томондан тоғлар билан ўралган, қибла томони очиқ, унда чўнқаймишликлар тўйларида кўпқари чопишади.

Тошқўрғон – Анназират билан Жуз қишлоғи оралиғида. Мексика тоғларининг Тошқўрғон тоғларига ўхшашлиги ва киноактриса Павлинанинг гўзаллигидан лол қолган Холмўмин Мейли ўғли шундай куйлайди:

*Тошқўрғоннинг камари, ҳуриллайди шамоли,
Мени лол қолдирган, Павлинанинг жамоли.
Осмондаги лочин қуш, ақлинг бўлса настлаб уч,
Павлинага хат ёзай, Мексикага ташлаб уч.*

Турдиқишлоқ – Мажакнинг жанубий қисми.

Туркманқир – Катта чўл атрофида. Қирнинг тепаси туркманлар дўпписига ўхшаганлиги учун шундай ном олган.

Туя бўйноқ – Туркман қирнинг давоми бўлиб, унинг кўриниши туянинг бўйнига ўхшаб кетади.

Туятош – Дўғоб билан Қайрағоч оралиғидаги тош.

Туяхона – Мавлонаи Жом ота қабристонининг қибла томонида қурилган кенг майдонли бино. Собиқ «Ленин йўли» номли жамоа хўжалиги идораси, сўнгра мактаб бўлган. Хўжаликлар бирлашгач, 116 дона туя сақланган, улардан тул олинган ва юк ташишда фойдаланилган.

Тўданали – Қўтонгаза ёнида.

Узункир – Ашур бобо ва Шойматбой чорбоғлари орасида.

Уйикуйди – Жомдан Умакай томонга ошиб ўтиладиган тепаликнинг ғарбий қисми. Аجدодларимиздан бири – ғалла экиб қурғокчилик туфайли ҳосил ололмади. Шунинг учун одамлар фалончининг уйи куйди, дейишган.

Ўралибет – Норбодўнгнинг шимолий томони. Бу қир ёнбағрида ёмғир суви тўхтамайди, ёққан қор тез эриб кетади. Буни эътиборга олган аجدодларимиз ўралар казиб, унинг таги, ёнларини

буғдойиқ ва мита тушмаслиги учун ялпиз билан ҳимоялаб ичига ғалла солишган. Ғалланинг устини ҳам буғдойиқ ва ялпиз билан ёпишиб, босқинчи ўғрилардан асраш мақсадида ер билан бир текис қилиб тупроқ билан қўмишган. Ҳар бир оила ўзининг ўрасини билган. Буғдойиқ намни ғаллага ўтказмасдан ўзида ушлаб қолган.

Учайри – Чўнқаймиш қишлоғининг жануб томонидаги учта чўкки.

Учтумшук – Отқамар билан Боймат бобо оралиғидаги тоғ. Бу тоғда Кичик айригаза, Катта айригаза, Хаслитепа жойлашган. Тоғнинг энг баланд қисми – Катта айригаза оралиғида булоқ бор.

Фермасой – Номсизтепанинг шарқ томонида. Қиш ойларида ташқари, қолган уч фаслда жамоа фермасининг сигирлари шу сойда соғилган.

Хонақоҳ – Ҳафринбобо қабристонининг қибла томонидаги дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида қурилган, шайхнинг сўфилар ва дарвишлар билан зикру само қиладиган хонаси бўлган.

Хонжар бобонинг кўтони – Ҳафриндаги Қайрағоч билан Оқбулоқ оралиғида.

Хоразм – Октом, Айритом ва Сонсувлук оралиғида. Жамоалаштириш даврларида патифон пластинкасида «Хоразм узок жойдир, боришингиз осончилик, келишингиз қийинчилик» мазмунли ашула бўлган.

Хаслитепа – Учтумшукнинг Боймат бобо қисмида. Тошлар орасидаги кичик майдонча. Бу ерда ўсимликлар баҳорда ўсиб, кейин сарғайиб хасга айланади.

Хумртош – Қурбонбойсой бошида.

Хуррам бобонинг чими – Гум билан Киндик тепа оралиғида.

Хушаклигаза (Ўшакли, Шухокли тожикча шўрхок, шўр тупроқ маъносини беради) – Еттитандирнинг Оқбулоғи билан Ҳафринбобо булоғи оралиғида.

Хўжа қишлоқ – Жуз билан Терс оралиғида.

Чамбил – Чамбил тоғнинг шимолий ёнбағри. Чамбил тўғрисида Бердиниёз Даврон ўғли шундай дерди: Чамбил белдан от қочирдим изи йўқ, Гурўғлининг ўғли тугул қизи йўқ.

Чамбил тоғ – Баччакалондан Тангигача бўлган тоғ.

Чимкўтон – Ўсаркўл шарқидаги эрта баҳор ва кеч кузда бўз ердан кетмон билан тўғри тўрт бурчак шаклида ўйиб олинган чимдан курилган қўйлар қамаладиган кўра.

Чинор ота – Чўнқаймишда, Йўрғабулоққа яқин, бу жойда асрлардан гувоҳлик берувчи улкан чинор дарахти ва булоқ мавжуд.

Читирли хирмонжой – Мирзакамар билан Қудуқ оралиғида.

Чонғароктош ва Қоратош – Ҳафрин Қайрағочи атрофида.

Чортоқ – Бошбулоқ билан Бурим оралиғида жойлашган кўп-кари жойда 1916 йилда Ҳайдар табиб томонидан қурдирилган.

Чоршанба чўққи – Яшин ёрганнинг жанубий томони. Жом билан Сарсон оралиғидаги чўққи.

Чўнқаймиш – узокдан чўнқайиб ўтирган одам кўринишидаги тоғ. Қадимда бу жойлар қамишзор бўлганлиги учун «Чин қамиш» маъносида ҳам талқин этилади.

Чўнқаймиш сой – Оқ тоғдан бошланиб, шарқ томон оқади. Унинг жануб томонида, қадимдан машҳур гапга чечан Тайлоқ кўнғиротнинг авлод-аждодлари, яшайди. Улардан қибла томонда Қирсой ва Лукки қишлоқлари жойлашган. Асосий аҳолиси асли кўнғиротлар. Соининг шимол қисмида Жузқишлоқ жойлашган.

Чўмичқир – Оқчағол билан Кичик кўтал оралиғида.

Чўммоқ – Жомнинг асосий қисмидан маълум масофа ажралган, Бурим билан Юқори қишлоқ оралиғидаги кичик қишлоқ.

Чўпонота – Каттакўталнинг устки шимол томонидаги тоғлик.

Чўтман ёки Чўтман равот – Бу жойда Абдуллахоннинг равоти жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам қадимий квадрат шаклидаги пишган ғиштлар сочилиб ётибди.

Чўчкабулоқ – Илгари бу ерлар ўт-ўланлар зич ўсган кўрқинчли жойлар эди. Турли ёввойи ҳайвонлар, айниқса, чўчка кўп бўлган.

Чўқмортош – Ҳафринбобо қабристони билан Хушакли газа оралиғида.

Шамолли – Кулгазанинг қибла томонида бўлиб, йил давомида шамол эсиб туради.

Шакарбулоқ – Қорачоғолнинг жанубий қисмида. Сувидан юқори қишлоқ аҳолиси фойдаланади.

Шаршара – Бешбармоқ билан Дорсой оралиғида.

Шағалли сой – Тоштубачакнинг шимоли, Илонлисойнинг ғарбидаги ёмғир-қор сувлари Оқтош ота қабристони томон оқаيدиган сой.

Шулликли булоқ – Каптархона ғарбида. Суви бошқа булоқлар-никидан бироз илиқроқ бўлгани учун унда зулук кўп бўлади.

Шодмон қир – Катта чўл атрофида. Қадимда бу қирда одамлар сайил, йил боши каби байрамларни ўтказишган.

Шойматбойнинг чорбоғи – Кичкина толлида.

Шўрбулоқ – Омондарадаги булоқлардан бири бўлиб, сувининг юзи ёғли, айтишларича, тагида нефт бўлиши мумкин.

Эйрисой – Катта кулгаза билан Пистали оралиғида.

Эрали бобонинг камари – Сарикчўкки билан Бурим оралиғида.

Эскианҳор – қишлоқнинг ғарбий чегарасидан ўтувчи, Дарғом-дан сув оладиган катта тарихга эга бўлган анҳор. 1960 йиллар атрофида жомликлар анҳорнинг ғарбий томонида деҳқончилик қилар, пахта экарди.

Эскионна – Яккабулоқдан Дюккергача бўлган сойлик.

Эшмат мерганнинг ери – Оқчағол билан Чамбилтоғ оралиғи. Мерган асли Толлида яшаган кўнғиротлардан бўлиб, Чўнқаймишга кўчганидан сўнг бу ерлар Эшмирза Омонтурди ўғли тасарруфида қолган.

Юқори қишлоқ – Чўммоқ қишлоқ билан Бешбулоқ оралиғида.

Яккабулоқ – Жом билан Иброҳим ота оралиғидаги булоқ.

Яккатол – Ҳафрин билан Оқсувбет оралиғи.

Яккачоғал ёки Бўлакчоғол – Боймат бобо билан Бовамқишлоқ орасидаги тоғ.

Яккаҳаргана – Жамолқирда. Асрлардан гувоҳлик бериб турган бу ноёб ҳаргана 2007 йилда Чўммоқ қишлоқликлар томонидан қиркилиб ўтин қилинган.

Яхшибойтепа – Мажакдаги Катта сойнинг шарқида.

Яшин ёрган – Авлияшнинг жанубидаги тоғ ёнбағри. Қадимги номи Ёишоли. Бу жойда табиий тегирмон тоши бўлиб, унинг ўртасида сув тўпланадиган чуқурлик бор.

Яшинжарбулоқ – Яшинжар сойидаги булоқ.

Ўрмон – Оқ тоғ билан Чўнқаймиш қишлоғи оралиғида. Бу ўрмоннинг бунёд этилишида Чўнқаймишлик муаллим Раззок Ботировнинг хизматлари катта.

Ўртабулоқ – Азартепа билан Бошбулоқ оралиғида.
 Ўртачоғол ёки Эшматчоғол – Эйрисойнинг жанубида.
 Ўртақир – Ўртачоғол билан Боймат бобо оралиғида.
 Ўсаркўл – Ўсарбой кавлатган кўл бўлиб, Эски анҳор билан поезд йўли оралиғида жойлашган.
 Ўта бобо булоғи – Отаёрсойда.
 Ўтаманбулоқ – суви тоғдан Турдиқишлоққа оқиб келадиган булоқ.
 Ўтпоя – Тепасой билан Каптархона оралиғи.
 Ўташнинг қизили – Мавлонаи Жом ота қабристонининг шимол томонидаги асфальт йўлга яқин жойлашган қизил тусдаги тумшук.
 Ўқсой – Иброҳим отадан Эски анҳоргача бўлган сой.
 Қадимтепа – Каптархонанинг жанубий устки қисмидаги қадимий қабристон. Мармар қазиб олиш муносабати билан ўтказилган тоғ йўли, келгусида аجدодлар тарихини очишда ёрдам берувчи қадимий қабристонга катта зиён етказди.
 Қайрағоч – бундай ном қишлоқ ҳудудининг бир неча жойида мавжуд. Планли тоғ этагидаги Яккабулоқ атрофида улкан қайрағоч бўлган. Унинг тагида Қашқадарё – Самарқанд йўналишида келиб-кетаётган йўловчилар, Чўнқаймиш- Бешбармоқ йўналишида тоғ оралаб катта йўлга чиққанлар дам олишган. Дўғоб билан Жарбулоқ оралиғида ҳам Қайрағоч номли жой бор.
 Қамиштумшук – Ғиштбанд атрофидаги қамиш ўсган тепалик.
 Қамовтанги – Пистали сойнинг қуйи қисми.
 Қаррикўл – бу жойга 1916 йилда мулла Иброҳим Жабборқул ўғли билан мулла Мирза Дўст ўғли ҳамкорликда ҳашар йўли билан Жомдан ариқ қазиб, сув олиб боришган. 1917 йилда Абдусаттор Шермат ўғли бошчилигида одамлар чўлга келишиб, уч хоналик ертўлалар қазилган. Ертўланинг бир хонаси одам яшаши, иккинчи хонаси ем-хашак солиш, учинчиси молларни асраш учун хизмат қилган.
 Қизилбулоқ – Сарикчўққи тоғининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Бу булоқни қўзи ва улоқларни тириклай ютиб юбориш даражасида улкан бўлган илон қўриқлаган. Илон шу жойда ер очиб томорқа қилмоқчи бўлган мерган Жумабой

Жонқобилов томонидан отиб ўлдирилган. Шундан сўнг мерганнинг ўзи ҳам хасталаниб вафот этган.

Қизилорқабул – Гаванжар билан Обохлаи оралиғи.

Қизилтош – Жимилди билан Ойпар оралиғидаги, тош ва кумлари қизил тусда бўлган жой.

Қизилқот – Дорсой билан Бозортош оралиғида. Бу жойда Азартепа номли қадимий қабристон мавжуд.

Қирққиз – Чўнқаймишда.

Қизил ғор – атрофи ва ички қисми қизил рангда бўлганлиги учун унга шундай ном берилган. Ғор оғзи қуёш чиқар томонга қараган. Унда оссуорий (суякдон) қолдиқлари мавжуд. Кейинчалик бу ғорда одамлар яшаб жон сақлаганлар, ёқилган оловдан ғор шифтларига қора қурум ўтириб қолганлиги бундан далолат беради.

Қизилғўри – Каптархонанинг шимол томонидаги тоғда бўлиб, бошқа тоғлардан қизиллиги ва баландлиги билан ажралиб турадиган, бўртиб чиққан тоғ жинслари уюми. Дўлтали унинг пастки қисмида. Яқин даврларгача момоларимиз кигиз жуни ва гилам ипларини Қизилғўрининг қизил рангдаги тупроғи билан бўйлашган.

Қирғинтепа – Дюккернинг жанубий қисмидаги тепалик. Касалликдан қирғилиб кетган одамлар шу тепаликка кўмилган. Бундан ташқари Чимкўтон билан Ўқсой оралиғида иккинчи Қирғинтепа ҳам мавжуд.

Қовчин – шу уруққа мансуб одамлар яшаган Омонтўла атрофидаги жой номи.

Қорагаза – Каптархонанинг шарқида.

Қоразов – Окшоппа билан Планли тоғ орасида, Эйрисойга қиришнинг шарқий қисмидаги қора тусли тик қояларга бой тоғ қисми.

Қоразовдаги булоқ Ғиштбанд томон оқади.

Қорақамар, Қорақуюк – Жом билан Оқтом, Ўртабўз оралиғида.

Қорачоғол – Омондарадан Бешбулоқ томон чўзилган тоғ. Жомнинг бошқа тоғлари қатори бу ерда ҳам мармар кони очиш илинжида портлатишлар амалга оширилди. Бунга асло йўл

қўйилиши мумкин эмас, акс ҳолда Омондара булоғи ва Ўртабулоқ сув йўллари тўсилиб, Жом кишлоғи сувдан қийналиши мумкин.

Қоратош – Калтасой билан Еттитандир оралиғида. Баччакалонга яқин.

Қоровултепа – Мавлонаи Жом ота қабристонининг шимол томонидаги мрамар қони юқорисида. Жомга кириб келаётган қўшин, элчи, қарвонлардан хабардор бўлиш учун қоровуллар қўйилган тепалик.

Қоқ – Планли тоғ билан Пистали оралиғидаги тошли тепалик устидаги 20-25 литр сув кетадиган тош товоқ.

Қудуқ – Юқори қишлоқдан Бешбулоққа чиқишнинг жанубий қисмида.

Қудуқча – Бўғозтош ва Занги бобо номи билан боғлиқ жойлар бир-бирига яқин бўлиб, Катта айригаза билан Сувлисой оралиғида.

Қумбулоқ – Юқори қишлоқнинг ғарбидаги сойда.

Қурбонбой сой – Қорачоғол билан Юқори қишлоқ орасидаги сой.

Қурбонбулоқ – Отқамарнинг шарқий, Учтумшукнинг жанубий томонидаги сойда.

Қурбонлик тоши – Дорсойдаги қабристоннинг жануби-шарқида. Қурбонлик қилинган жониворларнинг қони шу тош тешигига оқизилган.

Қўнғиротқамар – қадимда қўнғирот уруғига мансуб аҳоли яшаган жой. Сонсувлукқа яқин.

Қўнғиротлар қишлоғи – Кичик қўталдан Толлига ошган жойдаги қадимий қишлоқ ўрни.

Қўрғонтепа – Қалбет қишлоғидаги қадимий Қўрғон жойлашган тепалик. Ҳозирда ҳам тепа устида Қўрғон харобалари сақланиб қолган, тахминан 25 сотихдан кам бўлмаган тўртбурчак шаклдаги майдондан иборат.

Қўтирбулоқ – Мирзақамар билан Давлатқир оралиғида.

Қўтонгаза – Дўғобнинг ғарбида.

Қўштепа – Терс ҳовузининг шимолидаги Қоровултепага ўхшаш назорат пункти (тепалик).

Ғий-ғий булоқ – Бешбулоқнинг бир булоғи бўлиб, булоқ атрофида ўсган қамишларнинг бир-бирига ишқалишидан шундай товуш чиққан.

Ғишоли (арабча парда, юпка пўст маъносини билдиради) – Мўлла Суюн билан Жўллисой оралиғида. Бундан ташқари Яшин ёрганнинг қадимги номи Ғишоли деб аталган бўлса, Туйилди ёнида Калта ғишоли, Дуғоб ёнида ҳам Ғишоли номли жойлар мавжуд.

Ғиштбанд – асли тошбанд бўлиб, Каптархона билан Омондара булоғи оралиғида жойлашган тўғон ўрни.

Ғожғолтош – Оғилсойнинг шимол, Керагатошнинг жанубий қуйи қисмидаги тепалик. Шу тепалик орқали Яккачоғолга чиқилади.

Ғофур тоғ – Калтасойнинг қибла томонидаги тоғ.

Ғужум тош – Кичкина толлидан Қорақияга ошиб ўтишдаги жой.

Ғасан кўтон – Чўнкаймишдаги ўрмоннинг жануби-шарқий қисмида.

Ғафринбобо – Жомдаги қадимий қабристонлардан бири.

Ғафринсой – Хушакли газа билан Кармовул оралиғида.

Ғафринсой булоқлари – Ғафрин бобо булоғи ёки Бошбулоқ, Ўртабулоқ, Норкалла бобонинг булоғи.

Ғовуз – Шойматбой ва Ашур бобо чорбоғлари юқорисида иккита ҳовуз бўлиб, уларда булоқ сувлари тўпланиб, сўнгра томорқалар суғорилган.

«ҒАФРИН» ТЕРМИНИ ҒАҚИДА

Унга қишлоқ мактабининг «Ўзбек тили ва адабиёти» фани ўқитувчиси Ёрмат Садинов «Ғафт ранг», яъни етти рангда товланувчи жой, деб таъриф берган. «Ғафранг» сўзи сарғиш тусли маъносида ҳам ишлатилади [57.655]. Бироқ қишлоқ аҳолиси орасида «Ғафт ринд», яъни «Оллоҳнинг етти ошиқлари» яшаган жой, – деган ривоят ҳам бор. Ринд – зийрак, хушёр, эркин фикр юритувчи маъноларини англатади [59.139]. Ғақиқатан, Ғафрин-бободаги кўҳна ва янги қабристонлар оралиғида эски хонақоҳ бор. Бу жойда суфизм таълимоти тарғиб қилинган.

Суфизм, тасаввуф – исломдаги йирик фалсафий оқим бўлиб, унинг асосий объекти инсоннинг Оллоҳга муносабатидир. Профессор Б.Ўринбоев маълумотига асосан, суфийлик йўли (сулуки, тариқати), руҳий камолотга эришиш йўлларининг 76 йўналиши мавжуд. Мовароуннаҳрда тасаввуф Х асрда тарқала бошлаган. Бунда йирик мутасаввуф Юсуф Ҳамадонийнинг (1048-1140 й.й.) хизматлари катта. Ундан Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний тасаввуф илмидан таълим олган. Абдуҳолик Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий отаси. «Нақшбандия» таълимотининг суфийлик йўналиши таркибига кирувчи ўн битта қондаси бўлиб, улардан тўрттаси (Хуш дар дам, Назар дар қадам, Сафар дар ватан, Хилват дар анжуман) Шайх Юсуф Ҳамадоний томонидан, яна тўрттаси (Ёдқард, Бозгашт, Ниғоҳдошт, Ёддошт) Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний томонидан, қолган учтаси (Вуқуфи ададий, Вуқуфи замоний, Вуқуфи қалбий) Хожа Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган.

«Нақшбандия» таълимоти асосида халқ оғирини енгил қилиш, ҳалол бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш ва «даст ба қор-у дил ба ёр» (қўл меҳнат билан машғул, дилда Худо бўлсин) каби олижаноб, дунёвий ва ҳаётий ғоялар ётади.

«Нақшбандия» тариқатининг XV асрдаги энг йирик вакили мутасаввуф донишманд Хожа Аҳрори Валий «биз халқнинг оғирини енгил қилмоқ учун, ҳалойиқ бахти саодати, деб подшоҳлар ва султонларга яқинлашганмиз», -деганди. Хожа Аҳрори Валий усталик ва донолик билан шоҳлар, султонларни мурасага келтириб, халқни офатлардан сақлаган.

Бухоро шаҳрида жойлашган жуда катта тарихий, меъморий мажмуа – Баҳоуддин Нақшбанд хонақоси номи билан юритилади. Абдуҳолик Ғиждувоний номи билан аталадиган хонақоҳлар ҳам мавжуд. Хонақоҳ шайхнинг сўфи ва дарвишлар билан зикру само қиладиган хонаси. Дарвешлар, зиёратчиларнинг тунаш жойи тарзида қурилган [70; 64. 332].

Ҳафринбободаги хонақоҳда йилнинг маълум даврларида дарвешлар тўпланишган. Дарвешлар киноларда кўрсатиладиган жулдурвақи одамлар бўлишмаган. Улар эғнига етти хил рангдаги матолардан тикилган чакмон, бошларига қулоҳ кийишган. Аҳоли уларнинг кийимларига қараб, дарвешликларини билишган ва

хурмат-эҳтиром кўрсатишган. Бухоронинг халқ севган амирларидан Амир Шоҳмурод мадрасани битириб, дарвешлик сулуки тарафдори, тарғиботчиларидан бирига айланган.

Комил инсонликка эришишнинг етти даражаси (дарвеш, ориф, олим, вале, наъбий, қутб, пайғамбар) бўлиб, дарвешлар шунга мос равишда етти хил рангда либос кийишган. Дарвешлар маълум даражага етишгач, тасаввуф илмининг 76 йўналишидан фақат биттаси билан шуғулланиб, уни эгаллаб орифлик даражасига эришган. [33. 143].

Дарвешлар кийимларидаги рангларга монанд равишда «Хафт ранг» иборасидан «Хафрин» термини келиб чиққан, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бизнингча, «Хафрин» термини ўзбек уруғлари таркибига кирган «Хабрин»нинг жой номига кўчган шакли, яъни этноойконимидан иборат.

Икки сой суви қўшиладиган жойнинг Дўғоб, асли – Ду об, деб аталиши, «Бачча калон», «Хафт ринд», «Хафт ранг» каби иборалар ва Хафринбобо чашмасидаги кўк тошдаги ёзувлар қадимда Жомда туркий қавмлар билан биргаликда сўғдий забон аҳоли ҳам яшаганлигини билдиради.

ТАРИХЛАРГА ТЕНГДОШ МАСКАН

Археолог олим Я.Ғ.Ғуломов ёзганидек, инсоният тарихининг қадимий даври-полеолит давридаёқ, яъни милoddан 3-2 миллион йил аввал Ўрта Осиё территориясида одамлар яшай бошлаган [66.8]. Ер юзида иқлим илиқ бўлган кезларда одамлар манзилгоҳлари кичкина дарёлар ёки сувлар яқинидаги тепаликларда жойлашган [48]. Жомдаги қулай иқлим шароит, тоғлар, улардаги ғорлар, саноксиз булоқлар, бой ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ибтидоий аجدодларнинг яшашлари учун ўта қулай бўлган.

Оби Ём, яъни Жом қишлоғи тўғрисида машҳур тарихчилар Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Муъниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворих»ида, Абураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайин ва мажмуа ул-бахрайн»ида, В.Бартольднинг «Улуғбек ва унинг замони»да, археолог олимлар В.Вяткиннинг «Самарқанд вилоятининг материаллари ва тарихий географияси», профессор

А.Мухаммаджоновнинг «Археология асослари» дарслигида, ЎзСЭнинг 14 жилдлигида, шарқ қўлёзмалари ва аждодлар тарихининг билимдони Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурни ёд этиб», «Амир Темур» каби қатор тарихий асарларида, шунингдек, ҳозирги замон маҳаллий ва хорижий нашрларида жуда кўплаб қимматли маълумотлар ёзилган.

Кўҳна тарихий манбаларда қишлоқ номининг машҳур воқеалар билан боғлиқ равишда такрор-такрор қайд этилиши ва Хитой, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларини боғловчи «Буюк ипак йўли»нинг Самарқанд-Жом-Қарши ҳамда Бухоро-Тим-Жом-Шаҳрисабз қисмида ва уларнинг чорраҳасида жойлашганлигининг ўзи Жомнинг узоқ ўтмишга ва цивилизация (тамаддун)га эга бўлганлигини билдиради. «Буюк ипак йўли» милоддан аввалги II асрдан милодий XVI асргача халқларни, маданиятларни бири-бирига боғлаган. Бу йўлга «Ипак йўли» номи 1877 йилда немис географи Ф.Рихтгофен томонидан берилган. «Буюк ипак йўли» 12 минг километр узунликда бўлган. Хитойдан асосан ипак экспорт қилинганлиги туфайли тарихда «Ипак йўли» номи билан шуҳрат қозонган [67; 48].

Денгиз йўллариининг ривожланиши билан «Буюк ипак йўли» инкирозга учраган бўлса, XXI асрга келиб юкларнинг узоқ муддат бандаргоҳларда туриб қолаётгани ва жаҳон миқёсидаги тезкор иқтисодий тараққиёт уни қайта тиклаш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу ишни амалга оширишга Хитой давлати қаттиқ киришган. Кейинги пайтларда «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш масаласи турли доиралардаги анжуманларнинг асосий мавзуси бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини қуриш учун 447 миллион АҚШ доллари сарф бўлди, шунинг 150 миллиони Япония, қолгани эса республиканинг ички имкониятлари ҳисобига амалга оширилди [41]. 2009 йилда Самарқанд-Термиз йўлини икки баробарга кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Келгусида «Буюк ипак йўли»нинг бир тармоғи Жомдан ўтиши эътиборга олинса, қишлоқ учун катта тараққиёт эшиклари очилади. Шунинг учун ҳозирги умакайликлар сингари йўллар бўйлаб меҳмонхоналар, чойхоналар, ошхоналар, ёқилғи қуиш шохобчалари каби иншоотларни барпо этишга киришиш лозим.

Жомлик адабиётшунос олим О.Эшмуродовнинг илмий изланишларига асосан, Бобур мирзо 1483 йилнинг 14 феврида Андижон шаҳрида туғилгач, унинг отаси Умаршайх Мирзо Самарқандга Хожа Аҳрор Валий ҳузурига келиб ўғлига исм қўйиб беришни сўрайди. Хожа Аҳрор Валий боланинг исмини Заҳриддин Муҳаммад қўяди ва бу исмни авомнинг айтиши қийин бўлишини эътиборга олиб – Бобур, яъни Шер, деб аташларини ҳам каромат қиладилар. Шундай қилиб, жаҳонга машҳур Заҳриддин Муҳаммад Бобур исми дунёга келади.

Бобурнинг бош мақсади бобоси соҳибкирон Амир Темурнинг буюк давлатини қайта тиклашдан иборат эди. Самарқандга эгалик қилиш илинжида Шайбонийхон ва Бобур мирзо Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валийни ҳузурларига чорлаб, жангда ғолиблик учун дуо қилишларини сўради. Шайх иккаласининг қароргоҳларига ҳам бормади ва дуо ҳам қилмади. – Имони бутунингиз ғолиб бўлинг,- деди ва Самарқандни вайрон қилмасдан Кониғилда жанг қилишни буюрди. Бу жангда Шайбонийхон ғолиб бўлади. Бундан кейин нима қилишни сўраган Бобурга, унинг қизилбошлар билан алоқасини эътиборга олган Ҳазрат Худойдоди Валий, юзи қоралар мамлакатига кет, деди. Бобур мирзо Жом, Катта кўтал, Кичик кўтал ва уларнинг шимол томонидаги Чўпонота тоғларида сарсон-саргардон юриб, Шаҳрисабзга, Афғонга, ундан Ҳиндга кетади. Бобурномада тоғдан ошиб ўтиладиган доvon йўли – кўтал дейилган [17. 119].

Жомда Гирдикўрғондан Кармовул, Фермасой, Каттакўтал йўналишига эътибор қилинса, қирлар қирқилиб кетгандек. Бу йўллар қарвон қатнаши учун бунёд этилган. Қарвон йўлининг жануб томони, жумладан, Авлияш ва Номсизтепалардан одам суяклари топилмоқда. Бу жойларда қабристонлар бўлганлигини ҳеч бир жомлик эшитмаган. Ҳозирда бу қабристонлар ўрнида ҳовли-жойлар бунёд этилган. Мазкур ҳодисалар Жомнинг қадимий қишлоқ эканлигини исботлайди.

III асрда Хоразмда африғийлар, Ўрта Осиёда IV аср ўрталарида хионийлар, V асрнинг 20-йилларидан бошлаб кидарий (Тохар)лар, V асрнинг ўрталари ва VI асрнинг бошларида диёримизга эфталийлар ҳукмронлик қилган. Дарғом канали шу эфталийлар ҳукмронлик қилган V асрда бунёд этилган. Кўчманчи

чорвадор хионийлар, кидарийлар, эфталийлар маҳаллий афригий, туркий ва сўғдий аҳоли билан қоришиб кетган [37].

Милоддан аввалги 140-130 йиллардан милодий VIII асргача Ўзбекистон территориясида зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик ва қам (шомонийлик) каби бир нечта динлар мавжуд бўлган [48;38.26]. Ўрта Осиёда эфталийлар ҳукмронлик қилиб турган VI асрда Олтойда кўчманчиларнинг Турк хоқонлиги мавжуд бўлиб, улар 563-567 йилларда Эфталийлар давлатини йўқ қилиб ташлаган. Натижада, Ўрта Осиёда буддизм таназзулга юз тутган. Оташпарастлик асосий дин бўлиб қолган [66.56]. Зардуштийлик динида тўрт унсур тупрок, ҳаво, сув, олов муқаддаслаштирилган. Бу дин ўлган одамларни ерга кўмишни тақиқлаган. Улар мурдани кушлар ва ҳайвонлар еб кетиши учун қулай маҳсус иншоотда қолдиришган. Ёмғирлар поклаган ва офтоб қоқлаган суяклар йиғиб олиниб, маҳсус тайёрланган оссуарий (суяқдон)га солиниб қопқоғи ёпиб қўйилган [48]. Жомда аёл кишининг бўртма тасвири тушурилган шундай оссуарий Қизилғордан топилган.

Эрамиздан олдинги 329 йилда Юнон фотиҳи Искандар Зулқарнайн Эроннинг Сўза шаҳрида улкан тўй маросими ўтказиб, 90 та лашкарбоши, сафдошларини туронлик ва эронлик мағлуб подшоҳларнинг, аслзодаларнинг қизларига уйлантиради. Жасур сўғд баҳодир Спитаминнинг қизи гўзал Апама моҳир лашкарбоши Салавкага узатилади.

Искандар Зулқарнайн эрамиздан олдинги 323 йил 13 июнда 33 ёшида Вавилонда номаълум касалликдан вафот этгач, империянинг бир қисми, жумладан, Апаманинг юрти Сўғдиёна ҳам Салавка тасарруфида қолади. Милоддан аввалги 293 йилда Салавка шарқий вилоятлар – Парфия, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна ноиби этиб ўғли Антиохни тайинлайди [48].

Салавка ва Апамадан туғилган ўғил Антиох I Сотер иқтидорли лашкарбоши ва тадбиркор ҳукмдор бўлиб, милоддан аввалги 280 йилда отаси Салавканинг вафотидан сўнг улкан давлатга 20 йилча ҳукмронлик қилган. Антиох Туронда ўзининг номи билан аталувчи шаҳар барпо этган, олтин ва қумуш тангалар зарб қилдирган [48;13]. Бундан 2300 йил олдин зарб қилинган шундай қумуш тангалардан бири Яккатолдан ўқитувчи Нурулло Турсунов томонидан топилиб музейга тухфа этилган. Бу тангадан

жаҳоннинг санокли музейларидагина мавжуд. Танганинг юзига Антиохнинг сиймоси туширилган, орқасига эса номи ёзилган. Бу кумуш танга узоқ асрларнинг гувоҳи сифатида қадрлидир.

Антик даврда грек саркардаси Гелиокл зарб қилдирган яна бир ноёб танга Омондаралик Ғойибназаров Собир томонидан музейга тортиқ қилинди.

1997 йилда Жомнинг Калтасойидан топилган ниҳоятда бебаҳо мармар тусли тошда 60 та белги топилган. Бу белгилар бундан 2-2,5 минг йиллар олдин яратилган туркий халқлар ёзувлари бўлиб, француз олими Шампольон томонидан ўқилган турли типдаги Миср иероглиф ёзувларига ҳам, Эванс, Смес ва бошқалар бир аср давомида кашф этган Миххат ёзувларига ҳам, Томпсон, Радловлар ўқишга муяссар бўлган Сомий ёзувларига ҳам, дунё қиёсий-тарихий тилшунослик фанининг катта ютуғи бўлган Юнон ёзувларига ҳам ўхшамайди. Булардан ташқари Ўрта Осиёда араблар босқинига қадар бошқа қадимги ёзувлар ҳам бўлган. Улар жумласига хоразмий, бохтарий, сугдий, туркий, финикия, парфия, руний, оромий, иссиқ, «номаълум ёзув» кабилар киради. Қадимги оромий алифбоси асосида туркий ёзув кашф этилган. Иссиқ ёзув ҳам ҳали ўқилмаганлиги туфайли «номаълум ёзув» сирасига қўшилган бўлиб, у туркий ёзув ҳисобланмоқда [10.186-197]. Тошбитикни, яъни Калтасой ёзуви (битиғи)ни топган археолог А.Ёркуловнинг фикрича, белгилар орасидаги буғдой бошоғи сурати зардуштийлик даврига мансуб бўлиб, ундаги ёзув илоҳий китоб «Авесто»даги мадҳиялардан бири бўлиши мумкин. Бошқоқ ўтмишдаги ҳосилдорлик ва сув худо (маъбуда)си Анахита тимсолларидан бири. Калтасой битиғи қадимда аجدодларимиз ўз ёзувларига эга бўлганлиги, маърифатга интилганлиги, кучли таракқиёт бўлганлигини билдиради. Тошбитикнинг яна бир жиҳати зардуштийлик даврининг муҳим ёдгорлиги сифатида ўта қадрлидир.

Тошбитикнинг топилиши Жомнинг қадимий қишлоқ эканлигини кўрсатибгина қолмасдан, ундаги белгилар ҳали мавжуд бўлмаган тарихий ёзувнинг ихтиро қилинишига асос бўлиб хизмат қилса, ажабмас.

Каттатепа ва Ғиштбанддан А.Ёркулов топган сопол қозонлар қолдиқлари бундан 2300 йил олдин ясалган бўлиб, улар Термизнинг Фаёзтепасидан топилган қозонлар билан бир хил эканлиги археолог олимлар томонидан илмий асосланган.

«Зарафшон» газетасининг 2000 йил апрел сонидида Жом кишлоғининг Сигиртепасидан топилган бронзадан ясалган тешанинг бундан 35 аср олдин ясалганлиги Самарқанд шаҳридаги «Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи» олимлари томонидан «Самарқанд – 3500 ёшда» мақоласида эълон қилинган эди. Бронза теша аслида Сигиртепадан эмас, балки Гўлаксойнинг ғарбидан Орқабой Улуғов томонидан топилиб, Самарқанд шаҳри Регистонидаги музейга топширилган. 1995 йилда Номсизтепа ёнидан ертўла қавлаётган П.Аликулов бундан 35 аср олдинги қадимги қабрга дуч келди. Ундаги аёл киши бош суяги ёнидан учларига нафис қўнғироқчалар ўрнатилган ярим ой шаклидаги бронза сирға, тўғноғич ва бошқа қўплаб осори атиқалар топилди. 1996 йилда шу тепалик ёнида Б.Расулов ва Б.Тиллаевлар дала ва қурилиш ишлари мобайнида яна қадимги қабрларга дуч келишди. П.Аликулов ва Б.Расулов ҳовлилари оралигидан мис ойна топилди.

Номсизтепадан топилган учта қадимги қабрнинг аниқланиши, айниқса, диққатга сазовор. Маълумки, Ўрта Осиёда ислом дини ёйилгунига қадар аجدодларимиз қабрга ғужанак тарзда ёнбоши билан ётқизилган. Бронза даврида марҳумлар тириклик пайтидаги буюмлари ва ҳар хил тақинчоқлари билан биргаликда дафн этилган. Қабрлардан бронза ва мислардан ясалган билакузуклар, сирғалар, мунчоқлар, ҳар хил ҳайвонлар шаклида ясалган тўғноғичлар топилган. Олимларнинг аниқлашича бу, тарихий буюмлар бундан 3500 йиллар олдин яшаган аجدодларимизга тегишли экан [5;14].

Кудуқчадаги аҳоли томонидан Зангги бобо номи билан аталадиган қўнғир қоя – харсанг тошлардаги инсон оёғи ва бошқа излар, Дўғоб ва Бешбармоқдаги қоятошларга ўйиб туширилган тасвирлардан қўпчилиги ҳаракатланаётган эчкилар расмлари бўлиб, аниқланган петроглиф (грекча петро-қоя тош, глйпхе-ўйиш, ёзиш)лар бу ҳудудда эрамиздан олдинги 12-7 минг йилликларни ўз ичига олувчи мезолит (ўрта тош) даврида аجدодларимиз яшаганлигини билдиради. СамДУ доценти Н.Холматовнинг ёзишича, «Самарқанд ва унинг атроф ҳудудларидаги Мўминобод, Чакка, Сайғус, Сиёб, Жом, Тўкайли сингари бронза даври жамоаларига оид ёдгорликларнинг

топилиши мазкур минтақада тош давридан кейинги тараққиёт босқичлари ривожига бўлганлигидан гувоҳлик беради» [60].

1976 йилда бошланғич синф ўқитувчиси Мавлон Жабборов томонидан тошга айланган мамонт суяги Жомдан топилиб Б.Турсунов номидаги мактаб тарих кабинетига туҳфа қилинган. Бир куни шкафдан тушиб кетган бу ноёб тарихий манба 5 бўлакка бўлиниб кетган. Улардан уч бўлаги тарих ўқитувчиси Ж.Ирискулов томонидан СамДУ музейида сақлаш учун профессор Мавлон Жўракуловга топширилган. Мамонтлар бундан 150-200 минг йиллар олдин музлик даврида қирилиб кетиб, уларнинг суяклари ер остида тошга айланган.

Ж.Ирискулов, СамДУ археолог олимлари Очил Ибрагимов ва Бахтиёр Амиркуловлар биргаликда Каптархона ғорини ўрганишган: ғор оғзи баландлиги 10-12 метр, эни 8-9 метр. Ичкарига қирилган сари торайиб бориб, ҳаво сийраклиги туфайли ёқилган олов ўчиб қолади. 20 метргача эмаклаб қирилган. Ж.Ирискулов фикрига кўра, бу ғорда ибтидоий одамлар яшашган. Бешбармоқлик Ҳ.Қиёмов бу ғордаги хумчадан қадимги одамнинг қўл суягини топган.

Шундай қилиб, 1983 йилдан буён Жомдан археолог А.Ёрқулов томонидан топилган ва тўпланган осори атиқалар ичида сўнгги палеолит, мезолит, неолит, бронза, темир, антик давр, кушонлар, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги полеолит давридан то шу кунгача бўлган турли давр топилмалари мавжуд. Айниқса, Гўлаксойдан топилган бронза теша Жомда бундан 3500 йиллар олдин инсонлар яшаганлигини исботлади. Яккатол қири устидан Хуршида Норқулова топган чакмоқтошнинг ясалганига етти минг йилдан ошган. 2000 йилда Ҳафринсойнинг Қайрағочидан ота-бола Шокир ва Нажмиддин Ибрагимовлар томонидан топилган тошқирғич (майда тош қурол) ни ўрганган археолог Р.Сулаймонов Жомда бундан 12-14 минг йиллар олдин одамлар яшаган, деган хулоса берган. Газабетдан ўтувчи қарвон йўлидан топилган тош болтага олимлар 24000 ёшни тахмин қилишмоқда. Бу маълумотлардан ибтидоий жамоа даврларида ҳам Жомда аجدодларимиз яшаганлиги шубҳасиз, бўлиб чиқмоқда. Жомда азалдан инсонлар ва илк катта жонзодларнинг яшаганлиги бевосита қишлоқ ҳудудида қадимдан иссиқ иқлим шароит ва

булоқларнинг кўплиги билан боғланган. Доно қадимшунослардан бирининг: маданиятлар ҳар доим сув изидан юрган, деган фикри айти ҳақиқат. Чунки, қаерда сув бўлса, у ер обод воҳага айланган, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, аста-секин катта-катта шаҳарлар пайдо бўлган.

Ҳозиргача тўпланган дастлабки маълумотлар ЎзФА Археология институтининг етакчи илмий ходими А.Бердимуродов ва «Халқ сўзи» газетасининг муҳбири А.Сатторовларнинг Жом қишлоғида одамлар ибтидоий даврлардан бошлаб яшаган [14], деган фикрларини тасдиқлаб турибди.

Қишлоқ тарихи тўғрисида ЎзФА Я.Ғуломов номидаги Археология институти собиқ директори, ҳозирда СамДУ ректори, профессор Т.Ш.Ширинов имзоси билан Самарқанд вилояти Нурабод тумани ҳокимлиги ва Жом фуқаролар йиғинига берилган қуйидаги ёзма илмий хулосалари мавжуд:

- қишлоқ территориясида бронза даврига оид учта қабр топилди. Бу қабрлардан топилган тақинчоқлар ва бошқа ашёвий далиллар бундан 3500 йил илгари ясалган;

- қишлоқ территориясида антик даврга оид ёдгорликнинг қолдиғи сақланган. Бу ёдгорликдан, бундан 2300 йиллар илгари ҳукмдорлик қилган Антиох I Сотернинг тангаси топилган;

- эрамининг IV-VII асрларида ҳам бу ерда маданият тараққий этган, буни қишлоқ территориясида сақланган археологик ёдгорликлар, қоя тош суратлари исботлаб турибди;

- қишлоқнинг шарқий қисмида қорахонийлар даврида барпо қилинган сув омборининг тўғони ҳам ноёб ирригация-муҳандислик иншооти ҳисобланади;

- Жом қишлоғида ўзига хос, ўз қиёфасини йўқотмаган ноёб этнографик маросимлар, анъаналар сақланган;

Жом қишлоғи территориясидаги мавжуд археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш, кенг кўламда ўрганиш лозим. Бу ёдгорликларнинг ўрганилиши Ўзбекистон тарихининг ҳали номаълум саҳифаларини тўлдиришга хизмат қилади.

Ж.Ирискулов ва А.Ёркуловлар берган маълумотларга асосан, қишлоқдан топилган осори атиқаларнинг асосий қисми Нона Авенесова раҳбарлик қилаётган СамДУ археология музейида сақланмоқда.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, тарихий манбаларда қишлоқ номининг машхур воқеалар билан боғлиқ равишда бот-бот ёзилиши, Антиох I Сотер зарб қилдирган танга, Омондарадан тошга айланган мамонт суягининг топилиши, Номсизтепадаги учта кўҳна қадимий қабр ва улардан чиққан осори атиқалар, Чўнқаймиш ва Ҳафриндаги петроглифлар, Қизилғор ичидаги ва атрофидаги қадимий излар, суякдон ва суяк қолдиқлари, унинг атрофидаги Култепа, Каптархона жанубидаги Қадимтепа қабристони каби кўплаб маълумотлар Жомнинг қадимий ва кўҳна қишлоқ эканлигини исботлаб турибди.

Ўйлаймизки, қатор тарихий шаҳарлар, буюк шахслар юбилейларини ўтказишга раҳнамолик қилаётган ЮНЕСКОдек нуфузли халқаро ташкилот вақти келиб Жом сингари кўҳна қишлоқларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди деб умид қиламиз.

ЖОМ – СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

Стратегия уруш олиб бориш тўғрисидаги билим, фан маъносини англатади.

Қадим замон урушларининг олиб борилиши учун Жом қишлоғи ҳудудининг табиий географик жойлашуви муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган.

Милоддан аввалги 336 йилда 20 ёшида подшо бўлган, юнон-македон қўшинларининг ғайриоддий куч-ғайрат ва жасоратга эга бўлган машхур лашкарбошиси, Искандар Зулқарнайн ўзининг ҳарбий юришларида биринчи навбатда тоғ олди шаҳар ва қишлоқларини эгаллашга интилан. М.Филановичнинг ёзишича, Искандар Зулқарнайн Шаҳрисабз ва Китобдан Тахтакорачага борганда, қаттиқ совуқ ва қорга дуч келиб, Самарқандга Жом орқали ўтган. Археолог Ш.Раҳмонов маълумотига асосан, Жом чўли қадимда «Дашти Искандар» номи билан ҳам аталган. Академик А.Аскаронинг ёзишича, Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарёга ажраладиган жойдаги Миёнкалда истеъдодли лашкарбоши Спитаменнинг сўғдийлар, бактрияликлар, сак ва массагетлардан ташкил топган қўшини Македонларни бутунлай қириб ташлайди. Ҳанузгача энгилиш нималигини билмаган Искандар бу хабарни эшитиб жуда ғазабланади ва Спитаменнинг

изидан тушиб, унга қарши шиддатли ҳужумлар уюштиради. Бу жанглاردан Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги барча шаҳар ва қишлоқ аҳолиси азият чекади, 120 минг нафар тинч аҳоли қиличдан ўтказилади. Искандар Спитаменга ета олмай, қишни Балх қалъасида ўтказди [10.150-158]. Уруш ҳаракатлари географиясидан кўринадики, Искандар билан Спитамен орасидаги жанглар Жом ҳудудида ҳам бўлган.

Жомнинг стратегик аҳамиятини эътиборга олган қорахоний ҳукмдорлар XII асрда бу ерда сув омбори ва катта қалъа бунёд этишган. Бу иншоот халқ орасида Ёштбанд номи билан юритилади. Тўғон – йўнилган тошлардан қурилган бўлиб, оҳақ ва гипс аралашмаси ёрдамида мустаҳкамланган. Жомда стратегик аҳамиятга молик иншоотлар сирасига Қоровултепа, Каттатепа, Ёштбанд, Қўштепа, Яккатол киради.

Ёштбанд сув омбори таниқли археолог олим Абдулахад Муҳаммаджонов маълумотларига асосан XII асрда қурилган тўғон бўлиб, Омондара сойда жойлашган. У сойнинг энг тор қисмида бўлиб, ҳозирги баландлиги 9 метр, узунлиги юқори қисмида 24,5 метр, асосида 10 метр, қалинлиги юқорисида 5,5 метр, асосида 9 метр. Ёштбанднинг сув тўпланадиган ички томони тик, ташқариси зинапоё шаклида. XII асрда чуқурлиги 9 метр, узунлиги 700 метр, кенлиги тўғон олдида 25 метр, юқори томонида 100 метр бўлган. Соининг қишки оқими ва баҳорги сел сувлари омборга тўпланиб, қарийб 300000 метр куб сув захирасини ҳосил қилган. Ундан фойдаланган ҳолда, Жом қишлоғининг ўзида 250-300 гектар ер майдони суғорилиб обод этилган. Ёштбанд туфайли Самарқанд ва Қарши оралиғидаги қадимги қарвон йўли ёқасида атрофи баланд мустаҳкам муҳофаа девори билан ўралган қалъа қад кўтарган. Қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатепа, деб аталади. У Ёштбанддан 5 километр ғарбда жойлашган. Сув омбори XIII асрда юз берган мўғул истилосидан сўнг қаровсиз қолиб, аста-секин нураш, лойқа босиш натижасида ишдан чиққан [70. 322].

Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида жойлашган Каттатепа қўл меҳнати билан бунёд этилган бўлиб, баландлиги 50-55 метр, айланаси 400 метр, усти 10 сотих атрофида.

Антик давр бўйича мутахассис археолог олим О.Ибрагимов, кишлоқнинг тарих ўқитувчиси Ж.Ирискуловларнинг фикрича, Каттатепа ва унинг атрофи қадимда шаҳар бўлиб, ёши 2000 йилдан кам эмас. Бу ер майдонлари унчалик катта бўлмасдан тахминан 10-50 гектарни ташкил қилган. Шаҳарни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун ундан бир километр шимол тарафда Қўрғон қурилган, ҳозирда ҳатто унинг қолдиғи ҳам сақланган. Қўрғонга Ғиштбанд сув омборидан ариқ қазилиб, сув келтирилган. У баланд, мустаҳкам деворлар билан ўралиб, атрофидаги чуқур хандақлар сув билан тўлдирилган. Ёв ҳужум қилганда, Жом аҳолиси шу Қўрғонда жон сақлашган. Каттатепа шаҳри ҳам ҳимоя деворлари билан ўралган. Каттатепа билан Қўрғон ер ости йўли (лаҳим) билан боғланган. Каттатепадан шимол ва ғарб томонларга ҳам ер ости йўллари ўтган. Шундай лаҳимлардан бирининг оғзи Каттатепанинг ғарб томонида бугунги кунда ҳам кўриниб турибди, лекин нураш туфайли асосий қисми кўмилиб қолган. Каттатепа тагида қаср ёки қалъа бўлиши мумкин. 1985 йилда 90 ёшида вафот этган Ҳосил момо Норбой қизидан қолган маълумотларга кўра, уларнинг ёшлик чоғларида бир тўда «ажина»лар отларда ноғора чалиб Каттатепага кириб кетишар экан. Тахминан бундан 115 йиллар олдин кузатилган бу воқеаларни Ж.Ирискуловнинг изоҳлашича, улар ўзларини танитмаслик мақсадида «ажина» киёфасида кийиниб олишган ё йўлтўсар ўғрилар ёки рус истилочиларига қарши исён кўтарган қасоскорлар – Қоракулбек, Оқтош, Баҳромбеклардан бирининг одамлари бўлишган. Бундан ташқари жамият тараққиётининг матриархат давридаги, қадимги юнон афсоналарида мадҳ этилган, Кичик Осиё ва Азов денгизи қирғоқларида яшаган жангчи аёллар, яъни Амазонкалар сингари Каттатепани қирқ отлиқ жанговар қизларнинг макон тутганлари тўғрисида ҳам ривоятлар бор.

Назарбой бобо Каттатепанинг бир қисми суриб очилиб, унинг ичига бир байтал қулуни билан кириб кетгач, ёпилганини кўрган ва бу тепаликнинг азиз жойлигини таъкидлаб, унга яқин жойда иморат қурмасликни, авайлаб асрашни, унинг зиёратига таҳоратли, пок ҳолда бориш зарурлигини айтган.

Жомдаги қадимги иншоотлар VIII асрда араблар, XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон қилиниб, сўнгра тикланган.

Шайбонийхон ҳужуми даврида Қўрғон бутунлай вайрон қилинган ва қайта тикланмаган.

Қоровултепа табиий микротопоним (тепалик) бўлиб, унинг устида мунтазам равишда кеча-кундуз қоровуллар туришган. Улар Жомга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган карвонлар, лашкарлар, умуман ҳар қандай шубҳали ҳаракатлардан қалъадагиларни олов ёқиб ҳабардор қилиб туришган.

1973 йилда Болли Норкулов томонидан уч қиррали темир пайконлар (камон ўқининг темир учи) Чамбилнинг шарқий қисмидаги тошлар орасидан топилган. Икки қиррали пайконларга нисбатан, уч ёки тўрт паррали пайконларнинг нишонга тегиш эҳтимоли катта. Бу камон ўқлари Сарикчўққи, Чамбил, Айригаза, Чўчкабулок, Галашерик, Омондара, Ғиштбанд атрофларидан ҳам топилган. Пайконлар турли хил бўлиб, улардан кўпчилиги ўлдирувчи, айримлари ёндирувчи, ярадор қилувчи, оғир, енгил ўқлардан иборат. Археолог А.Ёркулов аксарият пайконлар, палахмон тошлари ва бошқа ҳарбий қурол-аслаҳалар қолдиқларини Ғиштбанд атрофидан топганлигини эътиборга олсак, қадимги урушлар кўпроқ Жом қишлоғи ҳудудининг шу баланд тоғлар билан ўралган қисмида бўлган.

Фикримизча, Ғиштбанд урушлар учун бекорга танланмаган. Бу жойда уруш тўлиқ ғалаба ёки тўлиқ мағлубият билан яқун топиши мумкин. Сабаби, Ғиштбанддан Омондарасой, Каптархона ва Қоразов томон учта тор йўлақлар ўтган бўлиб, улардан биратўла тўрт отликнинг қочиб чиқиб кетиш имконияти йўқ. Бироқ баланд тоғлар лашкарбошиларнинг уруш боришини кузатиш ва бошқариш, душманни тошбўрон қилиш, ўққа тутиш, пистирма қўйиш учун ўта қулай бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг амир Хусайн билан ҳамкорликдаги мўғул хони Илёсхўжа лашкари устидан 1363 йилнинг кузидаги улкан ғалабаси, соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли фарзанди Шохруҳ Мирзонинг 1410 йил Самарқандни олиш учун бош кўтариб чиққан Шайх Нуриддин кўшини устидан ғалабаси шарҳланганда, Жом қишлоғи тилга олинади. Масалан, Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома»сида ёзади: «Амир Соҳибқирон душман кетидан қувлаб Оби Ёмгача етди ва йўлларини тўсиб, уларнинг кўпини ўлдирди. Амир Жоку ва Амир

Сайфиддинни лашкар билан Самарқандга юборди. Искандар Ўғлон, Амир Ҳамид, Амир Юсуфхўжа қўлга тушдилар. Улар Амир Бекичакнинг Илёсхўжа билан қочганлигини маълум қилгач, Амир Хусайн ва Амир Соҳибкирон шоду хуррам бўлиб, бир неча кунни Оби Ёмда ўтказдилар».

Чор Россияси истилочилари Бухоро амирлигига қарши 1866-1868 йилларда икки марта юриш қилиб, биринчи юришида амирликнинг Ўратепа, Жиззах ва Янгиқўрғон бекликларини босиб олади. Бухоро ҳукмдори амир Музаффархон қўшинлари 1868 йил 1 майда Чўпонота тепалигида бўлган жангларда мағлуб бўлгач, Самарқанд генерал Кауфман қўлига ўтади. Бундан хабар топган амир Музаффархоннинг ўғли валиаҳд Абдумалик Шаҳрисабз, Китоб, Чирокчи ва бошқа жанубий бекликлар ҳамкорлигида Самарқандга юриш бошлайди. Бироқ, бу амир Музаффархонга ёқмайди. Чунки, у Россия билан тил топишмоқчи, нима бўлса ҳам тахтни ўғлига топширмоқчи эмас эди. Шунинг учун ватанпарвар Абдумалик қўшинлари билан отаси амир Музаффархон ва генерал Абрамовнинг бирлашган армияси ўртасида қатор кучли тўқнашувлар юз беради, улардан айримларининг Жомда бўлганлиги аجدодларимиздан бизгача оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Бу жанглар 1870 йилга қадар Шаҳрисабз беги Жўрабек ва Китоб беги Бобобек лашкарлари томонидан давом эттирилган. Мазкур жангу жадалларнинг батафсил баёнини бирламчи манбалардан ёки Н.Очиловнинг «Жом» мақоласидан ўқиш мумкин [43; 65. 92-136; 80].

Ушбу воқеалар қадимда Жом қишлоғи ҳудудининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлганлигини билдиради.

ЖОМЛИКЛАРНИНГ АЖДОДЛАРИ

Ўрта Осиёда яшаган халқлар номи илк бор тилга олинган ёзма манба – зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳисобланади [10.122; 48].

Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси олтмишинчи оятида Оллоҳнинг буйруғи билан Мусо пайғамбар тошга ҳассасини ургани заҳоти 12 чашма отилиб чиқиб, 12 қабила, уруғлардан ҳар бирининг ўз суви маълум бўлгани баёни бор [78. 10-11]. Бундан нафақат туркий халқларнинг, балки ер шари аҳолисининг,

жумладан, бани Исроилнинг қабилалар, уруғларга бирлашиб яшаганликлари маълум бўлади. Энг қадимги ибтидоий тўда аста-секин бўлиниб кетиб, қариндошлик асосида уруғ жамоасига айланган. Дастлабки уруғ жамоалари аёл киши, яъни она теварагида жипслаша бошлаган. Инсоният тарихидаги бу босқич она уруғи даври-матриархат, деб аталади [48]. Демак, жамиятнинг дастлабки куртаги бўлган уруғчилик жамоаси матриархат давридан бошланган. Халқнинг ибтидоси қабиладан бошланади. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи, яъни этногенези XI асргача давом этган ва XI-XII асрларда ўзбек халқи шаклланиб бўлган. Шундан сўнг унинг этник тарихи бошланган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши миллат шаклланиш даври ҳисобланади [10. 10].

«Киши учун ўз аجدодларининг кимлигини билиш мақсадида қайси уруғдан эканлигини аниқлаш айб эмас. Лекин қариндош-уруғчиликка муккасидан кетиб, фақат ўз уруғларининг ғамини еб, улардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш эндиликда ижтимоий иллат ҳисобланади. Бу миллатни жипслаштирмайди, балки заифлаштиради, тараққиётга тўсиқ бўлади. Ривожланган мамлакатларда бундай иллатга аллақачон барҳам берилган, одамнинг қайси уруғдан келиб чиққанига қараб эмас, қандай фазилатлари борлигига қараб баҳо берилади, кадрланади» [28.58]. Бу борада республикаимиз Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши қаби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим» [30].

Ҳамма даврларда жамият тараққиёти учун зарарли бўлган ўзаро зиддиятларни ўз манфаати йўлида қабилалар, уруғлар, қавмлар раҳнаmolари келтириб чиқаришган. Бундай ҳодисалар бугунги кунларда ҳам учраб туради. Бу ҳақда XVII аср демократ шоири, юз уруғидан чиққан Турди хўп ёзган:

***Тор кўнгилли беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори (бовли) ўзбек юртидир, тенглик қилинг.***

Аждодлар марҳум ота-боболаримизни, авлодлар уларнинг бугунги тирик наслларини англатади. Эл бир жойнинг одамларини, элат эса қабилалар, уруғлар иттифоқи маъносини

билдиради. Қабила қон-қариндош, тилдош ва диндош бир неча уруғнинг уюшмаси, уруғ эса бир ота-онадан тарқалган қон-қариндошларнинг уюшуви натижасида шаклланган жамоадан иборат [28. 57-64].

Тилимизда «Уруғингдир-аймоғингдир», «Фалончи серуруғ, уруғ-аймоқлари кўп» деган иборалар учраб туради. Аймақ атамаси туркий қабиалардан бири, шунингдек, бир қанча қабила ва уруғлар иттифоқи маъносида ҳам қўлланилади [28. 57-64].

Қишлоқдаги айрим жойлар номларини таҳлил қилган Ж.Ирискулов қадимда Жомда сўғдийлар яшаган, сўғд тилида сўзлашган ва сўғд ёзуvidан фойдаланишган, деган фикр билдирган. Сўғд ёзуви милоддан аввалги III-II асрларда шаклланган. Ҳақиқатан, араблар келмасидан олдин маҳаллий ёзув мавжуд бўлган. Жумладан, оромий, сўғд, хоразм ва бошқа ёзувлардан фойдаланилган. Ўша замонларда Ўрта Осиё халқлари эрон тили шеваларидан бирида ва туркий тилда гаплашганлар [66.57], яъни турк-сўғдий блингвизми (икки тиллилик) мавжуд бўлган.

«Ўзбек» атамаси дастлаб XIII аср охирларида Дашти Қипчоқнинг «Оқ Ўрда» деб аталган шарқий қисмининг ҳарбийлашган суворийлар уюшмасига нисбатан ишлатилган» [10. 267].

Профессор А.Ю.Якубовскийнинг ёзишича, XIV асрда Ўзбекхон бошлиқ бўлган Олтин Ўрданинг шарқидаги кўчманчи аҳоли «ўзбек» номи билан аталган. Улар XVI асрда Ўрта Осиёга кириб келганларида, бу ерда жуда қадимдан яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи зич аҳолини учратган ва кейинчалик улар бу аҳолига аралашиб кетиб, уларга ўзларининг номларини умумий ном сифатида берган. Академик С.П. Толстов ўзбек этногенези (элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган давр)нинг бошланғич нуқтасини антик давр, деб кўрсатган бўлса, академик А.Асқаров бу санани сўнгги бронза давригача қадимийлаштирган [10. 5]. Ўзбекларнинг Ўрта Осиёга келиб жойлашиши ҳақида таниқли элшунос, академик Аҳмадали Асқаров эълон қилган илмий тадқиқот натижалари катта таҳсинга сазовор. Дашти Қипчоқ ўзбекларининг манғит, жалойир, қўнғирот, найман каби уруғларига мансуб аҳоли подшоларнинг етакчилигида эмас, балки ўз уруғ-аймоқлари билан XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва

Хоразмга келиб ўтроклашган. Сирдарёнинг юкори оқими ва Тянь-Шан тоғ тизмаларининг ғарбий ён бағирларидан Днепр дарёсининг куйи оқимига қадар ёйилган ерлар Дашти Қипчоқ, деб аталган. Бу аҳоли шарқ манбаларида – кипчоқлар, рус солномаларида- половецлар, Византия хроникаларида- куманлар, венгер манбаларида – кунлар, деб аталган.

«Ўзбек» атамаси ҳақида ҳозирча «Ўзбекистон тарихи» фанида яқдил хулоса йўқ. Айрим муаллифлар Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қабилалар бир қисмининг ўзларини эркин тутганликлари учун «ўзбек», яъни «ўз-ўзига бек, хўжайин» деб атаган десалар, бошқалар «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон номи билан боғлайдилар. «Ўзбек» атамаси ўғиз қабилалари таркибидаги «ўз» уруғи номидан олинган, деган фикрлар ҳам мавжуд [58. 25]. Профессор А.Асқаровнинг ёзишича, XIII асрда Дашти Қипчоқ Чингизхон кўшинлари томонидан босиб олинган, тарихда Жўжи улуси номи билан аталган Олтин Ўрда давлати барпо этилган. XIV асрда Олтин Ўрда иккига бўлиниб кетиб, Дашти Қипчоқнинг шарқи «Ўзбеклар мамлакати», аҳолиси эса «ўзбеклар» деб атала бошланган. Унгача бу жойларда 92 ўзбек уруғлари ҳаёт кечиришган. Уларнинг ичидан етишиб чиққан суворий ҳарбий гуруҳлар жанговар ўзбеклар номи остида XIII аср охирида тарих майдонида пайдо бўлган. Бу эркин, озод, мустақил суворийлар гуруҳининг асосини аслзода-бекзода ҳарбийлар ташкил этган. Ўзбекхон (1312-1342 й.й) Олтин Ўрда хони бўлиб турган кезларда, ўша давр кўчманчи жамоаларининг аجدодларидан қолган удумга кўра, унинг қўл остидаги бекзода ва авом чорвадорлар жамоаси элини «ўзбек», қавмини эса ўз уруғ номлари билан аташган. «Ўзбек» атамаси Ўзбекхон номидан келиб чиқмаган. Аслида ўзбек атамаси шарқий Дашти Қипчоқ қабилаларининг сиёсий ҳарбий гуруҳлари йиғиндисининг номи бўлган [10. 265-267].

Искандар Зулқарнайдан сўнг эрамизгача III-II асрларда Ўрта Осиёда Юнон-Бактрия давлати, эрамизгача II асрнинг 136 йилида Кангюйлар (қанглилар) ва Кушонлар давлати ташкил топган. Кушонлар давлати таркибига сўғд ҳам кирган. Кушонлар даврида саклар Қозоғистон ва Ўзбекистон территорияларидан жануб томон Эрон, Сайистонга қараб ичкарига кириб кетган. Уларнинг

ўрнини Еттисувда усун (уйшун)лар ва Шошда қанглилар эгаллашган [63].

А.Туробов маълумотларига асосан, туркий қавмлар дунёдаги эски уруғлардан бўлиб, улардан бири юнонлар берган ном билан искит-искиф-скиф деб аталган. Эрон халқи скифларни сак, деб аташган. Баъзи манбаларда, сак номи остида массагетлар, хоразмийлар, сўғдийлар, бактрияликлар, сарматлар, қарлуклар ҳам тушунилган. Эрамизгача VIII-IV асрларда бугунги Марказий Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги қабилалар ҳаммаси сак номи билан юритилган. Юнон тарихчиси Юстиан искитлар мисрийлардан ҳам эскироқ қавмлардандир, дейди. Геродот ва бошқа антик давр тарихчилари уларни Осиё скифлари, деб ёзишган [52.20]. Римлик тарихчи Помпей Трог бактрияликлар қадимликда мисрликлар билан баҳслаша олади, деб ёзган [48].

Сак-скиф қабилалари даврида турк-сўғд икки тиллилик мавжуд бўлган. Профессор Х.Дониёров Ўзбекистон территориясида яшовчи ўзбекларнинг уч компонентини кўрсатган. Жуда қадимдан Ўзбекистон территориясида яшаб келган турк-ўзбеклар, туркманлар ва озарбайжонларнинг аралашувидан таркиб топган ўғиз-ўзбеклар, сон ва таркиб жиҳатидан энг катта компонент кипчок-ўзбеклар [26. 7-8] бўлган.

Н.А.Аристов қадимги ёзма манбаларга таяниб, қангли ва кипчок (кўчманчи ўзбек) ларнинг эрамиздан аввалги 159 йилдаёқ Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Бухоро, Хоразм ерларига эгалик қилганликларини айтган [8]. Шунини таъкидлаш жоизки, Дашти Қипчоқ суворийлари оила ва уруғ-аймоқларини ўзлари билан бирга олиб юришган. Шайбонийхон юришлари муносабати билан 500-600 мингдан ортиқ Дашти Қипчоқ ўзбеклари Мовароуннаҳр ва Хоразмга кириб келишган. Улар экинбоп ер ва яйлов талашиб, бир-бирлари билан урушиб туришган. 92 бовли ўзбек уруғлари Ўрта Осиёга кириб келгач XVIII аср давомида учта хонлик ташкил топиб, Хоразмда – қўнғиротлар, Бухорода – манғитлар, Қўқонда – минглар ҳокимият тепасига келган. XVIII асрнинг охириги чорагида Хива хонлигида юз берган вазиятдан усталик билан фойдаланган Муҳаммад Амин қўнғирот тахтни эгаллайди. Хоразмда қўнғиротлар сулоласига асос солинади. Ҳокимият Дашти Қипчоқдан келган ўзбеклар қўлида бўлганлиги учун ўзбек

руҳи Туркистондаги аҳоли қонига сингиб борган. Натижада бу юрт XVIII асрда ўтроқ ўзбек элига, ўзбек юртига айланган [10. 274]. Шундай қилиб, 92 ўзбек уруғлари таркибига Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган туб ерли аҳоли, милоддан аввалги ва кейинги, мўғуллар истилоси ва Шайбонийлар даврида кириб келган этник гуруҳлар ҳам киради [64. 25].

Профессор Х.Дониёровнинг ёзишича, VI асрда эфталлийлар давлати инкирозга учрагач, ғарбий турк хоқонлари ҳокимияти Амударё қирғоқларигача ёйилган. VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Тошкент, Фарғона, Зарафшон ва Хоразм ерларига туркий қабилалар оммавий тарзда кўчиб кела бошлашган. XI-XII асрларда қорахонийлар давлати сомонийлар давлати устидан ғолиб чиққандан кейин Ўрта Осиёда турклашиш (ўзбеклашиш) жараёни янада кучайган, турк-ўзбеклар деярли ўтроқлашиб, ўзбек халқининг асосини ташкил қилган. Қипчоқ-ўзбеклар қадимги даврларда туркий халқларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи уруғ ва қабилалар асосида ташкил топган бўлиб, улар дастлаб Волга ва Дунай дарёлари, Каспий ва Орол денгизи, Урал тоғлари ва Ғарбий Сибирдаги Иртиш ва Енисей дарёлари бўйларида ҳамда Еттисувда яшаганлар [26. 7-9].

Профессор Х.Дониёров Ўзбекистон ҳудудидаги қипчоқ-ўзбекларнинг ўз қabila ва уруғлари бўлинишларини ҳозирга қадар сақлаб келаётганликларини, қадимдан ўтроқ ҳолда яшаган ўзбекларни умумий ном билан сипойи ўзбеклар, деб атаб, уларнинг бу хусусиятни аллақачон унутиб юборганликларини таъкидлаган [26. 3].

Н.Бернштам «Ўрта Осиё туркий тилларидаги қадимги давр «ж-лашиш ҳодисаси ҳақида» китобида «ж»лашувчи халқларнинг энг қадимги халқлардан бири бўлиб, VI асрдаёқ мавжуд бўлганлигини қайд этган [15. 26]. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида туркларнинг аслида йигирма қабиладан иборатлиги, ҳар бир қабиланинг саноксиз уруғлари борлиги айтилган. Рашидиддиннинг «Жомеъ-ат таворих»ида мўғулларнинг ҳам аслида чўлларда яшовчи туркий халқларнинг кичик бир бўлаги бўлганлиги қайд этилган.

Тўпланган маълумотлардан кўринадики, «ўзбек» атамаси XIII асрда пайдо бўлган, бироқ Ўрта Осиёда, жумладан Зарафшон

водийсида, қолаверса, Жомда туркий халқлар эрамиздан олдинги III-II асрлардаёқ яшашган. Буюк бобокалонимиз Амир Темур «Биз ким- мулки турон, амири Туркистонмиз. Биз ким- миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз», -деб бежиз айтмаган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Рашидиддин Фазлулло Қазвинийнинг «Жомеъ ат таворих», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», Сайфиддин Ахсикатийнинг «Мажмуъ ат-таворих», Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тухфат ут-таворих-и хоний», Низомиддин ибн домло Шоҳ Саид Махдумнинг «Насабномайи ўзбек», профессор Х.Дониёровнинг «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» асарлари туркий қабилалар ва уларнинг уруғлари тўғрисидаги муҳим манбалардир.

Профессор Х.Дониёров томонидан аниқланган «Қитмир» китобининг Ғаллаорол нусхасида 92 бовли ўзбек уруғлари куйидаги тартибда келтирилган:

1. Минг. 2. Юз. 3. Қирқ. 4. Ўн. 5. Ўнг. 6. Жайт. 7. Жалойир. 8. Сарай. 9. Қўнғирот. 10. Найман. 11. Қипчоқ. 12. Қозоқ. 13. Қалмоқ. 14. Қувдоқ. 15. Турлоқ. 16. Самарчик. 17. Қатағон. 18. Келейчи (қилайчи). 19. Кенагаз. 20. Буйрак. 21. Уйрак. 22. Ўроқли. 23. Қиёт. 24. Қанглилар. 25. Тучат. 26. Увузи. 27. Ўрай. 28. Чублач. 29. Қўшчи. 30. Чуют. 31. Чибит. 32. Кермин. 33. Арлат. 34. Чалчук. 35. Манғит. 36. Буркит. 37. Туппаллас. 38. Минит (миҳит). 39. Уклан (ўқлан). 40. Қарай (керай). 41. Уруб. 42. Илоч. 43. Чубиргон (чўбирғон). 44. Қутлин. 45. Туркман. 46. Дўрман. 47. Топман. 48. Бийича. 49. Риндан. 50. Митан. 51. Уйшун. 52. Бўйихауз. 53. Қирғиз. 54. Уйрувчи. 55. Бадай. 56. Татар. 57. Етти бош. 58. Каташ (кабаш). 59. Пачқурт (бешкурт). 60. Сулдир (сулдиз). 61. Тектуй. 62. Кирдор. 63. Суктиян. 64. Қирқин. 65. Ширин. 66. Фарход. 67. Жуночи. 68. Чилки. 69. Уйғур. 70. Машорис. 71. Чолик. 72. Суврин. 73. Увган. 74. Кубир. 75. **Хабрин**. 76. Ялансоз (ялангоз). 77. Ўрсун (ургун). 78. Олчин. 79. Ябу. 80. Ўғлон. 81. Киргий (қирғий). 82. Барлос. 83. Кегиз (чиз). 84. Сандир. 85. Кихрут. 86. **Жоми**. 87. Коли (ҳоли). 88. Тангит (Гангит). 89. Бургун. 90. Жилойир. 91. Чигатой. 92. Қарапчи.

Таниқли элшунос К.Шониёзовнинг ёзишича, Дашти Қипчоқдан Мовароуннахрга кўчиб келган этносларнинг ҳаммаси

ҳам кўп сонли бўлавермаган. Улардан кипчоқ, сарой, юз, минг, манғит, қтой, найман, қўнғиротлар бошқаларга нисбатан йирик этник гуруҳлар бўлишган [61].

Уруғлар ҳақидаги маълумотлар профессор Х.Дониёров томонидан анча мукаммал баён қилинган:

Қўнғирот. Қўнғирот ҳам 92 ўзбек қабиласидан бири. «Қўнғирот» атамаси «қўнғир» ва «от» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Қўнғиротларнинг асосий қисми Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида яшайди. Улар Самарқандда, Фарғона водийсида, Хоразмда, Қорақалпоғистон томонларда ҳамда Афғонистонда ҳам анча кўп. Хива хонлари қўнғиротларга мансуб кишилар бўлган. XIV асрда яшаган машҳур шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамадоний)нинг «Жомеъ ат-таворихи»да ёзишича, Қўнғиротлардан кўп амирлар, машҳур аёллар чиққан. Чингизхон даврида Қўнғиротларнинг бошлиғи Қарака Эмел, деган киши бўлган [26].

Шайбонийхон босқини арафасида Хоразм темурий Султон Ҳусайн Бойқаро бошлиқ Хуросон давлати таркибига кирган, бу даврда Хоразмда қўнғирот қабиласидан чиққан Чин Сўфи ҳоким эди. 1511-1770 йилларда Хоразм – Хива хонлиги, деб аталган, бу давлатнинг асосчиси шайбонийлардан бўлган. XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб, Хива хонлигида қўнғиротларнинг нуфузи ошиб борган ва 1761 йилда қўнғирот қабиласининг бошлиғи Муҳаммад Амин иноқлик лавозимига кўтарилган. Шундан 1920 йилга қадар Хива хонлигини қўнғиротлар идора қилган [58.80-94]. 1873 йил май ойида Хива босиб олингач, Кауфман буйруғи билан қадимий қўлғезмалар, танга тайёрланадиган чеканлар, қўнғирот сулоласи хонларининг ҳокимияти рамзлари Санкт-Петербургга жўнатилган. 1874 йили Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) томонидан Туркистонда илк бор китоб чоп қилинган, Ўрта Осиёда тенги йўқ бой кутубхонага асос солинган [80].

Қўнғирот қабиласининг бўлинишлари 92 ўзбек элатига кирувчи бошқа ҳамма уруғ ва қабилаларнинг бўлинишларига нисбатан анча тўлиқ ва мукаммал ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманига қарашли Оқиртма қишлоғида яшовчи 65 ёшли Ҳайим полвон Пиримқуловнинг 1965 йил декабр ойида берган маълумотида кўра, қўнғирот қабиласи, аввало

қўштамғали, вахтамғали, қонжиғали (хонжиғали), **ойинни** (айилли) ва **тортувли**, деган бешта катта бўлакка (урукка) бўлинади. Бу бешта бўлакнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир нечтадан бўлакларга бўлинади:

Қўштамғали 16 га бўлинади: тиловмат, кўча хўр, банди кучук, чолбачча, оқпичоқ, мавмиш, кўса, саври бузар, кал, қорақалпоқ, тўлангит, ўтроки, бормоқ, кўлоби, қорағосмоқ, замбири.

Вахтамғали 16 га бўлинади: бугажили, обохли, ирғохли, кайгили, қозоёқли, қорақўнғирот, уйувли, ишқили, тароқли, чанчикли, қийғошли, хандакли, боймоқли, очамойли, гилам бобли, ушқули.

Қонжиғали 14 га бўлинади: қўлдовли, желкиллақ, кўртоғай, тўпқора, молтака, қора, қорабувра, дўска, гала, нўғай, қуйин (Туркменистон), улус, чўллик, қоракурсак. «Чувуллоқ қўнғиротларнинг қонжиғали бўлимидаги чўллик уруғининг бир шаҳобчаси» [31. 131-133].

Ойинни (айилли) 12 га бўлинади: қовқа, қочай, қорақалпоқ, тўпор, бешбола, чулан, туркман ойинни, ҳожибачча, кал, қора, оқтона, ойтамғали.

Тортувли уруғига мансуб кишилар асосан, Бойсун атрофида яшайди. Қўнғиротлар халқ оғзаки ижодининг қаҳрамони Алпомишни тортувли уруғидан чиққан деб, Бойсунни эса Алпомишнинг ватани, деб биладилар. **Тортувли** 6 га бўлинади: тўғиз, мўнғка, ўр, чўпоқ (тулкичи), хуросони (қора мўйин) ва обохли.

Қўнғирот уруғи 5 та катта, 64 та ўрта ва 300 та майда бўлакларга бўлинади. Жумладан, Алпомиш етишиб чиққан Тортувлига тегишли бўлган 6 та майда бўлакнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча майда бўлакларга бўлинади. Масалан, Шўрчи станциясида яшовчи Олтибой оқсоқол Холматовнинг берган маълумотиға кўра, тўғиз 7 та майда бўлакка, мўнка ва чўпоқлар эса 6 тадан майда бўлакка бўлинади. Бойсун туманида яшовчи Мўмин чопоғон Омоновнинг маълумотиға кўра, тортувлининг ўр, обохли ва хуросони каби бўлақларининг ҳар бири ўз навбатида яна 4 тадан майда бўлақчаларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, хуросонининг тўрт тармоқ уруғлари қора

мўйин, таромиш, бой авлоди ва чақа бўлиши мумкин. Шунингдек, Хуросон Жомидан бўлган катта тарихий шахс Вале Аҳмад Жом (Зиндафил) ҳам қўнғирот уруғидан бўлиши эҳтимоли бор. Демак, қўнғирот қабиласининг энг кичкина уруғи бўлган тортувлининг ўзи 40 га яқин бўлинишга эга, майда бўлинишларнинг умумий сони эса 300 тадан ортиб кетади. Қўнғиротларнинг шевалари асосан қадимги кипчоқ элементларини тўлиқ равишда сақлаб қолган. Лекин баъзи жойларда, масалан, Хоразмдаги, шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Бухоро атрофларидаги қўнғиротларнинг шевалари ўша ердаги тил ва диалектларнинг таъсирида баъзи бир ўзгаришларга ҳам учраган.

Найман ҳақида. Найман ҳам 92 ўзбек элатининг энг қадимий қабилаларидан бири. Найманларнинг Чингизхон давридаги бошлиқлари Бўйруқхон, Таён, Эниятлар бўлиб, улар ўзаро келишолмаган. Бу қабиллага мансуб кишилар ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида (хусусан, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразмда) шунингдек, Тожикистоннинг Ўратепа туманида яшайдилар. Шунга кўра, уларнинг шевалари ҳам турли-туман бўлиб, кўп ҳолларда яшаган жойларининг тил ва диалектлари билан аралашиб кетган. Лекин найманларнинг асосий қисмида (хусусан, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарёда) ўз шеваларида кипчоқлик хусусиятларини тўлиқ даражада сақлаб қолган.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Каттақўрғон ва Нарпай туманларидаги найманларнинг шевасини ўрганган Мухтор Валиев шу атрофда олтиўғил, пўлотчи, улус, зарман, кичкилдик, чимбой, қора найман, захнайман сингари бир қанча бўлаклари борлигини қайд қилган.

1966 йилда Аллаберган ўғли Сайид бобо тилидан ёзиб олинган маълумотга кўра, Хўжайли туман найманлари қуйидаги майда бўлакларга бўлинади: ос найман, оччили, катанлар, вақимли, уйғур, уйшун найман.

Сарой ҳақида. Сарой ҳам 92 ўзбек қабиласининг бири. Сарой қабиласига қарашли аҳоли асосан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида яшайди. Сарой номи (этноними) Жиззах шаҳрида, Андижонга яқин жойда ҳам учрайди.

Жомлик Маҳмасоли Тилавов ва Қўлдош Йўлдошевлардан 1964 йилда ёзиб олинган маълумотларга кўра, сарой қабиласининг қуйидаги бўлаклари мавжуд: чем, кўнғирот, жомон, қирғиз, можар, олтин тамға, манғит, сойдан туман, сойбўйи, галакудук, кипчок, жолонғоч (яланғоч), сарой кўрғон ва жом сарой.

Бу уруғларнинг шеваларида ҳам кипчоклик хусусиятлари тўлиқ сақланиб қолган. Андижон ва Жиззах саройларининг шевалари бундан мустасно [26. 48-49; 86-89]. Шунингдек, Х.Дониёров ос сарой тармоқ уруғини ҳам келтирган [26. 80].

Абу Райҳон ал-Беруний фикрига кўра, ос ва алонлар тили бири-бирига яқин қабилалар бўлган [1]. Айрим ёзма манбаларда алонларнинг туркман уруғлари таркибига кириши [18], уларнинг Зарафшон воҳасидаги қабилалар таркибида мавжудлиги [26] қайд этилган. Шунингдек, Вамбери томонидан аниқланган Хива хонлиги бўйича тўпланган уруғ ва қабилалар рўйхатида оз (ос) уруғи қайд этилган [19]. Бу уруғни Х.Дониёров «Оссарой» тарзида сарой уруғи таркибига киритган [26. 38-39]. Алон ва ос номи билан алоқадор жой номлари Азов бўйи, Ўрол ва Кавказда ҳам учрайди [79].

Ўзбек халқи қабилалари таркибида оссарой, ос найман, ялонғоч-жалонғоч-жолонг ос тармоғи мавжуд. Хуллас, яланғоч этноойконими қадимги ос қабиласи билан алоқадор. Шунингдек, алон, ослар осетен халқининг шаклланишида, уларнинг турклашганлари туркий қавмларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган [52.23].

Рашидиддин Фазлуллоҳ Казвинийнинг «Жомеъ ат-таворих» китобида ўзбек уруғлари билан биргаликда қирғизлар таркибидаги урус (орыс) уруғи хақида ҳам маълумотлар берилган [45]. Бу уруғ тўғрисидаги маълумотларни «Собрание летописей. Мажмуат таворих.-//А.Т.Тагирджанов, Иранская филология.-Л., 1960» ва «С. Мухаммад. Шайбонийнома.-Т.: Фан, 1989» асарларидан ҳам ўқиш мумкин. Демак, Жомда ўзларини орыс-орс деб атайдиган аҳоли қавми қирғизлар таркибидаги урус уруғидан бўлиши мумкин. Ос термини билан боғланадиган Жомдаги аҳоли қавми ўзларини Хўжакул ос фарзандлари Қора мўйин, Бойавлоди, Таромиш ва Чақанинг авлодлари ҳисоблашади. Исмоил махсум Иброҳим ўғлининг фикрига кўра, Хўжакул ос подшоҳ ёки хоннинг

«осилсин» деган ҳукмидан қочиб, бундан 300 йиллар олдин Жомга келиб жойлашган.

А.Ю.Якубовский маълумотиға кўра, VI асрнинг 80-йилларида Або деган турк шахзодаси кўп сонли камбағал туркларни эргаштириб Бухоро томонларга келган ва бу ердаги ўтроклашган деҳқонлар билан қўшилиб маҳаллий аристократларни қувган. Пойкент шахрини ишғол қилиб, шу ерда тамоман қолиб кетган [63]. Бу фактга асосланган профессор Х.Дониёров Бухоро атрофида Абогача туркий халқлар яшаган, ўтроқ туркий халқлар яшамаганида эди, аввало, улар Або тилини тушунмаган ва уни чегараларига қўйишмаган, қолаверса, Абога эргашиб ўз маҳаллий ҳокимларини ҳайдаб чиқармаган бўлар эди, – дейди [26.55-56]. Қишлоқдаги бир маҳалла аҳолиси маълум қисмининг бошқа маҳалла ҳудудига ўтиб ҳовли-жой қилиб яшашлари амалий жиҳатдан мумкин бўлмаган ҳодиса. Бироқ муҳтожларни оғайин-қариндошлар ўз ёнларига олишлари мумкин. Худди шунга ўхшаш Хўжакул бобо ҳам ўз даврида қавм-қариндошлари билан биргаликда Жомга ўз уруғи – қўнғиротларни қора тортиб келган.

XVI асрдан бошлаб Жом Бухоро хонлиги таркибида бўлган. Шайбонийхон ва хонга қуёв томон ҳисобланган аштархонийлар сулоласи инқирозга юз тутгач, Бухоро хонлигида парокандалик бошланган. Аштархонийлар сулоласининг охириги вакили Абулфайзхон (1711-1747) Ҳаким Оталиқ манғит ўғли Муҳаммад Раҳимбийга бош вазирлик лавозимини беришга мажбур бўлади. Муҳаммад Раҳимбий буйруғи билан Абулфайзхон 1747 йилда ўлдирилади. Муҳаммад Раҳимбий тахтга Абулфайзхоннинг 9 ёшли ўғли Абдулмўминни ўтказди ва уни ўзига қуёв қилади. Бир йил ўтар-ўтмас уни ҳам қатл этиб, ҳукмронликни ўз қўлига олади. Раҳимбий оталиқ жуда устамонлик билан секин-аста ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, 1753 йилда манғит сулоласининг биринчи ҳукумдори, амири сифатида Бухоро тахтига ўтиради. 1753 йилда Бухорода хонлик тугатилиб, амирлик бошланган ва 1920 йилга қадар манғитлар ҳукмронлиги давом этган. 1757 йилда Бухоронинг биринчи амири Муҳаммад Раҳимбий Шаҳрисабз, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Ҳисор каби бекликларни ўз амирлигига қўшиб олади ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун маҳаллий ҳукумдорларга қарши қаттиқ сиёсат юргизади [10. 268-

269;58]. Марказий ҳокимиятга бўйсунитишни истамаган айрим ҳукумдорлар ва қабилалар, жами ўн уруғ турган жойларидан бошқа жойларга сургун қилинган, қаттиқ жазоланган. Ж.Ирискуловнинг маълумотига кўра, Хўжакул бобо амир Муҳаммад Раҳимбийнинг, осилсин, деган ҳукмидан қочиб келган ва номига ос қўшимчаси қўшилган. Шунингдек, қувғинга учраган Шахрисабз беклигидаги кенагаслар ва бошқа уруғларнинг маълум қисми ҳам Жомга келиб ўтроқлашган. И.Иброҳимов ва Ж.Ирискулов маълумотлари умумлаштирилса, 2007 йилда Хўжакул бобо қавмларининг Жомга келганига 250 йил тўлган бўлади. Маҳмадўст Холбозоров, Низомиддин махсум ва Ёркул чагир боболар маълумотларига кўра, Жом маҳалласи аҳли Хўжакул бобо уруғ-аймоқларидан анча кейин қишлоққа кўчиб келиб ўтроқлашган. Бу фикрнинг тўғрилигини Жом маҳалласи аҳли қишлоқнинг сувсиз, чўл қисмида ўтроқлашганлиги ҳам исботлаб турибди.

Фикримизча, Қора мўйин, Бой авлоди, Таромиш ва Чақа атамалари инсон боласининг исмлари бўлмасдан, балки аҳоли қавмларининг номлари эканлиги мазмунидан билиниб турибди. Тарихий манбаларда Қора мўйин Қўнғирот қабиласининг тармоқ уруғи бўлиб [26. 86], ос қабиласи билан алоқаси кўрсатилмаган.

Қора мўйин қўнғирот уруғининг хуросони тармоғи [26. 87], Зиндафили Аҳмад шайх, яъни Вале Аҳмад Жомнинг Хуросондан эканлиги [51. 120; 11. 499], Ҳафринбобонинг қадимги хонақоҳида яшаган тақводор «Оллоҳнинг етти ошиқлари» ва Жомдаги аксарият илоҳий илм соҳибларининг Қора мўйиндан етишиб чиққанлиги эътиборга олинса, қишлоқдаги шу қавмга мансуб аҳолининг устод Абдурахмон Жомийнинг ҳамшаҳари, Бобурга она томондан хеш [77.283] Ҳазрат Аҳмад Жомнинг авлодлари бўлиши мумкин, деган фикр туғилади. 2006 йил Ийд ал-Адҳа ҳайити куни Ортиқ эшон бобонинг 84 ёшли фарзанди Абдуалим бобо, ўғли Самарқанд тиббиёт коллежи ўқув ишлари бўлими бошлиғи Ҳалил Ортиқов билан отамиз Зиёт бобони зиёрат қилиш учун келишдилар. Шунда Абдуалим бобо ўзларининг етти пуштини аниқлаганлигини, аслида Сурхондарё томондан кўчиб келишган қўнғиротлардан эканлигини айтди. Бу шажара қуйидагича: Тоғой баходир, Хўжакул бобо, Тошмат бобо, Қурбон

бобо, Хушмат бобо, Омон бобо, Ортиқ бобо, Абдуалим бобо, Халил бобо ва унинг ўғли Илҳом. Биз Хўжакул бобо авлодларини туркий халқлар шажарасининг нуфузли қабиласи бўлган кўнғирот уруғи таркибига мажбуран киритиш мақсадидан йироқмиз. Манбалар устида ишлаш, аҳоли билан суҳбатлар натижалари ва мантикий фикрлар шундай хулосага олиб келмоқда.

Шундай қилиб, профессор Х.Дониёровнинг илмий маълумотларига асослансак, Жомдаги «Қора мўйин»лар кўнғирот уруғига, «Ос»лар сарой (оссарой) ёки ос найман уруғига, «орс»ларнинг қирғизлар таркибидаги урус уруғига мансублиги аён бўлади.

Алишер Навоий асарларида, айниқса «Чор девон»ида ўзбек уруғлари кенг тараннум этилган:

*Эй Навоий, манга бас ул санами лўливаш,
Бекка қипчоқу оғар, шаҳзу қиёту билгут.*

Ёки:

*Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб,
Менга лўли била ҳинду, анда кўнғироту қиёт.*

Ёки:

*Санамлар ҳуснидин мақсуд ёр ўлмиш Навоийга,
Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сўлдуз*

*Чун Навоий жонига офат эрур лўливаше
Согинур гули биёбон кўрса кўнғироту қиёт*

*Навоий, иста мазохирда чехрам мақсуд,
Араб ва гар чизатой, йўқса туркману халож.*

*Эй Навоий, чу гадосен, сену бир лўливаш
Шоҳга мирзоу мирак, хонга қиёту кўнғирот.*

Профессор Б.Ўринбоев ва доцент О.Эшмуродовларнинг фикрича, Жомда венгер (ўн оғур, ўн ўғуз) халқига мансуб аҳоли ҳам яшашади. Бу фикр ҳақиқатга тўғри келади, сабаби Жомнинг ён қўшниси бўлган «Қашқақдарёнинг ўрта оқимларида ҳозиргача можор номи билан аталувчи этник гуруҳ яшайди. Маълумки, можорлар Венгрия давлатининг асосий халқидир» [10. 74].

Жом аҳолисининг этник таркиби, урф – одатлари, турмуш тарзи 1965 йилда профессор Б.Х.Кармишева томонидан ўрганилган [31]. У мулла Дониёр Ирисов, Бобо Равшан, Ўрол Равшановларни Шамсиддин Ёқубов хонадонига тўплаб суҳбатлар ўтказган ва Жом аҳолиси буюмлари ва турмуш тарзидаги айрим элементларнинг, масалан, ёғочдан ясалган товоқ, қошиқ, нафراحлар (катта сандиқ ўрнида ишлатиладиган буюм)нинг венгер халқиникига ўхшашлигини эътироф этган. Маълумки, венгерларнинг ўзлари ҳам туркий халқлар таркибига киради. Венгрияда ўзбек уруғлари мавжуд. Аҳад қори Норқулов маълумоти бўйича Венгриядан Жомга келган илмий экспедиция уларнинг юртида сарой ва бошқа ўзбек уруғлари борлигини ва венгерларнинг бизлардагидек кир ювиш воситасини «совун» деб аташларини айтган. Бу экспедиция харитасида Жом қишлоғи венгерлар яшайдиган жойлардан бири сифатида кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жомда дастлаб одамларнинг ибтидоий тўдалари яшашган. Кейинчалик туркий-суғдий тилларда сўзлашувчи ва XIV-XV асрлардан бошлаб Дашти Қипчоқлар қоришувидан ҳосил бўлган аҳоли яшашади. Қишлоқда XIV-XV асрларда кўчиб келган Дашти Қипчоқларнинг 92 ўзбек уруғлари таркибига кирувчи Жоми ва Хабрин уруғлари номлари асосида «Жом» ва «Ҳафрин» жой номлари шаклланиб ўзлари унутилган.

ТАРОМИШ ТЕРМИНИ ҲАҚИДА

Қишлоқ аҳолисига нисбатан аجدодларимиз орасида шундай ўхшатишлар ишлатилган: Омондараликнинг қўлига қоғоз билан қалам бер. Қорамўйиннинг қўлига кетмон бер. Таромишга от миндириб, қўлига қамчи бер. Гўлга топтир, Жолмонга чоптир. Бу гаплар Омондарада ўқимишли одамларнинг кўплигига, қорамўйин аҳолисининг ўта меҳнатқашлигига, таромишнинг тараниб ўзининг синига қараб юришига, гўл аҳолисининг ўта тадбиркор, топармон-тутармонлигига, жолмонг аҳолисининг ўта қўли очиклигига ишора эди.

Таромиш сўзининг маъноси Ж.Ирисқулов томонидан ўрганилиб, тараниб, ўзига қараб юриш маъносида изоҳланган ва бу ҳақиқатга тўғри келади.

ЖОМДАГИ ҚАБРИСТОНЛАР

Жомда қабристонлар кўп бўлиб, улардан биз билганларимиз Қадимтепа, Ҳафринбобо, Яланг оёқ эшон бобо, Биби Марям, Қўрғон, Сафар шайит, Азартепа, Боймат бобо, Оқтош ота, Отабой авлиё, Мавлонаи Жом ота, Сонсувлқ ота, Оқтошмозор, Куюкмозор, Бели синиқ ота, Қирғинтепа номлари билан аталади.

ҲАФРИНБОБО ҚАБРИСТОНИ

Ҳафринбобо қабристонининг шимолида жойлашган Номсиз тепа этагида аниқланган учта қадимги қабр ислом дини ёйилишидан илгари мавжуд бўлган. Бунда мурдалар ёнбошига ётқизилган ва тиззалари букилган, ғужанак ҳолда, тириклик пайтидаги буюмлари ва ҳар хил тақинчоқлари билан биргаликда дафн этилган. Олимларнинг аниқлашича, бу қабрлар ва улардан топилган тарихий буюмлар бундан 3500 йиллар олдин яшаган аجدодларимизга тегишли. Аҳад қори Норқулов маълумотига кўра, 1965 йилда Б.Х.Кармишева Ҳафринбободаги қабрларни ўрганиб, уларнинг қадимий Болгарлар қўйиндисига ўхшашлигини эътироф этган.

Ж.Ирискулов ва А.Ёрқуловларнинг айтишича, 1998 йилда Самарқанддан келган олимлар Ҳафринбобо қабр тошидаги ёзувни ўқиш учун ундан нусха олишган ва араб тилини яхши биладиган, Афросиёб музейида узоқ йиллар ишлаган меҳмон мазкур ёзувнинг араб ёзуви эмас, балки бошқа қадимги ёзув эканлигини эътироф этган. Бизнинг фикримизча, бу ёзув суғд ёзуви бўлиши керак.

Ҳафринбобода ҳонақоҳ ўрни мавжуд. Бу ерга турли юртлардан дарвешлар йиғилиб, суҳбатлар қуришган, ваъзлар айтганлар.

1973 йилнинг баҳорида Ҳафринбобо қабристонига кишлоқ оксоқоллари мулло Дониёр, Низомиддин маҳсум, Эштурди маҳсум, Маҳмасодик, Абдурайим, Ёрбозор, Раҳмат, Аъзамқул боболар чинор, тут, қайрағоч, арча кўчатлари ўтқозишган. Бу дарахтлар бугунги кунда ўсиб, атрофни яшилликка буркаб турибди.

МАВЛОНАИ ЖОМ ОТА ҚАБРИСТОНИ

2000 йилда Жом фуқаролар йиғини раиси Э.Раҳимовнинг саъй-ҳаракати билан қишлоққа келган археолог олимларнинг аниқлашича, Мавлонаи Жом ота қабристони мавжудлиги тахминан 1200 йилларга тўғри келади. Бугунги кунда одамлар зиёрат қиладиган гумбаздаги қабрга мелодий ҳисоб билан 1254 йилда аёл киши дафн этилганлиги маълум. Қабрнинг бош қисмидаги тошга Камман-шаҳодат «Ла илоҳо иллоллоҳу Муҳаммадин Расулиллоҳ», пастки қисмига Иноятой Бинти Оқ Муҳаммадбой- 1254 ёзуви битилган. Ёндош қабрларда қуйидаги битиклар мавжуд: Домло Худоёр Маҳдум ибн домло Хўжамурод хожи. 1252 йил; Мирзабой ибн Авазбой 1255 йил. Оқибад ба хайр тад ёзувлар бор.

ЎзР Археология институтининг етакчи илмий ходими А.Бердимуродов Мавлонаи Жом ота қабристонининг мавжудлигига 900 йиллар бўлган деса, Ж.Ирискулов 1500 ёшни белгилаган.

Қабристондаги зиёратгоҳ гумбаз Ҳасан Бозоров ташаббуси билан жомлик уста Эгамберди Суюнов томонидан оқ туноқа билан қопланган.

1970 йилда ўша даврдаги қишлоқ кенгашининг раиси оқсойлик Иброҳим Исрофилов раҳбарлиги ва қишлоқ фаолларининг ташаббуси билан Жомдаги барча қабристонлар темир панжара билан ўралган.

1992 йилда Мавлонаи Жом ота қабристони атрофини тош девор билан ўраш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Барот Бекмуродов ташаббуси билан бошланиб, хайрия йўли билан 700 метр пойдевор қурилган. 2001-2002 йилларда Файзуллаҳон эшон Маҳмудхон эшон ўғли қабристоннинг асфальт йўл томонидан 900 метр, шимолидан Ҳайдар Ўсаров 300 метр, жанубидан Раҳмон Маҳмудов 190 метр, Жуманазар Абдурахмонов, Тоштемир Бозоров, Тўйли Омонов ва Қоплон Худоёровларнинг ҳар бири 100 метрдан ортиқ масофани ўз маблағлари ҳисобидан тош девор билан ўрашди. Бугунги кунда яна 1500 метрдан ортиқ жой олдинги темир панжара билан турибди.

2008 йил 20 апрелдан қишлоқ ерларини чигиртка босди. Унга қарши қурашнинг бирор тури фойда бермади. Чигирткалар бир

муддат тўхтаган жойларда ҳўлу қуруқ ҳеч нарса қолмасдан худди ўт кетгандек ер қоп-қора тусга кирди. Чигирткалар хужуми Мавлонаи Жом ота қабристонини томон йўналиб, унинг деворларига 2-3 метрлар қолганда, қутилмаган ғаройиб ҳодиса рўй берди, осмон тўла қушлар пайдо бўлиб, чигирткаларга хужум бошлашди. Қушлар чигирткаларнинг бошини кесиб ташлар, уларнинг ширасидан ёпишиб қолган тумшукларини сойдаги сувдан чайқаб келиб, яна ишга киришарди. Шундай қилиб қушлар бир ҳафта давомида қишлоқни чигиртка балосидан ҳолос этди. Қушлар бир лаҳзада қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай ғойиб бўлишди.

СОНСУВЛОҚ ОТА ЁКИ АВЛИЁ БОБО

Жомнинг чўлида Қўнғиротқамарга яқин Сонсувлоқ ота ва Авлиё бобо номли жой бор. Сонсувлоқ ота – баланд ясси қирлиқ жой, ундан яйлов сифатида фойдаланилади. Бу ерда работ, қаср ёки масжид ўрни бор. Шунингдек, қатта қадимий қабристон мавжуд. Ҳозир ҳам айритомликлар майитларни шу қабристонга қўйишади. Бу жойни қадимдан одамлар зиёрат қилиб келишган. Авлиё бобонинг кунчиқар ва кунботар томонларида булоқ бўлган. Бугунги кунда аниқланишича, Авлиё бобо жойлашган жуда қатта ҳудуднинг тагида 300 йиллардан ортиқ муддатга етадиган шифобахш минерал сув захираси мавжуд бўлиб, бу қўл Ибн Сино (Нагорний) санаториясидан чиқадиган шифобахш сув билан бир хил таркибга эга. Равшан бобо Қоратой ва Сори бобо Фармон қассоб ўғилларининг фикрига кўра, бу жойда қўнғиротлар яшаб чорваларини боқишган, жуда кўп булоқларнинг сувидан фойдаланишган.

А.Темур номли 22-мактаб тарих фани ўқитувчиси Жаҳонгир Ирискулов маълумотига асосан, Раҳматилло чўпон Алимов «Авлиё» бобо булоқларида мол суғорган. Уста Нормўмин Рўзиқулов ҳам бу гапни тасдиқлаб, Сонсувлоқ отанинг кун чиқар тарафида булоқ борлигини айтган. Қадимги жамоа хўжалигининг машҳур раиси М.Холбозоров Сонсувлоқ отани «Бу сонсиз сувлот бўлган, кейинчалик одамлар Сонсувлоқ, деб атаганлар» дер экан. Ж.Ирискулов шундай ривоят келтиради: бир вақтлар Сонсувлоқ отада бир қанча булоқлар бўлиб, улардан одамлар, моллар сув ичган. Қозоқлар отларининг узокдан сув излаб Сонсувлоқ отага

қочиб келишидан безор бўлиб, бу ердаги булоқларни кўмиб кетишган. Хуллас, қиссадан ҳисса шуки, бу жой Сонсувлоқ эмас, аслида сонсиз сувлот бўлган. Қадимда бу ерда одамлар, улуғ авлиё ва пирлар ҳам яшашган, қазоси етиб дафн этилган. Шу сабаб бу қабристон Авлиё бобо номини олган.

Сатторов Бекмурод бобо Сонсувлоқ отага бир туянинг бўталоғи билан кириб кетганини кўргач, касалга мубтало бўлади. Бу туя уч йилдан сўнг қайтиб чикқач, Бекмурод бобо соғаяди ва ёшларга Сонсувлоқ ота азиз жой, бу ерга тоза қалб, яхши ният ва таҳоратли ҳолда қадам босиш керак, деб насиҳат қилган.

ЯЛАНГ ОЁҚ ЭШОН БОБО ҚАБРИСТОНИ

Доцент О.Эшмуродов Яланг оёқ эшон бобо қабристони номининг шаклланишини XVII асрда яшаб, доимий ҳолда оёқ яланг юрган Сўфи Оллоёр номи билан боғлайди. Сўфи Оллоёрнинг Анжирли шаркида жойлашган Тўғрисўфидан тоғ оралаб Чўнкаймиш томон сафари эътиборга олинса, олимнинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келади.

Бу қабристондаги қабр тошида шундай ёзув бор: «Муҳаммад Сами хожа ибн мирзо хожа Ғаффороллоҳу зунубае хумо сано 1250 йил». Демак қабристон мелодий 1200 йиллардан бери мавжуд.

ЖОМ БОЗОРИ

Фикримизча, бозор ёши қишлоқ билан тенгдош ёки камида «Буюк ипак йўли» ёшида. Бундан 2300 йиллар олдин зарб қилинган Антиох I Сотер кумуш тангасининг Яккатолдан топилиши Жом бозорининг эрамиздан олдин мавжуд бўлганлигини исботлайди.

Б.Равшановнинг маълумотига кўра, бозорнинг олдинги ўрни Калбетда-Қўрғон атрофида бўлиб, кейин Самарқанд-Қарши йўли бўйига кўчирилган. Ҳозирги бозор олдинги ўрнидан жануб томон 500 метрлар сурилиб, 1977-1978 йилларда қурилган. Ж.Ирисқулов маълумотига кўра, бу бозор ва ДАН постининг очилиш маросимида Самарқанд вилоятининг собиқ биринчи раҳбари Бектош Раҳимов ва вилоят ижроқўмининг раиси Синдор Ҳамроқуловлар иштирок этишган.

1991 йил Республика мустақиллигига қадар Чирокчи, Каттакўрғон, Пастдарғом, Ургут туманлари оралиғида ягона Жом бозори мавжуд эди. Авлодлар жаҳон бозори бўлган Жом бозори қурилиши архитектураси ва ободончилигини унинг тарихи ва довуғига муносиб даражада бўлишини таъминлаб туришлари керак.

ЖОМ ҲУДУДИ ВА ИҚЛИМИ

Маълум чегарага эга бўлган ер майдониға ҳудуд, дейилади. Жом Самарқанд вилояти таркибидаги қишлоқ бўлиб, Қашқадарё вилоятининг шимолий чегарасида жойлашган. Унинг ҳудуди 1930 йил жамоалаштириш давридан 1963 йилгача Каттакўрғон, 1963-1975 йилларда Пастдарғом туманлари таркибида бўлган, 1975 йилдан эса Нуробод тумани таркибига қиради.

Жом шимол, шарқ ва жануб тарафдан тоғлар билан ўралган, ғарб томонини қир ва сойлар ташкил этадиган дашту чўлдан иборат. Қишлоқнинг ўзи Жом сойи бўйлаб, шарқдан ғарбга томон 32 километр масофада жойлашган.

Қишлоқ жанубдан Қашқадарё вилоятининг Айритом, Аччи, Умақай, Қўчқорбулоқ, Сарсон, Қорақия, Сичқончи, Сорғамиш, Обоҳли, Тутли, шарқдан Самарқанд вилоятининг Йўрғабулоқ, Чўнқаймиш, Анназират, Бешбармоқ (Беширмоқ), шимолдан Иброҳим ота, Анжирли, Сарикқўл (Сарикул, Сорғул, 1918 йилги харитада Саккиз ўғил), Имомтепа, ғарбдан Улус қишлоқлари ва уларга қарашли ерлар ҳамда тоғлар билан чегараланган.

Бешбармоқ қишлоғида яшаган Зайнаб момо Олимовадан 85 ёшида А.Ярқулов томонидан ёзиб олинган топишмоқда шундай сатрлар бор:

*Ови бира, ови бир,
48 тегирмоннинг нови бир,
Чақмоғи бошқа қуви бир,
Бунн топгин Тошхўжа.*

Маъноси: Ов-даромад, фойда; Нов-йўл; Чақмоқ-қишлоқ; Қув-тўй-марака. Бу топишмоқдан Жом атрофида 48 қишлоқ

мавжудлиги, улардаги аҳолиларнинг ҳар томонлама яқин алоқада ҳаёт кечиришлари, маъноси келиб чиқади.

Жом қишлоғи ва унга қарашли ерлар, Жом чўли ҳудуди таркибига киради. Жом чўли шарқда Қоратепа (чўнқаймишликлар Оқ тоғ, деб аташади), ғарбда Зирабулоқ тоғлари орасида жойлашган. Абсолют баландлиги (ўртача Океан сатҳидан) 480-600 метр. Геологик жиҳатдан тоғ ерларининг устки қисми 10-70 метр лиёс ва лиёссимон жинслардан тузилган. Сифатли катта мрамр захирасига эга. Чўлда типик бўз тупроқлар кенг тарқалган. Жом чўли таркибига Улус ва Каттакўрғон каби йирик ғаллакорлик ва чорвачилик хўжаликлари ҳудудлари ҳам киради [68. 379].

Жом қишлоғига қарашли ҳудуднинг ўзи икки қисмдан иборат бўлиб, тоғлик ва чўл ерларидан ташкил топган. Оллоҳ ўн саккиз минг оламни аниқ ҳисоб-китоблар билан олти кунда яратди деганларидек, Жом қишлоғига тегишли ер майдони 18000 гектар. Ер юзидаги барча халқларнинг етти сонига ихлоси баланд бўлгани сингари Жом ерларининг 7000 гектари ҳайдалиб экинлар экилади.

Жом сойи Чўнқаймишнинг шарқий қисмида жойлашган Қоратепа тоғининг ғарбий қисмидан бошланиб, тоғ оралаб, Жом чўли бўйлаб оқади ва Эски анҳор каналига қуйилади. Баҳор ойларида Айригаза, Чўчкабулоқ, Ғиштбанд, Омондарабулоқ, Ўртабулоқ, Бошбулоқ, Бешбулоқ, Толли, Калтасой, Сарикчўққи, Ҳафринсой, Отқамар, Каттаоннадан оқиб келадиган сувлар қўшилиб, катта тошқинлар ҳосил қилади, сой бўйида жойлашган хонадонлар ва кўприкларга зиён етказади, ёзда эса сув кескин камайиб, «Гирдиқўрғон» маҳалласининг қуйи қисми ва «Жом» маҳалласи ерларига оқар сув етиб бормайди.

Тоғларнинг ён бағирлари, қишлоқ ўрни, Жом чўлини ташкил этувчи ерлар сон-саноксиз паст-текисликлар, қир-адирлар ва сойлардан иборат. Сув оққан сойларнинг ўзани турфа рангдаги кум, шағал, катта-кичик тошлар билан қопланган.

1970 йиллардан олдин Жомнинг қир-адирларида ўт-ўланлар, тоғларида бодомча (ҳаргана- аслида тожик тилида «хори ганда», яъни тикони ёмон маъносини билдиради) лар жуда кўп бўларди. 2000 йилларга келиб ўтин танқислиги туфайли аҳоли тоғлардаги бодомчаларни кесиб келиб ёқа бошлади. Бунинг натижасида тоғларда сув захирасини ҳосил қилувчи ноёб бодомчанинг

йўқолиб кетиш ҳавфи туғилди. Шунингдек, чорва сонининг кескин ошиши ўт-ўланларнинг сийраклашиш, айримларининг йўқ бўлишига олиб келди. Булар Жом ерларида экотизимнинг ёмонлашиб бораётганлигини билдиради. Шунга қарамасдан, Жом ерлари, айниқса тоғлар, сув оқадиган сойлар, булоқлар атрофлари баҳор ойларида кўм-кўк гўзал гўшага айланади. Шунинг учун йилнинг апрел ва май ойларида қишлоққа келиб дам олиб кетувчи меҳмонлар кўп бўлишади. Қишлоқ аҳолиси ва меҳмонларнинг дам олишга чиқишлари табиатни ифлослантириб, унга катта талофат келтирмоқда. Жомнинг ёзи жазирама иссиқ бўлиб, унинг таъсирини майин шамол қирқиб мўътадиллаштириб туради. Жомда тахминан 20 июндан 20 августга қадар Бекобод ва Сарикқўлникига ўхшаш кучли шамоллар бўлиб туради. Вақти-вақти билан бўладиган бундай об-ҳаво аҳоли осойишталигини бузади, қишлоққа чанг-тўзон, тупроқ, кум ёғилади, дарахтларнинг баргларини юлиб кетади, ўриб олинмаган ғалла ҳосилини тўқади, қир-адирлардаги чорва озиқланадиган емишларни учириб, ерни тақирон ҳолга келтиради, иморат томларини учириб кетиш ҳолатлари учраб туради. Куз фасли мўътадил, қиши эса совуқ бўлади. Қишлоқ ичига нисбатан чўлда, чўлга нисбатан Жомнинг шарқий қисмида жойлашган Толли томонда об-ҳаво совуқроқ бўлади. Йиллик ёғингарчилик миқдори турли йилларда турлича бўлиб 300-600 миллиметр атрофида бўлади. Аҳоли асосан, лалми ва сувли деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, айниқса, гилам тўқиш ва тижорат билан шуғулланади. Тўғридан-тўғри булоқлардан қувурларга олинган сувлар истеъмолга узатилади. Булоқлардан оқиб келаётган ариқлардаги сувлар йилнинг иссиқ фаслларида салқин, қиш ойларида илиқ бўлади. Қишлоқнинг юқори қисмида жойлашган Омондара булоғи Жом аҳолисининг асосий қисмини сув билан таъминлаб туради. Бошқа катта-кичик булоқлар ҳам кўп. Сон-саноксиз сойлар, қирлар ва адирлар бор. Бу жойлардан яйлов сифатида фойдаланилади.

Жомнинг ғарб томонида жойлашган чўл зонасига лалми, қисман сувли деҳқончилик қилинади. Ғалла, нўхат, зиғир, тарвуз-қовун ва бошқа кўплаб экинлар экилади. 1972 йилда Жом чўли орқали Қашқадарёга Москва номидаги канал ўтказилган.

Жом аҳолиси қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган, деҳқончилик сирларини яхши билишган. Лалми майдонларда ғалла, зиғир, кунгабоқар, нўхат, йўнғичқа (беда), тарвуз, қовун, кади (қовок), суғориладиган ерларда сабзи, пиёз, картошка, шолғом, помидор, мевали дарахтлардан: олма, ўрик, гилос, шафтоли, тут, ёнғок, олхўри, олмурут, беҳи, анжир, узумнинг турли навлари – қора кишмиш, оқ кишмиш, ҳусайни, тоифи, султони ва бошқа навлари етиштирилган.

Жомда боғлар, чорбоғлар кўп, жумладан, Шоймат бойнинг чорбоғи, Ашур бобонинг чорбоғи, Мусо бобонинг чорбоғи, Хидирқул қассобнинг боғи, Ойсулов момонинг чорбоғи, Бойхон бобонинг боғи, Маҳмарасул бобонинг боғи, Орқабой бобонинг боғи, Пардабой оқсоқолнинг боғи (200 йилдан буён узум беради), Муҳиддин махсумнинг боғи, мулла Қодир бобонинг боғи, мулла Иброҳим бобонинг боғи, Қўшокбойнинг боғи, Жуман мерганнинг боғи ва бошқалар. Мустақиллик шарофати билан 1990 йилдан сўнг Жомда боғ-роғлар яратиш янада кучайди. Қалтасойда Хурсан, Бобомурод, Элмурод, Гулмурод Рустамовлар, Тўлқин Тожиев, Жўрабой Ёрқулов, Гулман ва Султонбой Жумаевлар, Бешбулоқда Абдушукур Ғаффоров, Тошқувват Шерманов, Даврон Ёрқуловлар томонидан сўлим боғ-роғлар бунёд этилди. Ҳафринсой қадимдан боғу роғлар макони бўлган, бироқ 2000 йиллар атрофида қишлоқ аҳолиси томонидан энг сермахсул ва чиройли боғ деб, мулла Абдупатта Абдулҳай ўғлининг боғи эътироф этилди. Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида Мурод Муҳаммад Дўст ва Турсунмурод Норбековлар катта боғлар яратишди. Уларнинг ҳар бирида бир ярим мингтадан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар мавжуд. Мулла Райимқул ва мулла Аҳмад домла помидор етиштиришда моҳир бўлишган. Зироатчиликда Ўрол муаллим Жумаевнинг олдига тушадиган бўлмаган. Б.Равшанов 50 йил деҳқонларга бош бўлган моҳир агроном. У киши лалми ғалладан 30-35 центнергача ҳосил етиштирган. Бундан ташқари кунгабоқар, лавлаги ва бедадан юқори ҳосил олишга эришган. Жомликлар қадимдан моҳир чорвадорлар. Тоғларда ва чўлда қўй-эчкилар, қорамол ва йилкилар боқилади.

Чорвачилик учун жуда қулай. Аждодларимизнинг иқлим билан боғлиқ заковатидан:

*Ёмон келса хут, керагада бут,
Яхши келса хут, қозон тўла сут.
Хут ширғоқ келса, ҳамал қирғоқ келади.
Азиз момам олти кун, қахрланса қаттиқ кун.*

Изоҳ: Қиш илиқ келиб феврал-март ойларида чорванинг қорни ўтга тўйган, сут кўпайган. Қиш чўзилиб, йиғилган ем-хашак тутаб, ҳамал арафасида чорвада талофат кузатилган. Жомда бу даврни чимқима, деб аташади.

Одатда феврал (хут)да ёғингарчилик кўп бўлса, ҳамалда қурғоқчилик бўлади.

Азиз момо 1-21 март оралиғидаги учта чоршанба кунларидан иборат. Бу даврда одатда об-ҳаво совуб ёғингарчилик бўлади. Гуллаб турган дарахтларни совуқ уради. Ҳар бир чоршанба азиз моманинг кириши, пайшанба чиқиши ҳисобланади. Шунинг учун азиз мома олти кундан иборат.

Мулоҳаза ўрнида: айрим ташаббускор, тадбиркор инсонларнинг ҳеч нарса битмайдиган тоғларни ўрмонзорларга айлантираётганликларини кўп кўрамиз. Айрим қишлоқдошларимиз бизда ёғингарчилик кам бўлади, дейишади. Уйимиз олдида бир дона гужум экиб, унинг тагига қўл-бетимизни ювсак ҳам бир дарахт ўсиб, унинг соясидан барҳаманд бўлишимиз мумкин-ку. Бу борада қирларда, йўл ёқаларида дарахтлар ўстираётган, боғу роғлар яратаётган Гирдикўрғон маҳалласи аҳолисидан ўрناк олиш керак. 2007 йилнинг сентябр ойида Қ.Раҳимов билан А.Ёркулов Қоровултепа устига тоғларни ўрганиш мақсадида чиқишиб, тошларни ағдариб кўришди, қарангки, иссиқ жазирама ёз фаслининг ўтишига қарамасдан тошлар тагида намлик сақланиб турибди. Бу қулайлик келгусида авлодларимиз томонидан Жом тоғларини ўрмонзорга айлантиришларига умид уйғотади. Битта гужум дарахтининг уруғи тўкилгач, унинг тагидаги намликдан саноксиз ниҳолларнинг униб чиққанлигига қараб туриб, қанийди шу ниҳолларни парваришлаб, қир-адир ва тоғларга экилса, дейсан киши. Бешбулоқ ва Қалтасойдаги қишлоқдошларимиз сингари Жомдаги барча булоқлар атрофларини чорва молларидан

ҳимоялаб, шу жойларга мос дарахтлар, бодомлар, ҳарганалар уруғларидан ниҳоллар етиштириб тоғларни арчазор ва бодомзорларга айлантириш вақти келди. Бундай ишлар қишлоқнинг сув захирасини бойитади, Жомни янада сўлим гўшага айлантиради.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЖОМ

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, Жомда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аҳоли 1990 йилгача давлат томонидан белгиланган чорва сонига эгалик қилишга ҳақли бўлиб, ортиқча асралган ҳар қандай чорва турига қўшимча солиқ солинар, ҳатто отга солинадиган солиқ унинг бозордаги нархидан ҳам ортиқ эди. Мустақиллик бундай чеклашларни олиб ташлади. Натижада аҳоли чорваси сони кескин кўпайди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида ислохотлар амалга оширилиб, кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилди. Намоз Пирназаров чорвадор фермер бўлса, Обрўй Назаров, Қоплан Худоёров, Йўлдош Давронов, Исматилло Тангматов, Асад Равшанов, Хўжакул Зиётов, Улаш Мусурмонов, Холиқ Мусурманов, Облоқул Бегимов, Тошмурод Холиёров, Садин Ўсаров ва бошқалар томонидан деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилди. Кўплаб боғлар пайдо бўлиб, қишлоқ ободонлашди. Жомликларнинг турмуш шароити, уй-жой қурилиши яхшиланди. Мактабларда янги ўқув бинолари қурилиб, ишга туширилди. Янгидан кўпқаватли коллеж бинолари, спорт иншоотлари ва майдонлари қурилди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқталари сони ортди, Қоровултепа устига қўл телефони симсиз алоқа тизими антеннаси ўрнатилиб ишга туширилди.

Қадимдан Жомда Омондара, Ҳафрин, Тегирмонбоши, Кармовул, Гулкишлоқ, Таромиш, Жолмонг, Гўл каби маҳаллалар мавжуд бўлиб, Республика мустақиллиги шарофати билан давлатимиз томонидан бутун мамлакат бўйлаб маҳаллаларнинг қонуний тузилмаси вужудга келтирилди. 1990 йили Жомда эски тўрт жамоа хўжалиги ўрнида маҳаллалар ташкил этилиб, уларга оқсоқоллар сайланди: Жом маҳалласи (оқсоқоли Оллоҳёр

Йўлдошев), Гирдиқўрғон маҳалласи (оқсоқоли Соли Шералиев), Тегирмон боши маҳалласи (оқсоқоли Иззатилло Ёқубов), Омондара маҳалласи (оқсоқоли чўнқаймишлик Шукурулло Расулов).

Жом маҳалласига Холмўмин Равшанов, Тегирмонбоши ва Гирдиқўрғон маҳаллаларига Аҳмад Хусанов, Омондара маҳалласига Элберди Расулов, бу маҳалланинг Чўнқаймиш бўлимига Жўракул Юсупов мулла қилиб белгиланди.

Мустақиллик одамларни мустабид жамиятдан мерос бўлиб қолган боқимандалик балосидан қутқариб, кучли ва онгли ҳаракат механизми билан қуроллантирди. Ҳеч қачон кузатилмаган Жом ёшларининг қишлоқдан ташқарига, айниқса, хорижий давлатларга чиқиб ўқишлари ва ишлашлари жараёни кучайди. Қишлоқ оқсоқолларидан У.Мусурмоновнинг таъкидлашича, 2007 йилга келиб аҳолининг иқтисодий шароити мустабид тузум давридагига нисбатан ўн баробар яхшиланди. Жумладан, 2008 йил Ийд ал – Адҳа ҳайитига қурбонлик учун жомликлар Тошкент шаҳри аҳолисига олти минг дона бўрдоқига боқилган кўчқорлар, яъни ўртача 200 тонна сара қўй гўшти етказиб берди. Бундай маълумотлар мустақиллик йилларида қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва турмуш шароити кескин ўсётганлигини кўрсатиб турибди.

МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

2007 йил ҳисоби бўйича Жом ҳудудининг у бошидан, бу бошигача 32 километр бўлиб, унда 3749 та оила, 22177 нафар аҳоли бор. Шундан 2271 та оила ва 14720 нафар аҳоли Жом фуқаролар йиғини таркибига киради.

Голландиядан ҳар куни фақат гул ортилган самолётлар жаҳоннинг турли мамлакатлари томон учиб, уларни гул, айниқса, турли ноёб лолалар билан таъминлайди. Бу давлат ерида лола ўсмаган. СамҚХИ профессорлари Е.П.Горилов, Р.О.Ориповларнинг маълумотларига кўра, лоланинг дастлабки пиёзларини 1500-1600 йилларда голландияликлар Ургутнинг Омонқўтон, Жомнинг Толли ва Тойпонгидан териб кетишиб, селекция ишларини амалга оширишган. Бу ишдан бугунги кунда улар катта иқтисодий фойда кўришмоқда. Демак, Жом лоласи Голландия халқининг тадбиркорлиги, гулчи олимларнинг узоқни кўзлаб қилган

заҳматли меҳнатлари эвазига уларнинг ғазнасини бойитишга хизмат қилмоқда.

Шамси Одил ўзининг «Икки лола» шеърида:

***Жом тоғидан лола уздим, гуллола,
Гуллоламас, гўё қирмиз пиёла.***

сатрларини бежиз битмаган.

1923 йилда дастлабки мактаб очилган.

1932 йил Жомда тўртта жамоа хўжалиги тузилган. 1951 йилда улар бирлаштирилиб, битта хўжаликка айлантирилган ва 1957 йилда собиқ Улус давлат хўжалиги таркибига киритилган. 1977 йилда Жом хўжалиги ташкил этилган.

1958-1959 йилларда Сонсувлқда чорва озиқланиши учун катта саксовулзор бунёд этилган.

1963-1971 йилларда Самарқанддан Жомга Ан-2 самолёти катнови йўлга қўйилди. Самолёт Мавлонаи Жом ота кабристонининг шарқий қисмидаги ялангликка кўниб-учар эди. Қамбар Султонов алоқачи, Хуши Маманов хазиначи бўлган.

1967 йилда собиқ Ўзбекистон 40 йиллиги давлат хўжалиги директори Отамурод Эшмуродов раҳбарлигида Кучмен томонидан Жомнинг катта булоқ суви қувурларга олиниб, аҳоли ичимлик сув билан таъминланган. Қувурлар узунлиги Жомнинг ичи бўйлаб поезд йўлигача 15 километр, қўйларни суғориш учун Сонсувлққача 15 километр, жами 30 километрдан иборат. Бундан олдин Жом аҳолисининг ярми сувни ҳовузлардан, қишлоқнинг юқори қисми ариқ ва булоқлардан ичар эди.

1968-1969 йилларда сур тери етиштириш мақсадида чўлга изин ва катаран ўсимликлари экилди.

1970 йилда Ҳафринда телеантенна ўрнатилди, 2006 йилда қайта қурилди.

Жомда 1971 йил симёғочлар ўрнатиш бошланди ва 1972 йилда бутун қишлоқда электр таъминоти йўлга қўйилди. Қишлоқни электрлаштириш Жомнинг биринчи энергетиги Тошқуват Қорабоевнинг ташкилотчилиги ва раҳбарлигида амалга оширилди.

1972 йилда Самарқанд-Қарши катта асфальт йўли ётқизилди.

Ўша йили автобус катнови йўлга қўйилди. Биринчи Жомлик автобус хайдовчиси – Суюн Туйғун ўғли.

1972 йилда Жом маҳалласининг пастки қисмида 550 метрлик Дюккер ер ости сув ўтказгичи қурилди. Сув келиши муносабати билан бу жой Ором қишлоғи деб аталди. Каналга Москва номи берилди. Натижада қакраб ётган чўлларда Москва канали бўйлаб сувли ерлар ҳосил бўлди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди. Республика Мустақиллигидан кейин Москва каналига Эски анҳор номининг берилиши ўйламасдан қилинган иш бўлиб, тарихни бузишдан бошқа нарсаси эмас. Чунки, Жомнинг куйи чегарасида катта тарихга эга бўлган Эски анҳор каналининг ўзи мавжуд. Бошқа ном танланиши, масалан, Янги анҳор деб аташ мумкин эди. Бу каналнинг бунёд этилиши Ўзбекистоннинг бош раҳбари Шароф Рашидов ва ўша даврда вазирлар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган қашқадарёлик Раҳмонкул Қурбоновнинг узоқни кўзлаб қилган ақл заковати ва ташкилотчилигининг самараси ҳисобланади.

1973 йилдан мармар қазиб олиш бошланди.

1978 йилда ДАН пости ишга тушди.

1980 йилда Омондара кўприги қурилди.

Ўша йили Жом ичидаги 8 километр йўл асфальт қилинди.

1981-1982 йилларда Б.Равшанов, Қ.Қиличев, Ў.Мустонов, Э.Бердиев, Т.Фармоновларнинг ташкилотчилиги асосида боғизагонлик йўлсоз – Сафар Жумаев томонидан Жом маҳалласи ҳудудидаги асосий беш ярим километрлик йўл асфальт қилинди.

1987 йил Ҳамро Тожиев раҳбарлигида Жом гиламчилик кооперативи ишга туширилди.

2003 йилда Элмирза Парда ўғли фарзандлари билан биргаликда жамоа бўлиб, қишлоқ ичида такси хизматини йўлга қўйди.

2007 йил 13 октябр Рўза ҳайити (Ийд ал-фитр) ва 19-декабр Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) оралиғида имом-хатиб мулла Равшан Аъзамкул ўғлининг саъй-ҳаракати, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Э.Раҳимов, муллалар А.Турсунов, И.Иброҳимов ва бошқа қўплаб савобталаб инсонларнинг ёрдами билан Мавлонаи Жом ота қабристонидаги жомеъ масжидига электр тармоқлари ўтказилди. Ийд ал-Адҳа намози шу чироқ ёқилган ва микрофонлар ишлатилган тарзда ўқилди. Масжидда овоз кучайтиргич (микрофон) орқали биринчи Қуръон тиловати бугунги кун илоҳий

илмлар билимдонларидан бири Исматиллохон эшон Саидхон эшон ўғли томонидан амалга оширилди.

Ер юзининг турли бурчакларида меҳнат қилаётган оғайин-қариндошлардан, жумладан, Америка, Корея ва Россиядан, қишлоқ аҳолисидан масжидга ёрдам сифатида маблағлар келиб тушди. Пирназар Зиёт ўғли томонидан қишлоқнинг тўрт маҳаллалари учун тўрт дона майитни ювиш кроватлари тухфа этилганлигини имом-хатиб намоз аҳлига эълон қилди. Шу даврга қадар уй ичидан қовланган одам бўйи ариққа иккита тахта бурчак қилиб қўйилиб, мурда шунинг устида ювилар эди.

2008 йилда собиқ Жом давлат хўжалиги маъмурий бинолари ўрнида, ҳозирги Гирдиқўрғон ва Жом маҳаллалари чегарасида, яъни қишлоқнинг ўртасида уч қаватли педагогика коллежи биноси қурилиб, ишга туширилди.

2008 йилда Дюккерда икки қаватли мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди.

Ўша йили Б.Турсунов номли мактабда замонавий спорт мажмуаси ишга туширилди, ҳамда Қоровултепа устига симсиз алоқа қўл телефони антеннаси ўрнатилди.

2009 йилдан ушбу китоб муаллифининг Б.Турсунов номли 21-мактабнинг энг юқори билимли, интизомли, ташаббускор ўқувчилари учун стипендияси ташкил этилди. Шунингдек, 17 апрел жума куни масжидга китоб жавони, хонтахта, лавҳ, «Қуръони Карим» ва «Самарқанд Жоми» номли китоблар ҳамда бир имом-хатибдан кейинги имом-хатибга топшириладиган китоблар рўйхатини қайд қилиш дафтари тақдим этилди. Жом жомеъ масжидида Илоҳий ва тарихий илмлар кутубхонасига асос солинди.

Паранжи ташлаш: 1930 йилда биринчи бўлиб Ойсулув ва Чиннихол Тожиевалар, Бахмал Қодирова, Ойкумуш Равшанова, Дуржамол момо, Карам муаллим Хушвақтовалар паранжи ташлашган. Тўғрироғи, Жомда паранжи ёпиниш бўлмаган, аёллар бошига тўппи кийишган, устидан қийиқча боғлашиб, катта рўмол устидан желак ёпинишган. Умумий паранжи ташлаш даврида Жом аёллари желак ташлашган. Желак бу иккита узун енглари икки ёнга тушиб кетмаслиги учун ўртасидан бир-бирига 15-20 сантиметрлик тасма билан бирлаштириб тикилган, эркаклар

яктагига ўхшаш чиройлик хошияли енгил кийим бўлиб, аёллар бошига солиб юришган. Желак енгларининг учлари тикилган, улардан чўнтак ўрнида ҳам фойдаланишган.

Кампирлар катта рўмол остидан оқ сочлари, чўккан чаккалари, тиришган бўйинлари, энкайиб қолган кўкраklarини тўсиб турувчи кийма (кийма) кийишган. Бу ҳам ўзига хос ёшга қараб кийиниш маданиятига киради. Келинлар ва ўрта ёшдаги аёллар бошларига рангдор матодан қилинган дурра (ичига 7-8 сантиметр энлиликдаги картон ўраб пешонага танғиладиган рўмол тури) ўрашган, эгниларидаги кўйлаklари устидан бежирим нимча, унинг устидан адрасдан тикилган чиройлик минсак (камзул) кийишган.

Биринчи бўлиб ўрта маълумот олган хотин-қизлар: Соттарова Сафувра (1951 йил), Хидирова Пардахол (1952 йил), Қаюмова Мактаб (1954 йил), 1955 йилдан кейин эса мактабларни кўплаб хотин-қизлар битириб чиқа бошлашган.

Қаҳрамон қизлар: 1962 йилда бутун қишлоқ аҳлининг, оналар ва қариндошларнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан Самарқанд шаҳрига биринчи бўлиб ўқишга бориб, кейинчалик Жом қизларининг ўқишига кенг йўл очган қаҳрамон қизлар: Мактаб Ҳушвақт қизи, Обод Жўракул қизи, Санобар Боймирза қизи.

Орденли аёллар: Ойсулув ва Чиннихол Тожи қизлари, Марвар Жуман қизи, Улдон Фармон қизи, Ойқўзи Обрўй қизи, Бибиш Норкул қизи, Мўмин Ўсар қизи, Қундуз Турсун қизи, Каромат Муҳаммади қизи, сигир соғувчилар- сардори Бибигул Мейлиева, Тошбиби Жонқобиловалар номини алоҳида ифтихор билан таъкидласак, арзийди.

Полвонлар: Худойназар ҳашкалтак, Рўзикул ва Шоврук Мели ўғиллари, Тоғаймурод Маҳмадўст ўғли, Жуман Фармон қассоб ўғли, Тўйли Сувонов, Жўрабой Шералиев, Эрмон Ёрқулов, Ҳамид бобо, Намоз Ўсаров, Абдусамат Турсунов, Ширин Ҳушатов, Пардабой Исломов, Эркабой Бегимов, Муҳаммади Туробов, Жўракул Райимов, Бегбой Эрназаров, Ўктам Қобул ўғли, Хусниддин Яхшинор ўғли, Ҳабиб Қилич ўғли, Искандар Сулаймон ўғли, Илҳом Мамир ўғли, Шухрат Абдужалил ўғли,

Ўқтам полвон ўғиллари Йўлчи, Мурод, Нурали, Фармон полвонлар жасорати барчага ўрнак.

КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛАРИ

Тегирмончилар: Эски замонларда ҳар бир оилада ёргичоқлар бўлган. Кейинчалик тегирмонлар ишлатилган. 1970 йилгача Жомда ўн иккита сув тегирмонлари бўлиб, улар Маҳмарасул Очилбой ўғли, Ашурали, Холикул, Намоз, Аликул, Жўракул, Шодмон, Норбой, Абдулазим, Кўбай, Мирвафо, Мусурмон оксоқол, Махсум шохшой, Алим, Карим, Қорабой, Ортиқэшон, Хайдар, Ҳолман комиссар, Умбар, Ўрин, Садин, Алим, Қосим, Мусо, Обрўй, Зиёт чуман, Мурод қассоб, мулла Саттор, мулла Қурбон боболар томонидан ишлатилган. Тегирмон усталари – Мамат ва Туйғун боболар бўлишган.

1970 йилдан сўнг тегирмонларга эҳтиёж йўқолган. 1990 йилдан бошлаб қишлоқда яна қисман сув, кўпроқ электр тегирмонлар ишлаши авж олди, улар Хўжакул Зиётов, Тошпўлат Мирзаев, Дўстқул Дагаров, Садин Ўсаров, Эркин Маматовлар томонидан ишлатилди.

Мерганлар: Абдишукур, Эшмат, Ўсар, Мамир, Рустам, Шукур, Хурсан, Жумабой, Ортиқ боболар.

Машхур Рустам мерган Сувон ўғли (1905-1985 й.й.) давлат ва аҳоли чорвасини қўриқлаб 500 дан ортиқ бўри отган, ёзда икки жамоа хўжалиги ўроқчиларини кийик гўшти, Каттакўрғон шаҳридаги рус миллати вакиллари тўнғиз гўшти билан таъминлаган. Мерган бобо исломда макруҳ қилинган тўнғизни қўли билан ушламасдан отилган жойини тегишли одамларга маълум қилган (Зиёт Давронов ва Хурсанд Рустамовлар маълумоти).

Усталар: Рўзикул, Қўзибой, Эркабой, Нормўмин, Шукур, Шухрат, Раҳмонберди, Бозор, Карим, Йўлдош, Алоуддин, Холиёр, Маҳмуд, Ўрол, Маҳкам, Намоз, Эркин, Шамси, Хурсан, Янгибой боболар, Жаҳонгир ва Эрнафас Элберди махсум ўғиллари.

Табиблар: Ҳайдар, Садин ва Аловуддин боболар, Зубайда, Нозин ва Қўзи момолар, Абдиманнон Ёрқулов, Алишер Ёрматов, Турсунали Ҳалил ўғли.

Мойжувозчилар: Равшан Қоратой ўғли, Усан, Ориф, Эрназар, Ёркул чагир, Сафар Эшқулов, Бободўст Эгамов, Исмаи халфа боболар.

Шираворчилар: Абдурашид Қосимов, Нишон Обрўев, Абди Сафаров, Хўшмамат Абдулазимовлар.

Қассоблар: Исоқ, Лабақ, Оллохёр, Турдали, Бердоли, Фармон, Хойдаул, Жуман, Омон, Очил, Хидиркул, Турсун, Мурод, Отамурод, Соат, Пирназар, Боки, Келдиёр, Эшмирза, Анвар боболар.

Карвон бошилар: Раҳмонкул, Бегимкул, Хўжакул, Сойип, Яъқуб, Шодмон, Маҳмаюсуф, Муҳаммади, Обруй, Толиб, Тошпўлат, Худоёр, Йўлдошбой, Карим, Қўчқор, Дағар боболар.

Чўпонлар: Норкул, Нормат, Эшмон, Бўронбой, Жонқобил, Жумабой, Холиёр, Шердон, Эшмурод, Ахмон, Садин, Ражаб, Абдурайим, Намоз, Кубай, Эсон, Тожи, Тубли, Нурмон, Мусурмон, Дўсман, Саттор, Нурулла, Ширин, Зиёт, Аланг, Иброҳим, Очил, Фарҳод, Абдурасул, Барака, Жаҳон, Боки, Неъмат, Абдурахмон, Оллохёр, Назар боболар.

Дастлабки тракторчилар: Абдулазим Азизов, Чаққон Эралиев, Абди Хуррамов, Эсон Мамиров, Норбой Сувонов, Турди Охмонов, Қўзибой Жабборов, Парда Нишонов, Хурсанд Сувонов, Қўчим Келдиёров, Зайни ва Абдуназар Азимовлар, Абдуҳаким, Рўзи Юсупов, Иноят Қаямов, Комил Тўраев, Эрнафас Отабоев, Яхшимурод Шодмонов, Улуғбек Турсунов, Мамаюсуф Тўраев, Норбўта Ўсаров, Мўмин Бозоров, Кувон Норбоев, Нурмамат Бегимқулов, Тўйли Жўлтоев, Дониёр Дониёв, Ҳамро Амирқулов, Сайдулло Бекмуродов, Ибодулло Раҳимов, Абдушукур Ғаффоров, Гулман Тўраев, Янгибой Алимов, Усан Абдуҳакимов, Қобул Бойчақаевлар.

Дастлабки ҳайдовчилар: Маҳмасоли Рўзиқулов, Қобул Очилов, Зиёдулла Усмонов, Омонбой Келдиёров, Суюн Хидилов, Нормурод Гойибназаров, Ўрол Пардаев, Бердимурод Солиев, Раҳмат Очилов, Худойназар Усмонов, Мусурмон Шамиев, Қилич Фармонов, Маҳмаюсуф Маҳмаев, Абдурахмон Сафаров, Неъмат Холиёров, Тоғай Сурманов, Қудрат Жонқобилов, Ёрбозор Тиллаев, Қўчар Мирзаев, Турғон Худойқулов, Назар Бозоров, Турум Хўжақулов, Қаҳҳор Намозов, Худоёр Жўрақулов, Эргаш

Нишонов, Ёвқоч Хўжакулов, Илҳом Давронов, Рустам Пирназаров, Очил Бойчакаев, Мусурмон Хўжамбердиевлар.

Республика мустақиллигининг илк йилларидаёқ ўзларининг хусусий «Дамас» автоуловларида Жом билан бошқа шаҳар ва қишлоқлар аро автомобил қатновини йўлга қўйиб, қишлоқ аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилган шофёр тадбиркорлар – Гулман Тўра ўғли, Содик Қилич ўғли, Мурод Ўктам ўғли, Бахриддин Суюн ўғли, Одил Қаҳҳор ўғли, Носир Амиркул ўғли, Шухрат Эгамназар ўғли, Шодиёр Турум ўғли, Бобур Нуркул ўғли, Сардор Нурулла ўғли, Ўктам Омон ўғли, Акмал Қувон ўғли ҳисобланади.

Хайкалтарошлар: Тўлаган Ёркулов, Алибек Раҳмонов.

Дастлабки почтачилар: Ўрол Равшанов (Ўрол муовин), Кенжа Розибоев, Шокир Тоҳиров.

Морбозлар: Алишер Ёрматов, Абдиманнон Ёркулов.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

1941 йилда Ўзбекистонда бор-йўғи 6.5 миллион аҳоли бўлиб, улардан иккинчи жаҳон урушида 1.443.230 нафари қатнашган. Уруш қатнашчиларидан 263.005 нафари жанг майдонларида ҳалок бўлган, 132.670 киши бедарак йўқолган, 60.452 нафар жангчи ногирон бўлиб қайтган [10. 312]. Бугунги кунда Жомда 22000 нафардан ортиқ аҳоли яшаётган бўлса, 1941 йилда 500 га яқин оилада 3000 атрофида аҳоли истиқомат қилган. Иккинчи жаҳон урушига Жомнинг ҳар бир оиласидан камида бир киши жўнатилган. Қатағон йилларида кўзга кўринган илмли, ташкилотчи, салоҳиятли одамлар йўқ қилинганлиги натижасида маҳаллий кадрлардан командирларнинг етишмаслиги ва рус тилини билмаслик туфайли кўпчилик қишлоқдошларимиз фронтларнинг жангавор қисмларида қалқон сифатида урушнинг бошидаёқ ҳалок бўлганлар. Биз 2005 йилда қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбариятидан 97 нафар уруш қатнашчиларининг рўйхатини олдиқ ва кўпчилик қишлоқдошлар билан узок изланишлар натижасида бу ҳисобни 372 нафар кишига етказдик. Галдаги вазифалар қишлоқнинг барча мактабларида «Аждодларимиз тарихи изтопарлари» гуруҳларини ташкил этиб, қуйида келтирилаётган рўйхатларни тўлдириш, ундаги ҳар бир

инсоннинг таржимаи ҳолини яратиш ва ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўладиган «Хотира ва кадрлаш майдони»ни ташкил этишдан иборат.

1. Абдуназаров Назар (1900), урушда ҳалок бўлган.
2. Авазов Икмат (1925), урушда ҳалок бўлган.
3. Авазов Мамир (1915), урушда ҳалок бўлган.
4. Авазов Омон, (1905), урушдан омон қайтган.
5. Авазов Парда (1910), урушдан омон қайтган.
6. Авазов Раббим (1919), урушда ҳалок бўлган.
7. Авазов Темур (1915), урушдан омон қайтган.
8. Азимов Абдуназар (1920), урушда ҳалок бўлган.
9. Азимов Алим (1910), урушда ҳалок бўлган.
10. Алиқулов Жўракул (1908), урушдан омон қайтган.
11. Алиқулов Обрўй (1921), урушда ҳалок бўлган.
12. Алиқулов Одил (1921), урушда ҳалок бўлган.
13. Алиқулов Тожи (1916), урушда ҳалок бўлган.
14. Аллаёров Келдиёр (1910), урушда ҳалок бўлган.
15. Аллаёров Парда (1916), урушда ҳалок бўлган.
16. Аллаёров Раҳмонкул (1918), урушда ҳалок бўлган.
17. Аллаёров Рўзикул (1921), урушда ҳалок бўлган.
18. Аминов Ашур (1909), урушда ҳалок бўлган.
19. Амиркулов Тўйчи (1922), урушда ҳалок бўлган.
20. Ашуrow Аҳмат (1921), урушда ҳалок бўлган.
21. Ашуrow Кубай (1920), урушда ҳалок бўлган.
22. Ашуrow Маманиёз (1918), урушда ҳалок бўлган.
23. Ашуrow Пўлат (1918), урушда ҳалок бўлган.
24. Ашуrow Раҳматилло (1924), урушда ҳалок бўлган.
25. Ашуrow Рўзи (1911), урушда ҳалок бўлган.
26. Баҳриев Аҳмад (1924), урушда ҳалок бўлган.
27. Бегимов А, урушда ҳалок бўлган.
28. Бегимов Бозорбой (1920), урушдан омон қайтган.

29. Бегимов Обрўй (1911), урушда ҳалок бўлган.
30. Бегимов Саид (1918), урушда ҳалок бўлган.
31. Бекмуродов Исоқ (1916), урушда ҳалок бўлган.
32. Бекмуродов Шовхи (1922), урушда ҳалок бўлган.
33. Бекмуродов Қарши, урушда ҳалок бўлган.
34. Бекмирзаев Обрўй (1912), урушда ҳалок бўлган.
35. Бекмирзаев Отабой, урушда ҳалок бўлган.
36. Бекмирзаев Фатхулло (1922), урушда ҳалок бўлган.
37. Бекназаров Шукур, урушдан омон қайтган.
38. Бекназаров Ғайбулло, урушдан омон қайтган.
39. Бекназаров Худойберди, урушдан омон қайтган.
40. Бердиев Бойчақа (1900), урушдан омон қайтган.
41. Бердиев Мамир (1921), урушдан омон қайтган.
42. Бердиев Очил (1914), урушдан омон қайтган.
43. Бердиев Эшмон (1924), урушдан омон қайтган.
44. Бердиёров Мамат (1919), урушда ҳалок бўлган.
45. Бердолиев Норбўта (1905), урушда ҳалок бўлган.
46. Бердолиев Хойдаул (1900), урушда ҳалок бўлган.
47. Бойназаров Ёрбозор, урушдан омон қайтган.
48. Бойназаров Зиёд (1913), урушда ҳалок бўлган.
49. Бойназаров Бўрон (1917), урушда ҳалок бўлган.
50. Бозоров Бўрибой (1922), урушда ҳалок бўлган.
51. Бобоев Тўхли (1920), урушда ҳалок бўлган.
52. Бобонтоев Бердиёр (1905), урушда ҳалок бўлган.
53. Боратов Тошмамат (1913), урушда ҳалок бўлган.
54. Боратов Тўйли, урушда ҳалок бўлган.
55. Боратов Холиёр, урушдан омон қайтган.
56. Бўриев Қормиш, урушдан омон қайтган.
57. Бўтаев Келдиёр (1906), урушда ҳалок бўлган.
58. Дониёров Карам (1916), урушда ҳалок бўлган.
59. Дўсёров Нормурод (1914), урушда ҳалок бўлган.

60. Дўсёров Қурбон (1911), урушда ҳалок бўлган.
61. Дўсёров Юсуф (1912), урушдан омон қайтган.
62. Дўстов Исмоил (1924), урушда ҳалок бўлган.
63. Дўстов Норбўта (1926), урушдан омон қайтган.
64. Дўстов Отабой (1922), урушда ҳалок бўлган.
65. Дўстов Тоғаймурод (1916), урушда ҳалок бўлган.
66. Ёвқочов Омон (1912), урушда ҳалок бўлган.
67. Ёрбозоров Зиёд (1924), урушда ҳалок бўлган.
68. Ёрқулов Абдусалом (1920), урушдан омон қайтган.
69. Ёрқулов Бешукур (1918), урушда ҳалок бўлган.
70. Ёрқулов Болли (1919), урушдан омон қайтган.
71. Ёрқулов Дусман (1919), урушдан омон қайтган.
72. Ёрқулов Жумабой, урушдан омон қайтган.
73. Ёрқулов Мустафо (1924), урушда ҳалок бўлган.
74. Ёрқулов Турсун (1918), урушда ҳалок бўлган.
75. Ёрқулов Эрмон (1916), урушдан омон қайтган.
76. Ёрқулов Қилич, урушдан омон қайтган..
77. Ёрқулов Ҳамид (1926), урушдан омон қайтган.
78. Жодугаров Шариф (1902), урушда ҳалок бўлган.
79. Жуманов Амирқул (1912), урушда ҳалок бўлган.
80. Жуманов Жалил (1914), урушдан омон қайтган.
81. Жуманов Норбўта, урушдан омон қайтган.
82. Жуманов Нурум (1920), урушдан омон қайтган.
83. Жуманов Райим (1900), урушдан омон қайтган.
84. Жуманов Юсуф, урушда ҳалок бўлган.
85. Жўраев Мамир (1911), урушда ҳалок бўлган.
86. Жўраев Эсонбой (1913), урушда ҳалок бўлган.
87. Жўрақулов Обруй, урушда ҳалок бўлган.
88. Зиётов Аҳмад (1920), урушда ҳалок бўлган.
89. Зиётов Мусурмон (1918), урушда ҳалок бўлган.
90. Зиётов Тожи (1922), урушдан омон қайтган.

91. Зиётов Қодир (1921), урушда ҳалок бўлган.
92. Иброҳимов Абдурашид, урушдан омон қайтган.
93. Иброҳимов Зиёдулло (1920), урушда ҳалок бўлган.
94. Иброҳимов Исматилло (1925), урушда ҳалок бўлган.
95. Иброҳимов Низомиддин, урушдан омон қайтган.
96. Иброҳимов Ҳидоятилло (1917), урушда ҳалок бўлган.
97. Имомов Маҳмасоли (1924), урушда ҳалок бўлган.
98. Имомов Хойдаул (1910), урушда ҳалок бўлган.
99. Ирисов Абдусалом (1922), урушдан омон қайтган.
100. Ирисов Нурмон (1906), урушдан омон қайтган.
101. Ирискулов Маҳмарийим (1910), урушдан омон қайтган.
102. Ирискулов Пирназар (1915), урушдан омон қайтган.
103. Ирискулов Соат (1913), урушда ҳалок бўлган.
104. Исаев Нурум (1912), урушда ҳалок бўлган.
105. Исаев Раҳмонкул (1908), урушда ҳалок бўлган.
106. Исаев Тўракул (1906), урушдан омон қайтган.
107. Искандаров Беки, урушда ҳалок бўлган.
108. Исломов Турсунмурод (1919), урушда ҳалок бўлган.
109. Исоқов Дўм (1921), урушда ҳалок бўлган.
110. Йўлдошев Хидир (1915), урушда ҳалок бўлган.
111. Йўлдошев Қодир (1916), урушда ҳалок бўлган.
112. Йўллиев Эргаш, урушдан омон қайтган.
113. Кўчимов Ҳусан, урушдан омон қайтган.
114. Мавлонов Алим (1920), урушда ҳалок бўлган.
115. Мавлонов Тура (1916), урушда ҳалок бўлган.
116. Мамаев Худойберди (1913), урушда ҳалок бўлган.
117. Маматов Азам (1918), урушдан омон қайтган.
118. Маматов Мезом (1922), урушда ҳалок бўлган.
119. Маматов Шермат, урушда ҳалок бўлган.
120. Маматов Қарши (1925), урушда ҳалок бўлган.
121. Мамиров Райимкул, урушдан омон қайтган.

122. Мамиров Эрнафас (1925), урушдан омон қайтган.
123. Мамиров Эсон (1914), урушда ҳалок бўлган.
124. Мамиров Тожи (1905), урушда ҳалок бўлган.
125. Мамиров Тошпўлат (1907), урушда ҳалок бўлган.
126. Мамиров Худойберди (1922), урушда ҳалок бўлган.
127. Мансуров Бобокул (1915), урушда ҳалок бўлган.
128. Мансуров Жуман (1910), урушда ҳалок бўлган.
129. Мансуров Райимкул (1919), урушда ҳалок бўлган.
130. Матиев Худойберди (1913), урушда ҳалок бўлган.
131. Маҳмудов А, урушда ҳалок бўлган.
132. Маҳкамов Бозор (1919), урушда ҳалок бўлган.
133. Мейлиев Бўтабой (1922), урушдан омон қайтган.
134. Мейлиев Рўзикул (1916), урушда ҳалок бўлган.
135. Мейлиев Худойберди (1913), урушда ҳалок бўлган.
136. Мирзаев Абдулла (1923), урушдан омон қайтган.
137. Мирзаев А, урушда ҳалок бўлган.
138. Мирзаев Манзар (1923), урушдан омон қайтган.
139. Мирзаев Умирзоқ (1920), урушда ҳалок бўлган.
140. Мирзаев Холиёр (1921), урушда ҳалок бўлган.
141. Муродов Боймирза (1905), урушда ҳалок бўлган.
142. Муродов Жўра (1920), урушдан омон қайтган.
143. Муродов Зайни (1908), урушдан омон қайтган.
144. Муродов Карим (1918), урушдан омон қайтган.
145. Мустонов Ўрол, урушдан омон қайтган.
146. Мустафоев Сафар, урушдан омон қайтган.
147. Мўминназаров Эргаш (1921), урушда ҳалок бўлган.
148. Мўминов Боймурод (1910), урушда ҳалок бўлган.
149. Мўминов Бойкувват (1912), урушда ҳалок бўлган.
150. Назаров Карим (1919), урушдан омон қайтган.
151. Назаров Абдурашид (1920), урушда ҳалок бўлган.
152. Назаров Нормамат (1912), урушда ҳалок бўлган.

153. Назаров Турсун (1925), урушдан омон қайтган.
154. Назаров Холиёр (1909), урушда ҳалок бўлган.
155. Назаров Ҳайдар (1917), урушда ҳалок бўлган.
156. Назаров Ҳ, урушда ҳалок бўлган.
157. Нишонов Нафас (1915), урушда ҳалок бўлган.
158. Нишонов Отамурод (1918), урушдан омон қайтган.
159. Ниёзов Тоҳир (1917), урушда ҳалок бўлган.
160. Ниёзов Усмон, урушдан омон қайтган.
161. Нодиров Ж, урушда ҳалок бўлган.
162. Нодиров С, урушда ҳалок бўлган.
163. Норбеков Маҳмадмурод (1924), урушда ҳалок бўлган.
164. Норбоев Нормўмин (1910), урушдан омон қайтган.
165. Норкулов Аҳад, урушдан омон қайтган.
166. Норкулов Маҳмасодик, урушдан омон қайтган.
167. Норкулов Садин (1908), урушда ҳалок бўлган.
168. Одинаев Обрўй (1915), урушда ҳалок бўлган.
169. Одинаев Пардабой (1924), урушда ҳалок бўлган.
170. Оловиддинов Холдор (1920), урушда ҳалок бўлган.
171. Оллодўстов Аҳмад (1921), урушдан омон қайтган.
172. Оллоёров Имом (1906), урушдан омон қайтган.
173. Омонов Бўрибой (1922), урушда ҳалок бўлган.
174. Омонов Нурмон (1919), урушдан омон қайтган.
175. Омонов Раҳматилло (1911), урушда ҳалок бўлган.
176. Омонов Раҳмон (1908), урушда ҳалок бўлган.
177. Омонов Саидмурод (1918), урушда ҳалок бўлган.
178. Омонов Файзулла (1905), урушда ҳалок бўлган.
179. Омонов Холдор (1915), урушда ҳалок бўлган.
180. Омонов Хуррам, урушда ҳалок бўлган.
181. Омонов Эштурди (1921), урушда ҳалок бўлган.
182. Орзикулов Туйғун, урушдан омон қайтган.
183. Ортиқов Абдуалим (1924), урушдан омон қайтган.

184. Ортиқов Зариф (1920), урушда ҳалок бўлган.
185. Ортиқов Карим (1910), урушда ҳалок бўлган.
186. Ортиқов Ҳаким (1922), урушда ҳалок бўлган.
187. Орчанов Туфли, урушдан омон қайтган.
188. Очилов Абдурайим, урушдан омон қайтган.
189. Очилов Амир, урушдан омон қайтган.
190. Очилов Бовабой (1921), урушда ҳалок бўлган.
191. Очилов Хуррам (1922), урушда ҳалок бўлган.
192. Очилов Қобул (1926), урушда ҳалок бўлган.
193. Пирназаров Турсункул (1900), урушдан омон қайтган.
194. Равшанов Пиримкул, урушдан омон қайтган.
195. Равшанов Шоназар, урушдан омон қайтган.
196. Расулов Мисир (1921), урушда ҳалок бўлган.
197. Расулов Очил (1922), урушда ҳалок бўлган.
198. Расулов Сафар (1912), урушдан омон қайтган.
199. Расулов Сувон (1918), урушда ҳалок бўлган.
200. Расулов Улаш (1922), урушдан омон қайтган.
201. Расулов Шерали, урушдан омон қайтган.
202. Расулов Шукур (1921), урушдан омон қайтган.
203. Раҳмонов Амин, урушдан омон қайтган.
204. Раҳимов Намоз (1900), урушдан омон қайтган.
205. Раҳимов Норбўта, урушдан омон қайтган.
206. Раҳимов Саидкул (1927), урушда ҳалок бўлган.
207. Раҳимов Хўҷамберди (1914), урушдан омон қайтган.
208. Раҳимов Қабул, урушдан омон қайтган.
209. Раҳимов Қаршибой (1924), урушда ҳалок бўлган.
210. Раҳимов Ҳасан, урушдан омон қайтган.
211. Раҳмонов Бозорбой (1920), урушда ҳалок бўлган.
212. Раҳмонов Хўҷамберди, урушдан омон қайтган.
213. Раҳмонкулов Мусурмон (1909), урушда ҳалок бўлган.
214. Раҳмонкулов Нормўмин (1912), урушда ҳалок бўлган.
215. Роззақов М, урушда ҳалок бўлган.

216. Роззаков Т, урушда ҳалок бўлган.
217. Розибоев Кенжа (1924), урушдан омон қайтган.
218. Розикүлов Шамат, урушда ҳалок бўлган.
219. Рустамов Сорибой, урушда ҳалок бўлган.
220. Рўзиев Жалил (1919), урушдан омон қайтган.
221. Рўзиев Муҳаммади (1919), урушда ҳалок бўлган.
222. Рўзикүлов Айназар (1919), урушдан омон қайтган.
223. Рўзикүлов Мамат (1924), урушда ҳалок бўлган.
224. Саидов Муҳаммади (1925), урушда ҳалок бўлган.
225. Саттаров Абдуғаффор (1916), урушда ҳалок бўлган.
226. Саттаров Абдурашид (1924), урушда ҳалок бўлган.
227. Саттаров Абдуҳаким (1918), урушда ҳалок бўлган.
228. Саттаров Элмурод (1920), урушда ҳалок бўлган.
229. Саттаров Холбой (1924), урушда ҳалок бўлган.
230. Сафаров Зиёдин (1926), урушдан омон қайтган.
231. Сафаров Мусурмон (1920), урушда ҳалок бўлган.
232. Сафаров Олим (1922), урушда ҳалок бўлган.
233. Сафаров Холмўмин (1915), урушдан омон қайтган.
234. Сафаров Шариф (1910), урушдан омон қайтган.
235. Сафаров Ҳамид (1917), урушдан омон қайтган.
236. Соатов Омонбой (1912), урушда ҳалок бўлган.
237. Соатов Қурбонали (1926), урушда ҳалок бўлган.
238. Сори карвон, урушдан омон қайтган.
239. Соҳибов Алим (1926), урушда ҳалок бўлган.
240. Субонов Қодир, урушдан омон қайтган.
241. Султонов Бегимқул (1912), урушда ҳалок бўлган.
242. Суяров Эштурди (1918), урушдан омон қайтган.
243. Суяров Яхё (1919), урушдан омон қайтган.
244. Тангматов Абдуҳолиқ (1922), учала даражадаги «Шуҳрат» орденлари каваллери, урушдан омон қайтган.
245. Тангматов Мўмин (1924), урушдан омон қайтган.
246. Тилавов Эштурди (1922), урушда ҳалок бўлган.

247. Тиллаев Намоз (1907), урушдан омон қайтган.
248. Тиллаев Норбек (1900), урушда ҳалок бўлган.
249. Тиллаев Раззоқ (1905), урушдан омон қайтган.
250. Тожиев Анвар (1921), урушда ҳалок бўлган.
251. Тожиев Бутун (1917), урушдан омон қайтган.
252. Тожиев Тухсори (1914), урушдан омон қайтган.
253. Тожиев Очил (1920), урушда ҳалок бўлган.
254. Тошпўлатов Жабборқул (1906), урушда ҳалок бўлган.
255. Тошпўлатов Сулаймон, урушдан омон қайтган.
256. Тоғайназаров Умирзоқ (1912), урушда ҳалок бўлган.
257. Турапов Расул (1923), урушда ҳалок бўлган.
258. Турдалиев Мели (1919), урушда ҳалок бўлган.
259. Турдикулов Боймурод (1915), урушда ҳалок бўлган.
260. Турдикулов Бозорбой (1900), урушдан омон қайтган.
261. Турсунов Абдужалил (1923), урушда ҳалок бўлган.
262. Турсунов Абдулхай (1915), урушдан омон қайтган.
263. Турсунов Бурхон (1916), урушда ҳалок бўлган.
264. Тўйлиев Йўлчи (1912), урушдан омон қайтган.
265. Тўйлиев Холиёр (1911), урушдан омон қайтган.
266. Тўқсонов Азизбой, урушдан омон қайтган.
267. Умаров Раҳмат (1912), урушда ҳалок бўлган.
268. Умаров Ёрмат (1919), урушдан омон қайтган.
269. Умаров Шермат (1924), урушда ҳалок бўлган.
270. Умиров Норқобил, урушдан омон қайтган.
271. Усаров Хайдар, урушдан омон қайтган.
272. Усмонов Очил (1918), урушда ҳалок бўлган.
273. Усмонов Умрзоқ (1921), урушдан омон қайтган.
274. Усмонов Ҳушвакт (1919), урушда ҳалок бўлган.
275. Утаев Мусурмон (1909), урушдан омон қайтган.
276. Утаев Эшмурод (1927), урушда ҳалок бўлган.
277. Фармонов Жуман (1909), урушда ҳалок бўлган.
278. Фармонов Орзикул (1908), урушда ҳалок бўлган.

279. Фармонов Умбар (1919), урушдан омон қайтган.
280. Ҳайдаров Турди (1912), урушда ҳалок бўлган.
281. Ҳайдаров Чинмирза (1926), урушдан омон қайтган.
282. Хидиров Муҳаммади (1923), урушда ҳалок бўлган.
283. Хойдаулов Соат (1924). урушдан омон қайтган.
284. Холбозоров Ғайбулла (1900), урушда ҳалок бўлган.
285. Холиёров Райим (1922), урушда ҳалок бўлган.
286. Холиёров Эшман, урушдан омон қайтган.
287. Холикулов Абдувоит (1925), урушда ҳалок бўлган.
288. Холикулов Абдуназар (1918), урушда ҳалок бўлган.
289. Холикулов Абдуфаттох (1922), урушдан омон қайтган.
290. Холикулов Мамарайим, урушдан омон қайтган.
291. Холикулов Мамат (1924), урушда ҳалок бўлган.
292. Холикулов Мурод (1918), урушда ҳалок бўлган.
293. Холикулов Омон (1917), урушдан омон қайтган.
294. Холикулов Пирназар (1926), урушдан омон қайтган.
295. Холикулов Тоғайназар (1912), урушдан омон қайтган.
296. Холикулов Умар (1910), урушда ҳалок бўлган.
297. Холикулов Худойназар, урушдан омон қайтган.
298. Холикулов Хурсанд (1912), урушда ҳалок бўлган.
299. Холикулов Худойберди (1925), урушда ҳалок бўлган.
300. Холикулов Шомат (1922), урушда ҳалок бўлган.
301. Холмирзаев Назарқул (1920), урушда ҳалок бўлган.
302. Холмуродов Жаббор (1908), урушда ҳалок бўлган.
303. Холмуродов Парда (1914), урушда ҳалок бўлган.
304. Холмуродов Пардабой (1916), урушдан омон қайтган.
305. Холмуродов Рўзиқул (1908), урушда ҳалок бўлган.
306. Холмуродов Умрзоқ (1921), урушда ҳалок бўлган.
307. Холмуродов Эргаш (1926), урушдан омон қайтган.
308. Холмуродов Эркабой, урушдан омон қайтган.
309. Холмўминов Халил (1915), урушдан омон қайтган.
310. Худоев Абдураззоқ (1916), урушдан омон қайтган.

311. Худоёров Бурхон (1922), урушда ҳалок бўлган.
312. Худоёров Хуррам (1920), урушдан омон қайтган.
313. Худоёров Эргаш (1919), урушда ҳалок бўлган.
314. Хуррамов Абди (1914), урушда ҳалок бўлган.
315. Хурсанов Тийма (1910), урушда ҳалок бўлган.
316. Хўшатов Тўйчи (1910), урушда ҳалок бўлган.
317. Хўшманов Абдулла (1923), урушда ҳалок бўлган.
318. Чинмирзаев Кенжа (1924), урушдан омон қайтган.
319. Чинмирзаев Хуррам, урушдан омон қайтган.
320. Шаматов Эрка (1920), урушдан омон қайтган.
321. Шералиев Манзар (1922), урушда ҳалок бўлган.
322. Шералиев Нафас, урушдан омон қайтган.
323. Шералиев Турабой (1916), урушда ҳалок бўлган.
324. Шералиев Эргаш (1920), урушдан омон қайтган.
325. Шоназаров Файзулло (1921), урушда ҳалок бўлган.
326. Шукуров Абди (1915), урушдан омон қайтган.
327. Шукуров Бобохол (1911), урушда ҳалок бўлган.
328. Шукуров Зиёдин, урушда ҳалок бўлган.
329. Шукуров Иноят (1924), урушда ҳалок бўлган.
330. Шукуров Назар (1916), урушда ҳалок бўлган.
331. Шукуров Нурулла (1919), урушда ҳалок бўлган.
332. Шукуров Тилав, урушда ҳалок бўлган.
333. Эгамов Умир, урушда ҳалок бўлган.
334. Эралиев Нурмат (1919), урушда ҳалок бўлган.
335. Эралиев Шариф (1918), урушда ҳалок бўлган.
336. Эралиев Шердон (1920), урушда ҳалок бўлган.
337. Эргашев Ашурали (1924), урушда ҳалок бўлган.
338. Эргашев Одил (1917), урушда ҳалок бўлган.
339. Эркаев Бобокул (1921), урушда ҳалок бўлган.
340. Эркаев Боймурод (1923), урушда ҳалок бўлган.
341. Эркаев Эрмўмин, урушдан омон қайтган.

342. Эрманов Эшмурод, урушдан омон қайтган.
343. Эрназаров Бекбой, урушдан омон қайтган.
344. Эрназаров Эргаш, урушдан омон қайтган.
345. Эшмуродов Қурбон, урушдан омон қайтган.
346. Юсупов Бўри (1920), урушда ҳалок бўлган.
347. Якубов Очил (1920), урушдан омон қайтган.
348. Қаюмов А, урушда ҳалок бўлган.
349. Қодиров Абдурахмон (1926), урушда ҳалок бўлган.
350. Қодиров Аҳмад (1907), урушда ҳалок бўлган.
351. Қодиров Ибодулла (1919), урушдан омон қайтган.
352. Қодиров Карим (1918), урушдан омон қайтган.
353. Қодиров Раҳматилло (1925), урушдан омон қайтган.
354. Қодиров Райимкул (1909), урушдан омон қайтган.
355. Қодиров Эргаш (1916), урушдан омон қайтган.
356. Қорабоев Ирис (1900), урушдан омон қайтган.
357. Қормишев Бердикул (1908), урушда ҳалок бўлган.
358. Қурбонов Абдуғани (1909), урушда ҳалок бўлган.
359. Қурбонов Алимбой (1900), урушда ҳалок бўлган.
360. Қурбонов Бошмон (1910), урушда ҳалок бўлган.
361. Қурбонов Пиримкул (1910), урушда ҳалок бўлган.
362. Қурбонов Сафар (1919), урушдан омон қайтган.
363. Қурбонов Бошмон (1910), урушда ҳалок бўлган.
364. Қурбонов Холиёр (1924), урушда ҳалок бўлган.
365. Қурбонов Хушмурод (1919), урушда ҳалок бўлган.
366. Қўлдошев Авалбой (1917), урушда ҳалок бўлган.
367. Ғуломов Манзар (1909), урушдан омон қайтган.
368. Ҳакимов Очил (1923), урушда ҳалок бўлган.
369. Ҳасанов Муҳаммади (1921), урушда ҳалок бўлган.
370. Ҳасанов Ражабали (1919), урушда ҳалок бўлган.
371. Ҳасанов Турсункул, урушдан омон қайтган.
372. Ҳусанов Исмоил, урушдан омон қайтган.

ИШЧИЛАР БАТАЛЬОНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

1. Абдуназаров Назар (1900).
2. Авазов Омон (1905-1979).
3. Авазов Раббим (1919).
4. Алиқулов Тожи (1916).
5. Бекмирзаев Отабой.
6. Бердолиев Хойдаул (1900).
7. Бўтаев Келдиёр (1906).
8. Жодугаров Шариф (1902).
9. Исаев Туракул.
10. Искандаров Беки.
11. Кўчимов Хусан.
12. Маматов Шермат.
13. Муродов Боймирза (1905).
14. Оллоёров Имом (1906).
15. Орзиқулов Туйғун.
16. Очилов Даврон.
17. Пирназаров Турсункул (1900).
18. Раҳимов Намоз (1900-1974).
19. Сафаров Холмўмин.
20. Тилавов Норбек.
21. Тошпўлатов Жабборкул (1906).
22. Тоғайзоров Умирзоқ (1912).
23. Турдукул бобо(сартарош бўлган).
24. Турсункулов Абдусалом (1927).
25. Формонов Сори.
26. Холиқов Эргаш.
27. Холмуродов Рўзикул (1908).
28. Холмуродов Пардабой (1916).
29. Қурбонов Алимбой (1900).
30. Қурбонов Абдуғани (1909).
31. Қодиров Райимкул (1909).
32. Қорабоев Ирис (1900).
33. Қорақулов Санжар (1900).

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

1937-1953 йилларда кизил империя мустамлакачилари томонидан мудҳиш оммавий сиёсий қатағон тадбирлари амалга оширилган. Натижада 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган [29. 98]. Улар ичида жомликлар ҳам бўлган. 2001 йилдан буён 31 августни юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни, деб эълон қилинган.

Сафарқул Авазов оддий деҳқон бўлган. Маман Омонов, Абулбоқи Жуманов, Эшмамат Холбозоровлар гуруҳининг «думи» сифатида қамалиб кетган.

Абулбоқи Жуманов (1898-1938). Ўрол Бозоровнинг жияни, Умирзоқ Боқиевнинг отаси. Қишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси бўлган, тухмат билан қатағон қурбонига айланган.

Маман Омонов (1889-1938). Хўши ва Яхшинор боболарнинг отаси. Қизил қахрамон хўжалигида бригадир бўлиб ишлаган. Лениннинг расмига туфлади, деган тухмат билан қатағонга учраган.

Сафарали Очилов (1907-1938). Неъматилло ва Жалолиддин муаллимларнинг отаси. Деҳқончилик билан шуғулланган, илмли киши бўлган.

Эшмамат Холбозоров (Эшмат) (1909-1937). Қишлоқ Кенгаши раиси, Қизил қахрамон жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган. 1937 йилда Қозоғистоннинг Еттисув тумани турмасида қийнаб ўлдирилган. Ундан Зулфия, Робия, Маъмура исмли кизлар қолган.

Худойберди Шойматов (1908-1932). Мамир, Соат, Абдурахмон Бердиевларнинг отаси. Шахрисабз ва Оксаройда ўқиган, ҳисобчи бўлган. Каттакўрғон турмасида отиб ташланган.

Қаюм Қормишов (1891-1938) катта диний илмга эга, зиёли инсон бўлган. Шу илми туфайли 1938 йилда қатағонга учраган.

Фарҳод канали қурилиши иштирокчилари:

Бегимов Эркабой (1927). Бўронов Камол (1925). Давронов Зиёт (1926). Ёрқулов Абдужалил (1923). Ёрқулов Ҳамид (1926-1990). Жуманов Ғани (1926-1982). Мирзаев Манзар (1923-1977).

Рўзикулов Нормўмин (1927). Турсункулов Абдусамат (1922). Шералиев Нафас (1925). Қўзибоев Ҳаким (1926).

Каттакўрғон сув омбори қурилиши иштирокчилари:

Ёрқулов Эрмон (1916-1997). Жабборов Норбўта (1929). Рустам мерган (1907-1984). Рўзикулов Нормўмин (1927). Тўйлиев Холиёр (1916).

Фашизмга қарши жангларда жомликлар ҳам катта ҳисса қўшишган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 170 нафардан ортиғи жанггоҳларда ҳалок бўлиб, қолганларининг асосий қисмини ногиронлар ташкил қилади. Фарҳод канали, Каттакўрғон сув омбори қурилиши, ишчилар батальони иштирокчиларидан 50 кишининг, катағон қурбонларидан 7 кишининг номлари тикланди. Аслида бу рўйхатлар анча катта бўлиши керак.

Урушда қаҳрамонлик кўрсатган жангчилардан Абдухолик Тангматов учала даражадаги Шухрат ордени, кўплаб орден ва медаллар соҳиби. Бурхон Турсунов 1945 йил 16 апрелда Германия тупроғидаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Тоғайназар Холикулов, Абдуалим Ортиқов, Очил Ёқубов, Ёрмат Умаров, Сафар Қурбонов, Ибодулла Қодиров, Эшмон Бердиев ва бошқа кўплаб жангчилар ҳам жонларини фидо қилиб қаҳрамонлик кўрсатганлар. Жумладан, Эшмон Бердиев уруш бошланган йили 17 ёшда бўлган. 1943 йил дўстлари Абдувоит Холикулов, Қаршибой Рахимов, Мустафо Ёрқулов, Исмоил Мустафоевлар билан сентябр ойининг бошларида ҳарбий хизматга чақирилган. Шаҳрисабз шаҳридаги жанговар тайёргарликдан сўнг, пулемётчилар тайёрлаш курсига юборилган. У ерда қўл пулемётидан беҳато отиш сир-асрорларини ўрганган. Илк жанги 210-отлиқ аскарлар полки билан Смоленск остоналарида бўлиб ўтган. Душманнинг катта ёнилғи базасини портлатишдаги жасорати учун Қизил юлдуз ордени билан тақдирланган. 1944 йил оғир яраланиб госпиталда даволаниб чиққач, Латвия ерларини озод қилишдаги жангларда қатнашган. Бир куни қўмондонлик Эшмон Бердиев жанг қилаётган разведкачилар взводига махсус топшириқ беради. Бироқ тунги разведкадан қайтишда жангчилар душманнинг минасига дуч келади. Госпиталда ярадор жангчининг

бир қўл ва бир оёғини кесишга мажбур бўлишади. Ўша йил Эшмон Бердиев биринчи гуруҳ ногирони сифатида қишлоққа қайтади. Унинг Ватан олдидаги жасоратлари муносиб тақдирланган. Биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари, 1941-1945 йилларда Германия устидан қозонилган ғалаба учун медали билан мукофотланган. Давлат ҳисобидан тўрт хонали уй қуриб берилган ва Запорожец русумли автомашина билан таъминланган.

Уруш йилларида фронт орқасида қолган жомлик аёллар, ўсмирлар, болалар, қариялар мамлакатни озиқ-овқат ва ғалла билан таъминлаш учун кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қилиб, ғалабага катта ҳисса қўшишган. Колхоз раислари М.Холбозоров, А.Омонов, Т.Одировлар эл-юртга бош бўлиб, одамларни меҳнатга илҳомлантириб туришган.

УРУШ ВА МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Абдуҳолиқ ТАНҒМАТОВ 1922 йил 10 ноябрда туғилган. 1941 йилнинг декабридан Ўзбекистоннинг 90-ўқчи бригадаси сафида ҳарбий хизматда бўлган. Сталинград, Ростов-Дон учун бўлган жангларида қатнашиб, январ ойида чап оёғидан яраланган. 4 ой давомида госпиталда даволаниб, 1-Украина фронтининг 60-армияси сафида пулумётчи бўлиб жангни давом эттирган. Бердичев, Тернополь, Любон шаҳарларини озод қилишдаги хизматлари учун 3- ва 2- даражали Шухрат орденлари билан мукофотланган. Польшани озод қилиш жангларида қатнашган. Одер дарёсини кечиб ўтиб, Германияга кириб борган. Берлин учун бўлган шиддатли жанглардаги жасорати учун 1-даражали Шухрат, ордени билан тақдирланган ва собиқ Совет Иттифоқи қаҳрамони даражасига етишган.

1947 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, кадрлар тайёрлаш курсида ўқиган ва 1954 йилгача қишлоқда ҳисобчи бўлиб ишлаган. 1954-1956 йилларда қишлоқ советида, 1956-1963 йилларда чорвачиликда ферма мудири, 1963-1970 йилларда Пастдарғом туман маиший хизмат бўлимининг қурилиш бўйича участка бошлиғи бўлиб ишлаган. 1974 йилдан деҳқончилик билан шуғулланиб – 10 гектар бодомзор, 30 гектар боғ яратган.

Мустақиллик йилларида 150 гектар сувли ер очиб, деҳқон-фермерлик ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берган.

Холиёр чўпон ХОЛБЕКОВ (1895-1969). Жомда кейинги юз йилликда чорвачилик тўғрисида гапирилганда, Холиёр чўпонни тилга олмай бўлмайди. Чўпонликда донг таратган. Шўролар даврининг дастлабки йилларида чўпонлик ва бош чўпонлик қилган. Оғир йилларда ҳам ўзининг фидокорона меҳнати туфайли давлатнинг топшириқ ва режаларини бекаму куст уддалаган. Натижада, у туман, вилоят ва республикада илғор чўпон даражасига кўтарилган. 1935 йилда ўзбекистонлик бир гуруҳ илғорлар Москва – Кремлга чақирилиб, Ленин ордени билан мукофотланган. Булар орасида ягона чорвадор Холиёр Холбеков ҳам бор эди. Қаҳрамонларни бутун республика халқи кутаётган эди. Ниҳоят улар 1936 йилнинг 6 январида махсус эшелонда қайтиб келишган. Шу куни А.Навоий номли театрнинг янги биносида республика ҳукумати аъзолари иштирокида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтган. Тантанага республиканинг деярли барча раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, ёзувчилар, фаол жамоатчилар таклиф этилган. Кутловлардан сўнг, ўқувчиларнинг қаҳрамонлар билан учрашуви ташкил этилган. Шу мулоқотларнинг натижаси сифатида Ҳ.Олимжоннинг «Зайнаб», Ойбекнинг «Файзулла ота Юнусов» ва бошқа ёзувчиларнинг қаҳрамонлик очерклари юзага келган.

Жумладан, ёзувчи ва шоир Ўткир Рашид Холиёр Холбеков ҳақида «Холиёр чўпон» номли очеркини яратган ва бу очерк узок йиллар 3-синфнинг Ўқиш китоби дарслигидан жой олиб, ёшларни ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда катта хизмат қилди. Дарсликда Холиёр чўпоннинг тош устида виқор билан ўтириб, яйловда қўйларини ўтлатаётгани, ёнида катта бўрибосар ити тасвирланган расми ҳам бор эди. Бу ҳамқишлоқ қаҳрамонимиз билан ҳарқанча фахрлансак, арзийди. 1930 йилларда Ленин ордени соҳиби қаҳрамон ҳисобланарди. Социалистик меҳнат қаҳрамони унвони 1947 йилда таъсис этилган.

Сайд дўхтир ўғли Сайёр 1976 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган, асли ота-онаси жомлик. Аввал Пайшанба, кейин

Самарқанд шаҳридаги мактабда ўқиган ва ҳарбий хизматда бўлган. Сайёрнинг ботирилиги, чаққон ва эпчиллигини кўрган командирлар уни махсус қўшинда хизмат қилишга қолдиради. Сайёр ҳарбий илмни пухта эгаллаб, Президент қошидаги махсус қўшиннинг «Йўлбарс» гуруҳида хизмат қилади. У бир неча жангларда қатнашиб, Ватанимизга кўз олайтирган террорчиларни тор-мор этишда жонбозлик кўрсатган.

Ангренда террорчиларни тор-мор қилишдаги хизматлари учун Жасорат медали билан мукофотланган. 2002 йил июлда Сариосиё туманида террорчи Жума Намангонийнинг Афғонистонда тайёрланган жангарилари билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Жомликлар Сайёр билан фахрланади. Қишлоқ марказида унга эсдалик монумент ўрнатилган.

УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Жомликлар – меҳмондўст халқ. «Меҳмон ата-ю худо», яъни меҳмон Оллоҳнинг марҳамати, деган ақидага риоя қилади. Меҳмоннинг пой қадамига қўй сўйиб, топган-тутганини унинг олдига қўяди. Келган меҳмонлар бир уйдан кетишмайди, уларни қўни-қўшнилар, қишлоқдошлар, камида беш-олти хонадон чойлашиб кетишга чақиришади. Жомликлар топганинг тўйга буюрсин, дея, катта кўпқарили тўйлар ўтказишади. Ўғил уйлантираётган ёки қиз узатаётган пайтларда ўғил ва қизига қават-қават кўрпа-ёстиклар, гиламлар қилишади. Келин чилласи чиққунча қирқ кун давомида қайнота ва қайноғаларидан тортиниб, юзини кўрсатмай юради. Келинлар ёш қайни ва қайинсингилларини ҳам сизлаб гапиради, иззат-ҳурмат қилади, ҳатто уларнинг исмларини айтмай, бирор ёқимли исм билан атади. Тўйда бутун қишлоқ йигит-қизлари баб-баравар хизмат қилишади.

Жомликлар йўл ёқалари ва сув ҳавзаларини покиза тутати. Баҳорда ҳашар уюштирилиб, ариқлар тозаланади. Йўл ёқалари ва жамоат жойларига ниҳоллар экилиб, парваришланади. Қишлоқда ҳовлисида дарахти йўқ оилалар тўғрисида, фалончининг уйидагилар эрталаб юз-қўлларини ювмасмикан, деган гап юради. Ҳақиқатан, бир гужумни юз-қўл ювиладиган эрталабки сув билан

ўстириб, ёзда унинг сояси ва Жомнинг ҳуриллаган майин шамоли остида дам олиб ўтириш қандай роҳатли. Қишлоқни кўкаламзорлаштириш, сувсиз қирларда дарахтлар ўстириш борасида Гирдикўрғон маҳалласи, айниқса, Калбет аҳолиси тажрибаси барчага намуна. Уларнинг йўл четлари ва қирларда ўстирган ям-яшил дарахтлари қишлоқ манзарасини янада гўзаллаштиради.

ТҶЙ-МАЪРАКАЛАР

Жомда тўй-маъракалар оиланинг иқтисодий шароити ва уй соҳибининг орзу-ҳавасларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади:

(аксарият ҳолларда)

Бир маҳалланинг маълум кичик қисми доирасида ўтказилади. Бунга қавм-қариндошлар, қўни-қўшнилар, қишлоқ ва ундан ташқаридан яқинлар таклиф этилади;

(камдан-кам ҳолларда)

Қишлоқ доирасидаги тўйларга бутун қишлоқ аҳолиси тўлиқ айтилади, қишлоқдан ташқаридаги яқинлар таклиф этилади;

Қорақозон доирасидаги тўйларга бутун қишлоқ, унинг атрофидаги қозоннинг қулоқларига қиёсланувчи ўнбир даҳа қипчоқсарой, Умақай, Сарсон, Чувиллоқ, Чўнқаймиш, Йўрғабулоқ, Анназират, Бешбармоқ, Иброҳим ота, Анжирли, Сарикқўл, Меҳнатқаш, Улус қишлоқларининг аҳолилари тўлиқ, бошқа жойлардан ёру биродарлар, яқин инсонлар таклиф этилади.

Қўниқ (қўноқ)ли тўйга хабар олдиндан тарқатилади. Узоқдан, ҳатто бошқа вилоят ва Республикалардан қурашчи полвонлар, чавандозлар ва уларнинг раҳнамолари кўпқари чопадиган отлари билан тўйга бир кун олдин келишади. Бу меҳмонлар тўй бақовуллари томонидан олдиндан белгилаб қўйилган қишлоқ хонадонларига жойлаштирилади. Уларнинг еб-ичишлари учун тўйхонадан меҳмонлар сонига қараб маҳсулот берилади. Меҳмонларнинг ётоқ жойи, чойи, нони, отларининг еми, емишларига қўниқ олган оила масъул бўлади.

Қишлоқ, қорақозон доирасида ўтказиладиган суннат (хатна) тўйлар, қўниқли тўй доирасидаги суннат тўйлар жуда катта маблағлар талаб этиб, уларга гуруч билан гўштнинг ҳар биридан

бир тоннадан кам кетмайди. Бундай катта сарф-харажатли тўй-маракалар нафақат оила, кишлоқ, балки жамият тараққиёти учун ҳам ўта зарарли. Ислом шариатида суннат тўйни ўтказиш буюрилмаган. Шунинг учун ўғил болани суннат қилишни жуда тор доирада, фақат оила аъзолари иштирокида ўтказиш мумкин [6].

Қўниқли ва қорақозон доирасидаги тўйларнинг ошлари кенг қирларда, ўнлаб ердан қавланган ўчоқларда, катта-катта дош қозонларда пиширилади. Ошлар ҳар икки меҳмонга бир товок (икковора)дан қилиб тортилади. Тўйга келганлар қирлар устида ерга шол гиламлар солинган, уларнинг устидан кўрпачалар тушалган ва ўртага ёзилган узун дастурхонлар атрофида ўтириб овқатланишади. Таом ейишни ёши улуг боболар бошлаб беради.

НИКОҲЛАР

Йигит билан қиз бир-бирига қўнгил қўйишгач, уларнинг тўйи билан боғлиқ бўладиган икки оила орасидаги ўзаро қелишувлар куёв хонадони томонидан танланган совчи орқали амалга оширилади.

ФОТИҲА ТҶЙИ

Миллий удумларга кўра фотиҳа куёв томонидан совчиларга келин, унинг ота-онаси, яқин қавму қариндошлари розилик билдиргач, амалга оширилади. Фотиҳа тўйининг мақсади кексаларнинг бўлажак ёш келин-куёвларга эзгулик тилаган фотиҳа дуоларини олиш ҳамда қизнинг ота-онаси томонидан маҳалла аҳлига қизининг эғалик бўлганлиги, унинг унаштирилганлигини билдиришдан иборат. Бунда нон (патир) синдириш, оқлик бериш, тўй кунини белгилаш ишлари амалга оширилади. Аммо, фотиҳа тўйларида дабдабазликка йўл қўйилмаслиги лозим. Бу тўй ҳар икки қуда томонидан энг яқин қариндошлар (20-30 киши) иштирокида ихчамгина ўтиши шарт [6].

Совчи қиз хонадонига бориб фотиҳа тўйи кунини белгилаб келгач, куёв хонадони маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этилган тўй ва маъракаларни ўтказиш бўйича маслаҳат гуруҳи томонидан белгилаб қўйилган микдордаги маҳсулотлар ва

келиндин сандигини кизнигига бир кун олдин юборади. Ота-боболардан қолган удум сифатида, рамзий маънода, кам миқдорда махр (калин) пули берилади.

Фотиҳа тўйи кудалар, ҳамсоялар, яқинлар иштирокида, тор доирада ўтказилади. Шу куни Нон синдириш маросими бўлади. Бунда икки томондан вакиллар (тегишли маҳалла оқсоқоллари, яқин оғайни-қариндошлар) қатнашади.

Куёв хонадони томонидан тайёрлаб борилган нонлардан иккитасининг юзи бирлаштирилиб, дуолар ўкилиб, Оллоҳдан энг яхши эзгу тилакларни сўраб, кўпни кўрган, ҳурматли, ёши улуғ инсон томонидан синдирилади. Бу маросимда синдиришга мўлжалланган нонлар майдаланиб, ёнига ширинликлар қўшилиб, яхши ниятлар билан маросим иштирокчилари, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилари, кўнгли ярим инсонларга тарқатилади.

Фотиҳа тўйи куни аёллар бўғча бичиш маросимини ҳам ўтказишади. Бунда ҳурматли, пиру бадавлат онахонлардан бири яхши ниятлар билан келин ва куёвга аталган матолардан иккитасини бирлаштириб, қайчи уради. Суфра ёйиш маросими бўлади. Қариялар икки ёшнинг бахтини Оллоҳдан сўраб, дуо қиладилар.

Фотиҳа тўйидан катта тўйгача бўлган муддат кудаларнинг иқтисодий ва маънавий шароитига боғлиқ равишда бир ойдан бир йилгача чўзилади. Шу даврда келин сеплари тайёр ҳолга келтирилади, куёв хонадони томонидан ҳайитлар, байрамлар ва бошқа муҳим саналарда келин йўқлаб ҳолва ва ширинликлар юборилади. Келинга келган ҳайитлик-ширинликлар кўни-қўшнилари, қариндошлар, мискин кишиларга тарқатилади.

КАТТА ТҶЙ

Совчи киз хонадонига бориб, кудалар билан катта тўй кунини белгилаб келади.

Катта тўй куни эрталаб йигит хонадонига элга ош тортилади.

Йигитнинг қизни олиб кетишга бориши арафасида келин хонадонига элга кичик доирада ош берилади. Бу тадбирларнинг харажатлари маҳалла тўй маслаҳат гуруҳи белгилаган миқдор атрофида бўлади.

Келин оиласида қудалар алоҳида ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. Уй остонасида аёл қудалар юзига рамзий маънода ун суртилади, ширин сувлар ичирилади.

Куёв билан куёвнавкар (куёвжўра)лар илтифот билан кутиб олинади. Алоҳида хонада никоҳ ўқилади.

Никоҳдан сўнг куёв билан жўралари чимилдикқа киришиб сочки (танга, пул, ширинлик) лар сочишади.

Чимилдикқа тўққиз товоқ ва куёв илик (қўйнинг пиширилган тўш қисми ва тўқмор илик) олиб кирилади. Куёвнавкарлар гўшт ҳаққига пул ташлашиб, куёв иликни дастурхонга ўраб олишади. Уларга келин тиккан каштали рўмолчалардан ҳадя этилади. Жўралар куёв иликни олиб чиқиб кетишгач, куёвга тўн, дўппи кийдирилади, сўнг, чимилдикда оёқ бости бўлади.

Унган-ўсган ҳурматли онахонлардан бири, ёруғ нур таратаётган чироқни эзгу тилаклар айтиб куёв, келин ва чимилдик атрофидан уч марта айлантиради.

Куёв билан келин ким чиройли, деб, ойнага қаратилади, уларга ширинлик (парварда) едирилади ва косадаги никоҳ сувидан ичирилиб яхши ниятли дуолар қилинади.

Куёв мусиқа ва ёр-ёр садолари остида келинни чимилдикдан ташқарига етаклаб чиқади. Келиннинг отаси уларга оқ фотиҳа беради.

Куёв ҳовлисида гулхан ёқилади, унинг атрофидан келиннинг олдига чиққан онаси ва ёши табарруқ кампирлардан бири, келинни етаклаб уч марта оловдан айлантиради.

Уй остонасига поёндоз солинади ва келин ўнг оёғи билан ўзининг бир умрлик уйига «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деб ойдин ниятлар билан қиради. Куёв жўралар томонидан поёндоз тортиш бўлади. Куёв келинни чимилдикқа кузатади.

Жомда пешинлар атрофида ёшлар базми бошланади. Базм охирида келин-куёв ўз гўшаларига кузатилади. Келиннинг янгаси шу кеча куёв хонадонига қолади. Боиси келиннинг боқиралиги, шарм-ҳаёси, иффати мусулмонларда юксак қадрланади. Эртаси куни келиннинг янгаси совға-саломлар билан уйига кузатилади. Келиннинг эрталабки хонадон соҳибларига саломи бир умр давом этади.

Жомда қадимдан куёв ва қиз чақириш, чақалокни бешикка солиш маросимлари ортиқча дабабаларсиз оилавий тадбир сифатида ўтказилади. Уларда келин, куёв, қудалар ва уч-тўрт қавми-қариндош иштирок этишади. Алоҳида келин чақирди ўтказилмайди. Оилаларда бирор яхши маросим ўтказилаётган бўлса, қўни-қўшни, қавм-қариндошларнинг янги тушган келинлари шу тадбирга қўшиб чақирилади.

Жомда факат рўздор қўни-қўшнилари чақирилиб ифторлик берилиши ва унда марҳумлар хотирасига дуои фотиҳалар ўқирилиши, қарияларни таклиф этиб садақалар қилиб турилиши, Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) байрами муносабати билан ўзига тинч оилалар қўй сўйиб, қурбонлик қилиши, ундан бемор, мискин кишиларга тарқатилиши ислом шариатига мос келади. Бироқ шариатда туғилган кун, мучал тўй, кумуш тўй, олтин тўй, пайғамбар ёши каби юбилейларни ўтказиш назарда тутилмаган.

Мулоҳаза ўрнида: Тўй қилиб, элга дастурхон ёзиш учун оила неча йиллар йиғиниб, тўпланган маблағларни бир кунда сарфлаб юборади, ҳатто қарзга ҳам ботади.

Ўйга толасан, бир кунда бундай тўй-маъракалар туманда, вилоятда, қолаверса, республикада нечта бўлар экан, уларга қанча миқдорда маблағлар сарфланар экан, шундай исрофгарчиликка йўл қўяётган халқнинг бугунги ривожланиш сари юз тутган дунёда тараққиёти қандай бўлар экан? Агар шу маблағлар фарзандларнинг соғлигига, тарбиясига, ўқишига, йўлларни, қувурларни, мактабларни, шифохоналарни таъмирлашга, муҳтожларнинг оғирини енгил қилишга, умуман оиланинг иқтисодий, маънавий ривожланиши ва савоб ишларга сарфланса, нима бўлар эди?

ЎН БИР ДАҲА ҚИПЧОҚСАРОЙ

Жомга қўшни Бешчашма аҳолиси Лолабулоқ, Сичқончи, Қорақия, Араббанди, Қўчқорбулоқ номли бешта чашмалардан сув ичади.

1. Лолабулоқ чашмасининг сувларидан – Обоҳли, Қулчон, Қозоёқли даҳалари.

2. Сичқончи чашмасининг сувларидан – Мирзатўп, Қирқоёқ даҳалари.

3. Қорақия чашмасининг сувларидан – Қанжиғали, Қозоёқли, Қорғаёқ, Қирқоёқ, Чоркўса даҳалари.

4. Араббанди чашмаси сувларидан – Наймансарой, Қанжиғали, Чоркўса даҳалари.

5. Қўчқорбулоқ чашмаси сувларидан – Шагарак, Чоркўса даҳалари аҳолилари фойдаланадилар.

Ўн бир даҳа кипчоқсарой оқсоқоллари тўйларни бекаму кўст ўтказиш мақсадида тадбир ишлаб чиқишган. Улар Бешчашмани 11 даҳага бўлишни лозим топишган. Бу иш мирзатўплик Йўлдошбойнинг тўйи муносабати билан амалга оширилиб, даҳалар хисобидан Бешчашма аҳолисига кўник қуйидагича тақсимланган:

1. Қанжиғали даҳаси (бир ярим кўник).
2. Обоҳли даҳаси (ярим кўник).
4. Мирзатўп даҳаси (бир кўник).
3. Қулчон даҳаси (бир кўник).
5. Қирқоёқ даҳаси (бир кўник).
6. Қарғаёқ даҳаси (бир кўник).
7. Чоркўса даҳаси (бир кўник).
8. Шагарак даҳаси (бир кўник).
9. Қозоёқли даҳаси (бир ярим кўник).
10. Наймансарой даҳаси (бир кўник).
11. Сувёқаси даҳаси (бир кўник).

Йўлдошбой ўта бой бўлиб, 3-4 минг кўйи, 3-4 юз қорамоли, сурувда 100 дан ортиқ йилкилари бўлган. Унинг тўйида бой қайвонилар Бешчашманинг 11 даҳасини кипчоқсарой деб эълон қилиб юборишган [62].

ХУШВАҚТ МИСКАР

Бешчашма бойи Хушвақт мискарнинг 2500 бош кўйи, 300 бош қорамоли бўлиб, от ва туялари эса 150 бошдан ортган.

Хушвақтбойнинг тўйига олти ой олдин тайёргарлик кўрилган. Хабарчи одамлар белгиланиб – Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Тожикистоннинг Хисор вилояти, Туркменистоннинг Чоржўй вилояти, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Чирокчи, Ғузор, Китоб тумани аҳолиларининг ҳаммаси тўйга таклиф этилган. Кайвонилар томонидан тўй уч кунлик белгиланиб, узоқдан келган меҳмонлар даҳаларга қўниқ қилиб берилган. Тўйга тирик қўниқ бериш учун 600 бош ахта қўй, 30 ботмон гуруч, ўн ботмон зиғир ёғи, 50000 дона нон, ўн ботмон майиз, сўқим учун 300 бош ахта қўй, 20 бош катта хўкиз, қанчадан-қанча тўнлар, тўплаб газлама матолари, 1500 дона корсон товоқ янгидан олиб келинган. 20 та тўрт ёшга тўлган такалар кўпкарида чопиш учун сўйилган ва уч кун кўпкари берилган. Кўпкари зоти учун 200 бош қўй, кўплаб тилла тангалар, адрас тўнлар, тўрт аравага ортилган мис кўзалар, мис обтова, мис чойдиш, мис қозонлар ва булардан ташқари кўплаб нарсалар айтилган. Қир-адирларни одамлар билан уловлар босиб кетган. Узоқ ерлардан келган полвонлар, отлар куч синашишган. Бу ернинг удуми бўйича ердан улоқ чопиш ҳеч бир чавандозга қўл келмаган, бирор полвон ерга ташланган улоқни ҳалол қилиб ололмаган. Эҳтиёт шарти билан қилинган тўрт метрлик икки ҳавоза иш берган. Энг сара отлар билан мана-ман, деган полвонлар улоқни ҳалоллаб ташлаганлар. Бир зотга тўрт тилла, тўрт қўй, иккита мис кўза, иккита мис чойнак каби совринлар тинимсиз айтиб турилган.

Хушвақтбой тўйида тўрт аравада мис идишлар кўпкари совринларига қўшиб айтилганлиги учун унинг номи Хушвақт мискар лақаби билан ёйилган. Хушвақт мискардан кейин 1926 йилда Шайманбой Қурбонбой ўғли охириги қўниқли тўйни ўтказган. Бундан кейин шўролар ҳукумати бостириб келиб, бойларнинг мол-мулкларини талон-тарож қилганлиги учун бундай тўйларни ўтказиш имконияти қирқилган [62]. Жомлик боболаримиз ҳам бу атроф (ура)да Хушвақт мискарниқидан катта тўй бўлмаган, деб эслашардилар. Жомнинг қўниқли тўйларига 11 даҳа қипчоқсарой аҳолиси таклиф этилган.

МАКТАБЛАР ВА МУРАББИЙЛАР

Жамият пайдо бўлибдики, инсонлар ўз фарзандларини билимли ва тадбиркор қилишга интилишган. «Қадимий манбаларга қараганда, Ўрта Осиёда бола беш ёшга етганда, унга ёзув ва арифметика ўргатила бошланган, балоғатга етганида эса савдогарларнинг қарвонларига қўшиб узок мамлакатларга савдогарчиликни ўрганиш учун юборилган» [66. 57].

20-йиллар охири 30-йиллар бошида Жомда саводсизликни тугатиш учун курслар ташкил қилинган. У вақтларда Жомда халқ ўқитувчилари йўқ эди. 1923 йилда биринчи Совет мактабига мулла Худойберди ўқитувчилик қилган. Хушвақт Қурбонов меҳмонхонасида 14 ўқувчи билан иш бошлаган. Буни эътиборга олсак, 2008 йилда ҳозирги Амир Темур номи шу мактабнинг ташкил этилганига 85 йил тўлган бўлади. Ўқувчилар 1929 йилгача араб, 1929-1940 йилларда лотин, 1940-1993 йилларда кирилл имлосида ўқитилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида, 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди ва мактабларда ўқитиш босқичма-босқич лотин ёзувиге ўтказилди [73].

1929 йили Каттақўрғонда 10 ойлик муаллимлар тайёрлайдиган курсларда жомлик йигитлардан Тўхсори Тожиев, Тоғайназар Холиқулов, Мамарайим Ирисқулов, Ибодулла Қодировлар ўқиб қишлоқнинг биринчи ўқитувчилари бўлишган.

1930 йилдан бошлаб Омондара маҳалласидаги Раҳмонкул қарвоннинг меҳмонхонасида, ҳозирги Сайфидин Назаровнинг ҳовлиси ўрнида, Чўммоқ қишлоғидаги масжидда, Сафаров Неъматулло, Амиркул, мулла Аваз боболарнинг ҳовлиларида қишлоқ болалари ўқитилган. Очил Бердиев, Парда Оллоёров, Тўра Мавлонов, Тўхсори Тожиев, Аҳмат Шомаҳматов, Жўрабой Шералиев, Ҳамза Хайдаровлар, татарлардан Руғмонов, Равилов, Султонова, Ҳолиқова, Латипова, унинг қизи Луиза ва жияни Сагида дарс берган. Толлида қисқа вақт 1930 йилда Тиллаев Раззоқ бобо ўқитувчилик қилган.

1937 йилда жамоа хўжалик бухгалтерияси учун тўрт хонали бино қурилган, лекин қишлоқ болаларининг одамлар уйларида ўқитилаётганлигини эътиборга олган жамоа хўжалиги раиси

Абдулла Омонов бу бинони мактабга берган. У ҳозирги 21-мактабдан 300 метрлар шимоли-шарқ томондаги дўнгликда жойлашган. Ушбу бинода синфхоналардан ташқари қишлоқнинг дастлабки кутубхонаси ташкил этилиб, у йиллар ўтган сари турли мазмундаги китоблар билан бойитиб борилган. Унга 1960 йиллар атрофида Э.Усмонов ва А.Йўлдошевлар мудирлик қилишган. Бу йилларда кутубхонада катталар, ўқувчилар, қишлоқ хотин-қизларининг китобсеварлар тўғарақлари навбат билан ишлаб турарди. Кутубхона доимо мухлислар билан гавжум, навбатда туриб китоб олинар, ярим йил ва йил якунида икки марта китобхонлар конференциялари ўтказилиб, энг кўп китоб олиб ўқиганлар рағбатлантириларди. Кутубхонанинг бир хонасида ҳар куни шахмат тўғараги фаолият кўрсатар, ой якунида шахмат мусобоқаси ўтказилиб, унда кўпинча бошланғич синф ўқитувчиси Вали Норматов ғолиб бўларди.

Бугунги кунда бу аъёналар қолиб кетган, китобхонлар сони кескин камайган бўлсада, ўша кутубхона Омондара маҳалласи биносида мавжуд, унга Шафоат Суярова мудирлик қилади. 2006 йилда бу кутубхонадан Нуробод туман кутубхонасига 400 килограмм мол гўшти кийматидаги китобларнинг олиб кетилиши қишлоқ учун ачинарли ва кечириб бўлмайдиган ҳол. Аждодлар томонидан бунёд этилган бу тарихий ноёб ва кўпчилик учун кадрли бўлган кутубхона доимий равишда адабиётлар билан бойитилиб борилиши, керакли жиҳозлар билан таъминланиши, авлодлар учун асраб-авайланиши, зиё маскани бўлиб аҳолига хизмат қилиши керак.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳозирги А.Темур номи 22-мактаб ўрнида етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактаб ташкил этилган. Ҳозирги 21-мактабда уруш даврида ҳам болалар тўртинчи синфгача ўқитилган. Бу мактабда урушдан сўнг 5-синфлар ташкил этилган ва Анжирлидаги конда яшаган Ёрмат Садинов келиб математикадан, Ирисов Абдусалом жисмоний тарбия ва меҳнат таълими фанларидан дарс берган.

Каттакўрғон туман маориф бўлими мактабни имконият даражасида етишмаган ўқитувчилар билан таъминлаб турган.

Урушдан сўнг 7 йилликка айлантирилган 21-мактабнинг 8-синф ўқувчилари 1947 йилдан ҳозирги А.Темур номи 22-ўрта

мактабга қатнаб ўқийдиган бўлишган. Бу мактабда Садинов Ёрмат, Ёркулов Болли, Ҳоликулов Тоғайназар, Очилов Амир, Раҳимов Ҳасан, Ёкубов Шамсиддинлар ўқитувчилик қилишган.

Каттакўрғон шаҳар маорифи бўлими таркибида биттадан ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган ўрта мактаблар бўлган. Туман халқ таълими бўлими таркибида эса ўрта мактаблар мавжуд бўлмаган. Каттакўрғон туман халқ таълими бўлими биринчи ўрта мактабни Янгиқўрғонда ташкил этган, бироқ болалар йиғилмаганлиги сабабли режа амалга ошмаган. Кейин ўрта мактаб Саройқўрғонда очилган, яшаш оғир, болалар ота-оналари билан ишлаб чиқаришда қатнашаётганлигидан бу ерда ҳам ўқувчиларни тўплаб ўқитишнинг иложи бўлмаган. Шундан сўнг Жомда ўрта мактаб ҳозирги 22- Амир Темури номи мактабнинг эски жойида ташкил этилган. Бу мактабни Каттакўрғон тумани бўйича биринчи бўлиб 20 дан ортиқ ўқувчилар битирган, уларнинг барчаси туманга қарашли мактабларга ўқитувчи этиб тайинланган, айрим иқтисодий шароити яхшилари олий ўқув юртларига киришган.

1948 йилда ҳозирги Омондара маҳалласи ҳудудида янги мактаб қурилиб, унга Тўхсори Тожиев директорлик қилган. Бу ўқув маскани 1960 йилдан бошлаб мактаб директори Болли Ёркулов раҳбарлигида янги бинолар қуриш ҳисобига кенгайтирилган. Мактабга собиқ Каттакўрғон туман партия кўмитасининг 1962 йил 29 октябрдаги 29-сонли қарори билан шоир Бурхон Турсунов номи берилган. 1971-1972 йилларда эсдалик бюсти ўрнатилди. 1973 йилнинг 9 май Ғалаба куни бюстнинг очилиши бўлди. Унинг атрофида ўсиб турган арчалар Худойназар Давронов томонидан Р.Шредер номидаги «Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси»дан келтирилиб мактабга туҳфа этилди. Мактабга Б.Турсунов номининг берилишига бағишланган маросимда шоир Шамси Одилов, СамДУ профессори Ҳамдам Бердиёровлар иштирок этишди. Б.Турсуновнинг талабалик давридаги дўсти, урушдаги сафдоши Ҳамдам Бердиёров ўз хотираларини сўзлаганда, йиғилганлардан барчанинг кўзида ёш қалқиди. 1968 йилда Б.Турсунов номи 21-мактаб ўн йиллик ўрта мактабга айлантирилди.

Хотин-қизлардан биринчи Тиллаев Раззоқ бобонинг хотини Саломат момо кишлоқ аёлларига дарс берган. Ўқитувчи етишмаганлиги сабабли 1943 йилда жамоа хўжалиги томонидан Карам Оллоёрова, Бибисора Холикуловалар Каттақўрғон шаҳрида ўқиб қайтишгач, ўқитувчилик қилишган. 1967 йилдан Мукаррам Халилова мактабни битириб, бошланғич синфларда ўқитувчилик қилган.

Б.Турсунов номли эски 21-мактаб ўрнида 2007 йилда мактаб директори Эшмурод Худойназаров саъй-ҳаракати билан янги мактаб Жўрабой Болли ўғли томонидан қурилди. 2008 йилда спорт мажмуаси қад кўтарди.

1934 йил Гирдиқўрғон маҳалласида 4 йиллик мактаб очилган ва унга Тўхсори Тожиев директорлик қилган. Маскан 1939 йилда 7 йиллик, яъни тўлиқсиз ўрта мактабга, 1948 йилдан ўрта мактабга айлантирилган. Бу улуғ масканда Жомнинг барча фарзандлари, шунингдек, Умакай, Кўчқорбулоқ, Иброҳимота, Анжирли кишлоқлари болалари таълим олишган. Мактаб 1960 йилларда Самарқанд ва Қашқадарё воҳасида халқ томонидан Жом Университети деб довруғ таратган.

Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллаларида 21-, 44-, 63-мактаблар, Гирдиқўрғон маҳалласида 22-мактаб, Жом маҳалласида 23-, 24-, 45-мактаблар жойлашган. Жомлик ўқитувчилар ўзларининг фидокорона ва заҳматли меҳнатлари билан Ўзбекистонга танилган.

Жом маҳалласидаги мактаб 1945 йилда иш бошлаган, унинг биринчи директори Тоғайназар Холикулов эди. У ерда дастлаб Тўхсори Тожиев, Жўрабой Шералиев, Ғани Жуманов, Ҳалиулин, Руқия, Альфия, Галимов каби ўқитувчилар ишлашган. Эътибор қилинса, 1950 йилгача, Жомда мавжуд бўлган барча мактабларнинг ташкил этилиши ва маориф ишининг йўлга қўйилиши Тўхсори Тожиев номи билан боғланган. Жом маҳалласининг асфальт йўл ёқасидаги биринчи мактаби биноси, 2004 йилда мактаб директори Норбўта Оллаев ташаббуси билан сойнинг жануби-шарқий томонига ўтказиб қурилди.

1966 йилдан кейин Жомда аҳоли сонининг ошиши муносабати билан қатор мактаблар қурилиб ишга тушди. 1996 йилда Бошбулоқда ёш болалар учун бошланғич мактаб ташкил этилди.

Хафриндаги Ўрол Бозоров номли мактаб унинг биринчи директори Қоплон Худоёровнинг ташкилотчилиги асосида 1988 йилда қурилиб ишга тушди. Ўн йилдан сўнг, бу мактаб яна қайта қурилиб, Ойхолсойнинг шимолидан кавланиб булоқ чиқарилди ва унинг суви уч километрдан ортиқ масофага қувур орқали олиб келинди.

Дасмандаги мактаб 1991 йилда ишга тушди, унинг биринчи директори Гулмурод Отабоев бўлган.

Жом маҳалласи ҳудудидаги Назар Равшанов номли мактаб 2007 йилда қурилди. Директори Пардабой Соатов бўлган.

Эски анҳор бўйидаги мактаб 1966 йилда ишга тушган. Бу мактаб 2002 йилда қайта таъмирланди.

Ҳасан Расуловнинг саъй-ҳаракати билан Дюккер, яъни Ором қишлоғидаги мактаб 1969 йилда бунёд этилди.

Хулоса ўрнида: Дилорам Ёрматова, Қудрат Айматов, Содик Назаров, Эштурди Раҳимов, Турғон Суёнов, Сафар Турсунов, Карим Ашуров, Саид Ўринов, Мурод Муҳаммад Дўст, Файзуллохон Маҳмудов, Ҳалил Ортиқов, Қаюм Турғонов, Нормўмин Очилов, Эшмурод Худойназаров, Абдурасул Сатторовлар мактабда интизом билан аъло баҳоларга ўқиб, жомлиқлар фахрланса арзийдиган таниқли инсонлар бўлиб етишдилар.

МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ

Тўхсори Тожиев, Болли Ёркулов, Шамсиддин Ёқубов, Очил Бердиев, Эшмурод Худойназаров, Қоплон Худоёров, Шойимқул Суяров, Эшмурод Холиёров, Нишон Холмўминов, Пўлат Эргашев, Рустам Сатторов, Рустам Бобохонов, Сафар Қурбонов, Ғофур Қудратов, Улаш Туропов, Саид Усмонов, Ўктам Шуқуров, Тоғайназар Холиқулов, Ҳасан Расулов, Назар Равшанов, Ўрол Чинмирзаев, Норбўта Оллаев, Пардабой Соатовлар жуда кўп йиллар мактабларга моҳирлик билан раҳбарлик қилишдилар.

ЎҚИТУВЧИЛАР

Тўхсори Тожиев, Шамсиддин Ёқубов, Ёрмат Садинов, Амир Очилов, Сафар Қурбонов, Ҳақберди Хидиров, Нормўмин

Жуманов, Шавхи Хўжакулов, Жалолиддин Сафаров, Ғофур Кудратов, Йўлдош Холмўминов, Вали Норматов, Дагар Мирзаев, Саъдулла Ёкубов, Ўрол Жумаев, Тошимбой Боймирзаев, Темур Қўзибоев, Эркин Тожиев, Юсуф ва Райим Қурбоновлар, Жаҳонгир Ирискулов, Қувон Райимов, Сафар Турсунов, Мавлон Жабборов, Қаном Турғонов, Шухрат Қўзибоев каби малакали устозлар ҳақида қанча гапирса, оз.

Тўхсори Тожиев ўқитган синфлар ўқувчиларининг тўқсон фоишдан ортиғи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирганлар.

Тил-адабиёт ўқитувчиси Ёрмат Садинов М.Горькийнинг «Чолворли булутлар» ҳикоясини ўтишда бу «Чолворли булутлар» эмас, русчасида «Тучи в штанах» ёзилган, демак таржима нотўғри, «Иштонли булутлар» бўлиши керак,-деган ҳаққоний сўзлари ҳали-ҳали қулоғимизда жаранглаб турибди.

Шамсиддин Ёкубов адабиётдан дарс ўтаётганда, ўзини буткул унутиб ролга кириб кетар, ўзини асар қаҳрамонидай ҳис қиларди.

Жом қишлоғида математика фанининг ўқитилишини Сафар Қурбонов ва Ҳақберди Хидировсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бугунги қишлоғимиздаги барча математика мутахассислари уларнинг ворислари. Сафар Қурбонов яхши ўқитиш билан биргаликда, математикларнинг ҳовлиси ёнидан ўтинглар пул ҳиди келади, -деб биз ўқувчиларни ўқишга қизиқтирарди.

1962 йилнинг баҳорида, еттинчи синфлигимизда Ҳ.Хидиров геометрия дарси ўтаётган эди, муаллим тоққа экскурсияга чиқайлик, дедик. Устоз Ҳ.Хидиров катталардан сўраб кўрайлик деди. Шунда синфдошимиз Зухра Раззоқова «малим сиздан ҳам катта одам борми?», – деб ҳайрон бўлиб сўраганиди. Ҳақиқатан ҳам биз ўқувчилар тасаввурида Ҳ.Хидировдан катта одам йўқ эди.

1960 йилларда синф раҳбарим – Шукур Рўзикулов санъатга иқтидорли ўқувчилари Э.Худойназаров, А.Жўраев, Т.Сафаровлар иштирокида мусиқий гуруҳ ташкил этди. Бу гуруҳ мактаб ансамбли бўлиб қолмасдан, тўйларга ҳам хизмат қиларди. Улар рубоб, доира, скрипка каби мусиқий асбоблардан фойдаланишар, Ш.Рўзикулов чиройли ва оҳангдор, мол юраги пардаси ўрнатилган рубобларнинг бир неча вариантларини тут дарахтидан ўзи ясарди.

Жомнинг эл севган бетакрор овоз соҳиби, биринчи олий маълумотли ҳушовоз хонандаси ва мусақачиси Қувон Райимов

ўзи ўқитувчилик қилаётган мактабда тўгарак ташкил этиб, қишлоқда ашулачилик ва мусиқа санъати тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Қишлоқда биринчи бўлиб Вафоқул Қулматов чет тилини, Латипова, Саид Усмонов ва Райим Қурбоновлар рус тилини ўрганишни йўлга қўйдилар.

Ёш болалардан айримлари «Р» товушини айта олмаса, Мавлон Жабборовнинг бир ўқувчиси «Л» ни айта олмас экан. Муаллим бу ўқувчисини уйига олиб бориб, биргаликда бир сиқим лой қоришибди. Ўқувчи ўқитувчисининг «Бу нима?», -деган сўроғига «Лой», -деб жавоб берибди. Савол – жавоб бир неча марта такрорлангач, М.Жабборов ўқувчисини елкасига кўтариб «Л» товушини ҳам айтар экансан-ку», -деб роса хурсанд бўлган. Сўнгра, рўмолчасига лой туғиб уйга боргунча такрорлаб боришни тайинлаган. Шу усул туфайли ўқувчи «Л» ни айтадиган бўлган.

ЖОМ МАСЖИДЛАРИ

Жомда 1960 йилларга қадар Чўммоқ қишлоқда, Аноргузарда, Тегирмонбошида, Дасманнинг жанубида, Мавлонаи Жом ота қабристонининг қибла томонидаги асфальт йўлнинг ғарбида, Жом маҳалласи этагидаги Оқтошмозорда, Сонсувлқда масжидлар мавжуд эди. Улар шўро тузуми даврида қаровсизликдан бузилиб, йўқ бўлиб кетди. Энг катта жомеъ масжид Авлиё бобо мавзеида қурилган. Унда ҳайит ва жума намозлари ўқилган. Нурмамат махсумнинг маълумотига кўра, бу масжиднинг қурилишини мулла Тошпўлатнинг отаси Оллоҳмурод бобо Ҳаж сафаридан қайтгач, ташкиллаштирган.

XIX асрга келиб жума намози ўқиладиган жомеъ масжид Тегирмонбоши маҳалласида қурилган, унда асосан Қора мўйиндан чиққан мулалар имомлик қилишган. Дастлабки масжид эски масжиднинг ғарб томонида бўлган. Масжид эскириб, ёғочларини сариқ қумурска (термит)лар еган, кейин у ҳозирги жойга кўчирилган. Бу масжид 1910 йиллар атрофида Эсанбой бобо, Яъқуб қарвон қаби кишилар маблағлари ҳисобига, Муҳиддин махсум бошчилигида ҳашар йўли билан бунёд этилган.

Мавлонаи Жом ота қабристонидagi жомеъ масжид эса 1979-1980 йилларда ҳашар йўли билан қурилди.

МАСЖИДЛАРНИНГ ИМОМ-ХАТИБЛАРИ

Тегирмонбошидаги эски ва янги масжидда Муҳиддин махсум имом-хатиблик қилган. У киши 1913 йилда вафот этган. Муҳиддин махсумдан сўнг, 1920 йилларгача имом-хатиблар кўп алмашган.

1920 йилдан мулла Раҳимкул мулла Абдужаббор ўғли то 1933 йилларгача, яъни кулоклаштириш давригача имом-хатиблик қилган. У киши эл орасида Хатиб бобо, номи билан машҳур бўлган. Хатиб бобо 1933 йилда Андижонга сургун қилинган, масжид 1992 йилларгача ишламаган. Масжид ишламаса ҳам 1977 йилдан 2004 йилга қадар мулла Аҳмад Ҳусанов имом-хатиб лавозимида турган.

Масжид 1937 йилда пионерлар лагерига айлантирилиб, унда Каттакўрғон мой комбинати ишчиларининг фарзандлари хордик чиқарган. Бу оромгоҳ 1968 йилда Дасманнинг жануб томонидаги сойликка, сув бўйига кўчирилиб, масжид олдин сепаратор, кейинчалик савдо дўконига айлантирилган. Унда Ҳамид Ёркулов чорва сутини қайта ишлаган, Улаш Расулов дўконга мудирлик қилган.

1980 йилда Мавлонаи Жом ота қабристони ёнида ҳашар йўли билан янги жомеъ-масжид қурилди.

Жомликларда жумардлик, тантилик ҳам юксак даражада. Жом масжидининг имом-хатиби мулла Абдупатта Абдулхай ўғли, мулла Равшан Аъзамкул ўғли Исмоил ал-Бухорий мадрасасини битириб келган, унга имом-хатибликни ўз хоҳиши билан топширди. 2007 йил 13 сентябр куни Ийд ал-Фитр (Рамазон) ҳайити намозида биринчи марта мулла Равшан имомлик қилди.

УЛАМОЛАР

Муҳиддин махсум Абдуғоффор ўғли, мулла Турсункул Маҳмадмурод ўғли, мулла Абдужаббор, Раҳимкул хатиб бобо Абдужаббор ўғли, мулла Иброҳим Абдужаббор ўғли, мулла Дониёр Ирис ўғли, мулла Суяркул Қўшоқ ўғли, мулла Абдулхай Турсункул ўғли, мулла Мўмин, мулла Норбўта, Аҳад кори Норкул ўғли, мулла Ўрол Бозоров, мулла Қулмат Ғани ўғли, Низомиддин ва Исмоил махсум Иброҳим ўғиллари, Эштурди ва Яҳё махсум

Суяркул ўғиллари, мулла Абдупатта Абдулхай ўғли, мулла Равшан Аъзамкул ўғли.

Мулла Тошпўлат, мулла Жодугар, мулла Келдиёр, мулла Шукур Очилбой ўғли, мулла Амиркул шоир Қурбоналибой ўғли, мулла Расул ва мулла Эрка Тошпўлат ўғиллари, мулла Зиё Бегимкул карвон ўғли, мулла Аваз, мулла Қодир, мулла Райимкул Қодир ўғли, мулла Имом Оллохёр ўғли, мулла Эрмон Ёркул ўғли, мулла Аҳмат Шомаҳмат ўғли, мулла Сафар Расул ўғли, Элберди махсум мулла Расул ўғли, Бутун махсум Эрмон ўғли, мулла Алим Камол ўғли.

Мулла Фармон Қурбонназар ўғли, мулла Саттор Раҳмат ўғли, мулла Аҳмад Хусан ўғли, мулла Хушмамат Абдулазим ўғли, мулла Вафокул Қулмат ўғли.

Мулла Мирза Дўст ўғли, мулла Холикул чавандоз, мулла Худойназар Суяр ўғли, мулла Азим Соли ўғли, мулла Қурбон, мулла Ҳайитбой Жуман ўғли, мулла Парда Маҳмуд ўғли, мулла Аъзамкул Тошмурод ўғли, мулла Алишер Йўлдош ўғли.

Мулла Оллохмурод, мулла Холикул қози, мулла Равшан, мулла Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф ўғли, мулла Холмўмин Равшан ўғли.

ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИ

Қадимда уруш, жангу жадаллар, босқинлардан ташқари, вабо, безгак каби турли юкумли касалликлардан кишлоқ аҳолиси қирилиб турган. Оддий кўричакдан кўп инсонлар ўлиб кетишган. Уни «сотқоқ» деб аташган. Касалликларга қарши кураш мақсадида кишлоқда табиблар етишиб чиққан. Ҳайдар бобо, Қўзи момо сингари кўплаб даволовчи табиблар ўтган. Қўзи момо оёқ, қўл ёки бошқа аъзоларнинг синган, чиққан жойларини даволаган. Онахоннинг қўлидан минглаб кишилар шифо топган.

Ана шундай табиблардан Зубайда, Тўти, Кумуш момолар, Садин бобо, уста Аловуддин бобо ва унинг ўғли уста Холиёр бобо, Мўмин бобо Тангматовларни одамлар яхши билади. Садин табибнинг набираларидан 21-мактаб ўқитувчиси Турсунали Ҳалил ўғли синикларни даволашда катта тажрибага эга бўлса, Алишер Ёрматов илон захри билан даволашда ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам донг таратди. Бугунги кунда гиёҳлар ва илон захри билан

даволашда Абдуманнон Ёрқуловнинг олдига тушадиган табиб йўқ, унинг қўлидан кўплаб инсонлар шифо топмоқда.

ШИФОХОНАЛАР

Шифокор У.Мусурмонов маълумотига кўра, иккинчи жаҳон уруши даврида биринчи фельдшерлик пункти Гулкишлоқда, аниқроғи, Орқабой Умировнинг ҳовлиси ўрнида жойлашган.

Тегирмон боши маҳалласи ҳудудидаги эски масжиднинг шарқий қисмида, сув бўйида ўша давр тиббиёт талабларига жавоб берадиган фельдшерлик пункти 1950 йилдан иш бошлаган ва 1960 йилда стационар шифохонага айлантирилган. Ўша даврларда шифохона ҳовлиси шунчалик сўлим эдики, дарахтларнинг кўплигидан осмон кўринмас эди. Бу шифохона 1978 йилда Гирдиқўрғон маҳалласи ҳудудида жойлашган эски ўрта мактаб биносига кўчирилди. Биноларни сарик кумурсқа (термит) еб тугатгач, 1987 йилда Каримовулдаги янги қурилган шифохонага кўчди. Дюккер, яъни Ором қишлоғидаги шифохона 1998 йилда шифокор Эргаш Ўсаров раҳбарлигида ишга тушди.

ҚИШЛОҚ УЧАСТКА ШИФОХОНАСИ

Жом қишлоқ участка шифохонаси 1960 йилда ташкил этилган. Ундан олдин фельдшерлик пункти иш олиб борган. Унда ўзбек тилини яхши биладиган рус миллатига мансуб Николай исмли киши, унинг онаси ҳамда Шавкат Мелиев, Шоназар Рўзиқулов, Иброҳим Имомов, Мусурмон Сатторовлар аҳолини даволашган.

1965-1971 йилларда касалхонага Абдуғани Набиев раҳбарлик қилган.

1971 йил Улаш Мусурмонов 10 ўринлик касалхона ташкил этиб, 1972 йилгача бош шифокор бўлиб ишлаган. 1979 йилда касалхонани 15 ўринликка етказган.

1981-1986 йилларда бош шифокор Эсанбой Давронов касалхонада ўринлар сонини 25 тага етказиб, терапия, туғруқхона ва болалар бўлимларини ташкил этган.

1986-1995 йилларда касалхонага Улаш Мусурмонов бош ҳаким бўлган. Янги шифохона қурилиб, ишга туширилган ва

ўринлар сони 85 тага етган. 1996-1998 йилларда Эргаш Ўсаров касалхонага бош ҳакимлик қилган.

1999 йилдан бош шифокорликни Сурман Элмирзаев давом эттирган, бу даврда шифокорлар сафига Низомиддин Мўминов, Адолат Холикулова, Шавкат Азимовлар келиб қўшилишган.

Жомнинг биринчи шифокорлари: Шавкат Мелиев, Мусурмон Сатторов, Иброҳим Имомов, Шоназар Рўзикулов, Жаҳонгир Эргашев, Абдуалим Раҳматов, Улаш Мусурмонов, Давир Тўқсонов, Эсонбой Давроновлар ҳисобланади.

Биринчи ҳамширалар: Мактаб Ҳушвактова, Обод Жўракўлова, Санобар Боймирзаевалар.

Қишлоқдан Илаш Мусурманов, Довир Тўқсонов, Ҳалил Ортиқов, Эсонбой Давронов, Турғун Суюнов, Озод Жабборов, Саид Ўринов, Насриддин Худойназаров, Сурман Элмирзаев, Адолат Худайназарова, Шавкат Азимов, Норча Қодиров, Турғун Суюнов, Низомиддин Мўминов каби кўплаб олий маълумотли тиббиёт ходимлари етишиб чикди. Юзлаб ҳамширалар эл соғлиғини сақлашда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Жомнинг янги шифохонасини бунёд этишда давлат хўжалиги директори М.Абдуллаевнинг хизматлари катта бўлган.

ЎЗ КАСБИДАН ФАХРЛАНИШ ҲИССИ

Мамат Абдуллаев халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларида бош бухгалтер, совхоз директори, райкомнинг идеология котиби лавозимларида муваффақиятли ишлади.

Улаш Мусурмонов беш йил ўқишга кира олмасдан, олтинчи йили Самарқанд медицина институтига қабул қилиниб, уни имтиёзли диплом билан тамомлади. Отамиз Зиёт бобо билан мол боққанда ҳам қўлидан китоби тушмаган. У.Мусурмонов узок йиллар Жом шифохонасида раҳбар ва акушер-генеколог бўлиб ишлади.

М.Абдуллаев, У.Мусурмонов, Бешбармоқдан Жаҳбар муаллим бизнинг уйда меҳмон. Шунда дабдурустдан У.Мусурмонов савол берди: Мамат Абдуллаевич сиз ўлсангиз қанча одам йиғлайди?

М.Абдуллаев: уйидагилар, яна тўрт-беш оғайин-қариндош йиғласа, керак.

У.Мусурмонов: мен ўлсам Жомдаги хотинларнинг камида эллик фоизи йиғлайди.

Дарҳақиқат, қишлоқ аёллари У.Мусурмоновни қаерда учратишса, биринчи навбатда у билан саломлашиб, хол-ахвол сўрашиб, кейин бошқаларга эътибор қаратишади.

Давир ТЎҚСОНОВ 1938 йилда туғилган. 1957 йилда мактабни битириб, 1957-1960 йилларда Улус давлат хўжалигида ишлаган.

1961-1963 йилларда Қарши тиббиёт билим юртида ўқиган. Сўнгра Самарқанд тиббиёт институтини тамомлаб, Чўнқаймиш қишлоғида шифокор бўлиб ишлаган.

1971-1976 йилларда Чўнқаймиш қишлоқ касалхонасида, 1977-1982 йилларда Жом қишлоқ касалхонасида бош ҳаким вазифасида ишлаган. 1982-1994 йилларда шу касалхонада терапевт-шифокор, 1994-2004 йилларда Чўнқаймиш қишлоқ касалхонасида бош ҳаким вазифасида муваффақиятли фаолият кўрсатган. Д.Тўқсонов кўли енгил, илмли, беморларга меҳрибон, айти пайтда эл соғлигини ўйлайдиган шифокор.

ИЛК ВЕТЕРИНАРЛАР

Профессор Шукур Расулов, Нафас Шералиев, Шамсиддин Суяров, Мухтор Махсудов, Раҳматуллоҳ Маҳмаюсупов, Холиёв Шамсиев, Нормурод Пўлатов, Маҳмуд Исматов, Қувон Раҳматов, Шеркул Сувонов, Эргаш Ҳусановларнинг хўжалик ва аҳоли чорвасини даволашдаги хизматлари катта бўлган.

ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛИ

1998 йилда Қундуз Худоёрова ташаббуси билан «Омонёр» номли фольклор-этнографик ансамбли тузилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Самарқанд вилоят туманлараро кўрик-танловларда жамоа икки марта биринчи ўринни олган. Нуробод туман қишлоқлари фольклор-этнографик ансамбллари орасида узлуксиз биринчи ўринга сазовор бўлмоқда. Саодат Расулова, Адолат Омонова, Оқила Боратова, София Бобоқулова, Мусаллам Ёркулова, Зулфин Умарова, Ҳасан Холикулов, Абдуманнон Ёркулов, Фурқат Тўйлиев, Абдувоит Раҳматов, Дамин Ўсаров,

Вали Дониёров, Эсонмурод Сафаровлар жамоада фаоллиги билан ажралиб туради.

Қундуз Худоёрова «Дуржамол» хусусий касаначилик фирмасини ташкил этиб, 35 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлаган. Улар гилам, хуржун, турли жемперлар, пайпоқлар тўқиш билан шуғулланади. Бу ерда Жомнинг атрофидаги Сарикқўл, Анжирли, Иброҳим ота, Чўнқаймиш, Анназират, Бешбармоқ, Қашқадарё вилоятининг Кўчқорбулоқ, Умакай қишлоқларидан хотин-қизлар хунара ўрганишга жалб қилинган.

ЖОМ САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ МАШҲУР ИНСОНЛАРИ

Жомдан кўплаб илм аҳиллари етишиб чиққан.

Адиб ва давлат арбоби: Мурод Муҳаммад Дўст.

Профессорлар: Шукур Расулов, Дилором Ёрматова, Пирназар Давронов, Ўткир Соатов.

Доцентлар: Обрўй Эшмуродов, Райим Расулов, Ғофур Қудратов, Исомиддин Жумаев, Олтибой Шукуров, Пирназар Сафаров, Орол Эрназаров, Олимжон Расулов, Ҳайдар Эрназаров, Турсунмурод Норбеков, Алишер Ёрматов, Дилбар Ёрматова, Ўткир Расулов, Раҳмат Расулов, Ҳамроқул Бўриев, Фазлиддин Рўзиқулов.

Қалам соҳиблари ва ижодкорлар: Бурҳон Турсунов, Мурод Муҳаммад Дўст, Нормўмин Очилов, Сафар Турсунов, Қайом Турғон, Абдурасул Сатторов, Муҳаббат Равшанова, Абди Турсунов, Мурод Жабборов, Давир Тўқсонов, Жалолиддин Сафаров, Нормўмин Жуманов, Бўрибой Сафаров, Бовабой Чакқонов, Ҳасан Холикулов, Элмўмин Очилов, Райимкул Суяров.

Шоир Бурҳон ТУРСУНОВ 1916 йилда туғилган. Б.Турсунов бошланғич ва етти йиллик маълумотни Жом ва Саройқўрғон (Ўзблэхўр) қишлоқларидаги мактабларда олган, 1931 йилда Каттакўрғон шаҳар Педагогика билим юртида ўқишни давом эттирган. Бу ерда ўзининг фанларни эгаллашга иштиёқи баландлигини, намунали хулқи ва айниқса, бадиий адабиётга зўр қизиқиши борлигини кўрсатган. Б.Турсунов аъло ўқиш билан

бирга, жамоат ишларида, ижодий тўғаракларда фаол қатнашган, ўзининг илк шеърларини ёзган.

Б.Турсунов ҳақиқий ижодкор бўлиш учун илмий савияни ошириш зарур эканлигини биларди. Шунинг учун билим юртини тамомлагач, 1937 йилда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) га ўқишга кирган. Бу ердаги қизгин адабий ҳаёт, иқтидорли ёш адабиётчилар билан танишиш унинг бадиий ижодга бўлган ҳавасини янада оширди. Ижод билан бир қаторда, ўзбек ва рус классик ҳамда жаҳон адабиётини жиддий ўрганишга киришди. Анчагина шеърлар ва балладалар ижод қилди. Буларнинг энг яхшилари Самарқанд вилоят газетаси «Ленин йўли»да, «Каттақўрғон ҳовузи» қурилиш газетасида ва бошқа вақтли матбуотларда босилиб турган.

Ёш шоир ва педагог Б.Турсунов университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Қорадарё туманидаги 7-сонли ўрта мактабда педагоглик фаолиятини бошлаган илк кунларида иккинчи жаҳон уруши бошланади. Ватанпарлик руҳида тарбияланган Бурхон, она- Ватанни мудофаа қилиш учун урушга отланади.

Лейтенант Б.Турсунов 1941-1945 йилларда иккинчи жаҳон уруши фронтларида душманга қарши қаҳрамонона жанг қилган. Минаётчилар бўлинмаси билан бирга, Украина учун бўлган жангларда, Киев, Житомир, Бело-Церков, Винница, Каменец-Подольский, Проскуров, Тернополь, Львов, Перемишил, Краков каби вилоятлар ва шаҳарларни ҳамда Польшани озод қилиш учун олиб борилган шиддатли жангларда қатнашиб, Германиягача кириб борган. Фронтда кўрсатган жасорати учун бир неча бор тақдирланган, Қизил юлдуз ордени ва бошқа кўплаб медаллар билан мукофотланган.

Баҳодир жангчи Б.Турсунов 1945 йил 10 апрелда 29 ёшида, ғалаба арафасида, Берлин учун олиб борилган қаттиқ жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Шоир Б.Турсуновнинг навқирон ҳаёти ва ижодий фаолияти ана шу оловли йилларга тўғри келди. У ҳаётни севиб яшади, лекин унга тўймади. У фашист босқинчиларига қарши курашди ва енгди, лекин буюк ғалабани кўролмади. У қонли жанг майдонларида шеърлар ёзди, лекин буларни бир гулдаста шаклига келтириб,

ўқувчиларига тақдим этишга муяссар бўла олмади. Бу иш унинг дўсти таникли шоир Мамарасул Бобоев томонидан амалга оширилди. Натижада Б.Турсунов ижоди маҳсули бўлган «Ёдгор» шеърлар тўплами 1961 йилда М.Бобоевнинг «Оташин юрак» номли сўз бошиси билан нашрдан чиқарилиб, китобхонларга етказилди [53].

Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига Республика халқ таълими аълочиси, калами ўткир адабиётшунос Қаюм Турғоннинг жомлик шоир Б.Турсунов ижодига бағишланган «Ўжангчи-шоир ижодида Самарқанд мадҳи» мақоласи эълон қилинди. Муаллиф мақолада Б.Турсуновнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, «Ёдгор» шеърӣй тўпламидаги Ватан, Самарқанд шахри, умуман Зарафшон воҳасини тараннум этувчи шеърлари ва балладаларига ўзининг кенг қамровли теран фикрларини билдирган [55].

Хукумат томонидан Б.Турсунов иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган фидокорлиги учун ўлиmidан сўнг, Биринчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди. Жомнинг Омондара маҳалласидаги мактабга шоир Бурхон Турсунов номи берилди. Пастдарғом туманидаги Самарқанд номли хўжалик ҳудудида жойлашган мактаб ҳам Б.Турсунов номи билан аталади. Бу мактабда Чўнкаймишдан, Бешбармоқдан кўчиб тушган аҳоли фарзандлари таълим-тарбия олишади.

Б.Турсунов 1937-1941 йилларда СамДУда ўқиб юрган даврида Амин Умарий, Ў.Рашид, А.Мухтор, Назармат, Насрулло Даврон, ленинбодлик Обиджон Орифий, Ҳамдам Бердиёровлар билан дўстлашди. Атоқли адабиётшунос олимлар Фитрат, Абдурахмон Саъдий маърузаларини тинглади. И.Мўминов, М.Шайхзода сингари алломалардан сабоқ олди.

Б.Турсунов Ўзбекистонга йигирма йилдан ортиқ раҳбарлик қилган Шароф Рашидов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоир Тўра Жуманлар билан СамДУда бирга ўқиб, газетада ҳам бирга ишлашди, ўз ижоди, «Турсун» таҳаллусидаги шеърлари билан Ҳамид Олимжоннинг назарига тушди.

*Юрагимда туйғуларим мўл,
Тасвирлашга сўзлар етмайди.
Ўрмон қалам, сиёҳ бўлиб кўл,
Қанча ёзсам-асло битмайди.*

*Зухра эрур осмонда,
Юлдузларнинг сараси.
Менинг Зухрам-чи ерда,
Юрган қизлар аълоси,-*

деб ёзилган Б.Турсунов шеърларидаги равлонлик билан Ҳамид Олимжон шеърларидаги равлонлик ўртасида яқин уйғунлик бор. Ҳамид Олимжоннинг 1942 йилда Б.Турсунов тимсолида ёзилган «Жангчи Турсун» балладасини ўқир эканмиз, беихтиёр қалбимиз титраб, кўзларимизга ёш қалқийди.

Мурод Муҳаммад Дўст 1949 йилда туғилган. Ўқувчилик пайтларидаёқ фалсафани, адабиёт назариясини кунт билан ўрганди, шарқ мумтоз адабиётини севиб ўқирди. 1969 йилда ТошДУнинг фалсафа факультетига ўқишга кириб, жаҳон фалсафа илмини ўрганди.

1974-1979 йилларда Москвадаги М.Горький номли Адабиёт институтида таҳсил олди. Сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудир ва муҳаррир ўринбосари, «Литературная газета»сининг Ўзбекистон Республикаси бўйича муҳбири бўлди.

1992 йилдан бошлаб Мурод Муҳаммад Дўст Президент маҳкамаси Матбуот қотиби, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директори этиб тайинланди.

Мурод Муҳаммад Дўст кўплаб ҳикоялар, қиссалар ва романлар муаллифи. Унинг «Қайдасан – қувонч садоси» ҳикоялар тўплами, «Дашту далаларда», «Мустафо», «Истеъфо» қиссалари, «Галатепага қайтиш», «Лолазор» романлари нашр этилган, «Эртанги кун сабоқлари», «Ўртоқ Бойкенжаев», «Дев билан пакана», «18-квадрат» асарлари кинолаштирилган, қатор асарлари чет тилларга таржима қилинган. «Лолазор» романи учун Ҳамза мукофотига сазавор бўлди.

ОЛИМЛАР

Аллома илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган киши, билимдон маъносини англатади. **Шукур РАСУЛОВ** шундай инсон эди.

Шукур Расулов 1921 йилда туғилган. 1941-1945 йилларда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1946-1950 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультетида ўқиган. 1951 йилдан шу институтнинг эпизоотология кафедрасида ассистент, 1954 йилдан доцент, 1959 йилдан 1977 йилгача, яъни

умрининг охиригача кафедра мудири, 1965-1970 йилларда ветеринария факультети декани лавозимларида ишлаган.

1970 йилда «Ўзбекистонда қорамолларнинг темирлатки касаллигини даволаш йўллари» мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган. Бузоқларнинг паратиф касаллигига қарши вакцина ишлаб чиққан. 1972 йилдан профессор бўлган.

Ш. Расулов ветеринариянинг қуйидаги 9 йўналиши бўйича илмий мактаб яратган ва унга рахбарлик қилган: темирлатки касаллигига диагноз қўйиш усуллари; темирлатки касаллигига тананинг жароҳатланиш жойлари ҳақида; касаллик қўзғатувчисининг ташқи муҳит шароитига чидамлилиги ҳақида; махсус даволовчи дориворлар ишлаб чиқиш; темирлатки касаллиги учун тайёрланган формал қвасцли вакцинанинг ҳар хил усулда организмга юборилиши; темирлатки касаллигидан келадиган иқтисодий зарар; касаллик қўзғатувчисининг организмда тарқалиш йўллари; касалликка қарши кураш вакцинасини қўллаш; хўжаликни темирлатки касаллигидан соғломлаштириш тадбирлари.

14 томлик «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг ветеринария соҳасига доир қатор мақолалар муаллифи, собиқ СССРда ВАСХНИЛ ва ВИЭВда ветеринария бўйича эксперт комиссиянинг аъзоси бўлган. 5 нафар фан номзоди тайёрлаган. Ҳурмат белгиси, Қизил юлдуз орденлари ва қатор медаллар билан мукофотланган.

Қуйидаги асарлар муаллифи:

1. Ўзбекистонда қорамолларнинг трихофития (темирлатки)си. - Самарқанд, 1969.

2. Ветеринария асослари. -Тошкент, 1974 й.

Ш. Расулов турмуш ўртоғи Марзия Расулова билан икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишди. Катта ўғли Олим Расулов 1959 йил туғилган, ветеринария фанлари номзоди, доцент. 1998 йилдан буён Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғига рахбарлик қилади. 2007 йилда ҳукуматимиз томонидан Меҳнат шухрати ордени билан мукофотланди. Салим зоотехник, паррандачилик бўйича етук мутахассис. Дилбар Тошкентдаги Жаҳон тиллари университетида ўқитувчи. Гулбаҳор Жиззах вилоят ветеринария лабораториясида катта лаборант.

Ҳамкасблар Шукур РАСУЛОВ ҳақида

Шукур Расулов билан 1951 йилдан дўст-ҳамкор бўлиб ишладик, у киши моҳир мураббий, серқирра ва сермазмун фаолиятида жуда кўп турли миллатлардан шогирдларга таълим-тарбия берган, бу шогирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, ватанимиз равнақи йўлида муносиб ҳиссани қўшиб келмоқдалар.

Ш. Расулов СамҚХИда узоқ йиллар фидокорона меҳнати билан декан, партия ташкилоти раҳбари, кафедра мудири лавозимларида юксак ташкилотчи сифатида ишлаб катта обрў қозонди.

Ш. Расулов йирик фан арбоби, республикамизда ветеринария фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, у кишининг илмий ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки эски иттифоқ ветеринария олимлари орасида ҳам катта баҳога сазовор бўлган ва танилган.

Ўзбекистонда 2000 олим бўлиб, улардан фақат икки инсон Ўзбекистон ФАнинг президенти О.Содиқов химия, Ш. Расулов қишлоқ хўжалик фанлари бўйича собиқ СССР Олий Аттестация комиссиясининг аъзолари бўлган эди.

Шукур Расулов чехрасида табассум, меҳрибон ва адолатли дўст сифатида хотирамда абадий яшайди.

**1944 йилдан буён ҳаётини
СамҚХИ билан боғлаб, унга
1961-1977 йилларда ректорлик
қилган профессор Рўзи Ҳайитов.
2007 йил.**

Ш. Расулов ветеринария соҳаси бўйича иттифоқда таниқли, ўта кучли олим эди. У кишининг олдидан нафақат маҳаллий, балки рус, яҳудий миллатига мансуб профессорлар ҳам ўзларини ожиз сезишарди.

**Ветеринария факультети
декани, қ.х.ф. доктори
И.Махсудов. 2006 йил.**

Ш. Расулов салоҳиятли ташилотчи, кучли олим профессор ва талабаларнинг меҳрибон устози эди.

1968 йил Францияда бўлган халқаро конференцияга собиқ СССРдек катта давлатнинг ветеринария соҳаси бўйича делегациясининг бошлиғи бўлиб борди.

Ш.Тоғаевич ёш кетди, у киши вафот этганда, институтнинг ярми қулаб кетгандек бўлган.

***Самарқанд шаҳридаги Найман
маҳалласи оқсоқоли, СамҚХИнинг
акушерлик кафедраси мудири,
доцент П.Маматов. 2005 йил.***

ЁРМАТОВАЛАР

Дилором ЁРМАТОВА 1947 йил туғилган. 1963-1968 йилларда СамҚХИ агрономия факультетида таҳсил олган. Талабалик йилларидаёқ институтнинг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фани учун» номли газетасида қатор мақола ва шеърлари эълон қилинган.

1969-1998 йилларда СамҚХИда лаборант, ассистент, доцент ва профессор лавозимларида ишлаган.

1974 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими профессор Е.П.Горелов раҳбарлигида, Ўзбекистонда полиз экинларининг ҳосилдорлигига оралиқ экинларнинг таъсири мавзусида номзодлик, 1993 йилда «Ўзбекистонда соя етиштириш технологияси ва уруғчилигининг илмий асослари» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

1999-2000 йилларда Тошкент Давлат Аграр Университетининг «Ўсимликшунослик» кафедраси профессори бўлиб ишлаган.

2001 йилдан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Табиий фанлар» кафедраси мудири.

Бугунги кунда масхар, соя, кунжут, зайтун каби мойли экинларнинг биологияси, ўстириш технологияси ва уруғчилигининг илмий асослари бўйича кенг қамровли илмий ишлар олиб бормоқда. Шу соҳада Республикада етакчи мутахассис ҳисобланади. Бир қанча номзодлик ва докторлик илмий ишларга раҳбарлик қилди. 200 дан зиёд илмий

мақолалар, услубий қўлланмалар, тавсияномалар ва рисоалар чоп этган. 4 та монография, 10 дан ортиқ ўқув қўлланмалар ва дарсликлар муаллифи. Касб-хунар коллежлари учун 8 та дарслиги чоп этилган. Жумладан, 2002 йилда коллежлар учун «Ўсимликшунослик» дарслиги чиқди. Шу дарсликларидан 6 таси 2005 йилда қайта нашр этилди. Олий ўқув юртлари учун 6 та китоби, шунингдек, «Мойли экинлар», «Соя» номли монографиялари нашрдан чиққан.

Турмуш ўртоғи Солижон Хушвақтов қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Қизи Хуснобод Хушвақтова иқтисод фанлари номзоди, Тошкентдаги ирригация ва мелиорация институтининг доценти. Ўғли Зафаржон Хушвақтов Тошкентдаги Халқ хўжалик институтини битирган, ҳозирда Самарқанд шаҳридаги банк ишида масъул раҳбар ходим. Қизи Умида Хушвақтова Тошкентдаги чет тиллар институтида ўқиган, ҳозирда АҚШнинг нуфузли университетларидан бирида ўқишини давом эттирмоқда.

Дилором Ёрматова Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида етишиб чиққан олима аёлларнинг биринчиларидан. Шунинг билан биргаликда адабиётга, хусусан шеърятга меҳр қўйган. Матбуотда кўплаб шеърлари чоп этилиб туради. Жумладан, қишлоғи Жом ҳақидаги шеърини тўпламга кирган ушбу сатрлар эътиборга лойиқ:

*Дунё йўлларида битта дарвешман,
Қўлларида иргай асо ушлаган.
Дўланага қўниб турган бир қушман,
Тумшугида бугдой донин тишлаган.*

Дилбар ЁРМАТОВА 1963 йил туғилган. 1979-1983 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида ўқиган.

1990 йилда «Хушбўй ҳидли тамаки ҳосилининг сифатига минерал ўғитлар меъёрининг таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институти доценти.

Фарзандлари: Дилфуза, Фотима, Зухралар институт талабалари, ўғли Отамурод ўқувчи.

Турмуш ўртоғи Исмоилжон Норматов 1960 йилда туғилган. Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтини имтиёзли диплом билан битириб, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, кўп қаватли уйлар қуришда иштирок этган. Олдин прораб, кейин қурилишларда бошлиқ ва бош лойиҳачи лавозимларида ишлаган. Самарқанд шаҳрида иқтидорли шахматчи сифатида танилган.

Ўткир СОАТОВ 1954 йилда туғилган. 1977 йилда Киев муҳандислик-қурилиш институтини тамомлаган. 1977-1978 йилларда Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида ассистент бўлиб ишлаган. 1978-1980 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1981 йилда Ленинград муҳандислик-қурилиш институти аспирантурасига ўқишга қабул қилинган. 1984-1996 йилларда Ленинград муҳандислик-қурилиш институтининг кичик илмий ходими, фан доктори, катта илмий ходими ва профессори лавозимларида меҳнат қилган. 1996 йилдан Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида кафедра мудири, 2003 йилдан бошлаб шу даргоҳда ўқув ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Иқтидорли олим Ў.Соатов Сўғдиёна массивидаги катта истироҳат боғи, шунингдек, Самарқанд шаҳридаги аксарият фавворалар лойиҳаларининг муаллифи.

Ў.Соатов шаҳарсозлик бўйича халқаро микёсдаги етук мутахассис сифатида тан олинган. 2007 йилдан Қозоғистоннинг қатор шаҳарлари, жумладан, Остона ва Олмаота шаҳарларини қайта қуриш бўйича бош маслаҳатчилардан бири сифатида Ўзбекистонга катта ҳурмат ва иқтисодий фойда келтирмоқда.

Обрўй ЭШМУРОДОВ 1937 йилда таваллуд топган. 1945-1955 йилларда 23-сон ўрта мактабда Шамсиддин Ёқубов, Болли Ёрқулов, Сафар Қурбонов каби етук устозлардан сабоқ олган. У ўқувчилик йилларидаёқ ўзининг иқтидорини ва илмга чанқоклигини намоён этган.

1955 йилда СамДУнинг Ўзбек филологияси факультетига ўқишга қабул қилинган. О.Эшмуродов академик Воҳид Абдуллаев, профессорлар Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Орифжон Икромов, Сайдулла Мирзаевлардан таълим олиш билан биргаликда, ўзи ҳам илмий фаолиятини бошлади.

1960 йилда СамДУни муваффақиятли тугатган О.Эшмуродов кафедра тавсияси билан Хўжанд педагогика институтига ишга юборилди. Иқтидорли педагог О.Эшмуродов раҳбарлик қилган институт талабаларининг драмтўғараги 1964 йилда И.Султоннинг «Имон» асарини сахналаштириб, Республика танловида 1-ўринни эгаллади.

О.Эшмуродов 1963-1966 йилларда илмий ишлар билан шуғулланиб, 1967 йилда профессор О.Икромов раҳбарлигида «Мирмуҳсиннинг ижодий йўли» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1968 йилда доцентлик унвонини олди.

О.Эшмуродов 1967 йилда қайта ташкил этилган С.Айний номли педагогика институтига ишга таклиф этилди ва «Педагогика ва бошланғич таълим методикаси» факультетининг декани сифатида фаолиятини давом эттирди. Ушбу хизматлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвонига сазовор бўлди.

Бу йиллар мобайнида О.Эшмуродов 200 дан ортиқ илмий оммабоп қўлланмалар, дастурлар ва мақолалар эълон қилди. 1981 йилда Магнитогорскда, 1982 йилда Киевда бўлган Бутуниттифок педагогларининг конференцияларида маърузалар билан иштирок этди. У 45 йиллик педагогик фаолияти давомида 5000 дан ортиқ малакали шогирдлар тайёрлади.

О.Эшмуродов ҳозирги пайтда ҳам ўз тажрибасини шогирдлари билан баҳам кўриб, СамДУ ва вилоят педагоглар малакасини ошириш институтида фаолият кўрсатмоқда. У «Даракчи» нодавлат газетасининг маслаҳатчи ва таҳлилчиси. Унинг Рамзиллох, таҳаллуси билан кўпгина ҳикоялари, ўғитлари ва хотиралари эълон қилинган.

О.Эшмуродов домла 2006 йилнинг декабр ва 2007 йилнинг январ ойларида Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларига Ҳаж зиёратига бориб, Ҳожи Акбар (Катта ҳожи) шарафига муяссар бўлиб қайтдилар.

О.Эшмуродовнинг фарзандлари: Баҳодир подполковник, миллий ҳавфсизлик қўмитасида бўлим бошлиғи, Қодиржон миллий ҳавфсизлик қўмитасида хизматчи, Одилжон Давлат божхона ходими, Нодира шифокор, гинеколог.

Гофур ҚУДРАТОВ 1937 йилда туғилган. 1946-1956 йилларда Гирдикўрғон маҳалласидаги Амир Темур номли 22-ўрта мактабда ўқиган. 1956-1961 йилларда А.Навоий номли Самарқанд Давлат Университети физика-математика факультетида ўқиб, уни назарий механика ихтисоси бўйича тамомлаган.

1961 йил сентябрдан Каттақўрғон туманидаги 106-ўрта мактабда математика ва физика фанлари ўқитувчиси, 1966-1973 йилларда Амир Темур номли 22-ўрта мактабнинг директори бўлиб ишлаган.

1973 йилда Самарқанд шаҳридаги К.Д.Ушенский номли педагогика билим юртида, 1973-1974 йилларда С.Айний номли Самарқанд Давлат Педагогика институти математика фанини ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1974 йилдан А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти «Олий математика ва ўқитиш методикаси» кафедрасида катта ўқитувчи, 1977-1984 йилларда шу кафедра мудир, 1984-1985 йилларда математика факультетининг декани, 1985-1989 йилларда умумтехника фанлари ва меҳнат таълими факультети декани лавозимларида ишлаган.

1983 йилда Украина педагогика фанлари илмий текшириш институти илмий кенгашида «Математика дарсларида 4-8-синф ўқувчиларининг жамоа ўқув ишларини ташкил қилиш-дарс самарадорлигини ошириш воситаларидан биридир» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1991 йилдан доцент. Турли мавзуларда 32 та илмий ва услубий мақолалар, 4 та услубий тавсиянома эълон қилган.

1989-1994 йилларда «Олий математика ва ўқитиш методикаси» кафедрасида доцент, 1994-1998 йилларда Жиззах Олий Авиация билим юртида умумтехника фанлари кафедраси мудир бўлиб ишлаган. 1998 йилдан буён нафақада. 1978 йилда Республика ўқитувчиларининг V съездида Жиззах Давлат Педагогика институтидан делегат бўлиб қатнашган. 1978 йилда ҳукуматимизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Райим РАСУЛОВ 1929 йилда туғилган. 1951-1956 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетида ўқиган. Иш фаолиятини Жиззах туманидаги иккинчи МТСда бош агроном лавозимидан бошлаган. 1957-1960 йиллари СамҚХИ

«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик» кафедрасида ассистент, 1960-1963 йилларда партия ишида, 1963-1973 йилларда «Булунғур-1» мева-узумчилик давлат хўжалигида директор, 1974-1988 йилларда СамҚХИ «Ўсимликларни ҳимоя қилиш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик» кафедрасида доцент лавозимларида ишлаган.

Р.Расулов 1963 йилда биология фанлари номзоди бўлган. 50 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. 1963-1974 йилларда Самарқанд вилояти ва Булунғур туман кенгашларига депутат, 1965 йилда «Шавкатли меҳнати учун» мукофотиغا сазовор бўлган, бир қатор медаллари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Р.Расулов ўта маданиятли, яхши дўст, мард инсон эди,-дейди СамҚХИ «Юқумли касалликлар» кафедраси мудири, профессор М.Пармонов.

Исомиддин ЖУМАЕВ (1935-1991) 1943-1953 йилларда мактабда, 1953-1958 йилларда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) нинг физика-математика факультетида ўқиган. 1958 йилдан Тошкентдаги Физика-техника илмий-тадқиқот институти (ФТИ)да, кейинчалик Ядро физикаси институтида илмий фаолият билан шуғулланган. 1970 йилда «Инсон аъзоларига рентген нурларининг таъсири» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўзбекистон Онкология ва радиология институтида лаборатория мудири бўлган. 1977 йилдан Жиззах Давлат Педагогика институтида декан, проректор лавозимларида ишлаган. Фарзандлари: Лола, Лобар ва Нодиралар Тошкентда турли соҳаларда меҳнат қилишади.

Олтибой ШУКУРОВ 1937 йилда туғилган. 1945-1955 йилларда Гирдикўрғон маҳалласидаги мактабда ўқиган. 1955-1958 йилларда жамоа хўжалигида ишлаган. 1959-1964 йилларда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида ўқиган. 1964-1966 йилларда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Эски анҳор давлат хўжалигида бош аграрном бўлиб ишлаган. 1967 йилда Тошкентдаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтида аспирантурага қабул қилинган. 1973 йилда «Ўзанинг ривожланиши ва унинг баргини тўкишда иссиқлик факторининг таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1973-1975 йилларда шу институтда илмий ходим, 1975-1981 йилларда Қарши шаҳридаги Қашқадарё ҳудудий агрохимия

лабораториясига мудирлик қилган. 1981-1982 йилларда Тошкент ирригация институти Қарши филиалида катта ўқитувчи. 1982-1985 йилларда Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилотига раислик қилган. 1985-1988 йилларда Чирокчи туманига қарашли Д.Сафаров номли давлат хўжалигида агроном, сўнгра директор лавозимида ишлаган. 1988 йилдан нафақага чиққунга қадар Самарқанд шаҳридаги Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумида ўқитувчилик қилган.

Пирназар САФАРОВ 1945 йилда туғилган. Иш фаолиятини Иштихон туманидаги 10-ўрта мактабда бошлаган. 1962 йили ўрта мактабни битириб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети чет тиллар факультетига ўқишга кирган. 1969 йилда Садриддин Айний номидаги Самарқанд Давлат Педагогика институти чет тиллар факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, декан ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

1982 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат Тиббиёт институти қошидаги тиббиёт техникумида услубчи, лотин тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1989 йилдан вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида услубчи, кабинет мудир, 1994 йилдан 2006 йилгача «Тил ва адабиёт таълими» кафедраси мудир вазифаларида ишлаган.

1992 йилда Россия Фанлар Академияси қошидаги Тилшунослик институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2001 йилда П.Сафаровга доцентлик, 2005 йилда Халқаро Антик дунё академияси доктори илмий унвонлари берилган.

П.Сафаров иш фаолияти давомида 2 номдаги: «Ноанъанавий дарс шакллари» ва «Она тили ва адабиёт дарсларида таълимий ўйинлардан фойдаланиш» мавзуларидаги рисоалари ҳамда 50 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари чоп этган.

П.Сафаров 1990 йилда Меҳнат фахрийси медали, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

Орол ЭРНАЗАРОВ 1943 йилда туғилган. Мактабни аъло баҳоларда битириб, ҳарбий хизматда бўлган. ТошДУнинг ҳукуқшунослик факультетида ўқиган ва шу ерга ишга олиб

қолинган. О.Эрназаров мамлакатимизда ҳуқуқий соҳа кадрларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Юридик фанлари номзоди, доцент О.Эрназаров Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасида юридик масалалар бўйича фаолият юритган. Бир неча йил Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. О.Эрназаровнинг 60 дан зиёд илмий-услубий, илмий-оммабоп мақолалари, рисоалари чоп этилган.

«Рим фуқаролик ҳуқуқи» ўқув қўлланмасининг муаллифи.

О.Эрназаров бугунги кунда Наманган Давлат Университети «Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси» кафедрасининг мудири.

Турсунмурод НОРБЕКОВ 1956 йилда туғилган. 1972-1973 йилларда Қашқадарё вилоятининг Косон шаҳрида маҳаллий саноат корхонасида ишлаган. 1973-1978 йилларда Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида таълим олган. 1978-1993 йилларда шу институтнинг «Қурилишни ташкил қилиш ва бошқариш» кафедрасида турли лавозимларда ишлаган. 1986 йилда Ленинград шаҳридаги иқтисод институтида «Қурилиш ташкилотлари тизимини мукаммаллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини икки йилда, яъни муддатидан олдин ҳимоя қилган, ўта иқтидорли олим. Иқтисод фанлари номзоди, доцент, қатор илмий рисоалар муаллифи. Ҳозирги вақтда «АвтоМотоВело» МЧ ҳиссадорлик жамияти раисининг иқтисодийёт бўйича маслаҳатчиси ва йирик халқаро миқёсдаги бизнесмен.

Т.Норбеков 1987 йилда Финландияга яқин жойдаги Россия давлатига қарашли Валаам оролчасида дам олишда бўлди. Бу орол факат қоя тошлардан иборат бўлиб, қоя тошлар оралари катта ердан оролчагача бўлган масофадаги сув музлаган даврда монахлар томонидан чаналарда олиб келинган тупроқлар билан тўлдирилган ва турфа дарахтлар экилган. Бу дарахтларнинг илдизлари ўзига тупроқ излаб қоятошлар устидан айланиб ўтиб бошқа тешиқларга кириб кетган. Айрим дарахтлар осмонга қараб эмас, балки денгиз сатҳига нисбатан горизантал тарзда ўсган. Бу мўъжизадан ҳайратланган Турсунмурод Норбековда шундай жойни инсон қўли сўлим гўшага айлантирган экан, нахотки бу ишни Жомда қилиш мумкин эмас, деган фикр пайдо бўлган ва

қишлоққа келиб қакраб ётган қирни қирқиб экин экиладиган ер очиб, катта боғ яратди. Бугунги кунда бу боғдан қавм-қариндош ва қишлоқдошлари манфаатдор.

Ҳамроқул БЎРИЕВ 1959 йил туғилган. 1965-1975 йилларда мактабда, 1975-1978 йилларда Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юртида ўқиган. 1978-1980 йилларда Москва шаҳрида армия хизматида бўлган. 1981-1986 йилларда СамДУнинг биология факультетида ўқиган ва ботаника кафедрасига ишга таклиф қилинган. 1987-1989 йилларда СамДУ қошидаги аспирантурада илмий-тадқиқотчи, 1989 йилдан Самарқанд шаҳридаги К.Д.Ушинский номи педагогика билим юртида химия-биология ўқитувчиси, 1991-2000 йилларда СамДУнинг «Педагогика» кафедрасида ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 1995 йил 5 апрелда «Самарқанд вилояти ноёб ва эндем ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ва уларни муҳофаза қилиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2000-2002 йилларда Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида докторантурада бўлган. 2003 йилдан СамДЧТИнинг Шарқ филологияси ва таржимашунослик факультети декани лавозимида меҳнат қилаётир.

Унинг 75 дан ортиқ илмий мақола, 2 та монографияси ва 3 та услубий қўлланмаси чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими аълочиси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Раҳмат РАСУЛОВ. Жомлик олим Райим Расуловнинг тўнғич фарзанди Раҳмат Расулов 1955 йилда Жума шаҳрида туғилган. 1972 йилда мактабни битириб, 1977 йилгача СамҚХИ агрономия факультетида ўқиган.

Иш фаолиятини 1977 йили Ўзбекистон Ғаллачилик институти Каттакўрғон таянч пунктида лаборант, кичик илмий ходим лавозимларидан бошлаган. 1979-1982 йилларда Ғаллачилик илмий-текшириш институти аспиранти бўлган.

1985 йилда Ленинград шаҳридаги Бутуниттифоқ ўсимлик-шунослик институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1986-1990 йилларда Самарқанд вилоят аграр саноат кўмитаси фан ютуқларини жорий этиш бўлимида катта етакчи ва бош мутахассис лавозимларида ишлаган.

1998-2001 йилларда Самарқанд пива заводида арпа селекцияси бўлими раҳбари, 1995 йилдан хусусий корхона бошлиғи, 2006 йилдан ҳозирги кунгача СамҚХИ «Агрокимё, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш» кафедрасида ассистент лавозимида ишляпти. 25 та илмий мақоласи эълон қилинган, шу жумладан, 1 та ихтиро ва 5 муаллифлик гувоҳномаси мавжуд. Фарзандлари: Шаҳноза, Раҳимжон, Нилуфар ва Холида.

Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ 1970 йилда туғилган. 1978-1981 йилларда Б.Турсунов номли 21-мактабда, 1981-1988 йилларда Тошкент шаҳридаги 111-сонли умумтаълим мактаб-интернатида ўқиган. 1988-1990 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1991 йилда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаган. 1992 йилда СамДУнинг чет тиллар факультети инглиз филологияси бўлимига ўқишга қабул қилинган. Бу факультет базасида 1994 йилда СамДЧТИ ташкил топган. Шу институтни 1997 йилда тугатгач, инглиз тили филологияси факультетида ўқитувчиликка қабул қилинган. 1999-2003 йилларда шу факультетда ўқув ишлар бўйича декан муовини лавозимида ишлаган. 1998 йилда Исломобод (Покистон) давлат жаҳон тиллари институтида, 2002 йилда АҚШ нинг Оклахома университетида илмий иши юзасидан малака оширишда бўлган.

2003-2007 йилларда СамДЧТИ инглиз тили филологияси факультети «Инглиз тили тарихи ва грамматикаси» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

2007 йилдан «Инглиз тили гапларида семантик-функционал муносабатлар» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу йилдан бошлаб институтнинг Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари бўйича проректори лавозимида ишлайди. Оилали, уч нафар фарзанди бор: Санжар, Фурқат, Фарҳод.

МАШҲУР ҶЌИТУВЧИЛАР ВА ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИ

Мухаммади ТУРСУНОВ 1921 йилда туғилган. Бошланғич таълимни Омондара маҳалласига қарашли Сайфиддин Назаров ҳовлиси ўрнида бўлган қадимги мактабда Абдулла Тожибоевдан олган. Сўнгра, Каттакўрғон туманига бориб Лўблаҳўр қишлоғидаги мактабда ўрта маълумот олган ва шаҳардаги педагогика билим юртида ўқиган. 1939 йилда СамДУнинг тарих факультетига ўқишга қабул қилинган. Уруш бошлангач, ватан ҳимоясига отланган ва 1944 йилда урушдан ярадор бўлиб қайтган. Соғлиги тиклангач, СамДУни битириб, Қорадарёдаги 7-мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлаган. М.Турсунов ректоратнинг таклифи билан СамДУда саккиз йил тарихдан талабаларга сабоқ берган. 1953-1963 йилларда Каттакўрғон тумани халқ маорифи бўлимига раҳбарлик қилган. Халқ маорифи аълочиси ва бошқа кўкрак нишонлар билан тақдирланган.

Каттакўрғонда М.Турсунов номида мактаб, музей, кутубхона, кўча мавжуд.

М.Турсунов намунали оила бошлиғи сифатида Музаллат Хайруллаева билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишган.

Шамсиддин ЁҚУБОВ (1926-1980). Шамсиддин Маҳмаёқуб ўғли 1926 йилда гўзал Жом қишлоғининг Ойғутон (Ой қўтон) деб аталмиш яйловида деҳқон оиласида туғилган.

Бобоси мулла Турсункул билимли, зиёли инсон бўлганлиги сабабли уларнинг уйида бўладиган давра суҳбатларида ёш Шамсиддин хизмат қилар, катталарнинг китоб ўқишига, ғазалхонлик қилишига ҳаваси келарди. Бувиси Бегимой биби ва онаси Ҳожар бибидан кўп эртақлар эшитган Шамсиддинда ўқишга ҳавас эрта бошланган эди.

Бошланғич таълимни қишлоғидаги мактабда ва Каттакўрғон туманининг Саройқўрғон (Лўблаҳўр) қишлоқларида олган. 1948-1953 йилларда СамДУнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиб, Жомда биринчилар қаторида олий маълумотли бўлган.

Ш.Ёкубов 1953-1965 йилларда ҳозирги А.Темур номли 22-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудир ва директори лавозимларида ишлаган. Домла она тили ва адабиёти фанидан дарс берар, унинг дарслари ўқувчиларни сеҳрлаб қўярди.

Ш.Ёкубовнинг раҳбарлиги ва кишлоқ ўқитувчиларининг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳозирги А.Темур номли мактаб Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида «Жом университети» деб аталган.

Ш.Ёкубов ўзи раҳбарлик қилган мактабда ташкил этилган «КАПО-Кустовое административное педагогическое объединение»га раҳбарлик қилган. Мактабда туман, вилоят миқёсидаги педагогик семинарлар, кўргазмалар ўқув йиғилишлари ўтказилган ва шу боис мохир педагоглар Т.Ҳоликулов, Ё.Садинов, Ғ.Жуманов, С.Қурбонов, А.Очилов, Ҳ.Хидиров, Ш.Хўжакулов, Н.Сафаров, Ж.Сафаров, Аҳмад ва Эрка Шаматовлар, Ш.Омонов, Д.Мирзаев, Ў.Саттаров, Ғ.Қудратов, У.Тураповларнинг ижодий ишлари омалаштирилган. Бу ишлар самараси туфайли 1967 йилда Тоғайназар Холикуловга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвони берилган.

Ш.Ёкубов 1965 йилда Самарқанд вилоятидан Руспублика халқ маорифида таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилган ўзаро тажриба алмашиш вакиллари гуруҳида қатнашиб, Жом мактабларида эришилган ютуқлар билан Қорақалпоғистон маорифчиларини таништирган ва ўзи ўрганиб келган янгиликларни Пастдарғом тумани мактабларида омалаштирган.

Ш.Ёкубовнинг самарали меҳнати ҳукумат томонидан муносиб баҳоланган. 1965 йилда Ҳурмат белгиси ордени, Халқ маорифи аълочиси нишони ва бир қанча Фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

Ш.Ёкубов Жомдаги намунали оилалардан бирининг бошлиғи эди. Тўққиз нафар фарзандни умр йўлдоши Ҳамида мулла Иброҳим қизи билан биргаликда жамиятга наф келтирадиган инсонлар қилиб тарбиялади.

Болли ЁРҚУЛОВ (1920-1980) ёшлигидан жамоа хўжалигида ишлаган ва тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиган. Урушнинг бошидан охиригача жанг қилиб, 1945 йилда юртига омон қайтиб келган. Каттакўрғон педагогика техникумини тамомлаб, 37-мактаб

(ҳозирги А.Темур номли мактаб)да ўқитувчилик қилган. ЎзДУнинг география факультетини сиртдан битирган. Б.Ёрқулов 1953-1958 йилларда 37-мактабда, 1958 йилдан умрининг охиригача ҳозирги Б.Турсунов номли 21-мактабда директор бўлиб ишлаган. Б.Ёрқулов Жом қишлоғи маорифи ва маданиятига, мактаблар қурилиши ва ривожига катта ҳисса қўшган ташкилотчи, тадбиркор, шогирдлари камолини кўриб қувонадиган буюк устозларимиздан бири эди. Б.Ёрқуловнинг яхши ҳислатларидан яна бири қишлоққа келган ҳурматли инсонлар албатта, унинг хонадонида меҳмон қилинади. Отамиз Зиёт чўпоннинг гувоҳлик беришича, ҳар йили Болли Ёрқуловнинг 50 кўзиси меҳмон кутишга кетар экан. Асли бу ҳислат унинг отаси Ёрқулбой, бобоси Шойматбойлардан ўтган бўлиб, бугунги кунда Жўрабой каби авлодларида давом этмоқда.

Т.Раҳмонов туман ижроқўмининг раиси бўлган даврда Б.Ёрқулов билан бирга Москвага боришибди. Болли бобо меҳмонхона кроватида ўтириб олиб, устига чойшаб ёпиниб пул санар экан. Т.Раҳмонов пулингизни чойшаб ёпинмай санасангиз бўлмайми, деганда, Болли Ёрқулов туман ижроқўмининг раисига, бу пулларни кўрсангиз лабингизга учук тошади, деган экан.

Ёрмат САДИНОВ 1919 йилда туғилган. 1930 йилда тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиган. Жамоа хўжалигида ишлаган, ғалла ўрган, хирмонда ишлаган. Уруш даврида фронт ортида хизмат қилган. Аввал педагогика техникумида, кейин ЎзДУнинг ўзбек филологияси факультетида ўқиган.

1950-1952 йилларда 37-мактаб (ҳозирги А.Темур номли мактаб) директори, 1952-1957 йилларда жамоа хўжалиги раиси, 1957 йилдан 37-мактаб илмий бўлим мудири, 1968 йилдан умрининг охиригача ҳозирги Б.Турсунов номли 21-мактаб илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган, умрининг 48 йилини ўқитувчиликка бағишлаган.

Ё.Садиновнинг барча фарзандлари жамиятда ўз ўрнини топган ҳурматли инсонлардан. Олима қизлари Дилором ва Дилбар Ёрматовалардан ташқари, ўғли Алишер ёшлигидан илонга қизиққан. Садин табибнинг набираси А.Ёрматов илон захри билан даволаб, кўплаб кишиларни дарддан фориғ этмоқда. Илонларнинг

чақишидан 21 марта реанимацияга тушиб даволанса-да, дардмандларнинг соғлиги учун бу касбидан воз кечмади. Алишернинг Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Қарши шаҳарларида хусусий клиникалари мавжуд. Бу инсоннинг илонлар билан боғлиқ фаолияти тўғрисида қатор фильмлар яратилган бўлиб, республика ва вилоят телеканаллари орқали тез-тез кўрсатувлар уюштирилади. Илон захри билан даволашдаги ижобий фаолиятларини эътиборга олган республика илмий тиббиёт жамоатчилиги тавсияси билан 2008 йилнинг 5 августида А.Ёрматовга «Халқ табobati фахрийси ва доценти» унвони берилди. Бахтиёр Садинов Республика мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Самарқанд шаҳрида хусусий типография ишини йўлга қўйган биринчи тадбиркор.

Сафар ҚУРБОНОВ (1919-2006) 1919 йилда туғилган. Ота-онадан ёш етим қолган С.Қурбонов катта акаси Хушвақт Қурбонов билан Андижон вилоятига кўчиб борган. 1932-1933 йилларда Наманган вилояти Норин туманидаги болалар уйида тарбияланган. 1935-1940 йилларда Андижон вилояти Избоскан туманидаги ўрта мактабда, сўнгра, шу мактаб қошида ташкил этилган интернатда таълим олган. 1941 йилда мактабни олтин медал билан битирган ва шу илм масканида 1942 йилга қадар ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1942 йилда кўнгиллилар сафида немис фашистларига қарши урушга отланган. С.Қурбонов жанговар хизматнинг дастлабки кунлариданоқ 363-ўқчилар полкида таржимон ва сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари сифатида жанг қилган. 1943 йилнинг январидан 569-ўқчилар полки қошидаги гвардия минамётида ўқловчи бўлиб урушнинг охиригача жанг қилган. 1945 йилда заҳирага бўшатиш билан С.Қурбонов Андижон вилояти Избоскан туманидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қила бошлаган, 1947 йилдан ўзи туғилган Жомга қайтиб келиб ҳозирги Амир Темури номи мактабда ишлаган.

1949-1954 йилларда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)нинг математика факультетида ўқиган ва меҳнат нафақасига чиққунча ҳозирги Амир Темури номи мактабда жомлик ёшларга математикадан сабоқ берган.

С.Қурбоновнинг меҳнатлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, «Хурмат белгиси» ордени, бир қанча медаллар ва мактов ёрлиқлари билан мукофотланган.

Унинг беш фарзанди, набиралари ва кўплаб шогирдлари ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда.

Илаш ТУРАПОВ. Илаш домла 22-мактабда йигирма уч йил тарих фанидан дарс берди ва мактабга 6 йил директорлик қилди. Домла тарих илмини чуқур эгаллаган, қизил империя даври бўлишига қарамасдан дарсларида Амир Темури шахсига ҳаққоний баҳо бериб ўтарди. Шогирдларини севар, уларнинг ютуғу камчилигини ўзиники, деб биларди. Домла гап тўғри келганида, ҳеч кимни аямасдан фақат тўғри фикрни билдирарди. Пастдарғом туман ўқитувчиларининг август кенгашида 22-мактаб биноси қурилишининг чўзилаётганлигини айтиб, райком котиби ва ижроқўм раиси ҳузурида қаттиқ танқидий фикрлар билдирган ва «Танқид қиз эмаски, биров уни яхши кўрса» деган.

Амир ОЧИЛОВ (1919-2007) мактабдан сўнг педагогика техникумида ўқиган. 1941-1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашган, офицерлик даражасига эришган, қатор орден ва медаллар соҳиби. Урушдан кейин ҳозирги Б.Турсунов номи 21-мактабда ўқитувчилик қилган. СамДУнинг тарих факультетини сиртдан ўқиб битирган.

А.Очилов шогирдлари камолидан хурсанд бўладиган, ўз касбининг фидокорларидан эди. Замондан орқада қолмаслик мақсадида қишлоққа биринчи бўлиб «Рекорд-52» маркали радиони олиб келган. Бу радионинг учта батареяси бўлиб, оғирлиги бўйича бир эшакка юк бўларди. Домланинг хонадонига ҳар куни кечга Шоназар Очилов, Вафоқул Қулматов, Неъматилла ва Жалолиддин Сафаровлар каби ўқитувчилар тўпланишиб эртанги дарслари учун радио тинглашар, газеталар ўқишар, китоб мутолаа қилиб, жаҳонда рўй бераётган воқеалардан суҳбатлашиб, фикр алмашишарди. Уларнинг зиёга йўғрилган суҳбатлари жуда файзли эди.

Ҳақберди ХИДИРОВ 1931 йилда туғилган. 1938 йилда Чўммоқ қишлоғидаги масжид биносида 1-синфга бориб

Ж.Шералиевдан билим олишни бошлаган. Икки йил латин алифбосида ўқитилган. 1940 йилдан кирилл алфавитига ўтилган. 1941 йилда иккинчи жаҳон уруши бошлангач, 2 йил ўқиш тўхтаб қолган. Урушдан сўнг ўқишни давом эттириб, 1948 йилда ҳозирги Б.Турсунов номи мактабнинг 7-синфини, 1951 йилда ҳозирги А.Темур номи мактабнинг 10-синфини тамомлаган ва шу йилнинг сентябр ойидан бошлаб Каттақўрғон туманига қарашли 30-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган. 1953-1959 йилларда СамДУда сиртдан ўқиган. 1953-1958 йилларда ҳозирги А.Темур номи мактабда ўқитувчи, 1958-1995 йилларда Б.Турсунов номи мактабнинг математика ўқитувчиси, илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1993 йилда «Халқ маорифи аълочиси» унвони билан тақдирланган.

Шовхи ХЎЖАҚУЛОВ. Отаси Хўжакул карвон тўйларда курашиб юрган, онаси Тўйли полвоннинг қизи. Ш.Хўжақулов ёшлигидан курашга қизиққан. 1954 йилда Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия техникумида ўқиб юрган йилларида курашдан шаҳар мусобақасида биринчи ўринни олган. 1958 йилда Тошкент шаҳридаги жисмоний тарбия институтига кириб, у ерда кураш-самбо сирларини ўрганган. Шу йили Москва шаҳрида кураш мусобақада иштирок этган. 1961 йилда Тошкент шаҳар биринчилигида грузин йигитининг умровини синдириб юборган. Институтнинг 4-босқичида ўқиб юрган йилларида Москва шаҳридан соврин билан қайтган. Шу йили Гурузиянинг пойтахти Тбилиси шаҳрида ўтказилган чемпионатда иккинчи ўринни эгаллаган. Сабаби у шу беллашувда жаҳон чемпиони Олег Степановдан енгилганди. Кураш охирида Ш.Хўжақулов ўзбек миллий кураши усулларини намоиш қилиб кўрсатиб ҳаммани хайратга солган. Институтни тугатиб 1962-1963 ўқув йилида «Улус»даги мактабда спорт ишларини ривожлантирди. 1963 йилдан бошлаб Жом қишлоғининг А.Темур ва Б.Турсунов номи мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб меҳнат қилди. Қишлоқ ёшларидан спортчилар тайёрлаш бўйича катта ютуқларни қўлга киритди. Жом қишлоғи мактаблари туманда доим биринчи-иккинчи ўринларни эгаллаб келган. Жом қишлоғи спорти асосчиларидан бири бўлган Ш.Хўжақуловнинг меҳнатлари

туфайли Ўктам Қобулов, Баҳриддин Жуманов, Нарзулла Шарипов ва бошқа кўплаб курашчилар етишиб чиққан.

Ўктам Қобулов институтни битиргач, туман халқ таълими мудири Бўрон Муродовнинг ёрдамида мактабга кураш тушиш тўшагини олиб келган. Унинг устани қоплаш учун Турум Мўминназаров катта брезент гилам тухфа этган. Қишлоқ ёшларини Ш.Хўжақулов курашнинг самбо тури, Ўктам Қобулов эса миллий кураш тури билан шуғуллантирган. Самбо бўйича Раҳмонов Ҳабиб, Норкулов Аслиддин, Ҳусанов Ўктам, Султонов Хусниддин, Холмўминов Аслиддинлар туманда юқори ўринларни эгаллашган. 1989 йилдан бошлаб Ҳафриндаги мактабнинг битта синфи кураш хонасига айлантирилган. Қишлоқдаги ота-оналарнинг маблағлари ҳисобига курашчилар рағбатлантириб турилади.

Маҳмарайим ИРИСҚУЛОВ (1910-1960) Гирдикўрғон маҳалласидан чиққан илк зиёлилардан бири. 20-йилларда саводсизликни тугатиш мактабида ўқиган. 1928-1929 йилларда Тўхсори Тожиев, Тоғайназар Холикулов ва Ибодулла Қодировлар билан биргаликда Каттақўрғон шаҳридаги педагогика техникумида ўқиган. 1929-1933 йилларда йўлланма асосида Китоб туманига қарашли мактабда ўқитувчилик қилган. 1933 йилда К.Маркс номли жамоа хўжалигида бухгалтер, сўнгра қишлоқ кенгашининг раиси бўлган. Урушнинг бошидан охиригача жанг қилган. Урушдан 1945 йилда қайтиб келиб жамоа хўжалигида бухгалтер, 1957 йилдан умрининг охиригача Улус давлат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаган.

М.Ирисқуловлар оиласининг қишлоқ тараққиётида ўз ўрни бор. Катта ўғли Ж.Ирисқулов иқтидорли услубчи тарих ўқитувчиси сифатида қишлоқ аҳолиси ва Нуробод тумани педагоглари орасида катта обрў қозонган. Бизлар юқори синфларда ўқиб юрган чоғларимизда, мактабга зўр тарихчи муаллим СамДУни битириб келибди, – деб кўп эшитганмиз. Мен қишлоқнинг бир фарзанди сифатида Ж.Ирисқуловнинг СамДУ домлаларини Жомга таклиф этиб қишлоқда дастлабки археологик ишларни бошлаб берганлигини, топилмаларни сақлаб қолиш мақсадида уларни СамДУ музейига олиб бориб топширганлигини, узок йиллар давомида ўқувчиларига бор билимини, меҳрини, қалб

кўрини берибгина қолмай, ушбу китобни ёзишимизда кўрсатган ёрдамларини юксак қадрлайман.

Назар РАВШАНОВ (1914-1961) СамДУда ўқиган. Олий маълумот олган илк зиёлилардан бири. Мактаб директори сифатида Жомдан Москвага борган биринчи маорифчи. Иш даврида мактабни кадрлар билан таъминлаш мақсадида кўплаб маҳаллий ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга жалб қилган. Жом маҳалласидаги кўпчилик ўқитувчиларнинг устози. 45-мактабга унинг номи берилган.

Ўрал ЧИНМИРЗАЕВ (1932-1980) қишлоқнинг обрўли, кўзга кўринган зиёли инсонларидан бири эди. Ўрта мактабни битириб, ўқитувчи бўлиб ишлаган. Бухоро Давлат Педагогика институти математика факультетини битирган. Ҳозирги Жом маҳалласидаги 23-ўрта мактабда директорлик қилган. Фарзандларидан Норкул – мохир маорифчи, 2008 йилдан Жом қишлоқ фуқаролари йиғини раиси, Собир эса Сурхондарё вилояти божхона қўмитасининг масъул ходими.

Ҳасан РАСУЛОВ (1928-2001) СамДУнинг тарих факультетини битирган. Ҳозирги Жом маҳалласидаги 24-ўрта мактабга кўп йиллар директорлик қилган. Туманда халқ таълимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган инсон. Кўпчилик ёш муаллимларга устозлик қилган.

Нормўмин ОЧИЛОВ. Таниқли адабиётшунос ва журналист Н.Очилов 1949 йилда туғилган.

1971 йилда ТошДУнинг тил ва адабиёт факультетини тугаллаб, «Бир сафда» журнали таҳририятида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида ишлаган. Ўрта Осиё Давлат педиатрия институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган ва «Педиатр» газетасига муҳаррирлик қилган.

Н.Очилов 1999 йилдан буён «Мулоқот» журнали таҳририятида «Маънавият ва кадрият» бўлимининг мудири вазифасида ишлайди.

Н.Очилов қатор мақолалар, шеърлар, ҳамда «Ўзбек лирикасида кичик жанрлар» китобининг муаллифи.

Абдурасул САТТОРОВ 1959 йилда туғилган. 1966-1976 йилларда Б.Турсунов номи 21-мактабда ўқиган. Қишлоқ

кутубхонасида, Жом давлат хўжалигида, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент электромашинасозлик заводида ишлаган. Тошкент Маданият институтининг кутубхонашунослик ва библиография факультетини битирган.

1980 йилдан журналистика соҳасида фаолият кўрсатади. 1980-1989 йилларда Нуробод туман газетасида мухбир, фотомухбир, бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлаган. 1989-1999 йилларда Самарқанд вилоят «Зарафшон» газетасида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб муовини, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. 1999 йилдан республика «Халқ сўзи» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири.

Республика ва вилоят микёсидаги бир қатор ижодий танловлар ғолиби. 2007 йилда Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги муносабати билан «Жаҳон нигоҳидаги шаҳар» номли китоби нашр этилди. Шу номдаги хужжатли фильмга муаллифлик қилди.

Турғун ЎСАРОВ (1950-1984) Жомдаги 22-мактабни 1967 йилда битириб, ўша йили СамДУ ўзбек филологияси факультети талабаси бўлган. 1972 йилда университетни аъло баҳоларда битириб, Нуробод туманидаги Оғзикатта қишлоғида жойлашган мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида фаолият олиб борган. 1975 йилда туманнинг «Советобод тонги» газетаси тахририятида мухбирликдан редактор ўринбосари вазифасигача ишлаган. Қалами ўткир журналист Турғун Ўсаров ғоят, етук ижодкор эди.

Абдулла ТУРСУНОВ (1935-2005) Жомнинг сўз усталаридан бири бўлган. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини битирган. Ижодкор, малакали бошланғич синф ўқитувчиси. Шеърлари туман, вилоят, республика матбуотида босилган. Аммо китоб ҳолида чоп этилмаган.

Сафар ТУРСУНОВ (1947-2004) истеъдодли нотик, моҳир ўқитувчи ва ижодкор. 1985-1970 йилларда СамДУ чет тиллар факультетининг француз тили бўлимида ўқиган. Ўрта мактабда чет тили ўқитувчиси, директорнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. Ишдан ажралмаган ҳолда С.Айний номидаги Самарқанд Давлат

Педагогика институтининг рус филологияси факультетини тугатган. 2003 йилда Шухрат медали билан тақдирланган.

1991 йилда унинг «Вужудимни ёқар изтироб» шеърий тўплами нашр этилган. Ҳозирда нашр этилишни кутаётган иккита шеърий тўплами қолган. Ака-ука Турсуновларга Оллоҳ сўз сеҳрини ҳис қилишдек ноёб истеъдод ато этган.

Карим АШУРОВ (1947-1981) ўқувчилик йилларидаёқ шеърлар машқ қилиб юрган. К.Ашуров 1965 йилда ҳозирги 22-мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, шу йили СамДУ талабаси бўлган. СамДУда ўқитувчилик қилган. Укаси Рўзикул Ашуров СамДУ тарих, ўғли Ҳусан Ашуров эса филология факультетларида ўқитувчилик қилишади ва илмий фаолият билан шуғулланишади.

Бовабой ЧАҚҚОНОВ 1946 йилда туғилган. Отаси Чаққон бобо Эралиев Жомнинг биринчи тракторчиларидан бўлган. Онаси Карам муаллим Хушвақт қизи қишлоқнинг илғор фикрли, зиёли аёлларидан бири. Омондара ва Тегирмонбоши маҳаллаларининг жуда кўплаб болаларига, жумладан, бизларга ҳам алифбони ўргатган, бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб узок йиллар ишлаган.

Б.Чаққонов ҳарбий хизматдан қайтгач хўжаликда, савдо соҳасида, Самарқанд касаначилик фабрикасида ҳисобчи бўлиб ишлади. 1989 йилда кўзи ожизлиги боис биринчи гуруҳ ногиронлик нафақасига чиқди. Аёли Оботой билан 9 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Ўғли Камтар ясаб берган 30 қатор сим тортилган мўъжаз дастгоҳдан фойдаланиб дилидан чиққан туйғуларини қоғозга тўкади. Кўплаб шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган:

Турмуш заҳматларин чекканлар дейди:

Умр сўқмоқлари экан қир, сойлик.

Қашиқликдан сира нолима дўстим,

Тан-жонинг соғ бўлсин, шу ноёб бойлик.

Бўрибой САФАРОВ 1954 йилда туғилган. Мактабни тугатиб, 1971 – 1976 йилларда С.Айний номидаги Самарқанд Давлат Педагогика институтида таҳсил олган. Француз тили ўқитувчиси ихтисосига эга. Меҳнат фаолиятини Нуробод туманидаги 23-

мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1979 йилдан иш фаолияти вилоят халқ таълими тизими билан боғлиқ. Дастлаб вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида услубчи, кабинет мудир, 1990 йилдан вилоят халқ таълими бошқармасида мутахассис, етакчи мутахассис, 1996-1999 йиллар Самарқанд шаҳридаги 61 – махсус мактаб – интернатида директор, 1999-2003 йиллар Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2003 йилдан ҳозиргача Самарқанд шаҳридаги 62-махсус мактаб-интернатида директор вазифасида ишлаб келмоқда. Вилоятда махсус таълимни ривожлантиришга, махсус таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшган. Самарқанд Давлат университети педагогика факультети қошида дефектология бўлими очилиши ташаббускорларидан бири.

Бўш вақтлари шеър машқ қилади. Шеърлари вилоят ва Республика вақтли нашрларида эълон қилинган.

Қаюм ТУРҒОНОВ 1949 йилда туғилган. 1966 йилда 11-синфни тугатган. 1966-1971 йилларда А.Навоий номи СамДУнинг Ўзбек ва тожик филологияси факультетида ўқиган. 1971 йилдан буён Жомда ёшларга таълим-тарбия беради.

Қ.Турғон ўқитувчиликни доимо ижод билан қўшиб олиб борган, фикри равон, туйғулари тиниқ, қалами ўткир. Унинг очерк, ҳикоя, ҳажвия ва мақолалари, тақризлари республика, вилоят ва туман вақтли матбуотларида чоп этилган. Ҳаракатчан ва изланувчан тил-адабиёт ўқитувчиси сифатида аввало ўқувчиларнинг саводли бўлишини ўйлайди, қолаверса, кўнгил туйғуларини кўп сонли газетхонлар билан баҳам кўришга шошилади.

1989 йиллар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун кўплаб тортишувлар, баҳс-мунозарали чиқишлар бўлди. Қ.Турғонов ҳам бу жараёндан четда қолмаган. Унинг шу йилларда матбуотда эълон қилинган «Кўзгу», «Тил халқ қалбининг таржимони» сингари ўткир чиқишларини муштарийлар ҳамон яхши эслашади.

Қ.Турғонов яхши ўқитувчи бўлиши билан бирга кўпгина рўзнамаларнинг фаол жамоатчи муҳбири сифатида янгиликлар, мактаб-маориф соҳасидаги ислохотлар, илғор ўқитувчилар

тажрибалари тўғрисидаги хабарлар, лавҳалар, очерклар муаллифи хамдир.

Даврий матбуотда Қ.Турғоновнинг жаҳон таниган адиб Ч.Айтматов, икки халқ ҳаётининг куйчиси С.Айний, Ўзбекнинг куйчи қизлари Нодира ва Увайсий, шунингдек, шоирлардан Шамси Одил, Хуршид Давронлар ҳақидаги илмий мақолалари чоп этилган.

Шу тариқа Қ.Турғоновнинг Жомлик жангчи-шоир Б.Турсунов ҳақида қатор илмий мақолалари юзага келди. Қ.Турғонов Б.Турсунов ижодининг муҳлиси, тарғиботчиси ва тадқиқотчиси ҳисобланади. У синфдош дўсти, севимли ёзувчи М.М.Дўст ижодини синчковлик билан кузатиб боради. «Лолазорни сайр этганда» мақоласи ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган.

Қ.Турғонов ўқитувчи-ижодкор сифатида мактаб-маорифнинг аҳволи, мактабда адабиёт ўқитиш, адабиёт ўқитувчиси, умуман ўқитувчининг маънавий қиёфаси қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида ўйлайди, қайғуради, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини матбуот орқали кенг жамоатчиликка ҳавола этади. 1987 йилда «Шарқ юлдузи» журналича «Ўқитувчининг маънавий қиёфаси» номли мақоласи катта баҳс-мунозарага сабаб бўлиб, бутун республика услубчи мутахассислари томонидан эътироф этилган эди. У Халқ таълими аълочиси унвонига эга.

ЖОМЛИК РАҲБАРЛАР

Биринчи жаҳон уруши даврида очарчилик, қаҳатчилик жомликларни ҳам ўз гирдобига тортди. 1916 йил қурғоқчилик бўлиб, кузда экилган уруғ униб чиқмади. 1917-1920 йиллар очарчилик даври бўлди.

1917 йил ноябрда Туркистонда шўролар замони бошланиб, 1920 йилларда Жомда ҳам ширкатлар тузила бошлаган. Шўролар даврининг дастлабки йилларида раислар кўп бўлган. 1930-1932 йилларда Жомда жамоалаштириш даврида унга киришдан норози бўлган ўзига тўқ хонодонлар четлатилиб, Тожикистоннинг узоқ ва захкаш Данғара туманига ва Сибирга сургун қилинган. Бу қувғиннинг сиёсий номи кулоқлаштириш бўлган. 1932 йилда Жомда 4 та жамоа хўжаликлари ташкил этилиб, улардан

кўпчилигига қизил империя даҳоларининг номлари берилган. Колхозлар тузилгач, Акмал Икромов номли жамоа хўжалигига Абдулла Омонов, Карл Маркс номли жамоа хўжалигига Маҳмадўст Холбозоров, Ленин йўли номли жамоа хўжалигига Тоҳир Одиров, Қизил қаҳрамон жамоа хўжалигига маълум муддатдан Очил Раҳимов, Раззоқ Тилавов, Тоҳир Одировлар раислик қилишган.

Бу жамоа хўжаликилари чорвачилик, ғаллачилик билан шуғулланар, ерни ҳайдаш ишлари омов ва хўкиз билан, экинни экиш, йиғиштириб олиш қўл билан, уни ташиш эшак, от, туя, араваларда бажарилар эди. 1937 йилда ягона маҳаллий халқ вакили Акмал Икромов номи олиб ташланиб, жамоа хўжалигига Энгельс номи берилган. 1951 йилда тўрт жамоа хўжалиги бирлаштирилиб, Карл Маркс номли жамоа хўжалигига айлантирилган ва унга Маҳмадўст Холбозоров, 1952 йилдан Ёрмат Садинов раислик қилган.

Туман маркази Каттақўрғон Жомдан 70 километр узоқда жойлашган бўлиб, унга раислар кунда-кунора отда бориб келишган.

Шўро тузумининг устамонлиги, мафкуранинг ишонтирувчанлиги одамларни ром этган, даҳолар ва партия учун буюрса, ўзини оловга ташлашга, ҳатто ўлимга боришга тайёрлар кўп бўлган, ўшанда.

Шўро тузumi ўз бошқарув тизимини тез-тез ўзгартириб турган. 1957 йилда Жомдек катта ҳудуд ва аҳолига эга жой 20 километр узоқликдаги Улус давлат хўжалигига бир бўлим қилиб бирлаштирилган.

1964 йилда Жом Улус давлат хўжалигидан ажратилиб маркази кишлоқдан олис ва овлоқ Имомтепада бўлган Ўзбекистон 40 йиллиги давлат хўжалиги таркибига киритилган.

1977 йил 1 апрелда таркибида Сарикқўл, Анжирли, Иброҳим ота кишлоқлари бўлган Жом давлат хўжалиги ташкил этилган.

Жомликлар барча даврларда фидокорона меҳнат қилишиб, давлатга ғалла, гўшт, сут, пилла, қоракўл тери, жун топшириш режаларини муттасил ортиғи билан адо этганлар [56]. Жомнинг тўртта жамоа хўжалиги Каттақўрғон тумани бўйича энг илғор хўжалик бўлиб, Ўзбекистоннинг ғалла базаларидан бири сифатида

эътироф этилган. Бунинг сабаби жамоа хўжаликларнинг машхур раислари бўлган Абдулла Омонов, Маҳмадўст Холбозоров, Тоҳир Одировлар давлат, кишлок ва халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўзаро маслаҳатлашиб, келишиб, керак бўлса бир-бирининг оғирини енгил қилиб ҳамкорликда иш юритишган. Улар раҳбарлигида бажарилган ишлар бугунги кунда ҳам тилларда дoston.

Авлодларимиз ҳам аждодлари, боболари каби баҳамжихат бўлишлари лозим. Уларнинг бундай улуғликлари туфайли қайси элга борсангиз, ўша жойнинг гапга етар одамларидан Жомдан жуда кўплаб билимли етук инсонларнинг етишиб чиққанлигини эшитиб кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Булар куйидаги кишилардир:

Омондара маҳалласидан:

Боймирза раис, Зиёт раис, Раҳмат раис, Раҳим раис, Усмон раис, Омонов Абдулла раис, Очил раис Раҳимов, Раззоқ раис Тилавов, Садинов Ёрмат раис, Тўхсори, Тўлкин, Фарход Тожиевлар, Маҳмасоли Тилавов, Пиримқул Қурбонов, Сафар, Шукур Расуловлар, Орқабой, Нафас Шералиевлар, Субан, Ҳасан, Эштурди, Улаш Раҳимовлар, Ёркул Ортиқов, Абдиҳол, Карим, Олим Тангматовлар, Соат, Султонмурод Хайдауловлар, Тоғайназар, Ҳудойназар Ҳолқуловлар, Эшмурод, Насриддин, Элмурод, Садриддин, Муҳиддин Ҳудойназаровлар, Абдувоит Жўраев, Чаққон Эралиев, Эшмон Хурсанов, Пирназар Ирисқулов, Ойсулов, Чиннихол Тожиевалар, Эрмон, Тулаган, Ўтаган Ёркуловлар, Шерман, Нурум Жумановлар, Бўтабой, Шавкат Мелиевлар, Турсунпўлат Раҳмонов, Мамат, Эрқабой Абдуллаевлар, Райим, Элберди, Раҳмат Расуловлар, Намоз Пирназаров, Ширин Хушатов, Омон Юсупов, Шеркул Субанов, Тошпўлат Боймирзаев, Ўрол Келидиёров, Мурод, Ҳислат Жабборовлар, Тоштемир Орқабоев, Болли, Жўрабой Ёркуловлар, Қувон Раҳматов, Толмос Тиллаев, Ўктам, Юсуф Раззоқовлар, Суюн Пиримқулов, Очил, Малик Бердиевлар, Ўрол, Маматқул Пирназаровлар, Қилич Хўжақулов, Азамат, Искандар, Алишер, Бахтиёр Ёрматовлар, Парда Оллаёров, Ҳудойкул Қурбонов, Эшмурод, Обруй Назаровлар, Баҳриддин Жуманов, Бердимурод,

Асат Равшановлар, Худойназар, Пирназар, Эсанбой, Йўлдош, Садулла, Анвар, Хусан Давроновлар.

Тегирмонбоши маҳалласидан:

Эшмат раис, Шодмон раис, Кўбай раис, Ёркул раис, Ўрол, Обрўй, Алишер, Рустам Бозоровлар, Шамсиддин, Иззатилло Ёкубовлар, Абдунаби, Рустам, Абдурасул Сатторовлар, Ҳалил, Йўлдош, Нишон Ҳолмўминовлар, Абди Шукуров, қишлоқдан биринчи катта ҳарбий унвонга эга бўлган ички ишлар ҳодими Худойназар Шукуров, Бурхон, Муҳаммади Турсуновлар, Тошмурод Фармонов, Мусо Мамиров, Қаршибой Холиёров, Маҳмасодиқ, Суюн, Болтабой, Рустам, Усмон, Равшан Норқуловлар, Бободўст Манзаров, Нормўмин Очилов, Шамсиддин Суяров, Мамир Бердиев, Абдурайим Ҳўжакулов, Абдуназар Мамиров, Темур Жумаев, Турди Очилов, Юсуф Холиёров, Норбўта Бегимкулов, Салоҳиддин Иброҳимов, Яхшинон Маманов, Патилла Дониёров, Бовабой Чакқонов, Абдурахмон, Облокул Бегимовлар, Қоплон Худоёров, Пўлат Эргашев.

Гирдиқўрғон маҳалласидан:

Бобонор раис, Тоғайназар раис, Холбозоров Маҳмадўст раис, Мурод Муҳаммад Дўст, Барот Сатторов, Бекмурод Мелиев, Баҳри Тожиев, Қудрат Дўстов, Ғафур Қудратов, Олтибой Шукуров, Улаш Мусурмонов, Давир Тўксонов, Турсунмурод Норбеков, Карим ва Турсун Назаровлар, Муҳаммади Турапов, Абдуалим Мирзаев, Нурилла Бердикулов, Эбодулло Қодиров, Ҳамро Тожиев, Усмон Қодиров, Абдуалим, Холик, Ҳалил Ортиқовлар, Боқи Очилов, Саид Шукуров, Ёқуб Зиётов, Зайни Азимов, Исмат, Қодир Ҳазраткуловлар, Олтибой Баҳриев, Соли Шералиев, Омон Назаров, Баҳриддин Алоуддинов, Нурулла Бердикулов, Толмас Маматов, Жуманазар Абдурахмонов, Сулаймон Назаров, Музаффар Шералиев, Тожикул Ўсаров, Сулаймон Раззоқов, Орол Холбозоров, Раҳмон Маҳмудов, Тоштемир Бозоров, Турум Мўминназаров, Ҳасан Абдуназаров, Неъмат Каримов, Барот Бердимуратов, Эргаш, Эркин, Шавкат, Тўлқин Эсоновлар.

Жом маҳалласидан:

Бобо Равшан раис, Қилич раис, Мирзақора раис, Эрмонов Эшмурод раис, Одиров Тохир раис, Шоназар, Назар Равшановлар, Ҳайдар Ўсаров, Обрўй Ҳусанов, Жапас Бердиев, Бўри Умиров, Ниёз Раҳмонов, Абдуназар Жўлтоев, Обрўй Ашуров, Амин Раҳмонов, Қирғиз Қиличов, Қўчқор Тохиров, Нормўмин Бозоров, Мухтор, Адурахмон Махсудовлар, Раҳматуллох Маҳмаюсупов, Бойхўроз Фармонов, Намоз Сафаров, Пирназар, Хонназар, Бўрибой Сафаровлар, Орол Эрназаров, Ҳамракул Бўриев, Оллохёр Йўлдошев, Ўткир, Пардабой Соатовлар, Нортажи, Мурод, Шомурод Шермановлар, Тубли, Холбой, Бекмурод, Дилшод Маҳатовлар, Орўй, Баходир, Қодир, Одил Эшмуродовлар.

Маҳмадўст ХОЛБОЗОРОВ 1933 йилдан 1952 йилгача ўн тўққиз йил жамоа хўжалигига раислик қилган. Раис бобо тадбиркор, узокни кўзлаб иш юритадиган, кенг мушоҳадали, деҳқончилик ва чорвачиликни яхши биладиган, одамлар билан тил топадиган, элу юртини севадиган инсон бўлган. У киши раҳбарлик қилган даврда жамоа хўжалиги лалми ғалладан гектарига 15-20 хатто 25-30 центердан ҳосил олган, чорвачилик, айниқса, йилқчилик ривожланган. Катта отхона қурдириб, 40-50 та наслдор пойгачи отларни парвариш қилдирган. Оқ бўз, Оқ бурун, Қора даппа, Катта жайрон, Гажак, Чўлоқ лақабли отлар пойгаларда, кўпқариларда совриндор бўлган. М.Холбозоров ўзи раҳбарлик қилган жамоа хўжалигини республикада машҳур жамоа хўжалигига айлантирган. Ҳозирги А.Темур номли 22-мактабнинг илк биноси қурилишига раҳбарлик қилган. М.Холбозоровнинг Жом қишлоғи ва унинг аҳолиси учун қилган сон-саноксиз эзгу ишлари ҳозиргача эътироф этилади. М.Холбозоров Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида шухрат қозонган бўлса, ўғли Мурод Муҳаммад Дўстни жаҳон танийди.

Ўрол БОЗОРОВ 1910 йилда туғилган. Отаси мулла Ёрбозор ўша пайтда қози бўлган. Ў.Бозоров аввал қишлоқда, кейин Шаҳрисабз мадрасасида сабоқ олган. 1930-1932 йилларда 20 ёшида Жом фуқаролар кенгашида котиб бўлиб ишлаган. Бу даврда амакиси 21 ёшли Эшмамат Холбозоров кенгаш раиси бўлган. 1928-1930 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида

тахсил олган. 1932-1933 йилларда Ғаллаорол туманида ер тузувчи бўлиб ишлаган. 1933-1935 йилларда Чирокчи туманидаги Уйшин қишлоқ кенгашида раис ўринбосари, 1935-1943 йилларда Чирокчи туман молия бўлими мудири, 1945-1946 йилларда Тошкентдаги партия мактаби тингловчиси, 1946-1960 йилларда Қашқадарё вилоятида молия бўлими мудири, 1960-1964 йилларда Сурхондарё вилояти (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бирлаштирилган йиллар) молия бўлими мудири, 1964-1982 йилларда Қашқадарё вилоят молия бўлими мудири, 1982-1985 йилларда Қашқадарё вилоят бозорлар бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1985 йилда 75 ёшида вафот этган, ҳоки Қарши шаҳридаги қабристонда.

Ў.Бозоровнинг меҳнатлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган молия ходими унвони ва кўкрак нишони, Қизил байроқ, Хурмат белгиси орденлари, медаллар ва кўплаб Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Ў.Бозоровнинг номи Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига, Чирокчи туманидаги мактаблардан бирига, Жом қишлоғидаги 63-ўрта мактабга берилган. Шу мактаб ҳовлисига эсдалик бюсти ўрнатилган. Ў.Бозоровнинг фарзандларидан Нишон Бозоров узоқ йиллар Қашқадарё вилоят режа кўмитасида масъул лавозимларда ишлаган. Алишер Бозоров Ўзбекистон Республикаси собиқ комсомол кўмитасининг котиби, Чирокчи туман собиқ партия кўмитасининг биринчи котиби, Тошкент вилоятидаги бир нечта туманларда ҳоким, Ўзбекистон-Украина савдо-саноат палатаси раиси лавозимларида ишлаган. Рустам ва Эркин Бозоровлар Ўзбекистон нефть-газ саноатининг кўзга кўринган ходимларидан. Р.Бозоров Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси бош менежери. Марям Бозорова ўқитувчи.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида Ўрол бобони билмайдиган одам йўқ десак, хато қилмаймиз. Бу инсон умри давомида фақат яхши ишлар қилган, эл-юртдан хизматини аямаган. Ёшларга устозлик қилган. Шогирдларидан Неъмат Каримов Яккабоғ тумани молия бўлимига, Тожикул Ўсаров Қарши шаҳри Марказий банкига раҳбарлик қилган. Толмас Тиллаев Чирокчи туман собиқ партия кўмитаси биринчи котиби, Карим Тангматов Шаҳрисабз тумани прокурори, Нафас Шералиев

Чирокчи туман зооветеринари лавозимида ишлаган. Ўрол бобонинг юзлаб шогирдлари республикада машхур. Қашқадарёнинг исталган жойида Жомданман дейилса, албатта Ўрол Бозоровнинг қишлоғиданмисиз, деб сўрашади.

Толмос ТИЛЛАЕВ (1936-2000) 21-мактабда ўқиб, 1953 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультети сиртки бўлимига ўқишга кирган. Қишлоқдаги А.Темур номли мактабда етакчи бўлиб ишлаган. ТошДУдаги ўқишини кундузги бўлимга айлантириб уни 1958 йилда битирган.

1958 йилдан Қашқадарё вилоятининг Чирокчи ва Яккабоғ туманларида терговчи, прокурор лавозимларида ишлаган. Раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти туфайли Қашқадарё вилоят собиқ партия қўмитасининг маъмурий органлар билан ишлаш бўлими мудирлигида, кейинчалик 10 йил давомида Собиқ Чирокчи туман собиқ партия қўмитасининг биринчи котиблигида ишлаган. «Ўзбек иши» бўйича бошига кулфат тушиб қамалган. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан оқланиб келгач, Чирокчи туман «Меҳнат, бандлик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси» бўлими бошлиғи лавозимида умрининг охиригача ишлаган.

Т.Тиллаев Қашқадарё вилояти ва туман кенгашларига депутат қилиб сайланган. Ҳукумат томонидан қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Чирокчиликлар Т.Тиллаевни яхши инсон сифатида тилга олишади. Бу инсонни Шароф Рашидов қадрлаган. Т.Тиллаев 120 хил қовун навлари уруғини йиғиб эктирган. Шароф Рашидов Чирокчига келганда, пайкални оралаб ўзи қовун узган ва Т.Тиллаевдан бунча қовун навини қандай қилиб йиғдингиз, — деб сўраганини ўша ердаги одамлар ҳозир ҳам яхши хотира сифатида эслайдилар.

Пўлат РАҲМОНОВ 1933 йилда туғилган. 1953-1954 йилларда Каттақўрғон туман МТСда агроном, диспетчер, бош агроном бўлиб ишлаган, 1954-1956 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1956-1976 йилларда Улус давлат хўжалигида бўлим бошлиғи, ипакчилик, боғдорчилик агрономи, бош агроном, 1976-1977 йилларда туман касаба уюшмалари қўмитаси раиси, 1977-1982 йилларда Нуробод туман ижроия қўмитаси раиси, 1992-1994 йилларда шу туман ҳокими муовини, 1994-1996 йилларда Жом

давлат хўжалиги директори лавозимларида ишлаган. 1996 йилдан Нуробод туманидаги Навоий тоғ металлургия комбинатида санэколог бўлиб ишлаб келмоқда.

Пўлат Раҳмонов 50 йилдан буён раҳбарлик лавозимида. У ишни бўлим агрономлигидан бошлаб, район ижроия кўмитаси раислигига давом эттирди. Жом давлат хўжалигига икки марта директорлик қилди. У ишлаган вақтларда хўжаликда деҳқончилик ва чорвачилик ривожланди. Аҳолининг турмуш шароити яхшиланди. Қисқаси, П.Раҳмоновни Жом қишлоғи ва Нуробод эли ҳурматлайди. Умуман, П.Раҳмонов номини қишлоқдан ташқарида ҳам кўп инсонлар билишади ва ўта ҳурмат билан тилга оладилар.

СамҚХИда узоқ йиллар ректор бўлиб ишлаган профессор Р.Ҳайитов у киши ҳақида шундай деганди: П.Раҳмоновни ўта тадбиркор, ўзининг ҳурматини биладиган, энергияси баланд, қобилиятли раҳбар ва яхши инсон сифатида қадрлайман.

Турумназар Мўминназаров (1932-1988). 1952 йилда ҳозирги А.Темур номли мактабни битирган. 1954-1959 йилларда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиган. 1959 йил Каттақўрғон туман прокуратурасида терговчи, 1963-1964 йилларда Нурота туман прокурори, 1964 йилдан Каттақўрғон туман, кейин 10 йил Нарпай туман, сўнгра яна Каттақўрғон туман прокурори лавозимларида ишлаган. Турумназар Мўминназаров энг яхши инсоний фазилатларга эга эди. У киши ҳуқуқшунос сифатида ўз юртига хизмат қилишни биринчи даражали бурч, деб биларди. 1988 йил июнда автоҳалокатга учраб вафот этган.

Мамат Абдуллаев 1939 йилда туғилган. Отаси Омонов Абдулла 1907 йилда туғилган. Жума шаҳридаги пахта тозалаш заводида юк ташувчи бўлган, 1933 йилда қишлоққа қайтиб, ўша даврдаги жамоа хўжалигида омбор мудир, бошқарув раиси бўлиб ишлаган. 1948 йилда Меҳнат кизил байроқ ордени билан мукофотланган. 1952 йил март ойида вафот этган.

М.Абдуллаев 1956 йилда ўрта мактабни битириб жамоа хўжалигида ишлаган. 1960 йили Тошкент шаҳридаги молия-иқтисод институти бухгалтерия факультети сиртқи бўлимига ўқишга кирган.

1957 йил июн ойида жамоа хўжалиги Улус давлат хўжалигига кўшилган, яъни ўша давр талабига кўра, жамоа хўжалиги-кооператив мулки давлат мулкига айлантирилган. М.Абдуллаев шу давлат хўжалиги ишчиси бўлиб ишлаган. Кейинчалик, 1958 йил хўжалик бухгалтериясига ишга қабул қилинган. 1969 йил март ойида Пастдарғом туманидаги Самарқанд давлат хўжалигига бош бухгалтерлик вазифасига ўтказилган. 1977 йилгача Пахтачи, Ургут, Пастдарғом, собиқ Советобод туманидаги қатор хўжаликларда бош бухгалтер бўлиб ишлаган.

1977 йил сентябр ойидан собиқ Советобод тумани партия кўмитасининг мафкура бўйича котиби вазифасида бўлган. 1980-1983 йилларда Тошкент олий партия мактабида сиртдан ўқиган.

М.Абдуллаевнинг хотини Боймирзаева Санобар 1944 йилда туғилган, Самарқанд шаҳридаги тиббиёт билим юртини битириб қишлоқдаги шифохонада узок йиллар акушер-гениколог бўлиб ишлаган. Уларнинг 7 нафар фарзандлари бор.

М.Абдуллаев 1984-1994 йилларда Жом давлат хўжалигининг директори вазифасида ишлаган. 1995-1997 йилларда Нуробод тумани солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаб, яна Жом ширкат хўжалиги раиси вазифасида фаолиятини давом эттирган. М.Абдуллаев нафақага чиққан 1994 йилда ширкатда 28 минг бош қўй-қўзи бўлган. Шулардан 19 минг боши она совлиқлар эди. Лалмикор ерларга 7 минг гектар ғалла экилган. 1997 йил охирига келиб қўй-қўзилар сони 1800 бошга, ғалла экиладиган майдонлар 250-300 гектарга тушиб қолган. Натижада, хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашган. Исрофгарчилик, талон-торожлик, эгасизлик, ғирромлик кучайган. Давлатимиз бундай ҳолатдан қутулиш учун фермер хўжаликлари тузиш тадбирини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этди. 1997 йилдан бошлаб ерлар фермерларга бўлиб берилди.

1989 йил М.Абдуллаев 50 ёшга тўлганида, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати унга Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвонини берди. Жомдан бундай юксак унвонга эришган ягона инсон М.Абдуллаев бўлади. М.Абдуллаевнинг Жом давлат хўжалигида ишлаган 14 йиллик меҳнати давомида Қарриқўл ҳудудида 300 гектар суғориладиган ерлар ўзлаштирилган, Сарикқўл қишлоғида 450 ўринли уч қаватли

мактаб биноси, Жом кишлоғида 50 ўринли шифохона қурилган. Шунинг таъкидлаш керакки, бу шифохонанинг ишга туширилишида Нуробод туман марказий шифохонаси бошлиғи Тўракул Мирзаев ва Жом кишлоқ шифохонаси бош ҳаками Улаш Мусурмоновларнинг хизматлари ҳам катта бўлган. Дюккердан Омондарагача йўл қурилиб ишга туширилган. Сарикқўл кишлоғидаги собиқ Чапаев номи мактаб биноси, Жом маҳалласидаги Янги кишлоқ гузаридаги 23-мактаб учун ўнлаб қўшимча синфхоналар, Каримовул кишлоғидаги 44-мактаб, Ҳафрин кишлоғидаги 63-мактаб биноси ва шу кишлоқдаги фельдшер-акушерлик биноси, Омондара кишлоғидаги чойхона, кутубхона, медицина пунктлари, Иброҳим ота, Анжирли кишлоқларидаги мактаблар учун қўшимча синфхоналар, Чунқаймиш, Каримовул, Анжирли, Сарикқўл, Жом маҳалласидаги ҳаммомлар қуриб ишга туширилган. Қўйчилик, қорамолчилик учун зарур молхона ва қўтонлар қурилган. М.Абдуллаев ишлаган йилларда Жом хўжалиғи доимо фойда билан чиққан. М.Абдуллаев Жом давлат хўжалиғида 15 йил директор бўлиб ишлаган. Жом давлат хўжалиғи рентабеллик бўйича Республикада энг илғор хўжаликлардан бирига айланган. Бу инсон чарчаш ва уйқу нималигини билмаган. Оқшом ярим тун бўладими, гоҳо молхоналарда, гоҳ қўтонларда, гоҳ шудгорлаш ёки йиғим-терим даврида трактор ва комбайнлар олдида бўлган. Одамлар М.Абдуллаев ухламайди, кечаси билан чўлма-чўл, қўтонма-қўтон юради, дер эди. Унинг даврида молхоналардаги соғин сигирлар шунчалик семиз ва сутли эдики, ҳар бирини гўшт учун сўйса бўларди. М.Абдуллаев ҳақиқий раҳбар эди. Унинг кулгани ёки ҳазиллашганини одамлар кам кўришган. Ишни доимо тажрибаси катта кекса чорвадор ва дехқонлар билан бамаслаҳат олиб борган. Айниқса, агроном Бердимурод Равшанов, зоотехник Суюн Норқулов билан маслаҳатлашиб ишлаган. Уларнинг тортишиб, уришиб қолган пайтлари кўп бўлган. Шунда М.Абдуллаев Б.Равшановга боринг ўзингизнинг билганингизни қилинг, дер экан. Чунки, Бердимурод Равшанов ўзининг айтганида турадиган чўрткесар, қаттиққўл агроном эди. Б.Равшанов Жом чўлини беш қўлдай билар, қаерга қанақа экин экса бўлади, ундан қанча ҳосил чиқади, хуллас ҳаммасини билар эди.

Б.Равшановнинг бир мутахассис ва яхши раҳбар бўлса, Мамат Абдуллаевчалик бўлади, ундан ортиқ бўлолмайди, деган гапларини кўп эшитганмиз.

С.Норқуловнинг эътироф этишича, М.Абдуллаев аввал ёрдам қилиб, кейин ишни талаб қиладиган, талабчан раҳбар бўлган. Қўйлар отарларини назорат қилишга чиқишдан олдин ўтин, ёқилғи каби чўпонлар учун нима зарур бўлса, шу нарсаларни машинага ортиб олиб кетар ва уларни керагича ўзи тарқатиб чиқар экан.

М.Абдуллаев, Б.Равшанов ва С.Норқуловлар ўз касбини эъзозлаган, элпарвар, Ватанпарвар кучли мутахассис раҳбарлардан бўлган. Шунинг учун улар ишлаган даврда Жом аҳолиси бойиб, қишлоқда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу каби яхши ўзгаришлар бундан эллик йил олдин М.Холбозоров, А.Омонов, Т.Одиоровлар раислик қилган даврда ҳам бўлган. У даврларда Жом бутун Каттақўрғон тумани, шунингдек, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг атроф қишлоқлари аҳолиси ўртасида машҳур эди. Боиси очарчилик, қийинчилик, уруш даврида Жом ғалладан мўл ҳосил етиштириб халқнинг қорнини тўйғазган, Қашқадарёга қарашли атроф қишлоқлардан келганларга бошпана берган, уларни ҳалокатдан асраб қолган. М.Абдуллаев Жомнинг шундай ажойиб улуг инсонларидан бири.

Суюн Ҳожи НОРҚУЛОВ 1933 йилда туғилган. С.Норқулов 1953 йилда мактабни тамомлаб, жамоа хўжалиги аъзоси бўлган. 1957 йилдан бошлаб Улус давлат хўжалигида ишчи, бухгалтер, кассир бўлиб ишлаган. 1963 йил 31 ёшида СамҚХИ Зоотехния факультети сиртқи бўлимига ўқишга қабул қилинган ва бир йилдан сўнг ўқишини кундузги бўлимга ўтказиб давом эттирган. 1968 йилдан хўжаликда зоотехник, бош зоотехник, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1992 йилдан буён нафақада. Суюн Норқулов ҳожи. Ўғиллари: Болтабой қишлоқнинг қобилиятли раҳбарларидан, Равшан ички ишлар ходими, Эркин тижоратчи.

Абдунаби САТТОРОВ 1927 йилда туғилган. Уруш йиллари қишлоқда ва Жом чўлида турли юмушларни бажарган. Кейинчалик бухгалтерлар тайёрлаш мактабида ўқиб ҳисобчилик илмини эгаллаган. Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик

факультетида ўқиган. Бир қанча хўжаликларда бухгалтер бўлиб ишлаган. Бир муддат дўкон мудури ва қора молчилик фермаси мудури бўлган. Умрининг сўнгги йилларида Хончорбоғ давлат хўжалигида бўлим бухгалтери бўлиб ишлаган.

А.Сатторов 1973 йилда вафот этган. Унинг саккиз нафар фарзанди бор. Ўғиллари Рустам қишлоқдаги 44-мактабда директор, Ўттам қишлоқ почта бўлими бошлиғи, Абдурасул «Халқ сўзи» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири, Исроил тижоратчи.

Темур ЖУМАЕВ (1942-2000) мактабни битиргач, 1960-1962 йилларда И.В.Мичурин номидаги Самарқанд Мева-сабзавотчилик техникумининг бухгалтерия бўлимида ўқиган. 1962 йилда Каттакўрғон туманидаги Каттакўрғон номли давлат хўжалигида бухгалтер бўлиб ишни бошлаган. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалик институтида ўқишни сиртдан давом эттирган. 1976-1980 йилларда Самарқанд давлат хўжаликлари трестида ишлаган. 1980 йилдан яна Каттакўрғон давлат хўжалигида бош бухгалтер, кейин узок йиллар давлат хўжалиги директори бўлган. Каттакўрғон давлат хўжалигига қарашли қишлоқлар аҳли Т.Жумаевни элга қайишадиган раҳбар сифатида ҳурмат қилар, уни ёш бўлишига қарамасдан «бизнинг отамиз» дер эди.

Эштурди РАҲИМОВ 1945 йил туғилган. 1953-1964 йилларда мактабда ўқиган. 1965-1966 йилларда қишлоқда тракторчи бўлиб ишлаган. 1966-1968 йилларда Самарқанд шаҳридаги И.В.Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумида ўқиб, бухгалтер ихтисослигини эгаллаган. 1968-1969 йилларда Пастдарғом туманидаги Правда жамоа хўжалигида ҳисобчи, 1970-1974 йилларда Халқ депутатлари Ўзбекистон қишлоқ советида катта бухгалтер, кейинчалик раис муовини, 1974-1976 йилларда Пастдарғом туман ишлаб чиқариш бошқармасида сув хўжалиги бўйича муҳандис, 1976-1978 йилларда Халқ депутатлари Ўзбекистон қишлоқ совети ижроия қўмитаси раиси муовини, 1978-1982 йилларда Жом давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби, 1982-1984 йилларда шу хўжаликнинг 3-бўлимида бошқарувчи ва қурилиш устаси, 1984-1996 йилларда Халқ депутатлари Жом қишлоқ кенгаши ижроия қўмитасининг

масъул котиби, 1997-1998 йилларда Нуробод тумани «Меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш» бўлимининг Жом қишлоқ кенгаши нозир, 1998-2008 йилларда Жом қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлади.

1976-1982 йилларда СамҚХИнинг агрономия факультетида ўқиган.

Уч марта Халқ депутатлари Нуробод тумани кенгаши депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 ҳамда 15 йиллик эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Э.Раҳимовнинг саъй-ҳаракати билан 1999 йилда ўттиз етти нафар, 2000 йилда етти нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари суннат қилинди. Жом маҳалласидаги Ором қишлоғида ҚВП биноси, маҳалла гузари, 23-мактабга ўтувчи кўприк, Гирдиқўрғон сойларига ўрнатилган 2 та кўприк ва Омондара кўпригининг ҳашар йўли билан қурилишига, Яланг оёқ эшон бобо қадамжосининг ободонлаштирилишига раҳбарлик қилган. Гирдиқўрғон маҳалласи биноси ва ТИП-1 спорт майдони қурилишига ўз ҳиссасини қўшган. Жом ва Сарикқўл маҳаллалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун Жомда 2 та, Сарикқўлда 1 та артизиан қудуқлари қурилишига раҳбарлик қилган. 2007 йилда Мавлонаи Жом ота қабристонига масжидни электрлаштиришга ҳомийлик қилган.

Неъмат КАРИМОВ (1932-2002) 1952 йилда ҳозирги А.Темур номли мактабни битирган. 1953-1957 йилларда Тошкент молия интситутида ўқиган. 1957-1959 йилларда Қашқадарё вилоят молия бўлимида, 1960 йилдан умрининг охиригача Яккабоғ туман молия бўлими мудири вазифасида ишлаган. Фарзандлари: Бердиёр, Шодиёр, Шавкат, Гулнора, Насиба, Гулчехра- Қарши шаҳар ички ишлар ходими-майор.

ЭСОНОВЛАР

Эргаш ЭСОНОВ 1916 йилда туғилган. 1940 йилдан Пастдарғом туман ички ишлар бўлимида милиция ходими, жиноят қидирув бўлимида бош инспектор, ОБХСС инспектори, қоровуллик бўлинмаси бошлиғи, участка нозир вазифаларида ишлаган. Э.Эсонов умрининг 35 йилини аҳоли осойишталигини

таъминлаш, жамоат тартибини йўлга қўйиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ишларига сарфлаган. Милиция катта лейтенанти Э.Эсоновнинг хизматлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. 1948 йилда Пастдарғом туман кишлок меҳнаткашлари совети депутатлигига сайланган, За доблестный труд в ВОВ 1941-1945 гг, За победу над Германией, За боевые заслуги, 50 лет Советской милиции нишонлари ва ички ишлар идораларининг кўплаб Фахрий ёрликлари билан тақдирланган, 1990 йилда Жума шаҳридаги ўзи яшаган кўчага Эргаш Эсонов номи берилган.

Шавкат ЭСОНОВ 1953 йилда туғилган. 1976 йилда Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтининг муҳандис-қурувчи бўлимини битирган. Меҳнат фаолиятини 1976 йилда «Махсусэлеватортегирмонқурилиш» трести усталигидан бошлаган. 1979-1994 йилларда Маиший корхоналар қуриш ва таъмирлаш бошқармасида уста, бош муҳандис, Пастдарғом тумани хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бош муҳандиси, бошлиғи, «Самвилагроқурилиш» трестининг 6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи, 117-кўчма колоннаси бошлиғи, бош муҳандис лавозимларида хизмат қилган. Пастдарғом тумани ҳокими бўлган. Икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Дўстлик ордени билан тақдирланган. 2001 йил 48 ёшида вафот этган. 2004 йилда Пастдарғом тумани ҳокимиятининг қарори билан Сорибош қишлоғи маҳалласига Шавкат Эсонов номи берилган.

Тўлқин ЭСОНОВ 1989-2003 йилларда Самарқанд шаҳар судининг судьяси, Самарқанд шаҳар Боғишамол туман судининг раиси лавозимларида ишлаган.

Эркин ЭСОНОВ Пастдарғом туман шифохонасида узок йиллар шифокор бўлиб ишлаган бўлса, **Шухрат ЭСОНОВ** милиция майори, **Бекзод ЭСОНОВ** эса мохир фермерлардан.

РИВОЯТГА АЙЛАНГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Бир кишининг ўғли ўн чоғли қўйларини ҳар куни далада боқиб келар эди. Бир куни қўйларидан бири йўқолиб қолади, боланинг

отаси бу ҳақда Эргаш милиционерга мурожаат этди. – Менинг отимни миниб, қўй бокқан жойларини болангиз айланиб келсин, деди Эргаш милиционер.

Бола қайтишида қараса, йўқолган қўй йўлида турган эмиш. Қўйни сўйишга чоғланиб турган ўғрилар Эргаш милиционернинг отини кўрган заҳоти қўйни қўйиб юборишган экан.

Республика, вилоят ва тумандан келган текшириш хайъати бир отарга бориб қўйларни санамокчи бўлишганда, жомлик чўпон: мен Эргаш милиционер келмаса ҳеч кимни отарга яқинлаштирмайман, деб туриб олган. Шунда Республикадан келган текширувчилар:–сизларнинг шунча ишонган хурматли одамларингиз бор экан, қўйларни санамасак ҳам ҳамма иш жой-жойида эканлиги кўриниб турибди, деб қайтиб кетган экан.

Жомда Эргаш Эсонов ўз даврининг ҳам милиционери, ҳам терговчиси, ҳам суди, ҳам прокурори эди, деган гаплар юради.

Менинг ёшим саксонга борапти, бироқ, Жомда Абдушукур полвон билан Эргаш Эсоновдек ақлли инсонларни бошқа учратмадим, деган эди мулла Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф қарвон ўғли.

Самарқанд вилояти газетасида Эргаш бобо ҳақида «Милиция ўғлони» мақоласи босилган эди. Унда ёзилишича, қайроғоч тагида ертўла бўлиб, уни ўша даврнинг машхур ўғри, каззоблари макон тутишган. Эргаш милиционер тунда зинапоялардан аста тушиб ертўла эшигини қия очади ва ҳеч ким йўқлигини билиб, ичкарига фонарини ёқиб киради, «Бешотар»ининг тепкисини кўтариб қўйиб ўғриларни кута бошлайди. Ярим тунда оёқ товушлари эшитилади.Тўсатдан эшик маҳкам ёпилиб занжирланади. Ўғрилардан бири секингина шивирлаб:- «Дарғом ҳоками қилиб жўнатиб юбор»,- деяётганини эшитади. Белгиланган ёрдам етиб келмайди. Шунда Эргаш милиционер елкаси билан эшикни уриб ўтиб бир жиноятчини йиқитади ва иккинчисининг устига миниб олади. Ёсанкираб қолган ўғриларнинг иккитаси қочиб кетади. Шундай қилиб пихини ёрган жиноятчилар фош этилади. Эргаш милиционер одамларга ғамхўр бўлиш билан биргаликда жиноятчиликка қарши курашда қонун посбони эди.

Мурод Муҳаммад Дўст Республика телевидениясидаги чиқишларидан бирида Эргаш милиционер даврида аҳоли уруш-жанжал нималигини билмасди,- деган эди.

Эргаш милиционер бир жиноят изидан Чўнқаймишга бориб ошноларидан қатик келтиришларини сўрайди. Бой-бадавлат, ҳар бирида саккизтадан соғин сигирлари бўлган дўстлари хонадонларидан қатик чикмай қолади. Шунда бир кади қатик кўтариб чикқан шоиртабиат уста Мели бобо ҳамсояларини эътиборга олган ҳолда:-У ёғимда саккиз сигир, бу ёғимда саккиз сигир, яшасин ўртада бизнинг қизил сигир. Қанча ичсаларингиз ичаверингизлар, бизда қатик мўл,-деган экан. Бу гапни Эргаш бобо давраларда айтиб юрган.

Эргаш бобо қишлоқдошларга:-Оғайнилар келин қиласизми, куёв қиласизми тенгини топиб қилинг,- деб насиҳат қилган. Чунки келин билан куёвнинг номуносиблиги оила бузилишининг асосий сабабларидан бири бўлар экан.

Айрим полвон одамларнинг гавдаси катта ва семиз бўлишса, айримларининг жуссаси катта ва ориқ бўлишади. Эргаш бобонинг бўйи узун, елкалари кенг, гавдаси билан эти ўзаро мутаносиб полвон одам бўлган.

ТАНГМАТОВЛАР

Мўмин ТАНГМАТОВ уруш қатнашчиси, қишлоқда ўз ўрнига ва ҳурматга эга оила бошлиғи.

Кайрим ТАНГМАТОВ 1932 йилда туғилган. 1950 йилда мактабни тамомлаб жамоа хўжалигида ишлаган.

1954-1957 йилларда армия сафида бўлган.

1958-1962 йилларда ТашДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиган.

1962-1965 йилларда Фарғона вилоятининг Йўлдош Охунбобоев номли тумани прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаган.

1966 йилдан Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туман прокуратурасида терговчи, 1967-1975 йилларда Китоб туман прокурори бўлиб ишлаган. Туман кенгаши депутатлигига сайланган. 1975 йилда вафот этган.

Карим Тангматов иктидорли ҳуқуқшунос сифатида ўзининг билими, одоби ва меҳнати билан Қашқадарё вилоятида ҳурмат топган. Бироқ ҳаётдан ёш кетган. Унинг садоқатли, фариштали умр йўлдоши Ҳосият Раззоқ қизи ёш қолган фарзандларини тарбиялаб оёққа қўйди. Уларнинг ўғилларидан бири Олимжон Тангматов бугунги кунда Қашқадарё вилояти судьясининг биринчи муовини.

ЁРҚУЛОВЛАР

Ёркул (лақаби чагир) бобо қишлоқнинг хотираси кучли инсонларидан бири бўлган. Зиёт Даврон ўғли укаси Худойназарни Таромиш қишлоғидан уйлантирмоқчи бўлади. Таромишликлар сизларнинг уруғингизнинг тайини йўқ, деб қуда тутинишни лозим кўришмайди. Ёш Зиёт ўз уруғига аниқлик киритиш учун бобоси Эшмирза Омонтурди ўғли олдиға келади. Кексариб қолган Эшмирза бобо: Зиётбой мен кеча нима еганимни билмайман, сен Ёркул чагирға бор, дейди. Зиётни тинглаган Ёркул бобо: Қўнғирот Алпомиш етишиб чиққан улуғ уруғ, сизнинг уруғингиз қишлоқда қадимдан яшаб келаётган Жомнинг бекларидан бўлади. Бизларнинг ота-боболаримиз шу қўнғирот оғайниларини қора тортиб келиб Жомда ўтроқлашган, деб жавоб беради. Ёркул бобонинг гапидан сўнг қудачилик амалға ошган.

Ёркул бобо жуда қаттиқ акса урар эди. Унинг бир қирда урган аксаси бошқа қирда эшитилиб турарди. Шунинг учун қишлоқда бирор киши қаттиқ акса урса, ёнидагилар Чагир бобоникидан бўлдида дейишади.

Ёркул бобонинг Эрмон, Дўсман, Абдусалом, Абдужалил, Ҳамид исмли ўғиллари бўлган. Эрмон бобо раҳбарлик лавозимларида ишлаган ва қишлоқнинг муллаларидан бири бўлган. Унинг ўғли Бутун махсум Омондара маҳалласининг мулласи. Бугунги кунда Дўсман бобонинг ўғли Даврон қаерға борса, ўша жойда боғ яратмоқда. Абдужалил бобонинг ўғли Шухрат республика тайбокс федерациясининг бош тренири, унинг шогирдлари ичида жаҳон чемпионлари бор.

Тўлаган Ҳамид ўғли 1957 йилда туғилган. Мактабнинг саккизинчи синфидан бошлаб Тошкент шаҳридаги театр-рассомчилик мактаб-интернатида таҳсил кўрган. 1975-1980

йилларда ҳозирги Маннон Уйғур номли рассомчилик институтида ўқиган. 1980 йилдан буён Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида ишлайди. Самарқанд шаҳрининг Сиёб бозоридаги уч гўзал, СамДУ ҳиёбонидаги ҳайкаллар, Нуробод тумани амфитеатридаги от ҳайкаллари, Гўзалкентдаги она ҳайкали шу ижодкор инсон томонидан яратилган. Эфиопия, Финландия, Венгрия, Чехословакия, Қозоғистон каби давлатлардаги қатор халқаро ҳайкалтарошлар кўргазмалари совриндори. Унинг иқтидорли шогирди Алибек Раҳмонов.

Абдуманнон Ҳамид ўғли Афғон уруши қатнашчиси. Ёшлигида эртақларда эшитган ва китобларда ўқиган қасрлар, уйлар, кўчалар, дўконлар, бозорлар, тоғу тошлар, зилол сувли дарёлар, омовлар, қарвонлар, одамлар, фариштасифат ва паранжи ёпинган гўзаллар, ҳамма-ҳаммасини ўша ёқда ўз кўзи билан кўрган. Гуё ўзини бир неча юз йиллар олдинги тарихга қайтгандек ҳис қилган. Ёшлигидан тарихга қизиққан А.Ёрқулов у жойдаги паҳса иморатлар, қадимий қалъалар, ҳайкаллар, масжиду мадрасаларнинг портлаётганини, кули кўкка соврилаётганини кўриб ачинган. Ҳарбий хизматдан қайтиб Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида ўқиган. 1983 йилдан бошлаб тарихий материалларни йиға бошлаган. Араб, форс-тожик, инглиз тилларини ўрганишга киришган. 1988-1991 йилларда Самарқанд шаҳридаги археология институтида ишлаган. СамДУ археология музейи директори Нона Авенесова раҳбарлигида илмий фаолият билан шуғулланади. Кўплаб илмий мақолалари республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

1991 йилда отаси вафот этгач, қишлоққа қайтишга мажбур бўлган. Қишлоқда Б.Турсунов номли 21-мактабда тўғарак раҳбари, тасвирий санъат ва тарих фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Унинг мактаб директори Э.Худойназаров ёрдамида ташкил этган музейи туман ва вилоят кўргазмаларида совринли ўринларни эгаллаган. А.Ёрқуловнинг саъй-ҳаракати билан банкда Жом қишлоғи тарихи музейи «Ҳисоб рақами: 20210000804120199001. Нуробод миллий банки: 00939. ИНН: 203593996» очилган, бироқ музейнинг алоҳида биноси мавжуд эмас. Уни қуриш қишлоқдошларнинг галдаги вазифаси ҳисобланади. Жомдан топилган осори-атикалар ҳозирча,

Самарқанд шаҳридаги музейларда, маҳаллалар, мактаблар ва кишлоқдошларнинг хонадонларида сақланмоқда.

Бугунги кунда А.Ёрқуловнинг археологик илмий изланишлари натижалари туфайли «Жом» атамаси нафақат республикамиз, хатто Германия, Франция каби қатор хорижий давлатлар нашрларида зикр этилмоқда. Жумладан, республикамизнинг забардаст тарихчи олими академик А.Аскарров ўзининг 2007 йилда нашр этган «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» китобида А.Ёрқулов мақолаларидан фойдаланган [10. 104].

ЖАББОРОВЛАР

Мулла Тошпўлат бобонинг ўғли Жаббор ўта меҳнаткаш бўлиб, моҳирлик билан далаларга уруғ сочган. 1943 йилда урушга кетиб қайтмаган. Хотини Кумушой момо етим қолган беш нафар фарзандни оғир, суронли йилларда ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаб вояга етказган. Хўжалик раиси А.Омонов томонидан 1944 йилда Каттакўрғон шаҳридаги механизация техникумига ўқишга жўнатилган катта ўғил Қ.Жабборов 52 йил давомида кишлоқ аҳли қорига яраб тракторчилик қилган. Унинг 5 нафар фарзанди бўлиб, ўғли Ш.Жабборов 21-мактабнинг иқтидорли ўқитувчиларидан.

Норбўта ЖАББОРОВ 12 ёшидан жамоа хўжалигида ҳисобчи, ферма мудири, молбоқар бўлиб ишлаган.

Мурод ЖАББОРОВ. Уруш йилларидаги оғир ҳаёт ёшлигидан ишлашга мажбур қилган. 1956 йилда Тошкент ҚХИнинг иқтисод факультетига ўқишга қабул қилинган. Ўқишни битириб, 1962-1969 йилларда Улус, кейинчалик Самарқанд, Ўзбекистон 40 йиллиги, Жом давлат хўжаликларида иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1972 йилда Жом давлат хўжалигига директорлик қилган. Меҳнат фаолияти даврида билимдонлиги туфайли Самарқанд вилоятининг йиллик кишлоқ хўжалик режасини тузиш хайъатида қатнашган. М.Жабборов нозик қалб эгаси бўлиб, унинг ўнлаб шеърлари, ҳикоя ва қиссалари вақтли матбуотда эълон қилинган. Бош фарзанди Хислат Жабборов ота касбини эгаллаган.

Мавлон ЖАББОРОВ эл суйган ўқитувчилардан. 1966-1970 йилларда СамҚХИ, 1971-1976 йилларда ҚаршиДПИда ўқиган.

Озод ЖАББОРОВ 1943 йилда туғилган. 1962 йилда Самарқанд медицина техникумида, сўнгра, Тожикистондаги медицина институти даволаш факультетида ўқиган. 1972 йилдан Каттакўрғон медицина билим юртида ўқитувчилик қилган. О.Жабборов Каттакўрғон шаҳар, Қўштепа, Нагорний, Чўнқаймиш, Жом, кейинчалик Чирокчи туманидаги Восход давлат хўжалиги, Нишон туманидаги шифохоналарда шифокор бўлиб ишлаган. Ўзбекистон халқ шифокори аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

ХУШАТОВЛАР

Қудрат шофёрнинг отаси Жонқобил бобо донгдор чўпонлардан, укаси Ширин чўпон Хушатов 1979 йилда Меҳнат шухрати ордени соҳиби бўлган.

1939 йилда туғилган Тошбиби Жонқобилова 1958 йилдан давлат хўжалигида сут соғувчи бўлиб ишлаган. 1979 йилда III даражали, 1986 йилда II даражали Меҳнат шухрати орденлари билан мукофотланган. Уч марта туман, икки марта вилоят кенгашлари депутатлигига сайланган.

Нортожи ШЕРМАНОВ Жомнинг гапни топиб гапирадиган инсонларидан бири бўлиб, кўп йиллар Пастдарғом туман молия бўлими ва суғурта идорасида раҳбар бўлиб ишлаган. Жомда бўлим бошлиғи бўлган ва шу даврда автохалокатдан вафот этган.

Н.Шерманов вилоят ва туман раҳбари бўлган Омон бобо ва Эргаш посбон Эсоновлар билан бир даврда елкадош бўлиб фаолият кўрсатган.

Бир куни Н.Шерманов Омон бобо билан Эргаш посбонга сизлардан безор бўлдим, дебди. Нимага дейишса, ким билан кўришсам эсонмисиз- омонмисиз, деб сўрашади, деган экан.

Н.Шерманов Жума шаҳридаги истироҳат боғидаги ўтирғичда шляпасини ағдарган ҳолда ёнига қўйиб газета ўқиб ўтирган экан. Бунни кўрган Эргаш посбон бир болани чақириб унинг қўлига китоб оласан, деб пул берибди. Сенинг қиладиган ишинг ана у ўтирган одамнинг шляпасига мана бу тангаларни ташлаб ўт, дебди. Ўзи паналаб турибди. Бола посбон топшириғини аъло даражада бажарибди. Тангалар жаранглашини эшитган Н.Шерманов у ёқ, бу ёғига қараб шляпасидаги тангаларни

улоқтириб юбориб, жўнаб кетибди. Омон бобо ўзаро келишувга асосан кечки суҳбат чоғида Жумада замонавий кийинган гаройиб зиёлисифат гадоё пайдо бўлибди кўрмадиларингизми, деган экан.

Н.Шермановнинг фарзандлари: Ойдин узок йиллар Самарканд шаҳридаги И.В.Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумида ўқитувчи, Мурод Қашқадарё вилояти ички ишлари ходими, Шомурод Пастдарғом туманида савдо соҳасида раҳбар бўлиб ишлаган.

Барот БЕКМУРОДОВ (1940-1994) 1948-1958 йилларда Гирдиқўрғон маҳалласидаги мактабда ўқиган. 1960-1963 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1963-1968 йилларда СамДУнинг рус филологияси факультетида ўқиган. 1968-1976 йилларда ҳозирги А.Темур номли мактабда ўқитувчи бўлган. 1976-1978 йилларда собиқ Советобод туман партия кўмитасида ишлаган. 1978-1980 йилларда Тошкентдаги партия мактабида ўқиган. 1980-1983 йилларда собиқ туман партия кўмитасида, 1983 йилдан умрининг охиригача Жом қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган. Мавлонаи Жом ота қабристонининг асфальт йўл томонидаги тош деворнинг 700 метр қисми пойдеворини ҳашар йўли билан қурилишига раҳбарлик қилган.

ОРТИҚОВЛАР

Абдуалим ОРТИҚОВ 1924 йилда туғилган. 1942-1945 йилларда армияда дивизия разведкаси зобити бўлиб хизмат қилган. 12 та медал ва 2 та орден соҳиби. Урушдан сўнг яна икки йил Кадровойда хизматда бўлиб 1947 йилда қишлоққа қайтиб келиб, қишлоқда узок йиллар ферма мудир ва бошқа раҳбарлик лавозимларида муваффақиятли ишлаган. Катта ўғли: Ҳалил Ортиқов Самарқанд Давлат Тиббиёт институтини битириб, узок йиллардан буён Самарқанд тиббиёт коллежининг ўқув ишлари бўлимини бошқармоқда.

Холик ОРТИҚОВ (1930-1996) ҳозирги А.Темур номли мактабни битириб, 1951-1956 йилларда Самарқанд савдо институтида ўқиган. 1956 йилдан Қашқадарё вилояти Косон туман матлубот жамиятига ишга қабул қилинган. Дастлаб иқтисодчи вазифасида ишлаб, ўзининг меҳнатсеварлиги билан жамоа

ўртасида обрў- эътибор қозонган. 1960 йилдан матлубот жамияти раиси лавозимига тайинланган. 1980 йилдан маҳаллий ишлаб чиқариш фабрикасига директорлик қилган. 1991 йилда нафақага чиққан. Ўғиллари: Мурод шифокор, Анвар муҳандис курувчи, Бахтиёр хусусий тадбиркор.

Назарбой Маҳмадўст ўғли (1883-1977). Маҳмадўст бойнинг катта ўғли Назарбой бобонинг Жайилмада катта ери бўлиб, чорваси ҳам кўп бўлган. Назарбой деҳқончилик қилиб ғалла, полиз маҳсулотлари етиштирган.

Шўролар ҳокимияти ўрнатилиб, жамоа хўжаликчилари тузила бошлагач, у ўз ери ва чорвасини жамоа хўжалигига топширган. Назарбой сахий одам бўлган. Қариндошлари ва қишлоқдошларига ғамхўрлик қилиб, иқтисодий ёрдам бериб турган. Назарбойнинг 4 ўғли, 5 қизи бўлган.

Маҳматкарим НАЗАРОВ. Назарбойнинг учинчи ўғли Карим бобо 1919 йилда туғилган. Болалиги ва ўсмирлиги жамоа хўжалигида ишлаш билан ўтган. 1941-1945 йилларда урушда бўлиб қаҳрамонликлар кўрсатган. Урушдан келиб, жамоа хўжалигида ферма мудир, бригада бошлиғи бўлиб кўп йиллар ишлаган. Унда ўзининг маъқул гаплари, тўғри маслаҳати ва беминнат ёрдами билан одамларни орқасидан эргаштира олиш қобилияти бўлган.

Карим бобо Гирдиқўрғон маҳалласидаги тўй-маъракаларга баковуллик қилиб, тўйларни тинч ва чиройли ўтишини таъминлаган.

Карим бобонинг катта ўғли Мусурмон А.Темур номли мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, кичиги Сулаймон ички ишлар ходими, майор, участка инспектори.

Оллоҳёр ЙЎЛДОШЕВ 1952 йилда туғилган. Оллоҳёрга чиндан ҳам исмига мос ҳаётда Оллоҳ мададкор бўлган. Бу ҳам унинг меҳнати самараси. Оллоҳёр ақл ёшда эмас, бошда деган ҳикматнинг тўғрилигини исбот қилган йигит. Унинг касби оддий чўпонлик. У шу касбидан, аниқроғи касбига меҳр қўйганлигидан элда эъзоз топган, обрў қозонган.

Оллоҳёрнинг бобоси Йўлдошбой бобо ўта тажрибали чорвадор бўлган. Айтишларича, у киши қўйнинг қанақалигини унинг туёқ изидан биларкан. Оллоҳёрга чорвачилик сири бобосидан ўтган бўлса, ажабмас.

О.Йўлдошев ўзининг фидокорона меҳнати туфайли эл-юртнинг иззат-хурматию, ҳукуматнинг мукофотларига сазовор бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор.

Халқимиз Оллоҳёрни яна бир фазилати туфайли яхши кўради. У тўйларимизнинг, айниқса, кўпқарили, курашли тўйларнинг таниқли баковули ҳисобланади. Шунинг учун О.Йўлдошевни Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида кўпчилиқ яхши билади.

Абдурахмон МАХСУДОВ 1961 йилда туғилган. 1967-1977 йилларда мактабда, 1979-1984 йилларда Тошкент Давлат Политехника институти саноат энергетикаси факультетида ўқиган. 1984-1990 йилларда туман сув хўжалиги бошқармасида муҳандис, 1990-1995 йилларда фермер хўжалиги раиси, 1995-2007 йилларда бош чўпон бўлиб ишлаган. 2007 йилдан Жом ширкат хўжалиги раиси. Ҳукумат томонидан 2002 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор унвони билан тақдирланган.

А.Махсудов ватан, халқ манфаати йўлида ишлайдиган, одамларни орқасидан эргаштира оладиган моҳир раҳбар ва мард инсон,—дейди деҳқончиликнинг моҳир устаси Маҳмасоли Рўзиқулов.

ЖОМ УЛУҒЛАРИ

Маҳмудхон эшон Муҳаммадхон эшон ўғли. Маҳмудхон эшон 1929 йилда Китоб шаҳрининг Нов маҳалласида туғилган ва ёшлиқ чоғларида отаси Умакай қишлоғига кўчиб келган. 1934 йилда отаси Муҳаммадхон эшон қазо қилган ва Мавлонаи Жом отага дафн этилган. Уч ўғил ва бир киз отадан етим қолишган. Уларни онаси Санобар ая Бурхонова тарбиялаб вояга етказган. 1937 йилдан бошлаб Умакай қишлоғида бошланғич таълимни олган. Торжилға қишлоқ советига қарашли Искра хўжалиги ҳудудида жойлашган мактабда 7-синфни тугатган.

Шу даврда уруш бошланиб хўжаликда турли юмушларни бажарган, тижорат билан шуғулланган. Жом бозоридан ғалла

харид қилиб Китобга, у ёқдан ёнғоқ олиб Жомга келтириб сотган. Урушдан сўнг 1953 йили Жомда 10-синфни битирган. Шу даврдан бошлаб Умакай қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган СамДУнинг ўзбек филологияси факультети сиртки бўлимини 1963 йилда тамомлаган. 1964 йилда ўзи ишлаётган мактабда илмий бўлим мудири, 1965 йилдан директор бўлиб ишлаган. М.Муҳаммадиев ўзининг ҳалол меҳнати, жамоатчилиги, айниқса, юксак ораторлик қобилияти билан элу юрт орасида катта ҳурмат қозонган. Унинг меҳнатлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. 1981 йилда Халқ маорифи аълочиси, 1995 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонлари берилган.

Маҳмудхон эшон бобо 1995 йилда Ҳаж зиёратига бориб келди. Катта ўғли Файзуллахон эшон мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўз иқтидорини адабиёт соҳасида намоён этиб шеърлар битарди. Бугунги кунда ўзбек ва рус тилидаги бадиий адабиётларнинг мағзини чақиб ўқий оладиган инсонлардан бири. Ф.Маҳмудов Қашқадарё вилояти ички ишлар тизимининг масъул лавозимларида узоқ йиллар муваффақият билан ишлади. Жамиятда ўз ўрнини топиб, ҳурмат қозонди.

Маҳмудхон хожининг акаси Набихон эшон бобо илоҳий илмларни чуқур эгаллаган ўта иймонли инсон эди. Кенжа укалари Саидхоннинг ўғли Исмаиллахон эшон бугунги куннинг етук диний илм билимдонларидан бири бўлиб, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида катта обрўга эга. Эшон боболарнинг бошқа фарзандлари ва набиралари ҳам жамиятнинг турли соҳаларида муваффақиятли хизмат қилишмоқда.

Муҳиддин махсум Абдуғаффор ўғли. Муҳиддин махсум бобо Абдуғаффор қори ўғли (1850-1913) 63 йил яшаган. Махсум бобо Бухоро олийгоҳларида ўқиган, ниҳоят хушхат бўлган. 5 нафар фарзандлари бўлиб, авлодлари асосан Жомда истикомат қилади.

Муҳиддин махсум Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифларни ёд билган. Катта диний илмга эга бўлиб, валийлик даражасига етган. Жомлик уламоларга устозлик қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Бу кишини Қашқадарё ва Самарқанд воҳасидаги уламолар устоз сифатида ҳурмат қилишган.

Муҳиддин махсум бобо 2 марта масжид қурилишида бош бўлган. Биринчиси – 1881-1882 йилларда, иккинчиси – 1905-1906 йиллар ҳашар йўли билан қурилган. Олдинги масжид биносини сарик кумурска (термит)лар еб ноқулай ҳолга келтирганлиги учун иккинчиси сал кун чиқарда қурилган. Ҳозирда бу Эски масжид номи билан аталади. Дастлабки масжид тахминан 30-йиллар ўрталаригача бор бўлиб, ундан шўро даврида болалар оромгоҳи сифатида фойдаланилган. Муҳиддин махсум ҳар иккала масжидга умрининг охиригача имом-хатиблик қилган.

Бир одам бугун бомдод намозини Муҳиддин махсум билан Жом масжидида бирга ўқидик, деса, яна бошқалари, йўғ-э Махсум бобо билан бомдодни Бухорода ёки Самарқандда бирга ўқидик-ку деб, ҳайрон бўлишар экан.

Махсум бобо кўшни Қорақия қишлоғида яшаган Мирзаёр халфа бобо билан яқин ошночилик қилган. Мирзаёр халфа Махсум бободан 2-3 ёш улуғроқ бўлган. Махсум бобо Қашқадарёга бир маъракага борса, Халфа бобо тарвуз-қовун экаётгани устидан чиқибди. Махсум бобо ошнасига қовунни қачон еймиз, деса, Халфа бобо: иншооллоҳ қайтишингизга тайёр бўлар, деган экан. Дарҳақиқат, Махсум бобо қайтишида Халфа бобонинг уйига тушади. Халфа бобо пайкалдан қовун узиб чиқиб Махсум бобони меҳмон қилади. Мирзаёр халфа бобо ҳам илми ҳолни эгаллаган, улуғ вали киши бўлган, дейишади.

Халфа бобо кечкурун кампирига эрталаб фалон ёққа жўнайман, деган. Бироқ эрталаб бамайлихотир ўтириб бировни кутган. Кампири ўзгариш сабабини сўраганда айтган: Жомдан бир улуғ одам мени йўқлаб йўлга чикди, ўшани кутаяпман. Оз фурсатдан сўнг Муҳиддин махсум бобо етиб келган.

Мирзаёр халфа қазо қилганда, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатлашиб, янги қабристон ташкил қиламиз, дейишиб, бир кенг жойдан қабр қавлатишади, лекин махсум бобо дўстини Мавлонаи Жом ота қабристонига қўйилишини хоҳлаб, қўлидан иш келадиган азамат йигитларга Халфа бобо маййитини олиб қочиб бўлса ҳам келтиришларини буюради. Ўзи қабр қавланишига бош бўлади.

Йигитлар Махсум бобо топшириғини аъло даражада бажариб жаноза намози ўқилгандан сўнг, зўрлик билан маййитни кўтариб

олиб қочиб келадилар. Қорақия кишлоғи аҳолиси ҳозирга қадар Халфа бобога қавланган бўш қабрни зиёрат қилишади.

Махсум бобо билан Халфа бобога ўхшаган камолот чўққисига эришган инсонлар Жомда ҳол топган, деб аталади. Мирзаёр халфа бобонинг Мавлонаи Жом ота қабристонига дафн этилганлигини эшитган бир валий киши узоқдан Халфа бобоникига фотиҳага келиб, асли барокатли Жомга яна хайр барака қўшилибди-да, деган экан. Боиси Мирзаёр халфа бобо бўлган юртда тинчлик, осойишталик ҳукм суриб, элу халқ тўқ яшаган.

Қишлоқ аҳолисининг Муҳиддин махсум бобога ҳурмат-эътибори беқиёс бўлиб, унинг қабри яқинига бир аср давомида ўликларни қўмишга ботинишмаган. Махсум бобо 1913 йилда қазо қилган бўлса, унинг қабри атрофига 2000 йилдан бошлаб ўликлар қўмилганлиги қабр тошларидан кўриниб турибди. Махсум бобо қабрининг шарқ томонида битта эски қабр бор. Бу Мирзаёр халфа бобонинг қабри бўлиши эҳтимоли мавжуд. Сабаби, Муҳиддин махсум бобомиз «тўрт кундан сўнг қишлоқда бир киши вафот этади, уни шу жойга дафн этасизлар», – деб ўз қабрининг ўрнини бекорга олдиндан башорат қилмаган.

Муҳиддин махсум бобонинг ўғли Нурмамад махсум, набираси Товошар.

Мулла Оллоҳмуроднинг отаси асли жомбойлик сўфий бўлиб, унинг Жомда яшаган авлодлари Нортойлоқ, Обрўй қарвон, Сафар, Сорибой, Эрназар, Суяр, Эгам, Жули боболардир. Мулла Оллоҳмуродни Норхол Убай кизига уйлантиришади. Оллоҳмурод Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиб уни битириб келгач, Самарқанд ҳокими мулла Умир назарига тушади. Мулла Умир ўзининг кишлоғи Сарикқўлга мулла Оллоҳмуродни мударрис қилиб тайинлайди. Мулла Оллоҳмурод Сарикқўлдаги мадрасада узоқ йиллар ишлаб атрофдаги қишлоқлардан жуда кўплаб шогирдлар етиштиради.

Сарикқўлда Жаббор бобонинг таъзиясида ўтирган мулла Холиёр мирза мулла Оллоҳмуроднинг набираси Мухтор Махсум ўғлини учратиб, – Устозимни кўргандай бўлдим, – деган экан.

Мухторжон сизнинг бобонгиздек забардаст олим Самарқанддан берида ўтмаган, ул зоти муборакнинг шогирдларидан мулла Холикул Жомда 17 йил қози бўлди, мулла

Шукур унинг муфтиси бўлди, Оқсойлик мулла Набий давлатнинг катта лавозимларида ишлади, Жомлик мулла Иброҳим жуда донгдор фикҳ илмининг олими бўлди, сарикқўллик мулла Равшан ҳоким бўлди, Найманободлик мулла Азимни-ку қўяверинг, ҳозиргача у кишининг олдига ўтадиган олим чикмади, деганди мулла Холийёр мирзо.

Мулла Оллоҳмуроднинг амакиси Абдулла ва аммасининг ўғли мулла Эрназарнинг авлодлари Жомбой туманида, бўласи уста Мўминнинг фарзандлари Сарикқўлда яшашади.

Мулла Оллоҳмуроднинг авлодлари:

Ўғли Махсумнинг фарзандлари: Очилтош, Мухтор, Мелибой.

Қизи Мактабнинг фарзандлари: Зиёт, Бердиниёз, Худойназар.

Ўғли Маҳмаюсуфнинг фарзандлари: Хуррам, Раҳматуллох, София, Улуғой, Улбош, Неъматуллох, Зиядуллох, Норбўта, Оқийигит.

Ўғли Муҳаммадининг қизи Каромат момо Жомда энг кўп, яъни ўн олти нафар фарзандни туғиб тарбиялаган она.

Раҳимқул хатиб бобо (1871-1952). Мулла Раҳимқул хатиб бобонинг отаси мулла Абдужаббор, унинг отаси Абдуҳолиқ сўфи, унинг отаси мулла Қора, унинг отаси Нодир, унинг отаси Худойқул полвон.

Раҳимқул хатиб бобо бошланғич таълимни отасидан, Чўнқаймиш ва Анжирлидаги муллалардан олган. Шаҳрисабзда, сўнгра Бухоро мадрасаларида 42 ёшигача илм олган. Иқтисодий жихатдан уни онаси Марям момо чоракор ишлатиб ер ҳайдатиб ҳамда ўзи ажойиб шол гиламлар, нафрак (бўғжом), отга жулча (ёпқич)лар тўқиб сотиб таъминлаб турган.

Низомиддин махсум маълумотига кўра, 1915 йилдан қулоқлаштириш давригача Махсум бобо номи билан боғлиқ, Тегирмонбоши маҳалласидаги жомеъ масжидида имом-хатиб бўлган. 1933 йилда Андижонга сургун қилинган. Қийинчиликлари сабаб ўғли мулла Аҳмад махсум касалланиб вафот этган. Қизи Оботой йўқолиб қолиб, 1964 йилда Андижондан топилиб оғайнилари билан танишган. Оиласи тўзғиб, руҳоний тамғаси билан умри қийинчиликда ўтган. Ўғли Саидқул урушда ҳалок бўлган. Авлодлари Жом, Каттақўрғон ва Андижонда яшашади.

Жом маҳалласидаги эски масжид бир қизик воқеа билан қурилади. Айтишларича, қишлоқ бойларидан Бойбўрибой рамазон ойида ифторлик қилиб, имом-хатиб мулла Раҳимқул бошчилигидаги кўп рўздорларни чакиради. Меҳмондорликда Намоз вақти (шом ёки хуфтон) бўлиб Раҳимқул хатиб шогирди мулла Дониёрга азон айтишни буюради. Ташқарида азон айтиш имкони бўлмайди. Сабаб, Бойбўрибойнинг бўрибосарлари ҳужумидан азон ичкарида айтилади. Шунда хатиб бобо Бойбўрибойнинг оғайнилари, яъни гўл ва жолмонг улуғларига: оғайнилар сизлар қайси диндасизлар, мусулмон, десам масжидингиз йўқ, насроний десам, бутхонангиз йўқ, – дейди. Шунда машҳур гапга чечан Нурум бобо: Хатиб бобо биз ёшларни урушманг, чунки, бизлар қишлоқ катталари нима қилса, шуни қилдик. Кўприк курса кўприк қурдик, йўл созласа йўл созладик, кўпкари қилса кўпкарили тўй бердик. – Катта қарвон қаердан юрса кичиги ҳам шу йўлдан юради-да, – деб узр сўраган. Бу воқеада Холиқул қози бобо ҳам қатнашган. Шу сабаб бўлиб гўл ва жолманг улуғлари бирлашиб масжид қурадилар. Бу масжидга дастлаб бир вақтнинг ўзиде икки мулла, яъни мулла Фармон бобо билан гўллик мулла Қодир бобо имомлик қилган. Улар масжид ўртасига парда тортиб намозни икки гуруҳ бўлиб ўқишган.

Мулла Иброҳим бобо. Мулла Иброҳим мулла Абдужаббор ўғли, Раҳимқул хатиб бобонинг укаси бўлган. Таълимни бошлаб қишлоқда, кейин Шаҳрисабзда, сўнг Бухорода олган. Билими, очик кўнгиллиги, саҳийлиги, сўфиёна ҳулқи, чин таквоси, меҳрибонлиги, фидойилиги туфайли халқ муҳаббатига сазовор бўлган. Муҳиддин маҳсум бобо бошчилигидаги иккинчи масжид қурилишида фаоллик кўрсатган.

Айтишларича, масжид қурилгач, юқори диний маҳкамалардан меҳмонлар келиб янги масжид билан танишадилар. Янги масжид эскисига нисбатан 30 метр чамаси кун чиқарга силжиган, яъни қибадан узоқлашган. Асли кундузлик Эшонжон Қундузий, деган мўътабар шахс масжид билан танишиб, не сабабдан масжидни қибадан узоқлаштирдиларинг, деб, олдида хизматга бел боғлаб турган мулла Иброҳимнинг елкасига 2-3 камчи туширади. Шунда мулла Иброҳим бобо эски масжидни сарикқумурсқа еб

қўйганлигини, бу ерда у ҳашорат йўқлигини айтади. Жавобдан коникқан меҳмон узрни қабул қилади.

Яна айтадиларки, қори Болта, деган уламо ҳам келиб масжиднинг қибладан узоқлашганлик сабабидан мулла Иброҳимни урмоқчи бўлиб, калишини қўлга олиб ҳужум қилади. Мулла Иброҳим бобо қочиб кутулади, боиси оёқ буюми билан уриш мусулмончиликда каттиқ ҳақорат ҳисобланади. Халқимиз ўтмишида содир бўлган 30-40-йиллардаги очарчилик, қаҳатчилик, қийинчилик йилларида мулла Иброҳим бобо бор топганини эл билан баҳам кўрган, оиласида эртага мўлжалланган унларни ҳам муҳтожларга тарқатган. Уруш йилларида одам топилмай 14-15 ёшли болаларни шерим, норим, азаматлар, деб атаб, уларга бош бўлиб ўликларни дафн қилган. Халқда кафанлик топилмай қолганда ўз ҳисобидан, ҳатто салласини Каримовул қишлоғидан Нозик момога кафанликка ишлатган. Бундай воқеалар кўп бўлган. Уч ўғли урушда ҳалок бўлган, бир ўғлини ишчилар батальонига жўнатган. Урушга кетаётган ёшларни 2-3 чақиримгача пиёда кузатган, уларга ва ўғилларига Ватан ҳимоясидан қочмасликни уқтирган. Ҳатто ўғилларига ёзган хатларида ҳам шуни тайинлаган.

Ака-ука мулла Иброҳим ва мулла Раҳимқул хатиб ўз даврининг илмли уламоларидан эди. Айтишларича, улар Китобдан келаётганларида Ушакли газа билан Қайрағоч ўртасидан ўтаётганларида тоғдан ўқ илоннинг улар томон учиб келаётганини кўришиб, ҳар иккаласи Қуръони Каримдан суралар ўқий бошлайдилар, илон уларнинг олдига келиб тушиб ўлади.

Мулла Қўлмуҳаммад бобо ёки Охунд. Мулла Қўлмуҳаммад бобо Ғани халфа ўғли (1897-1953). Жомда ҳозиргача ўтган таниқли муллаларнинг сўнггиси ҳисобланади. Бошланғич таълимни Махсум бобо масжидида олган. Сўнгра Шаҳрисабзда 14 йил, 1920 йилдан 1924 йилгача 4 йил Самарқандда Шердор мадрасасида таҳсил кўрган. 1924 йилда мадрасалар ёпилиб, талабаларга шўро маҳкамаларида, жамоа хўжалиги ёки ширкатларда ишлаш таклиф қилинган. Лекин мулла бобо шўро идораларида ишлашни хоҳламаган. Шу сабабли умри қийинчиликда, қувғинликда, кўчманчиликда ўтган (Сарсон, Давтош, Уйшун, Ўмакай, Чўнқаймиш, Жонлиқўрғонда, Жомнинг ўзида бир неча жойда яшаган). Шаҳрисабзда мулла Саттор бобо

Раҳматов билан бирга ўқиган. Мадрасаи Шердорда мулла Райимқул Қодиров ва Ўрол Бозоровларга оғалик қилган, ажойиб Қуръон ҳофизи бўлган. У кишини Самарқандлик тенгдошлари (масалан, мулла Аҳрор бобо), Ҳожазода ва Эшонбоболар доимо ҳурмат билан эъзозлашганлар.

Домла ҳожи Хужмуҳаммад. Домла Хужмуҳаммад алайҳир-рахма икки марта ҳаж қилиб охиргисида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада қолишни ният қилиб кетган, қабри ўша ёқда. Домланинг Осим махсум ва Худоёр махсум исмли ўғиллари бўлиб, қизларидан бири Муҳиддин махсум бобонинг онаси бўлган.

Мулла Турсунқул бобо (1880-1918) 1918 йилда вабо (ўлат-қўктирноқ) касаллигидан вафот этган. Билимли киши бўлиб, фикҳ илмини яхши эгаллаган. Бир муддат имом-хатиб, оз муддат қози бўлган. Кампири Бегимой момо мулла Абдужаббор қизи 1948 йилда вафот этган. Фарзандлари: мулла Маҳмаёқуб (Шамсиддин Ёқубовнинг отаси), мулла Абдулҳай, шоир Бурҳон Турсунов, Каттакўрғон туманида 20 йилдан ортиқ маориф мудири бўлиб ишлаган Муҳаммади Турсунов. Мулла бобонинг уч қизи бўлган.

Оллоҳмурод ҳожи мулла Тошпўлат бобонинг отаси. Мулла Аҳмад Ҳусанов маълумотига кўра, ҳожи бобо Мавлонаи Жом ота мавзесидаги йўлнинг қибла томонида, сой ёқасида жойлашган масжидни қуришда ташаббускор бўлган. Авлодлари: Худойберди, Эгамберди, мулла Расул, Нишон чавандоз, мулла Эрка, Рўзиқул, Жаббор, Нарзулла боболар.

Мулла Суяرقул бобо (1889-1969). Мулла Суяرقул Қўшоқбой ўғли омондаралик мулла Амирқул шоир Қурбоналибой ўғли билан бирга Шаҳрисабзда ўқиган. Қўшоқбой бобо бадавлат деҳқон бўлган. Мулла Суяرقул бобо бой боласи, деб қамалган. Каттакўрғон турмасида ётган. Сургун бўлишдан қочиб Қашқадарёнинг Эрол, Давтош қишлоқларида яшаган. Жамоа хўжаликлари тузилиб, қувғин, қатағонлар тинчигач, қишлоққа келиб, собиқ Қизил қаҳрамон жамоа хўжалиги далаларида ишлаган.

Мулла Дониёр бобо (1901-1975). Мулла Дониёр Ирискул ўғли отадан эрта етим қолиб, илмни асосан қишлоқ масжидида олган.

Бу аллома мулла Иброҳим ва мулла Қулмаматларнинг шоғирди бўлган. Зеҳни ва тиришқоқлиги туфайли устози Раҳимқул хатиб бобонинг ҳурмати қозонган. Масжидда ўздан ёшларга халфалик қилган.

Мулла Дониёр бобо ўзининг эпчиллиги, илмга лаёқати, ҳозиржавоблиги билан элга танилган.

Мулла Дониёр бобо Қуръон ва Ҳадисларни чуқур ўрганган, айниқса, ислом тарихини, мазҳаблар тарихини жуда яхши билган. Тарихчи олимлар ҳам, адабиётшунос, ёзувчи ва шоирлар ҳам, бу кишидан ислом тарихига оид жумбоқларни ечишда фойдаланганлар. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст, адабиётшунос олим Ҳамдам Бердиёр, шоир Шамси Одил, тарихчи Муҳаммади Турсуновлар бу кишидан кўп нарсаларни сўраб ўрганганлар.

Жумладан, таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст мулла Дониёр бобонинг ҳақиқий олим, тарихчи, айниқса, ислом тарихини яхши билганлигини таъкидлаб, ундан кўп нарсаларни сўраб ўрганганлигини бир неча бор эътироф этган.

1957 йил баҳорида Низомиддин махсум укаси Исмоилга тўй қилади. Тўйга Самарқанд обкомининг биринчи котиби Орзу Маҳмудов ва СамДУ домлалари ҳам таклиф этилади. СамДУ олимлари мулла Дониёр бобонинг боғидаги зиёфатда пул нима, тил нима, деган масала ўртага ташланиб, домлалар фикр талашганлар. Шунда мулла Дониёр бобо: иккаласи ҳам кўприк, яъни муомала воситаси деган. Домлалар ғоят шодланишган, мулла бобо олимлар билан доимо ҳамнафас эди. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кўп жойда таниқли бўлган.

Мулла Худойберди бобо Жомдаги масжидлардан бирига 27 йил имом-хатиблик қилган. Жом қишлоғининг амалдаги имом-хатиби мулла Равшан Аъзамқул ўғлига аждод бўлади.

Мулла Холиқул қози. Мулла Холиқул бобо Жомнинг 17 йил қозиси бўлган. Хотини Мажон момо. Ўғли Маҳматкарим бобо, кизи Дўстов Қудрат бобонинг хотини Мактаб момо бўлган. Мулла Холиқул қози нафақат шариат қонунлари посбони бўлган, шунинг билан биргаликда ночор оилаларга уй-жой, кийим-кечак, озиқ-овқатларга ёрдам қилган. 50 бош соғин сигирлари бўлиб, уларнинг сут-қатиқлари қишлоқ аҳолисиники ҳисобланган. Унинг алоҳида

омбори бўлиб, унда майиз, ёнғоқ, ўрик, жийда, ғаллалар мухтож аҳоли учун қопланиб тахлаб қўйилган.

Мулла Холикул қози ниҳоятда хушбичим, узун бўйлик, кучли, чаккон инсон бўлган. Обрўй бобо Бердиевнинг айтишича, мулла Холикул қози ёшлигида ёнма-ён қилиб қўйилган 12 эшакнинг устидан сакраб ўтар экан. Обрўй бобо, Назар бобо, Абдуназар махсум бобо каби кўпчилик инсонлар 7 эшакнинг, ёлонғоч отнинг устидан сакраб ўтишган. Мулла Холикул қози эса эгарланган отнинг устидан сакраб ўтар экан. Мулла Холикул қози ҳам кўпқари чопган. У киши чапақай бўлиб, кўпқариларда жанжал чиқса чап кўли билан урган қамчиси чавандоз жандасини кесиб ўтиб гўштини тилиб кетар экан.

Мулла Фармон Қурбонназар ўғли (1870-1937). Мулла Фармон бобо Каримовулдан, Тошмурад махсумнинг отаси, мулла Аъзамнинг бобоси.

Мулла Фармон Шаҳрисабзда мадрасада ўқиб, диний илм ва ҳаттотликни ўрганган. Шаҳрисабздаги масжидлардан бирида имом-хатиблик қилган. Кейин қишлоққа келиб Жом маҳалласидаги эски масжидда қисқа вақт имом-хатиблик вазифасини бажарган. Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган Жағалбайли қишлоғида имом-хатиб бўлган. Мулла Фармон хуснихатда беназир бўлиб, ҳаттотлик ҳам қилган, бир неча китобларни қўлда кўчириб, уларни безаган. Жумладан, муқаддас китоб Қуръони Каримни қўлёзма тарзда кўчириб ёзган. Мулла Фармон бобо томонидан кўчирилган Қуръон нусхаси ҳозир унинг набираси мулла Аъзамда сақланмоқда. Мулла Фармоннинг бир ўғил, бир қизи бўлган. Ўғли Тошмурад махсум, қизи Ойша момо Ҳамид полвонга тушган.

Мулла Улуғ бобо (1840-1911) Бухоро вилоят Шофиркон туманидаги Кессактерак қишлоғида туғилган. У диний илми Бухоро мадрасасида олган. Бухоро амирлигида ҳукмдор Музаффардан норози бўлган кишилар унинг сиёсатига қарши чиқади, амир уларни қатоғон ва қувғин қилади. Ана шулар орасида мулла Улуғ ҳам бўлган. У аввал Каттакўрғоннинг Саройкўрғон қишлоғига келиб яшаб, эски мактабда дарс берган ва масжидда имом-хатиблик қилган. Шу ерда уйланиб 4 нафар қиз

фарзанд кўрган. Жомлик савдогар ва уламолар мулла Улуғнинг илми одамлигини билиб уни қишлоққа таклиф қилишган.

1901 йилда у Жомга келган ва масжидлардан бирида имом-хатиблик қилган.

Муҳиддин махсум ва бошқа уламолар мулла Улуғни Жомдан уйлантиришган. У бир ўғил ва икки қиз фарзанд кўрган. Унинг ўғли Умир бобо.

Мулла Улуғнинг набираси Обрўй чўпон 30 йилдан ортиқ Жом давлат хўжалигида қўй боққан.

Мулла Улуғ жомлик шогирдларига Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф илмидан сабоқ берган.

Мулла Аҳмад ҲУСАНОВ 1927 йилда туғилган. Маълумотни Нурдум қишлоғи муллаларидан олган.

Мулла Аҳмад бобо: 23 ёшимдан салла ўрадим, шу ёшдан муллалар билан бирга бўлдим, хизматларини қилдим, -деб хотирлайди. Мулла Аҳмад бобо 1975-2000 йилларда Жом қишлоғи масжидининг имом-хатиби бўлган.

Бу даврда Мавлонаи Жом отада янги масжид қурилди. Қабристон атрофи ҳашар йўли билан аввал темир панжара, кейинчалик тош девор билан ўралди. Жомликлар мулла Аҳмад Ҳусановни ислом динининг фидокор, ғамхўр инсони сифатида эъзозлашади.

Низомиддин махсум (1913-1991). Низомиддин махсум қори мулла Иброҳим ўғли бошланғич таълимни отаси ва қишлоқ масжидида Махсум бободан олган. Шу даврда мулла Раҳимқул бобо имом-хатиб, мулла Дониёр бобо халфа бўлган.

Низомиддин махсум мулла Абдулҳай, мулла Турсункул ва Абдулаҳад Норкул ўғиллари билан Каттақўрғоннинг Саройқўрғон қишлоғида қорилик мактабида ўқиган. Зехни ўткирлиги, хотирасининг кучлилиги, тартиб-интизоми туфайли устозларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

Диний мактаблар тугатилиб, отаси шўро қувғинига учрағач 17-18 ёшида Жомдан кетишга мажбур бўлган. Низомиддин махсум Қашқадарёнинг Қўриқсой, Қалқама, Кичик жартепа жамоа хўжаликларида бухгалтерлик қилган. Тошкентда ҳисобчилик курсини битказиб, Чироқчи туманида бир неча жамоа хўжаликлари бўйича бухгалтер бўлиб ишлаган. Фронт

сафарбарлигидан брон билан қолдирилган. Бир неча марта рухоний-феодал боласи, деган айблов билан қамалган. Охирги 1953-1956 йилларда ҳам масжид фаолининг боласи, деган айблов билан қамалган. Қамокдан қайтгач, Самарқанд шаҳар қориларидан дарс олган. Қуръоннинг анча қисмини ёд билган, ўқиш қоидаларидан бўлган тажвидга қаттиқ риоя қилган.

Низомиддин махсум дин ва дунё ишини доимо бирга олиб борган. Ҳафринда у киши эккан, эктирган боғ ва тоқзорларни кўпчилик билади. Афсуски, бу боғлар турғунлик йилларида йўқ бўлди. Низомиддин махсум ўз қўллари билан эккан арик ёқаларидаги тутлардан ҳозирги кунда ҳам пилла қурти учун барглари олиниб, мевалари истеъмол қилинади.

Аҳад қори Норқул ўғли (1909-1981) бошланғич таълимни қишлоқ масжидида олган. Кейинчалик мулла Абдулхай ва Низомиддин махсум билан Саройқўрғонда қорилик мактабида ўқиган. Диний мактаблар тугатилгач, Қизил қаҳрамон жамоа хўжалигида, Қашқадарёда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Шўро даврида қамалган. Қуръони Каримни яхши ўқиган. Қўнғирокдек овози ва талаффузи учун Қори таҳаллусини олган.

Эштурди махсум мулла Суяроқул ўғли (1918-2000). Махсум бобо уруш давригача собиқ Қизил қаҳрамон жамоа хўжалиги далаларида ишлаган. Диний таълимни асосан отасидан олган. Жомнинг диний илм соҳибларидан бири Эштурди махсум бобо Гулқишлоқнинг мулласи бўлган.

1939 йилдан 1945 йилгача уруш жангларида қатнашган. Урушда асирлик даҳшатини бошидан кечирган. Урушдан қайтиб келиб Қизил қаҳрамон жамоа хўжалиги юмушларини бажарган, аравакаш, сув ташувчи бўлган. Пахтачиликда сувчи, чорвада чўпон бўлиб ишлаган.

Махсум бобо Эски анҳор бўйларида пахта, полиз ва сабзавот экиб деҳқончилик қилган. Табиий ўғит ва асосан қўл меҳнати билан етиштирган 60 килограммлик ошқовоқ ва улкан ширин-шакар қовун-тарвузлари 1967 йилда Самарқанд вилоят деҳқонлари конкурсида биринчи ўринни олган.

Эштурди бобо Галашерикда катта боғ яратган, Ҳафринбобо атрофини ободонлаштиришда иштирок этган. Етиштирган узум, майизларини сахийлик билан одамларга улашган. Обоҳлидан

тўйга узум олиш учун келган одамларга бир тоқдан 200 килограмм узум узиб берганда, улар – бобо узумни узиб шу тоқнинг тагида сақлар эканда, – деб ўйлашган.

Эштурди бобо 80 ёшида ҳам томорқасида ишлаб қўлидан кетмонини ташламади. Шунинг учун касал ҳам бўлмади. – Кўп яшаб юбордим, мендан рози бўлингизлар, сизлардан розиман, тезроқ кета қолай,- деб, сабрсизлик билан дорилбақога боришни Оллоҳдан сўрар эди. 2000 йил 82 ёшида қазо қилди.

Эштурди махсум бобо диёнати, соддалиги, тўғрилиги, имон-этиқодининг мустаҳкамлиги билан машҳур бўлди. Жом қишлоқ аҳли уни энг яхши инсонлар қаторида эслайди. Мулла бобонинг бир ўғли, етти қизи ва набиралари бор. Ўғли Шойимкул Суяров мактаб директори.

Шойматбой. Шойматбойнинг чорбоғи Толли қишлоғи ҳудудида. Шойматбой берган қарзини сўрамаган. Олган қарзини қайтармоқчи бўлган одамдан миқдорини камайтириб беришини сўраган. Масалан, Ашурали бобо Шойматбойдан тўрт пуд буғдой қарз олиб, уни қайтармоқчи бўлган-да, кунингизни кўриб кетдингизми, – деб сўрайди Шойматбой. –Ўзимни ўнглаб олдим, – дейди Ашурали бобо. –Унда қарзингизни ҳар пудидан бир килодан олиб қолиб, тўрт кило ками билан узинг, – дейди. Исломининг бундай ибратли маданиятига бугунги кунда риоя қилинмай кўйилди.

Бойхон бобо XIX аср охири XX аср бошларида яшаган. Унинг Жомда ерлари, боғлари, ҳовли-жойлари бўлган. Бойхон бобо жуда ориятли, элга қайишадиган, мард, танти, сахий инсон бўлиб, қишлоқдошлари, таниш билишлари, дўстлари ва муҳтож кишиларга доимо ёрдам бериб, оғирини енгил қилган. Ўрта булоқ ҳудудида ҳозир ҳам у кишининг номи билан аталадиган бир неча асрлик улкан тут дарахти ўзининг барги ва меваси билан элга хизмат қилиб турибди.

Боймат Ботир. Боймамат (Боймат) бобо Жом элининг ҳақиқий посбонларидан бўлган, ёмонлардан ҳимоя қилган. XIX аср охирларида Шаҳрисабз бегининг йигитлари Жомни талон-тарож қилган. Мол-ҳол, қўлга илинадиган нарсаларни олиб кетган. Ана шу мусодара пайтида Боймамат Жомда бўлмаган. Бир неча

кун ўтгач, у Жомда бўлиб ўтган воқеани эшитиб, тўхтамасдан Шаҳрисабз томон йўл олади. Шаҳрисабз баланд деворлар билан ўралган мустаҳкам шаҳар бўлган. Шаҳарга қандай киришини билмай, Боймаматнинг боши қотади. Шаҳарга девор остидан оқиб кираётган сувга кўзи тушади. Оқшом отини боғлаб сув оқиб кираётган жойдан шаҳарга киради. Ҳамма уйкуда, қоровуллар мудрашмоқда. У билдирмай бекнинг кўрғонига кириб, ухлаб ётган беш-олти ёшлардаги болани олиб, яна ўша сув оқиб чиқадиган туйнукдан ўтиб, Жомга олиб келади. Эрталаб бутун Шаҳрисабзга бекнинг ўғли йўқолганлиги маълум бўлади. Бек арконларини йиғиб шундай дейди: «Бу Боймаматнинг иши, ундан бошқа одамнинг қўлидан келмайди. Жомга боринглар сўраб-суриштириб боланинг дарагини топинглар». Бекнинг одамлари Жомга келиб излаштиради ва болалар билан ўйнаб юрган бек ўғлини танишади, дарҳол бекка хабар беришади. Бек Боймаматни чақиртиради. Боймамат бекнинг олдига боради. «Нима учун бундай қилдинг?»- дейди Бек. Боймамат бекка: Жомдаги воқеалардан хабаринг борми? Йигитларинг Жомни талон-тарож қилган, Жомдан олиб кетилган нарсаларни қайтарсанг, боланг эсон-омон қўлингга тегади,- дейди. Бек ҳамма олиб кетилган нарсаларни, Боймамат эса болани Бекка қайтиради.

Боймамат бобо мардлик билан биргаликда ўта иймонли инсон бўлган. Кунлардан бир кун Жомга эшонлар келган. Боймамат ҳам улар билан бирга ҳуфтон намозини ўқиб, гурунглашган. Меҳмонлар дам олмоқчи бўлгач, уйига жўнайди ва отига миниб, тўғри Қаршининг Қўнғирига боради. У ердаги машҳур бойнинг уйидан бўғчасини олиб қайтади. Тонг отмай Жомга келиб, меҳмонлар олдига ўтади. Яна улар билан бомдод намозини бирга ўқийди. Қўнғирлик бой отнинг изини олиб чошгоҳда келади. Боймамат бу сенинг ишинг, отингнинг изини олиб келдик, дейди. Бирга ўтирган эшонлар Боймаматни оқламоқчи бўлишганда, уларга мени оқламанглар, деб имо-ишора қилади. – Ҳа мен олиб келдим, деб, бўғчани бойнинг олдига қўяди. Бой ҳам мард экан, агар ҳуфтонни ва бомдодни эшонлар билан бирга ўқиб, шу ишни қилган бўлсанг, сеники ҳалол, деб бўғчани олмай ташлаб кетади. Боймамат бобонинг мардлиги эшонларнинг иймони куймасин, деб, уларга мени оқламанглар деган имони қилган.

Уста Аловуддин. Бу сулола вакиллари Жомнинг пири ҳисобланади. Жом ва унинг теварагидаги қишлоқ болаларини ана шу сулола вакиллари суннат қилганлар. Уста Аловуддин XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаган, тиббиётдан яхши хабардор бўлган. Халқ табобати йўли билан касалларни даволаган. Дехқончиликни, дурадгорликни яхши билган, ёғочдан эшик, дераза роми, шкаф, сандал, чўмич, қошиқ ва бошқа кўплаб ашёларни маҳорат билан ясаган. Унинг фарзандлари уста Холиёр, уста Ўрол ва Баҳриддин Аловуддиновлар. Уста Холиёр ота изидан бориб болаларни суннат қилган, табиблик билан шуғулланган.

Зиёт аттор. Зиёт бобо Ибодулла ўғли Жомнинг Гулқишлоғидан. Бу инсоннинг юзидан доимо нур ёғилиб турган. Сахийликда Ҳотамдан қолишмаган. Аттор бобо ўн уч-ўн тўрт ёшидан савдо билан шуғулланган. Самарқанддан Жомга бўёқ ва ҳар хил атторлик буюмларини олиб келиб сотган. Ким нима сўраб келса, берган. Зиёт бобо пул сўраб келганга ҳам, мол сўраб келганга ҳам айтганини бериб, пулинг борми-йўқми демай ҳожатини чиқарган. Насияни ўзи олиб келмагунча сўрамаган. Аттор бобо тўй- маъракаларни ўзлари бошқарган, етмаганини берган, хуллас одамларнинг оғирини енгил қилган. Бу инсоннинг ана шу феъли ўғли ва набираларига ҳам ўтган. Ўғли Ёқуб полвон кўпқари чопди, трактор ҳайдади, тўй маъракаларда оқсоқоллик қилди. Эндиликда Зиёт бобонинг авлодлари ҳам қишлоқ аҳолисининг корига ярамоқда. Санжар полвон элнинг машҳур чавандози бўлса, Ғофур бевосита бобоси касбини содиқлик билан давом эттирмоқда.

Мурод қассоб отаси вафотидан кейин бойларнинг хизматида бўлган, қассоблик билан шуғулланган. Жамоа хўжалигида бригадани бошқариб лалми ерни омов билан ҳайдаб, гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олган. 1944 йил Ўзбекистон радиосининг диктори Ҳамид Ғулом радиодан Каттақўрғон туман Жом қишлоғига қарашли жамоа хўжалигидан Мурод Кенжабой ўғли бошлиқ бригада ғаллакорлари ҳар гектар лалми ердан 30 центнердан ҳосил олиб, давлат режасини ошириб бажарди, деб эълон қилган. Мурод бобо қассобчилик соҳасида машҳур эди.

Жомда кассоблар кўп бўлган, аммо қора мол, туя ва йилқини кўпроқ Мурод кассоб сўйган.

Ўсар ошпаз. Қадимда Жом тўй-маъракаларида асосан қаймоқли ва қуруқ патирилар билан қўй гўшtidан қиёмига етказилиб тайёрланган шўрвалар тортилган. Шўрвани Камол Бўронбой ўғли меъёрига етказар эди. Камол бобо шўрва шопиришдан ширин бўлади, дерди. Катта миқёсдаги тўйларда эса қирларда қатор қилиб қавланган ўчоқларда ўнлаб дошқозонларда паловлар дамланарди. Уларга тонналаб гуруч, шунга мос равишда бошқа масаллиқлар солинган. Бундай паловлар асосан Ўсар бобо томонидан пиширилган. Машҳур раис М.Холбозоров: «Ўсар бобо кўнглини очиб ош дамласа, пахта мойини зигир мойга айлантиради», – деган экан.

Тубли МАХАТОВ (1928-2006). Моҳир чўпонлардан Тубли Махатов ўн уч ёшидан бошлаб 65 йил давомида чўлиқ (чўпон ёрдамчиси), чўпон, бош чўпон ва бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қорақўлчи, 1953 йилда жаҳон қорақўлчиларининг Москва шаҳридаги ВДНХ кўргазмасида иштирок этган. Икки марта Меҳнат қизил байроқ ордени соҳиби (1959, 1978 й.й.).

Вилоят ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган Тошбўри Қиличевнинг таъкидлашича, Тубли чўпоннинг давлатга етиштириб берган қўй-қўзилари сони 20000 дан ортиқ бўлган.

Режаб ДАГАРОВ. Машҳур чўпонлардан Режаб Дагаров 40 йилдан зиёд қўй боқиб, ҳар 100 бош қўйдан 160-170 тадан қўзи олган. Хизматлари учун 1972 йилда Ленин ордени билан мукофотланган.

Ҳайдар Ўсар ўғли. Ҳайдар бобо сахий одам бўлган. У Мавлонаи Жом ота қабристони атрофининг 300 метрини ўз маблағи ҳисобидан тош девор билан ўратиб савоб ишга қўл урган. Масжидга 28 та жун гилам инъом этган. Ҳайдар бобо муҳтож оилалардан ёрдами аямаган. Бир неча қишлоқдошларнинг иқтисодий тикланишига ёрдам бериб, эл оғзига тушган. У қийналиб қолган оғайниларига 40-50 бош қўй бериб, 3-4 йил боқиб қўйнинг қўзисини ол, кейин қўйнинг ўзини қайтарасан, дер экан. Натижада ёрдам олган инсон ўзини тиклаб 100-150 қўйли

бўлган. Бир куни иброҳимоталик бир фермер Ҳайдар бобонинг ўғли Садинниқига кидириб келади. Бу фермер иқтисодий ночор аҳволда бўлиб, экиш учун уруғга муҳтож эди. Буни билган Ҳайдар бобо ўғли Садинга: «Дўстинга 5 тонна экиш учун буғдой бер, ҳосил пишгандан кейин ғаллангни қайтаради, аммо бир килограмм ҳам зиёд олмайсан», деган.

ЧАВАНДОЗЛАР

Мулла Холикул қози, мулла Холикул, Абдушукур мерган, Пирназар, Рўзикул, Холикул бир тортар, Ортиқ бўз, Зулхон, Ғўдол, Боймурод, Жўракул, Алимбой Ортиқбой ўғли, Ҳайдар табиб, Худоёр Барот ўғли, Нормамат Бойбўри ўғли, Эшмирза Омонтурди ўғли, Нишон мулла Тошпўлат ўғли, Сурман оксокол, Пардабой кал, Сурман Жуман ўғли, мулла Эрмон Ёркул ўғли, Бободўст Манзар ўғли, Қўчқор Тоҳир ўғли, Абдусалом Турсункул ўғли, мулла Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф қарвон ўғли, Ёқуб Зиёт ўғли, Санжар Ёқуб ўғли, Неъматуллоҳ Маҳмаюсуф қарвон ўғли, Олим Неъмат ўғли, Зулхон Қувон ўғли, Оллоҳёр Маҳмарасул ўғли, Али Элмирза ўғли, Нурали Шерқул ўғли.

Қўпқарилар Орқабой Шералиев, мулла Раҳматуллоҳ Маҳмаюсупов, Хурсан Ашуров, Зулхон Жапасов, Раҳмон Маҳмудов, Оллоҳёр Йўлдошевлар томонидан моҳирлик билан бошқарилган.

МУЛЛА ХОЛИҚУЛ ПОЛВОН

Муҳаммади қарвон мулла Оллоҳмурод ўғли ҳикояси: Таромиш қишлоғининг йирик бойларидан Хўжматбойнинг Тожибой, Маҳмадўст, Оладўст, Бободўст ва Омонбой исмли ўғиллари бўлган. 1895 йилда туғилган мулла Холикул полвоннинг Бобополвон, Ортиқ эшон исмли укалари бор эди. Уларнинг Бегимкул исмли хизматкорлари бўлган. Бегимкул Омонбойнинг ўғиллари Бобополвон ва Ортиқ эшонлар билан курашиб уларни йиқитар экан. Бўйинсалари Бегимкулга полвон билан кураш тушасизми, деганда, қўп лозим кўрса майли, деганини эшитган Холикул полвон, мен сенга Бобополвон ёки Ортиқ эшонманми, деб хизматкорнинг билакларидан ушлаб ҳовузнинг ўртасига отиб юборган. Бегимкулнинг қўллари бир ойлар чамаси оғриб юрган.

Мулла Холикул полвон кўпкари чопиб бир марта ҳам тирноғи қонамаган, салласининг ўрами бузулмаган, устидаги шойи тўни кир бўлмаган.

Мулла Холикул полвон Жўра махсумнинг Қора қашқасини миниб жўнаганда, одамлар кўпкарини қўйиб, полвоннинг орқасидан эргашиб уни томоша қилишаркан. У кишининг жасади, чиройи ва кийинишига ҳамма маҳлиё бўларкан.

Мулла Холикул полвон шерикларига улоқ томонимга ўзим ҳушёрман, сизлар улоқсиз томонимга қаранглар, деркан. Муҳаммади карвоннинг айтишича, чопиб бораётган отнинг тиззасига қамчи тегса, қумрон учар экан.

Мулла Холикул полвон 16 ёшида улоқ чопишни бошлаган, 40 ёшида кўпкари чопишни ташлаган. Сабаби 40 ёшида улоқ оғирлигини сезган ва энди биров улоқни тортса, олиб қўяр эканда, деб кўпкари чопишни тўхтатган. Мулла Холикулнинг тақимидан улоқни умрида бир марта бўлсин, биров тортиб ололмаган.

Нурум бобо Азизбой ўғли ҳикояси: Мулла Холикул полвон 16 ёшида бир тўйда 3 марта улоқ ташлагач номи чиқа бошлайди.

Торжилға, яъни Бешчашмада Ҳушвақт мискарнинг тўйидан бир аср кейин бир катта йиғин бўлади. Тўйнинг биринчи куни Худоёр полвоннинг оёғи синиб, қора уйнинг чонғароғига солиниб Жомга жўнатиб юборилади. Нишонбой полвоннинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Бир улоқ ёмғир ўйиб кетган тор, чуқур жарликка тушади. Мулла Холикул полвон шу жар ичига Ўсарбойнинг Бўзини киритиб, улоқни олиб, юганни кўтариб, овоз беради. Шунда Бўз жардан сакраб чикиб, бир чўккалаб жўнаб кетади.

Ўн бир даҳа қипчоксарой бойлари кўра қилинг, чордон қилинг, деб шовкин-сурон солишади. Мулла Холикул полвон Бўзнинг бошидан жуганини шипириб олиб овоз беради. Шунда отнинг бўйнига икки томондан икки полвон ёпишади. Лекин чорасиз қолишади. Мулла Холикул полвон тўйда куни билан тақим қилиб полвонларнинг олди бўлади.

Мулла Холикул полвоннинг овозасини эшитган Ғузор беги одам юбориб уни чақиртиради. Биринчи куни меҳмонхонанинг пойгасида ўтирган ёш Холикулни бошқа полвонлар назар

килишмайди. Унга улоқдан чиқиб қолган бир бўз оқ отни беришади. Кўпқарига ҳайдаса улоққа бормади, илож йўқ. Шунда мулла Холиқул полвон атрофга қараса, деҳқоннинг ёзда кўчиб чиқадиган чайласи турибди. Полвон ҳожатга чиққан киши бўлиб, четга ўтиб отни шу чайлага киритади, устидан анжомларини олиб, чиргилигига қамчи билан ура бошлайди. Қамчини қаттиқ овозда хув-хув-хув деб уради. Шундан сўнг эгарни отга босиб кўпқарига боради. Полвон хув, деганда от чортоқнинг тагига бориб биринчи сафда туради. Улоқ олдига тушади, хув, дейди ҳалол бўлади. Шу куни 11 марта улоқ ташлайди. Кечга, меҳмонхонанинг тўрида ўтиради.

Ёш мулла Холиқул полвоннинг ўйлаб топган отни қамчилаш тадбирига қойил қолинг.

Ҳушрав арабларида тўй. Арабларнинг энг забардаст полвони Абдирахим қоҳмада улоқни ушласин, деб, манмансираб мулла Холиқул полвоннинг оти ёнига тикилиб келади. Мулла Холиқул полвон бунга парво қилмайди, иккинчисида ҳам индамайди, учинчисида Абдирахимнинг бутуни чайла қилиб улоғини тортиб олади ва манг, деб ўзига улоқни қайтариб узатади. Ёш Холиқул полвоннинг кучига ва тантилигига тан берган араб полвони, шу тўйдан сўнг орияти зўрлигидан кўпқари чопишни қўяди. Ана мардлик, ана инсон орияти.

Муҳаммади карвон мулла Оллоҳмурод ўғли ҳикояси: Бахмал туманидаги Галақудуқ қишлоғида Ўразматбой, унинг акаси Очил қассоб ва укаси Соатбой яшашган. Улар сарой уруғидан. Туманда бу уруғ озчилик бўлган. Ўразматбой тўй қиладиган бўлгач, маслаҳатлашиб сарой оғайниларни тўйга таклиф қилишга келишадилар.

Чаққон ҳожи бойга, мулла Холиқул қозига, Ўсарбойга сарой бўлсаларинг саройликларингни, оғайни бўлсаларинг оғайнигарчилигингни кўрсатиб кетинглар деб, нома йўллашади.

Жомда катта-кичик маслаҳатлашиб, чўнқаймишлик кўнғирот уруғидан Зулхон полвонни олиб бормоқчи бўлади. Зулхон кучли ва ўта олғир полвон бўлиб, қоп-қора одам бўлган. Мулла Холиқул полвон «Лўли» керак эмас, улоқ бўлса ўзимиз эплармиз деб, Санчиқулдан Эргаш полвонни ва Издан Эрқа саман лақабли отни олиб кетган.

Ўразматбой ёғочдан чортоқ ясадиб уч кун тўй берган. Биринчи куни кўпкарини чопиб, кўноқ жойида дам олиб ётган мулла Холикул полвонга, Ўсарбой зот олиб бериб мени бой қиласанми, Зулфон қозининг полвонини йиқитиб берасан, дейди. Зулфон Булунгурнинг қозиси бўлган. Мулла Холикул полвон оти отингиздан, полвони полвонингиздан зиёд, уни йиқитиб бўладими, деганда, Ўсарбой Алҳамду валазолин (худо ҳоҳласа, кўз очиб юмгунча) деган.

Иккинчи куни кўпкарида чортоқдан улоқ ташланган. Холикул полвон Зулфон қозининг полвони Саттор билан улоқни беркитиб тўдадан ташқарига олиб чиқади. Мулла Холикул полвон Бўзнинг жilовини билагига солиб тортиб, улоқни беркитади, шунда Бўзнинг тўрт оёғи ерни омоч билан хайдагандек ёриб боради. Мулла Холикул полвон Бўзнинг жilовини юқорига кўтариши билан Саттор полвон отнинг тагига йиқилиб тушади, отининг эгар, жабдуқлари тўзиб қолади. Шунда чортоқнинг устида турган Зулфон қози шошиб қолганидан, бу қандай аҳмоқ, зотини берманглар, деб юборган.

Буни эшитган Ўсарбой белидан чаночи (тилла тангаларни солиб белга боғланадиган чармдан тикилган тасма белбоғ халта)ни ечиб, унинг икки учидан ушлаб, юқорига кўтариб, тиллаларни шақирлатиб, ҳой бегимой эгар билан пуштонни олиб келинг, полвоннинг зоти буёқда, деб кичкирган. Буни кўрган сон-саноксиз элу халқ Зулфон қози мот бўлди, полвон зотини олсин деб, олқишлашган. Сон-саноксиз сонда бор одамлар зот узатишган. Солимга кўшимча равишда тўй эгаси Ўразмат бой билан Жомлик Жўлтой Бердиевнинг бобоси Мелибойсори бир сиқимдан Бухоро олтин тангасини ҳадя этишган.

Тўйнинг учинчи куни ташланган бир улоқни ўнг томонига, иккинчи улоқни чап томонига олиб, ёғочдан ясалган чортоқнинг тагидан ўтиб ҳалоллаган мулла Холикул полвон билан Ўсарбойнинг Бўзига қойил бўлмаган одам қолмаган.

Мулла Холикул полвон донғи кетган бир вақтда Бухоро амири Олимхон уни чақиртириб олиб отларини чоптиради. Олимхоннинг Катта кўк ва Кичик кўк лақабли отлари бўлган. Кичик кўкни миниб, улоқни олиб турган полвонни кўриб, нега жilовни тортасан, деган амир Олимхонга мулла Холикул полвон – от

ўлади,- деб жавоб берган. Амир – ҳайда отим озми? -деганда, полвон жиловини қўйиб улоқни чиқариб ташлаши билан Кичик кўк ўлади. Мулла Холиқул полвоннинг фаросати, зийраклигига қаранг, улоқни тортиб турган пайтида отни ҳайдаса, Кичик кўкнинг ичаги ўзилиб кетишини олдиндан сезган.

Бир куни Ўсарбой Бўзни миниб мулла Холиқулни ахтариб Бухорои шарифга боради. Мулла Холиқул полвон амирга – бизнинг бобомиз келди, у кишининг отини элимизда чопар эдим,- деса, – Олимхон бобони хурсанд қилинг, – дебди. Бўз отмисан-от бўлган, мулла Холиқулнинг ўрганган тулпори эди. Алҳамду валазолин деганича, улоқни ташлаган мулла Холиқул полвонни амир чакиртириб, – бобонгизга айтинг отини бизга сотсин, – деб қолади.

Мулла Холиқул полвон бу гапни бойга айтганда, ҳой бегимой (бу Ўсарбойнинг гап бошлашидан олдин айтадиган биринчи ибораси бўлган) чой пули қиламизми, пулинг камайдими, деган экан. Аммо кўп қистовлардан сўнг, сотсак-сотайлик, деган. Амирнинг вазирлари йиғилиб 200 чори қўй нархи белгилашса, жониворнинг энди ширинкомаси, бўлди-да деган экан Ўсарбой. Шунда амир Олимхон: – бобо отини яхши кўраркан, – деб тинч қўйган экан.

Ўсарбойнинг бир қизи Таромишдаги Назарбойга тушади. Бўзнинг бир байтал боласини қизига мол боши қилиб беради. Уни қатоғон йиллари Назарбой жамоа хўжалигига аъзолик бадали учун топширади. Байталдан Қора қашқа кулун туғилиб от бўлади. Уни Тўқсонов Сафар бобо аравага қўшади. Сафар бобо Қашқадарёнинг Гулистон номли жамоа хўжалигига тўйга бориб Хушвакт Сафар полвонга отни кўпқари чопишга беради. Полвон бу Қора қашқа билан уч марта улоқ ташлайди. Шундан кейин жамоа хўжалиги раиси Т.Одиоров отни кўпқари чопиш учун боқишга боғлатади. 1957 йилгача бу от кўпқариларда чопилади. Хўжалиқдаги кўп одамларнинг рўзгорини шу Қора қашқа Ўсарбой Бўзининг набираси боқади.

Муҳаммади карвон мулла Оллоҳмурод ўғли хикояси: Ғоровлида тўй. Тўйда Жомнинг оти арпа еб, Чийитнинг оти жўхори еганми, деган кесатиқ гапни эшитган Алов полвон улоқни Оқчованнинг газасидан ошириб ташлаб келди.Тўй тарқагандан

сўнг тоғма – тоғ оралаб мулла Умир ҳокимнинг сайилига келдик. Мулла Умир Самарқандга ҳоким бўлгач, ҳар йили бир марта ҳафта давомида Анжирлида вилоят халқига сайил қилиб берарди. Бу йиғин мулла Умирнинг сайили номи билан машхур эди. Шу тўй думбурида мулла Холикул полвон билан Ўсарбойнинг ораси бузилиб, полвон Бўзни минмай юрганди. Бироқ Ўсарбойнинг ўғли Йўлдошбойда йирик кўк от бўлиб, мулла Холикул полвон отидан тушиб, шу кўк отни сўраб олди. Сабаби дашт отларидан, Чархин каби сувли ерларнинг отлари йирик бўлиб, мўйлови қулоғининг орқасига ўтиб кетган арабларнинг отларига Йўлдошбойнинг кўкидан бошқа от тенг кела олмасди.

Тўйдан кейин одамлар полвон бой билан муносабатларингиз яхши эмасди, отини тилаб олдингиз, – деганда, мулла Холикул полвон: – Сизлар нимани биласизлар, Жомнинг у ёғидагилар ҳам, бу ёғидагилар ҳам, бой билан мени «жом»лик, яъни бир одам дейишади. Ичкаридаги гап-сўзлар амал эмас, – деб жавоб берди. Нақадар ибратли жавоб.

Маҳмудхон эшон Муҳаммадхон эшон ўғли ҳикояси: Шўркудукда тўй. Жума полвон доимо улоқни туйиб чопар экан. Холикул човандознинг майдонга тушганини кўрган ҳалойиқ Жума жириққа улоқни полвонга беришга даъват этишган. Шунда Жума жириқ, улоқни отам тирилиб келса ҳам бермайман, – деб хитоб қилган. Бунни эшитган Холикул полвон улоқни Жума жириқнинг узангиси билан қўшиб ушлаб, қизил эгарнинг қоптоли билан бирга суғириб олади. Ўзидан ўтганини ўзи билган Жума полвон, – ҳой ҳалойиқ, улоқни сизлар айтганингизда берсам яхшимиди ёки энди томоша қизиқ бўлдим. Холикул полвондай билаги зўрни ҳали онаси туғмаган, – деган экан. Холикул полвон улоқни тортиб турса, рақиб чавандознинг ҳар қандай кучли оти олдинги оёқларини кўтариб ерга уриб турган, бироқ бир қадам ҳам олға силжий олмаган.

Мулла Раҳматуллоҳ ҳожи Маҳмаюсуф карвон ўғли маълумоти: 1957 йил Жомдаги жамоа хўжалиги тугатилиб, Улус давлат хўжалигининг 2-бўлимига айлантирилди. Бу даврда отлар кераксиз, аҳамиятсиз бўлиб қолди. Улус хўжалиги директори Армнинг топшириғи билан Жомдаги отлар йиғилиб, Самарқанд гўшт комбинатига топшириб юборилди.

Бу даврда Қашқадарёнинг Мирзатўпида ветеринар врач бўлиб ишлаган Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф ўғлидан Жомда отларнинг, жумладан, Бўзнинг, Қора қашқанинг гўштга топшириб юборилганини эшитган 60 ёшлик Раҳмат полвон бобонинг овсар ясаётган болғаси қўлидан тушиб кетиб оҳ уриб, оҳ Раҳматжон ёмон кунларда, уруш йилларида рўзгорим шу отлар туфайли обод бўлган, ўзим эса полвон деган обрў орттирганман, Аширов билан Одировнинг одамгарчилиги йўқ экан. Отлар ўлса мен беҳабар қолмайин, – деб тайинлаган эдим. Улар менга ҳабар қилишмабди. Отларнинг ўзини олиб келардим, агар иложи бўлмаса калласини олиб келиб, билганимдай қўмган бўлардим деб, салласи, соқоли ҳўл бўлиб, ўзини тута олмасдан, ҳўнг-ҳўнг йиғлаган. Раҳматуллоҳ Маҳмаюсуф ўғли ҳам полвонга қўшилиб йиғлаган.

АБДУШУКУР ПОЛВОН

Абдушукур полвоннинг мулла Раҳматиллоҳ Маҳмаюсуф қарвон ўғлига айтганлари:

Мулла Холикул полвоннинг шогирди Абдушукур кўпқарида донг таратган полвон бўлган. Ҳозиргача Самарқанд билан Қашқадарё вилоятларида Оллоҳ мулла Холикул полвоннинг бахтига Ўсарбойнинг Бўзини яратган бўлса, Абдушукур полвоннинг толеига Холбозоров (Жом)нинг Бўзини яратган, деган гаплар юради. Абдушукур полвон Бўздан ташқари Оқбурун, Чўлоқ, Шафак, Жайрон, Бастон лақабли отларни ҳам кўпқариларда чопган.

1953 йилда Ё.Садинов раис, Худоёр полвон, Ниёз Раҳмонов, Бўз билан Оқбуруннинг сайиси Умир Улуғовлар биргаликда Каттакўрғон туманидаги тўйга бордик. У даврларда улоқ тирик берилмасди, сўйилиб чортоқдан ташлаб юбориларди. Туман бўйича ўн иккита серка сўйилиб чортоқдан майда, деб ташланди. Уларнинг саккизтасини Бўз билан мен олдим, тўрттасини Қора қашқа (Чўлоқ) билан Худоёр полвон олди. Каттакўрғон тумани бўйича бошқа чавандозлар бирорта улоқ олишолмади.

Тўй тарқагач, Каттакўрғондаги саройга келдик. Ё.Садинов полвон қариндошларнинг яна иккита тўйи бор экан, кўпқарисини чопиб кетасизлар, – деди.

Шаҳарлик оғайнилар меҳмонга айтишган эди. Умир қариндошларнинг лаълисидан безорман, – деганимдан сўнг, сиз ётаверинг, ўзим бориб келаман деди. Кечаси бир маҳал махсимдан ушлаб биров тортди, қарасам Умир турибди. Жойимдан туриб борсам, отларнинг думлари тугилган, жил (жобув)лари қайтарилган, юганлари якка жилов қилиб тортиб эгарга боғланган. Бу синоатни кўриб мен ҳам хушёр тортдим. Шу туришда Улусга келдик. Бир машина Жомга жўнаётган экан. Мен машинада уйга кетдим. Умир отлардан бирини миниб иккинчисини етаклаб олди.

Уйга келсам, Маҳматқаримбой билан Турсунбой Назаровлар мени излаб юришган экан. Умир отларни етаклаб келди. Чиялга Тайлоқ Рўзиникига тўйга кетдик. Эрталаб туриб қарасак, бутун атроф от-улов билан тўлган. Очiq ер кўринмайди. Шўро замони бошлангандан бери бундай йиғин бўлмаган. Ундан олдин Хушвақт мискарнинг тўйида шундай йиғин бўлган бўлса, ажаб эмас.

Нима бўлар экан, деб ўйланиб кўпқари жойга бораётганимда, бир эски девор олдида, яхши жийрон отли Чем полвони Раҳматни кўриб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, йиғинни кўрсатиб, Раҳмат қандай бўлади, дедим. Шунда Раҳмат, – билмайман полвон ака, чеккан носимни туфляпманми, ютаяпманми ҳеч англамаяпман, – деб жавоб берди. – Қўйсангчи Раҳмат, полвон деган номинг бор, одам ҳам шундай бўладими, шу от миниб юрганларнинг онаси атала ичган бўлса, сен билан менинг онам ҳам атала ичгандир, – деб далда бердим.

Кўпқари бошланди. 20 сўм пул бир серка айтилди. Бир вақт Раҳматнинг товуши чиқди. Йиғин шунчалик каттаки, қаерда нима бўлаётганлигини билиб бўлмайди. Раҳмат полвон энди улоқни оёқнинг бетига олиб чиққан эди, бир четқир олиб ўтиб кетди. Шундан яна Раҳмат кўринмади. Мен Оқбурун билан 20 сўм пул бир серка ва 30 сўм пул бир қўчқорга икки марта ташладим. Бўзни миниб улоқни 50 сўм пул бир ҳўкизга ташладим. Бунни кўзи бор одамнинг бари кўрди.

Бутун йиғилган эл Жомнинг Бўзи билан Абдушукур полвон 50 сўм пул билан бир ҳўкизни ҳалоллади, – деб ҳайқирди.

Бўз билан иккимиз бир-биримизни тушунар эдик. Улоқни тўдадан чиқариб ташлагандан сўнг, Бўзнинг жиловини бўшатиб қўйсам, ўйнаб-ўйнаб осмонга қараб бир кишнаб қўяр эди.

Умир бобо Улугов ҳикояси: Уймовутнинг раиси Мирзо қоранинг тўйи. Уймовутнинг Қораси номли жуда яхши от бўлиб, уни чийитлик Қўзибой полвон чопарди. Кўпқари чопилаверсин. Қўзибой полвоннинг остида Уймовутнинг Қораси, Абдушукур полвоннинг остида Жомнинг Бўзи. Икки номдор полвонлар улоқни қўштаким қилиб чиқишди. Абдушукур полвон Бўзнинг жиловини билагига солиб тортганда, отнинг тўрт оёғи бир жойда бўлди. Мен ўзимча, – отнинг жиловини қўйса, Уймовутнинг оти қатори кетмайдими, – деб аччиқландим.

Абдушукур полвон Бўзнинг юганини баланд кўтарганда Қўзибой полвон тап этиб отнинг тагига тушди. Уймовут қорасининг эгар, пуштони судралиб қолди.

Кўпқари тарқаб Умакайга келиб Худойназар бобоникида дам олдик. Шунда Абдушукур полвон: – Умир бизлар ҳам ўртамиён одаммизда, Бўзга ичинг ачидими, – деди. – Ачимаса, жиловни қўйиб юборсангиз шу от қатори кетардику, – дедим.

Умир эгарнинг тирноғини жаҳалдириқдан чиқариб қўйдим, шуни билдингми, – деди Абдишукур полвон.

Эси кетган одамнинг устидан муздай сув қуйгандек хаёлим жойига келди. Ўйлаб кўрсам, эгарнинг тирноғини жаҳалдириқдан чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

Мулла Раҳматиллох Маҳмаюсуф қарвон ўғли ҳикояси:

1943 йил ёмғир бир ёғиб, бир очилиб турган хушхаво баҳор фаслида Тўқсон Сафар бобоникида тўй. Чемнинг 40 отлик чавандозлари Ўрол Равшановникида, Чирокчи Қизил қўшчисининг 17 отлик чавандозлари Маҳмаюсуф қарвонникида қўниқда. Бу даврда жомлик раислар Чемнинг раиси Норбўта Шаропов билан яқин ҳамкорликда ишлаган. Шунинг учун Чемдан 40 отлик чавандозлар тўйга келишганди. Буни эътиборга олган Абдушукур полвон ярим кечада Маҳмаюсуф қарвонникига келиб, Сафар полвон Хушвақтовни чақирди. Сафар полвон: – Шу маҳалда юриш сизга нима зарур, – деди. Шунда Абдушукур полвон: – Сафар зарур бўлмаса келармидим, меҳмонлардан ҳабар олишимиз керак, деди ва иккаласи бир отга мингашиб Ўрол Равшановникига

боришди. Абдушукур полвон Чемнинг от фермаси мудири Соли калга полвонлар билан танишайлик, деди. Соли кал полвонларнинг дам олишаётганлигини айтиб, эртага танишаверасизлар, – деди. Анча йўл босиб келган Абдушукур полвонга бу муносабат жуда оғир ботган ва эртаси кўпқарида Чемнинг 40 отлиқ чавандозларига битта ҳам улоқ олдирмай, ўзи олган. Кечаси бўлган воқеадан беҳабар М.Холбозоров Сафар полвонга: – Бугун Абдушукур полвонга нима бўлган, меҳмонни ҳам билмайди?, – деганда, Сафар полвон: – Билмасам Раис, – деб жавоб берган. Шунда М.Холбозоров: – Ёлгон гапирманг, сиз бу ишларнинг мактабини беш баҳога битиргансиз, – дейди.

Тўксон Сафар бобо тўйининг кўпқариси Мавлонаи Жом ота кабристонининг шимолидаги сойликда бўлди. Мухаммади Бахриев катта йўлнинг қибла томонига ўтиб, камчи дастаси билан кизил белбоғ (жалов)ни кўтариб турди. Отқамар томондан пойга бошланди. Улоқ Абдушукур полвоннинг тақимида, Бўзнинг тўрт оёғи бир жойда бўлиб, чопганга эмас, балки худди рақсга тушаётгандек, каллаларини силкитиб маком билан келаяпти, унинг орқасида 300 дан ортиқ отлиқ чавандозлар чопиб келишаяпти. Абдушукур полвон улоқни ҳалоллаб ташлади.

Бердимурод Равшанов ҳикояси: Мен раҳбар бўлиб қишлоқнинг қарияларини Қорадарё туманининг Пайшанба ҳудудига пахтага олиб бордим. Қайси кўз билан кўрайки, боболар салласи қийшиқ, сақоли таровсиз, тугмаси қадовсиз пахта даласига чиқаверишади. Абдушукур полвон эса ойнага қараб, соқолини тараб, уст-бошини тўғрилаб, сўнгра кўчага чиқар эди. Жуда ҳам ақлли ва маданиятли инсон эди.

Неъмат полвон Азим ўғли ҳикояси: 1948 йил Орқабой Шералиевнинг тўйи, ер қалин қор билан қопланган. Абдушукур полвон Бўзнинг, Худоёр полвон Тарлоннинг устида. Иккаласининг елкасида кебанак, қохмада улоқ чопилмоқда. Қайси кўз билан кўрсин, Қорагазанинг Жийрони билан Илёс полвон бир улоқни тақимлаб, уларнинг олдиларидан менсимагандек олиб ўтди. Шунда Абдушукур полвон елкасидаги кебанagini улоқтириб ташлаб Илёс полвоннинг улоғини отнинг узанги боғи билан кўшиб ушлаб, эгарнинг қоптоли (ён томони)ни суғуриб

олиб, одамларга кўрсатиб, Бўзни ўйнатиб, кишнатиб кетганига кўпқарига борганлар гувоҳ бўлди.

Илёс полвоннинг уч марта олиб чиқаётган улоғини Абдушукур полвон тортиб олиб қўйгач, эсанкираб қолган Илёс полвон: – Чопинма-чопинма, – деди. Шунда Абдушукур полвон: Э хўжа бача, мен сени гунг десам, тилинг бор эканку, ана энди улоғингни чопавер, – деб йўл берган эди.

Бўзнинг даври ўтиб гўштга топширилгандан сўнг, Шаҳрисабзнинг Мустам номли қора отини Қалкомада кўпқарига чопиб, оти йиқилиб, кўзи шикастланган Абдушукур полвон афсус чекиб: – Холбозоровдай раисим қани, Умирдай сайисим қани, Бўз отим қани, – деган эди.

Абдушукур полвон: – Одамлар таърифини келтириб мактаб юрган Шаҳрисабзнинг қора Мустамида Бўзнинг бир оёғининг кучи йўқ эди. Мен тагимда Бўз бор деган ҳаёл билан панд едим, – деган экан.

Нишон полвон мулла Тошпўлат ўғли. Нишон чавандоз бўйлари баланд, елкалари кенг, ҳар бир қўли белкурак катталигидай эди. Нишон бобонинг бизга айтиб беришича, унга отаси кўпқарида кийиладиган махсус этик тиктириб унинг остига темир қоплатиб берган. Толлилик Пирназар полвон билан яқин дўст бўлиб, улар доимо ҳамкорликда улоқ чопишган. Отларини полвонга чоптирган Обрўй карвоннинг маълумотига кўра, Нишон чавандоз шунчалик кучли бўлган-ки, аччиғи келса, улоқни бошқа полвон отининг узангиси, эгарининг қоптоли билан юлиб олиб кўяр экан.

Пардабой полвон ёки Пардабой кал. Пардабой полвон ҳар қандай зўр кўпқарида ҳам 4-5 марта улоқни олиб чиққан. Ғаллаорол ва Бахмалдаги кўпқариларда унинг маҳоратига қойил қолган, томошабинлар унга «Тери-кал» деб лақаб қўйганлар. Боиси бошига чармдан тикилган телпак кийиб кўпқари чопган.

Санжар полвон Ёқуб ўғли. Санжар полвон ўн тўрт-ўн беш ёшларидан кўпқарига кириб улоқ чопди. У биринчи марта «Тентак» лақабли отда чопди. Бу от Санжардан бошқа биронта одамни олдиға яқинлаштирмас эди. Санжар полвон 1993 йилдан катта кўпқарига кириб Тожикистон, Туркменистон, Сурхондарё,

Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ва Жиззахнинг тўйларида номдор полвонлар билан улоқ тортишди. Санжар восходлик Ҳасан раиснинг оти билан Нуробод туман Ўртабўз қишлоғидан Омонтурди ҳожининг тўйида 18 марта улоқни ҳалоллаб чиқиб, той, туя, тилла олди. Жиззах вилояти тўйида Раҳмон Думнинг Кўки билан видеомажмуа, той, ҳўкиз каби совринларга чикди ва яна 6-7 марта солим қилди. Тожикистоннинг Окмачит қишлоғидаги тўйда сурхондарёлик Омон раиснинг «Уваз» ва «Ракета» лақабли отлари билан 7-8 марта солим қилди. Туркменистондаги тўйда кўпқари шунчалик кучли бўлдики, Санжар полвон Ғузорлик Рўзикул Раҳимовнинг СНТ лақабли оти билан 5-6 марта улоқни олиб чикди. Ўша кўпқарида СНТ лақабли қимматбаҳо от тўданинг ичида улоқ билан бирга йиқилиб ўлган. Сурхондарёдаги тўйларда Шоберди бахшининг Танка лақабли оти билан бош совринларни олган. Қашқадарёдаги тўйларда кўпроқ яккабўғлик Ўроқхон эшон бобонинг Чагир лақабли отида чопган. 1996 йил косонлик Бекмурод Умаровнинг тўйида кўпқари шу қадар зўр бўлганки, улоқ чавандози йиқилиб тушиб қолган Мария лақабли бияда кетар эди. Ҳамма полвонлар улоқни олишга уриниб лекин ололмаганлар. Шунда Санжар отдан отга сакраб Мариянинг устига миниб олади ва пойга улоғини ҳалоллаб ташлайди. Санжар полвон Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари тўйларида Раҳмон дўмнинг Камила лақабли бияси ва Шолпор лақабли отларини минарди. Айниқса, Камила билан ҳар тўйда бош совринни олар эди. 2009 йилнинг 21 март куни Самарқанд вилоятининг Чўпонота массивида бўлган Наврўз байрами кўпқарисида иккала бош совринларини ҳам Камила олиб чикди. Чироқчилик Мурод раиснинг Римба лақабли оти билан туя, той, ҳўкиз, тилла ва бошқа кўплаб солимларни олган. Шаҳрисабзлик Ўктам полвоннинг тўйида Ғузорлик Саид мудирнинг Танка лақабли оти билан 2 та машина – Уазик, Пазик автобуси ва кийик соврин олган.

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тожикистон ва Туркменистон тўйларида 7-8 вилоят ва бошқа республикаларнинг энг зўр полвонлари улоқ чопади. Кўпқари жуда зўр бўлади. Қашқадарёлик Жамол полвон, Файзулла, Алишер, Сайфи, Суннат, Шамси полвонлар, деҳқонободлик машхур Бобак (Баходир) полвон, Туркменистондан Холмат, Мурод полвонлар,

Тожикистондан Дониёр, Абдузоир полвонлар, сурхондарёлик Чори, Юсуф, Ғайрат, Панжи ва Неъмат полвонлар, жиззахлик Шертой, Муродулла полвонлар кўпкарининг зўрларидир. Санжар полвон ана шу зўрлар ичида зўрлардан бири. У ҳар қандай кўпкарида 7- 8 марта улоқ ташлайди.

2006 йил Санжар полвон элга 15 кун тўй берди. Тўйга бойсунлик машхур бахши Шоберди Болтаев келиб хизмат қилди.

Шоберди Бахши шундай деди: – «Санжардай полвонни тарбиялаб, оқ ювиб-оқ тараб вояга етказганлари учун Жом халқига балли, Санжар кўпкарида мисоли Алпомиш, улоқни олгандан кейин уни тўхтатиб бўлмайди». Шоберди бахши ҳақ. Унинг устозлари отаси Ёқуб полвон ва чироқчилик машхур Жамол полвонлардир.

Зулхон полвон ЖАПАСОВ 1967 йилда туғилган. Жомнинг ёш ва таниқли улоқчи йигитларидан бири. Чапдаст чавандоз. Асли касби ўқитувчи. Жиззах педагогика институтининг меҳнат таълими факультетида ўқиган. Ҳозир Жом маҳалласидаги 23-ўрта мактабида ёшларга меҳнат таълимидан сабоқ беради.

Зулхон полвон ота-боболаримиздан қолган урф-одат, удумни, яъни от миниб, улоқ чопиш анъанасини давом эттириб келаётганлардан. Ғирромликни билмайди. Улоқни тақимлаб чопади. Сўнгги йилларда унинг яна бир фазилати, қобилияти намоён бўлмоқда. Баковуллиги, солим, совринларни эълон қилиши. Шунини айтиш керакки, ҳар ким ҳам ўша шиддатли кўпкарида от ўйнатиб даврани бошқара олмайди. Бу ишни юрагида ўти, кўкрагида ёли бор йигитлар бажаради. Зулхон полвон Жапасов шундай йигитлардан.

*Улоқни йигитнинг зўри чопади,
Чавандозни асл отлар топади,
Азобин, роҳатин бирдай тотади,
Холиқул полвондай ҳайқариб чопгин.*

*Сурдовда танимас бола отани,
Кўпкари кечирмас бўшлиқ, хатони,
Кўзига кўринмас жони ва тани,
Абдушуқур полвондай тик туриб чопгин.*

*Отда ва йигитда син бўлмас, деган,
Ҳикмат боқий экан, ҳикмат ҳақ экан,
Кимки ишонмаса, роса панд еган,
Кўчқор полвон каби ўкириб чопгин.*

*Тушимизга кирар Оқ бўз, Загонлар,
Афсус ҳушимизда фақат армонлар,
Улар бордир, балки йўқдир полвонлар,
Зулхон полвон каби ҳалоллаб чопгин.*

*Кўпкари энг қадим, энг ҳалол ўйин,
Кўпкари безаган ўзбекнинг тўйин,
Ойлаб тарк этишар полвонлар уйин.
Юртим-тўйлар юрти, полвонлар юрти.*

Сафар Турсун

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

1985 йилда нашр этилган Алпомиш достонида ёзилишича, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий, деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий, ундан Бойбўри билан Бойсари туғилди. Шоҳимардон пири Бойбўрининг ўғлининг отини Ҳакимбек, қизининг отини Қалдирғоч ойим қўйди. Бойсари қизининг отини ой Барчин қўйди. Ҳакимбекка ой Барчинни бешкирти қилиб, пир жўнаб кетди.

Ҳакимбек етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон бирич (бронза)дан бўлган парли ёйни қўлига олиб кўтариб тортди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди. Шунда халойиқ йиғилиб «Дунёдан бир кам тўксон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин» дейишди. Шундай қилиб Ҳакимбек етти ёшида Алпомиш алп, атанди.

Алпомиш китоб ўқиб ўтирганида сахийлик ва бахилликдан гап чиқиб қолди. Агар кишининг моли закотга етса, закот берса, бул киши сахий, бермаса бахил экан. Бу гапни отаси Бойбўрибий Ҳакимбекдан эшитиб, укам Бойсари бахилга чиқиб кетмасин деб, ўн тўрт маҳрамни буюрди. Бойсарига боринглар, ўз розичилиги билан бир улоқни закот қилиб менга берсин, деди. Бу гап

Бойсарига ботиб кетди. Ўз акамизга закот берадиган бўлсак, бу элда турғилигимиз қолмади, деб, ўн минг уйли қўнғирот Бойсунни ташлаб кўчишни бошлади. Буларнинг ҳаммаси бой бўлиб, камбағалининг қирқ минг туяси бор, қўйининг сонини ўзлари ҳам билмасди. Ўра-ўра, бир қўра, икки қўра, ўн қўра қўй, деб санагани шул эди. Йилқибон молларини бир уюр фалон тўқайда юрибди, икки уюр фалон тўқайда юрибди, дер эди. Бойсарининг тўксон тўқай йилқиси бўлган эди. Лекин йилқиси молининг сонини билмас эди. Булар қишдан ёзга экин экмай, мол бойлик қилар эди. Шунинг билан овқатларини ўтказар, кийим-бошларини қилар, кўчиб юрар эдилар [7. 13-23].

Бойсарининг ўн минг уйли қўнғирот ва уларнинг чорвалари билан кўчиши буюк кўчиш бўлиб, қўнғиротларнинг ер юзи, айниқса, Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалиб кетишига сабаб бўлган. Бир неча бойлар тўп-тўп бўлиб кўчишган. Қишлаш, тул олиш даврларида кўчиш тўхтаган. Оқсоқоллар: – Хой оғайнилар кўзларингга қаранглар, бегона элда турибмиз, чорва ёйилиб кетавермасин, – деб, насиҳат қилишган. Бу тўхташ жойлари ерли аҳоли шеvasига мос равишда Жомда «Жайилма», Жиззахда «Ёйилма» аталади. Ёйилма Сурхондарёнинг Шўрчи тумани, Фарғонанинг Фарғона ва Риштон туманларида ҳам бор. Ёйилма номли жойларда, жумладан, Жиззахнинг «Ёйилма»сида қўнғирот уруғига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Бундан кўринадики, «Ёйилма» жой атамаси бевосита қўнғирот уруғи номи билан узвий боғланган.

Жомнинг Жайилмасида тўрт ака-ука Ўтаган, Тўлаган (қолган иккитасининг исми сақланмаган) бойлар чўпонини бошқа бойларнинг одамлари ўлдириб қўйишади. Шунда Ўтаган бойлар бошқа бойларга – «энди сизлар билан бирга юриш биз учун ҳаром бўлди»,-деб ажралиб чиқишади ва Жомнинг Қўнғирот камарига бориб жойлашади. Бойларнинг оғайни-қариндошлари, чўпон-чўлиқлари уларнинг ўтовлари атрофига ўзларининг ўтовларини тикиб олишган. Бойларнинг ўтовлари бошқаларникидан ажралиб турган. Шунинг учун ерли аҳоли уларни тўрт уйли қўнғиротлар, деб атаганлар. Улар Сонсувлукда чорваларини сувлатган, у ерда уларнинг ота-боболари кўмилган Авлиёбобо қабристони ҳам бор.

Вақтнинг ўтиши билан кўнғиротлар ва уларнинг чорвалари кўпайгандан кўпайиб боради. Чорва учун жой торлик қила бошлайди. Натижада, уларнинг бир қисми Имомтепага, Ўтаган ва Тўлагандан тарқаган авлодлар Ҳафриннинг юқори шарқий қисмига ва Толлига бориб жойлашади. Кейинчалик, кўнғиротларнинг бир қисми Толлидан Чўнқаймишнинг Кўрлисойига кўчиб ўтишади.

Жиззах вилоятининг Фориш туманига қарашли Қоратош қишлоғида кўнғиротлар яшайди. Аҳмад бобода кўнғиротларнинг Сурхон воҳасидан қадимий кўчиш харитаси мавжуд. Унда Жом, Кўнғироткамар, Сонсувоқ, Имомтепа, Санчикул ҳам кўрсатилган. Аҳмад бобо бу харитани 1975 йилда кўрсатган эди. Қоратош қишлоғи аҳолиси бугунги кунда ҳам Алпомиш юрти Бойсун билан қиз олиб, қиз беришади.

2000 йилнинг 6 ноябрида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Алпомиш достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Алпомиш достонининг ўзи халқ оғзаки ижоди сифатида китоб ҳолига келгунча неча асрлар ўтганлиги фақат яратган Оллоҳга маълум. И.А.Каримов агар халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байтидир, деганди [29. 33].

Сурхондарёда Алпомишга учта ҳайкал қўйилган. Булардан бири 2000 йилда Термиз шаҳрининг «Дўстлик» истироҳат боғига ўрнатилди. Алпомишнинг отдаги жанговар ҳолати тасвирланган ҳайкали Бойсун шаҳрида, Она-Ватани ва халқига тиз чўкиб таъзим қилиб турган учинчи ҳайкали Бойсун тумани билан Шеробод тумани чегарасида жойлашган.

Республика Мустақиллиги муносабати билан Алпомиш дostonи қайта нашр этилди, дoston ҳақида жуда кўплаб рисоалар яратилди, бахшичиликка эътибор кучайди, шоир Усмон Азим сценарийси асосида Алпомиш спектакли яратилиб, сахна юзини кўрди. Аммо, халқимиз Амир Темур, Алпомиш, Тўмарис, Спитамин, Жалолиддин Мангуберди каби кўплаб аجدодларимиз тўғрисида кореец халқи қаҳрамони «Жумонг» типидagi фильмлар яратилишини истайди. Такқослайдиган бўлсак, бу аждодларимиз буюклиги олдида «Жумонг» амалга оширган ишлар арзимас бўлиб қолади.

ТОЛЛИ ҚИШЛОҒИ

Жом аҳолисининг бир қисмини ташкил этувчи Қўнғирот уруғи Толли аталмиш қишлоқда яшаб умргузаронлик қилган. Толли Жомнинг энг баланд жойида жойлашган бўлиб, атрофи тоғлар билан ўралган. Толлига Жомнинг ўртасидан ўтган бир йўл боради. Бу қишлоқнинг об-ҳавоси жуда ажойиб, йиллик ёғин миқдори талаб даражасида, яъни 500-600 миллиметрни ташкил қилади. Қиши анча совуқ, ёзи салқин бўлади. Бу ерда 5 та чашма бор, аҳоли ва чорва эҳтиёжи учун етарли. Булоқлардан асосийси бўлган Тошбулоқ суви тошларнинг остидан қайнаб чиқади. Шунинг учун унга боболар Тошбулоқ, деб ном беришган. Бу булоқ сувлари баҳор ва қиш ойларида Омондара сойига оқиб келади.

Иқлими хилма-хил, қиши қисқа, ёзи эса узоқ бўлади. Куз ойлари ёздан кам фарқ қилади, айрим йиллари кузнинг қуруқ ҳавоси кўп чўзилади.

Ота-боболаримиз булоқ сувларидан фойдаланиб олма, ўрик, ток, гилос, олча, нок, тут, ёнғоқ ва манзарали дарахтлардан тол, терак, қайрағоч, гужум экишган.

Чорва молларидан сигир, хўкиз, от, эшак, туя, хачир, қўй ва эчкилар, айникса, қўйларнинг хисори зотлари кўп бўлган, лекин ҳар бир хонадон ўзининг имкониятига қараб бу молларни сақлаган. Хўкизлардан ер ҳайдаш, экин-текин қилишда от, туя, хачир ва эшаклардан кўчиб юришда фойдаланишган. Улар ўзаро келишиб, элликбошининг гапларидан чиқмай, оиланинг имконияти, жон сонига қараб ерларни тақсимлаб олишиб, арпа, буғдой, нўхат, зиғир, кунжут, тарик, бурчоқ (адас) экиб олишган. Лалми ерларга қовун, тарвуз экиб, ҳосилидан қовун қоқи, тарвуз шинниси қилишган. Сигир, қўй ва эчкиларни соғиб, қатикларни қувиларда пишиб сариғёғлар олишган.

Буғдой-арпаларини тортиб ун қилиб, нон ёпиш учун ҳар бир хонадонда ёрғичоқлар бўлган. (енгил иккита доира шаклдаги тош бир-бирининг устига қўйилиб, махсус чўп ёрдамида қўл билан айлантирилган).

Толли ўт-ўланлар макони, тоғлари ва қирларида бойчечак, кўзигул, исмалоқ, лола, каврак, сариқ ва қора андиз, кўtimiш, отасоқол, туятўппон, мундалоқ, холбовқи (бих), буғдойсимон

ўтлар, янтоқ, каррак, сарик тикон, қуш қўнмас, бусилдирик, сигир қуйруқ, бўтакўз, гулхайри, қўнғирбош, тилла баргак каби табиатнинг жуда кўплаб мўъжизали ўсимликлари ўсади.

Ўтмишда бу ерларни бодомча, заранг, қирк бўғинлар копланган, одам яшамаган, жуда чакалакзор бўлган. Толлида сут эмизувчилардан тулки, бўри, жайра, типратикон, айик, ёввойи чўчка, кийик, тоғ эчкиси, судралиб юрувчилардан – думалоқ бошли калтакесак, ўқ илон, чипор илон, кобра, сарик илон кўп учрайди. Кемирувчилардан – кўрсичқон, қўшоёқ, юмронқозик ва бошқалар бор. Толли қушлар оламига ҳам жуда бой. Тоғларида каклик, бедана, бургут, қийғир, қўқ кабутар, қора қарға, зоғчалар, сўфитўрғай, сассикпопишак, мусича, қумри, чумчук, фотма чумчук, лойхурак, ёз ва баҳор ойларида қалдирғочлар, зарғалдоқлар, булбулларни учратиш мумкин.

Толли, деб номланишининг асосий сабаби баҳор ойларида қўзикорин, хуштаъмли замбуруғлар жуда кўп бўлади. Лолаларнинг пиёзлари, туятўппон, мундалоқ қазиб олиниб, андизларнинг пўсти арчилиб ўзаги истеъмол қилинган, холбовкининг томири олиниб ундан фойдаланиб нишолдалар тайёрланган ва кир ювилган. Бу масканда бундай ширин-шакар ўсимликлар сон-саноксиз кўп ўсади. Ота-боболаримиз буларни эътиборга олиб Толли, деб ном қўйган бўлса, ажаб эмас.

Толли ўзида яшаган Жом аҳолисини егуликлар, ўтин, хашак билан таъминлаб келган. Афсуски, шундай ноёб гўша ҳозирги даврда хароб аҳволга тушиб қолди.

Шоир Равшан Қоратой ўғлининг гувоҳлик беришича, Толлидан Ёўбдин тоғига борган 2000 дан ортиқ қўй бўронга учраб қирилиб кетади. Қўй эгалари чўпонлари билан иккиюзтача қўйни ҳайдаб Пайариқнинг Хартанг қишлоғига тушади. Бойнинг хотини ўлган бўлиб, шу қишлоқдан бир хотинга уйланиб Толлига қайтади. Бу аёлдан туғилган бир қиз Хартанг қишлоғига келин бўлиб тушади ва ўғлининг исмини Толлибой қўяди. Қўйлари қирилиб битган толлиликларнинг Жом ичига кўчиши шу даврдан бошланади.

Жомлик қўнғиротлар тарихан катта чорвадор ва тажрибали дехкон бўлишган. Улоқ чопадиган мохир чавандозлари кўп бўлган.

Мулла Тошпўлат ўғли Нишон чавандознинг айтишича, Толлидан 40 отлиқ чавандозлар тушишмаса, уларни кутиб жомлик полвонлар тўйга бормас эканлар. Мехр-оқибат, ўзаро ҳурмат шунча кучли бўлган. Улар биргаликда кўпқари чопишган. Бунинг натижасида бошқа эллардан келган чавандозларга солим олиш насиб бўлмаган.

– Толлида таъзия бўлди, бизлар унга бордик, Жомда кўпқарили тўй бўлаётган эди, – деб эслайди кексайиб қолган Нишон чавандоз, – Пирназар чавандоз елкасида тобут кўтариб борапти, бироқ тўй томонга бўйни қийшайиб қараб, шу кўпқаридаги ҳаққим қолиб кеттида, – деб афсусланар эди.

Пирназар полвоннинг кўпқарида фақат бир оёғининг товони отнинг эгари устида кўринар, гавдасининг қолган қисми отда осилиб юрар, ундан улоқни тортиб олиб бўлмас экан.

Алимбой Ортиқбой ўғли ҳам номдор чавандозлардан бири бўлган. Алимбой Китобдан икки меш мой олиб келаётганида кўпқарининг устидан чиқиб қолади. Унда охириги пойгага улоқ ташланганди. Алимбой икки меш мой ортилган оти билан улоқни олиб чиқади. Қараса, йигирма чоғли отлиқ ердаги улоқни ололмай ётибди. Алимбой уларга улоқ олганники, деб, бир узашида улоқни олиб қочади, чавандозлар уни қувади. Алимбойнинг оти устидаги чавандози, икки меш мой ва иккита улоқ билан уч метрлик унгирдан сакраб ўтиб кетади. Бунга тан берган чавандозлар: – Улоқ сизники, – дейишади. Қўнғиротнинг Пирназар ва Алимбойдан ташқари Рўзиқул, Холиқул бир тортар, Ортиқ бўз, Зулхон, Ғўдол, Боймурод, Жўрақул каби жуда кўп чавандозлари бўлган.

Эшмирза Омонтурди ўғли кўпқари чопишдан ташқари, ер тандир ичига ташлаб қўйилган тангани олиш мусобақасида доим голиб чиққан.

Қўнғиротларда бугунги кунда ҳам кўпқарига эътибор кучли. Масалан, Зиёт Даврон ўғли 1957, 1963 йилларда, Эшмурод Назар ўғли 1973, 1978 йилларда, Пирназар Зиёт ўғли 1988 йилнинг 2 апрелида, Илҳом ва Нодир Зиёт ўғиллари 2006 йилнинг 18 ноябрида катта кўпқарили ва курашли тўйлар қилиб бердилар.

«Умримда бундай тотли таом емаган эдим», – деган экан тўйга келиб ширбоз гўшtidан тайёрланган овқатни тановвул қилган Жиззах Давлат Педагогика институти доценти Худойқул Нуриев.

Пирназар Зиёт ўғлининг кўпкариси мулла Раҳматуллох, Илҳом ва Нодир Зиёт ўғилларининг кўпкариси Оллоҳёр тоғалар томонидан бошқарилди ва солимлари айтилди. Курашлари эса Шовхи муаллим Хўжақул карвон ўғли, кейингиси Ўктам полвон Қобул ўғли томонидан бошқарилди.

1988 йилларда тўйни, кўпкарини, курашни суратга тушириш бор эди. Солимга қўйилган тилла «Жанда» номи билан аталар эди. 2006 йилга келиб тўй, кўпкари ва курашлар видео тасмага олинадиган, расмга тушириладиган, айтилган солим микрофонда такрорлаб туриладиган, солимга қўйилган олтин «Қизил туя» деб номланадиган бўлди.

Овозни микрофонда кучайтириш Жомнинг машҳур чўпони Тубли Маҳатов ўғли Холбой томонидан ҳаётга татбиқ этилди.

Тўйга келган дўст – биродарлар ва оғайни-қариндошларнинг оммавий тарзда тўёна ўрнида солимга зот қўйиши биринчи марта Пирназар Зиёт ўғли кўпкарисида бошланиб, кейинчалик элда урфга айланди.

Бу кўпкариларда Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларидан ташқари Қирғизистон ва Туркменистон давлатларидан ҳам чавандозлар отлари билан қатнашганининг гувоҳи бўлганмиз. Айникса, мустақиллигимиз шарофати, миллий кадриятларга эътиборнинг кучайганлиги муносабати билан кўпкарига чопиладиган отларнинг сифат кўрсаткичи ва сони кескин яшиланди. 2006 йилги тўйларнинг кўпкариларида ҳар бир номдор чавандозга ўндан ортиқ яхши отлар тўғри келди.

Фикримизча, Жомдаги кўпкариларнинг томошабоплигини ошириш керак. Бунинг учун ердан чопишни камайтириб, Ғаллаорол томонлардагидек чортоқлардан улоқ ташлаб, пойғалар сонини кўпайтириш зарур.

Фарзандларимиз ўқишни, курашни, сузишни, боксни яхши ўргансин, деб мураббийга берамиз. Бизнингча, Жомда ёшларга от миниш, кўпкари чопиш санъатини ўргатадиган устозлик ишини йўлга қўйиш вақти келди.

Биз ўзининг касбига садоқатли, ишининг пухталиги ва ҳалоллиги билан эл оғзига тушган одамлардан жомлик махсидўз уста Бозор бобони, чўпон Зиёт бобони, агроном Бердимурод бобони, чўнқаймишлик усталар Ботир ва Тошбой боболарни, отулов анжомларини тикиб-тайёрловчи уста Мели Суюн ўғлини яхши биламиз.

Бир қишлоқдошимиз ёмғирда келаётиб Яккабулоқда калиши лойга ботиб тушиб қолганини сезмайди. Дасманга келиб қараса, калиш йўқ. Шунча йўл юрилганда ҳам уста Бозор тиккан махси чокидан нам ўтмаган. Уста Мели кўпқарига чопиладиган от анжомларини ўта сифатли тайёрлаб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида шуҳрат қозонган. Қашқадарёнинг моҳир чавандози Жамолхон билан уста Мели ўғли Садин суҳбатининг гувоҳи бўлганмиз:

– Отангизнинг касбини қилаётган фарзандлари борми?

– Бор, кичик укамиз Анвар шуғулланади, – дейди. Шунда Жамолхон: – Кўрмасам ҳам биламан, бирортангиз отангиздай тика олмайсизлар. Мели бобо тиккан Жаҳалдирик (иккинчи номи жорма) билан чирги кўпқари мавсуми яримлаганда, ҳам пасаймасди. Отангиз ҳар кўпқарида ўзи тайёрлаган анжомлардан биттасини солимга қўйдиар эди. Бизнинг буюртма бериб тайёрлатган от анжомларимиз ўзимизга тегмасди, дўстлар илтимос қилиб, уйдан олиб кетишарди. Шунинг учун доимо бир нечта буюртма берар эдим, – деганди.

Мели бобо ўзига хос рекламадан фойдаланган. Сиз ҳар кўпқарига зот қўйгунча, шунинг пулига фарзандларингизнинг усти-бошига қарасангиз бўлмайдими, – деб қойиган амакиси Рўзи Муҳаммади ўғлига, Мели бобо: Мен ногирон одам бўлсам, кўпқарига зот қўйиш орқали ўзимни ва ишимни элга танитаман, – деган экан.

Қўнғиротларнинг моҳир деҳқон эканликлари ҳам ривоят эмас. Қўталнинг усти, яъни чаптаги тоғ томон Фармон қассоб Авазалибой ўғлининг, Дўланали сой, Тойпонг, Боврайбулоқ, Зиннансойнинг тўри, Гаванжар Эшмирза Омонтурди ўғлининг, Бойтуба атрофи Равшан Қоратой ўғлининг, Бойтубанинг шарқий қисмидаги қир ёнбағри, Сассик булоқ Даврон Очилбой ўғлининг, Тошбулоқнинг шарқ томонидаги қирнинг устидаги катта ер

майдони Ёмонкул бобонинг, Тошбулоқдан ўтгандан кейинги ерлар Ашур бобонинг ерлари бўлган. Кичик кўталдан чиққан жойдаги ерларда қўнғиротларнинг ҳовли – жойлари, катта кўтал билан кичик кўтал оралиғида Сафаршайит кабристони жойлашган.

Ашур бобонинг чорбоғи 1970 йилларга қадар бутун атроф аҳолисига, чўпон-чўлиқларга соя-салқини, ширин булоқ сувлари, мева-чеваси ҳатто, ўтини билан хизмат қилиб келди. Ўзимиз ҳам 1960 йилларда чорбоғдан неча марта олма, гилос териб еганмиз. Кейинчалик катта майдондаги чорбоғ қаровсизликдан нобуд бўлди. Экин экилган ерларнинг ўрни бугунги кунда ҳам кўриниб турибди.

Кичкина кўталдан Зиннансойга киришнинг икки томони, Катта кўталдан Тойпонга ўтишнинг кун ботиш томонидаги катта майдонни эгаллаб ўтган қия ерларда Даврон Очилбой ўғли деҳқончилик қилган. Бу ерлар бугунги кунда ҳам аҳоли томонидан Даврон бобонинг ери, деб аталади.

Катта қияликка эга бўлган қирнинг ўртасида 1990 йилларга қадар катта гужум дарахти ўсиб турар эди. Даврон бобонинг гужуми, деб аталарди. Гужум атрофи хирмонжой, таги эса ҳордик чиқарадиган маскан бўлиб, бу гужум томчилатиб қўйилган мешдаги сув ёрдамида қийинчилик билан ўстирилган. Йиллар, асрлардан гувоҳлик бериб турган шу гужум ҳам XX асрнинг айрим жоҳил бандалари томонидан ёқиб юборилди.

2000 йилларда Камол Бўронбой ўғлининг ҳовлиси жойлашган ерда Даврон Очилбой ўғлининг катта ҳовлиси бўлган. Уйлар жуда чиройли қилиб, дид билан қурилган ва пардоз берилган эди. 1960 йилларга келиб, бу ҳовли-жойнинг ёғочларини сариқ кумурскалар еб битирди. Шундан кейин отамиз Зиёт Даврон ўғли ҳозирда фарзандлари ўтирган ҳовли – жойларни бино қилдилар.

Қудрат Жонқобил ўғлининг молхонаси ўрнида Маҳмарасул Очилбой ўғлининг тегирмони бўлиб, бу тегирмон у қўлдан, бу қўлга ўтиб 1960 йилларга қадар халққа хизмат қилди.

2000 йилларда Дониёр Бердиниёз ўғли, Абдуқодир Саттор ўғли, Тирғон Худойқул ўғли, Эсанбой, Илҳом ва Нодир Зиёт ўғиллари ўтирган жойларда Маҳмарасул Очилбой ўғлининг катта

боғи бўлган. Бу боғда экилган дарахтлар, тоқларга ёш Зиёт Даврон ўғли кади билан сув қуйиб парвариш қилган.

1937 йилдан кейинги жамоалаштириш даврида Даврон Очилбой ўғли бир кунда тўрт – беш меҳнат кунининг ишини бажарган. Айниқса, ғалла ўришга ўта мохир бўлган. Боболардаги меҳнаткашлик, тиришқоқлик ва мулоҳаза билан иш юритиш генофонд сифатида бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Масалан, Пирназар ва Эсанбой Зиёт ўғилларининг ўт ўришини кўриб, Бўтабой Мели ўғли мулла Эрмон Ёркул ўғлига: Қирқдан ошиб ҳам Зиётнинг муштдай болалари ўраётгандек тозалаб, ўт ўра олмайман, – деган эди.

Пирназар 1967 йилнинг бутун қиши ва эрта баҳори давомида ҳовлидаги молларнинг ахлати ва бошқа шалтоқларни ғалтакда, ташқарига олиб чиқди, кунлар исиб қолгач ерни ағдаришга тушди. Отаси Зиёт Даврон ўғли келиб: – Мен Хўжакул бободан сўрадим, бу ерда ҳеч ким ҳеч нарса кўкартира олмаган экан. Кўй шу ишингни, – деди. Пирназар ўз билганидан қолмай, ерга ишлов берди. Атрофига беҳи, қароли, ёнғоқ, қайрағоч, Толлининг Сассиқбулоғидан теракларни қаламча қилиб олиб келиб экди. Бу ерлар бугунги кунда Нодир Зиёт ўғлининг асосий томорқаси бўлиб қолди.

Ўн тўрт ёшли Пирназар 1963 йилда уйлари Жом маҳалласининг Ором қишлоғида жойлашган синфдош дўсти Бўрон Суюновникига меҳмонга борди. Қараса, кичкина томчанинг бурчагига кўм – кўк қаррак янчишиб, уйиб қўйилган. Бўрон буни молга беришларини айтди. Пирназар отасининг қойишларига қарамасдан 1964 йилда Қудуқчанинг қибла томонидаги сойликдан қаррак чопди. Ўйлаётгани туфайли отаси ёрдамида қарракни эшакка ортиб уйга олиб келди ва уни таёқ билан уриб янчди. Қаррак еган қўйлар қишдан семириб чиқди. Шундан кейин оилада ҳар йили 500 – 600 даста қаррак чопилиб молларга бериладиган бўлди.

Пирназар Зиёт ўғли 1998 йилда Янгийўлдаги оромгоҳ ҳовлисидаги катта дарахтнинг тағида, сояда анор ҳосил қилиб турганини кўриб, шаҳарда яшашига қарамасдан бир сотих ерини анорзорга айлантирди. Шу анорлардан олинадиган ҳосил у йилдан

бу йилга ортиб қолади, ҳатто оғайни-қариндош, таниш – билиш ва ҳамсояларга ҳам етади.

Эсанбой Давронов қишлоқ аҳолиси томонидан яхши шифокорлардан бири, деб тан олинган. Пирназар ва Эсанбой Зиёт ўғиллари ўзларининг барча муваффақиятларига ўта кузатувчанлик, мактаб ва институтда яхши ўқиш, ақл билан тинимсиз меҳнат қилиш, атрофидаги инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, халққа сидқидилдан хизмат қилиш орқали эришдилар. Уларнинг укаси Илҳом Зиёт ўғли ҳам эл хизматиغا бел боғлаб, ўзининг қўли очиклиги ва ҳожатбарорлиги билан қишлоқда ҳурмат қозонган. Илҳомдаги жўмардлик, тантилик ҳам бир инсонга етгулик даражада. Унинг Гўзал саман лақабли кўпқариларда чопиладиган ўта чиройлик ва зийрак тулпори бор. Бошқа отлар кўпқарида бир – икки марта улоқ олса, Гўзал саман камида уч-тўрт марта улоқ олиб чиқади. Илҳом эса олинган зотлардан бирини тўй эгасининг таниш ёки нотанишлигига қарамасдан солимга қўяди. Шунинг учун Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг кўп элларида бундай валлакатликни ҳозиргача, Илҳомдан бошқа ҳеч ким қилмаган, деган гаплар юради. Кўпқари пайтида тулпорга беҳосдан каттиқроқ камчи тортиб юборилса, Гўзал саман устидаги чавандозини эмас, балки ўзини айбдор сезиб, полвонига кўзлари мўлтираб қарайди. Гўзал саманнинг сайиси Нажмиддин Неъмат ўғли, чавандози Пастдарғом туманидаги Темирхўжа қишлоғидан Руслан полвон.

Олим агроном Бердимурод РАВШАНОВ. Қоратойнинг набираси Бердимурод Равшан ўғли 1930 йил Толли қишлоғида туғилган. 1952-1957 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетида ўқиган. Уни имтиёзли диплом билан битириб, узоқ йиллар олим-агроном сифатида турли раҳбарлик лавозимларида муваффақият билан ишлаган.

Б.Равшанов иш фаолияти даврида катта қийинчиликларни енгиб, экин майдонларини кенгайтириш, маҳаллий шароитга мос ҳосилдор навларни танлаб экиш, илғор агротехник тадбирларни жорий этиш, янги замонавий технология ва илғор тажрибаларни кенг қўллашга интилди. Ғалла ҳосилдорлиги лалми майдонларда гектаридан ўртача 16-20 центнерни ташкил этди. Бошқа экинлардан ҳам муттасил мўл ҳосил етиштирилди, натижада,

хўжалик иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, даромад йилдан-йилга ошиб борди.

Жомда 218 та план карта бор. Бердимурод Равшановнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Жом чўлининг 200 гектар ерига лалми йўнғичка экилиб, ундан 150 та ғарам қилинган. Натижада, лалми ердан олинган бу хашакнинг хўжалик эҳтиёжидан ортиб қолган қисми, ери сувли Самарқанд ва Ургут туманларига сотилиб, Жом давлат хўжалиги катта иқтисодий фойда кўрган.

1986 йилда хўжаликнинг бош агрономи Бердимурод Равшанов, Жом давлат хўжалигининг тиниб-тинчимас, уйқу нималигини билмаган, машҳур директори, халқпарвар Мамат Абдуллаев билан келишиб, Ғаллаоролдаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига бир неча марта борган. Олийгоҳ раҳбари олим-мутахассисларни чақириб кенгаш ўтказган. Олимлар Б.Равшановга кўплаб саволлар беришиб, агроном чаккимас деган фикрга келишган.

Институтдан олимлар экспедицияси келиб, Жом чўли тупроқларини ўрганиб, Ғаллаорол ерларидан ҳам яхши, деган фикрга келишган. Натижада, 1987 йилда Жом совхози уруғчилик хўжалигига айлантирилган, гектаридан 13 центнердан лалми арпа уруғлиги етиштириб, давлатга сотилиб совхоз катта иқтисодий фойда кўрган.

Б.Равшанов 1986 йилда Тошкент вилоятининг собиқ «Красный водопад»идан маккажўхорининг «Ўзбек – 100» лалми навидан тўрт тонна олиб келади ва Жом чўлига жойлаштиради. Лалми ерда етиштирилган маккажўхорининг бўйи 4 метрдан ошади, ундан чорва учун чуқурлар қавланиб, селос озукалар тайёрланади.

Б.Равшанов Жом чўлига изин, катаран каби озуқабоп ўсимликларни экишда бош-қош бўлган.

Республикаимизнинг мустақиллиги йилларида Б.Равшанов нафақада бўлишига қарамасдан, Жомда гилам кооперациясини ташкил этишда қатнашди. Унга 1500 киши жалб этилди. Бунинг натижасида нафақасиз юрган жуда кўп одамлар, қонуний равишда давлат нафақасини олишга эришдилар. Бой тажрибага эга Б.Равшанов туманда деҳқончилик бўйича ҳоким маслаҳатчиси бўлиб, экинлардан мўл ҳосил етиштириш бўйича деҳқон-

фермерларга ўз маслаҳатларини бериб, тажрибаларини оммалаштириб келмоқда.

Б.Равшановнинг савоб ишлари адоғига етиб бўлмайди. Жом кишлоқ оқсоллар кенгашининг фаол аъзоси, ёрдамга мухтож, бетоб кишиларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг оғирини енгил қилувчи, маслаҳатгуй инсон.

Б.Равшановнинг ўғли Асатилло Равшанов Қашқадарё вилоят карантин постининг катта ветеринар шифокори, қизларидан Жамила Равшанова Самарқанд вилоят ҳокимияти «Ижтимоий, иқтисодий масалалар» бўлими масъул ходимаси. Муҳаббат Равшанова эса Республика «XXI аср» газетасининг Самарқанд вилоят бўйича муҳбири, Республика Олий ҳўжалик суди «Ахборотномаси»нинг Самарқанд вилоят бўйича махсус муҳбири. Унинг 2007 йилда «Илон ўчи» ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди.

Самарқанд ҚХИда узоқ йиллар ўқув ишлари бўйича проректори бўлиб ишлаган, Б.Равшанов билан бирга ўқиган, «Агрокимё, тупроқшунослик» кафедраси профессори **П.У.Узоқовнинг сўзлари:** Ўзлимизни танитиш, қадриятларимизни тиклаш, ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ошириш ҳақида гапирилганда, менинг ҳаёлимда олим-агроном, камтарин, меҳрибон, моҳир, шу билан бирга талабчан ва ижобий маънода қаттиққўл раҳбар, таниқли ва машҳур деҳқон, самимий ва дилкаш, катта-кичикка бирдек иззат-ҳурматда бўлган олий жаноб инсон – Бердимурод Равшанов гавдаланади.

Менда шу инсон билан суҳбатлашишга табиий интилиш мавжуд. Чунки, у киши билан гаплашганда, меҳнаткашларнинг ҳаёти, кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ҳолати ва муаммолари, илғор тажрибалари ҳақида ва айниқса, инсондаги энг муҳим фазилатлар, яшаш қоидалари, ёшлар тарбияси масалалари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўласиз.

СамДУ табиий фанлар факультети декани доцент **Х.О.Келдиёров ҳикояси:** Қатаран ўсимлиги юзасидан илмий иш олиб борганман. Қатаран уруғини Кавказ орти ерларидан териб келиб, бир қанча ҳўжаликларга экиб, натижа ола олмадим. Жомга бордим, ҳўжалик раҳбари агроном Б.Равшанов билан таништириб, Ёрдам қилинг, – деди. Б.Равшановга уруғни кўрсатдим. Бунинг абсолют оғирлиги қанча, – деб савол берди. Мен бу тушунчани

билмасдим. «Чўлда лаборатория бўлмаса, бунинг минг донаси-оғирлигини сиз билмасангиз, қандай экамиз», – деди. Ерга қараб турибман. Кейин катаран уруғига қараб туриб, бунинг ўлчамини эътиборга олсак, 4-5 см чуқурликка эксак бўлар, деди. Ер хайдаш, уни тажриба майдонларга ажратиш ишлари Б.Равшанов кўрсатмаси асосида бажарилди. Экиш агрегатига уруғни солиб, унинг устига мени ўтказиб, қўлимга битта чўп берди. «Уруғ тушмай қолмасин, чўп билан кавлаб боринг», – деди. Катаранни экдик, тажрибани ўтказдик, натижа мен кутгандан ҳам ортик бўлди. Жомнинг билимдон агрономи Б.Равшановнинг ёрдами билан олим бўлиб юрибмиз.

Норбой бобо Сувонов ҳикояси: мен хўжаликнинг механиги эдим. Б.Равшанов ер майдонини кўрсатиб, уруғликни ажратиб бериб, экиш агрегатининг мурватини ўзи тўғрилаб қўяр эди. Шу инсон билан ишлаган давримда, белгиланган ер майдонига экиш учун ажратиб берилган уруғдан бир килограмм ортиб ёки етмай қолганини учратмаганман.

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Х.Давронов фикри: Б.Равшанов бир сўзни айтиш ва бирор ишни қилишдан олдин обдон, жуда кўп ўйлаш, фикрлаш лозим, деб насиҳат қилади ва «Ит ҳурар, қарвон ўтар» мақолидан кўра, А.Қаҳҳорнинг ҳар бир хурган итга тош отиб ўтирилса, қарвон манзилига қачон етади, деган нақлини маъқул кўради. Гапирганда, ишонч ва қатъият билан сўзлайди. Боиси Бердимурод бобомиз бу гап-сўзларнинг барчасини ҳаётда кўриб, бошидан ўтказган, қувваи хотираси кучли, дунёқараши кенг, тажрибали ва ақлли инсон.

Маҳмасоли Рўзиқул ўғли. Маҳмасоли бобо 2000 йиллар атрофида элу юрт томонидан моҳир деҳқон сифатида тан олинди. Ундан ер тузиш, экин сувни яхши ичадиган қилиб ерни текислаш, ариқ олиб сув чиқариш, қайси ерга нима экиш, экинни парвариш қилиш тўғрисида одамлар маслаҳатлар оладиган бўлишди.

Аҳоли Жом чўлидаги каналнинг офтоб чиқиш томонига сув чиқара олмади. Пастдарғомнинг Тўхбой кишлоғидан асли жомлик Маҳмасоли Рўзиқул ўғлини олиб келишди. Маҳмасоли бобо «Ариқни шундай оласизлар», – деб юриб кўрсатди. Унинг оёқ

излари бўйлаб ариқ қазилди ва сув чиқди. Бу иш натижасида қакраб ётган кўп ер обод, Жом аҳолиси эса манфаатдор бўлди.

Бойкампир. Муродбой Рустам ўғлининг жуфти ҳалоли Давлат момо – ақлли ва тадбиркор аёл бўлган. Уни ҳамма Бойкампир, деб атаган. Йўлга чиққан карвонлар Бойкампирнинг аталасига, худди шунингдек, Маҳмудбойнинг хотини Оймаш момонинг патири билан қатиғига етишни мўлжал олишган.

Толлида яшаган Бойкампирнинг дошқозонида доимо атала қайнаб турган. Бойкампир бева-бечора, сағир-етимларнинг бошини силаб, уларнинг қорнини тўйғазган, ҳатто карвонсаройи ҳам бўлган.

Чўлда Муродбойнинг тулдан чарчаб чиққан қўйлари бўронга учраб кирилиб кетади. Муродбой қўйларининг териларини туяларга ортиб, хафа бўлиб, уйига келади. Бойкампир эрининг аҳволини билиб, Муродбойни гапиришга қўймай, ювиб тараб қорнини тўйғазади. Шундан кейингина ҳол-аҳвол сўраб, эрининг кўнгил ёришига имкон яратади. Муродбой аҳволни баён этгач, Бойкампир – шунга ҳам хафа бўласизми, танингиз сиҳат-саломат-ку, деб бўйнидаги мунчоғини ечиб беради ва эрини қўй сотиб олишга жўнатади. Бу мунчоқ ўта қимматбаҳо бўлиб, Муродбойга олдингидан-да кўпроқ қўйлар сотиб олиши учун етарли бўлади.

Худойназар хашкалтак. Қоратойнинг акаси Худойназар Жўра ўғли паҳлавон бўлган. Худойназар Қашқадарёдаги бир кекса курашчи полвоннинг тўйида барча номдор полвонларни йикитади. Шунда тўй кураши баковули Худойназарнинг билақларини ушлаб кўриб, «буни инсон боласи йикитиши мумкин эмас, бу хашкалтак экан» деган. Паҳлавон шу тўйдан бошлаб, Худойназар хашкалтак номини олади.

Худойназар хашкалтакнинг набиралари: Рўзиқул ва Шоврук (Шавкат) Мели ўғиллари, Тоғаймурод Маҳмадўст ўғли елкаси ер кўрмаган курашчи полвонлар бўлишган.

1941 йилда Ўзбекистоннинг бош раҳбари собиқ ЎзССР МИК раиси Йўлдош Охунбобоев Оҳангарон кўмир қонида Республика миқёсида кураш мусобоқасини уюштиради. Унда иштирок этган барча полвонларни Фарғона водийсидан Икром полвон билан жомлик Тоғаймурод полвон йикитади. Финалда Икром полвонни Кўнғирот паҳлавони Тоғаймурод Маҳмадўст ўғли йикитади,

шунда Йўлдош Охунбобоев Тоғаймурод полвоннинг елкасига қоқиб, «сени тукқан онани бир кўрсайдим», – деган экан.

Йўлдош Охунбобоев Тоғаймуродга мендан узоқлашмай атрофимда юр, деб тайинлайди. Бироқ бу гапнинг маъносини тушуниб етмаган содда, оккўнгил Тоғаймарод полвон урушга кетиб қайтмайди.

Фармон қассоб Авазалибой ўғли. Фармон қассоб кишининг хақидан кўрқадиган, имонли одам бўлган. Толлидаги Кичик кўталнинг чап тоғ тарафидаги ерлар Фармон қассобники бўлган. Фармон қассоб бадавлат инсон бўлиб, унинг молларига ҳафринлик Норкул Жума ўғли чўпонлик қилган. Эшигида юриб ҳалол хизматини қилган Норкул чўпонга Фармон қассоб қизи Мамирни хотинликка берган.

Фармон қассобнинг биринчи хотини Ойсулудан Сори, Жуман, Мамир, Майрам туғилган.

Фармон қассобнинг ўғли Жуман елкаси ер кўрмаган курашчи полвон бўлиб, дўмбирани меъёрига етказиб чалган, урушда ҳалок бўлган.

Фармон қассобнинг хотини Ойсулув, Назарнинг опаси, Абдуназарнинг қизи бўлган. Назар опаси Ойсулув қарамоғида, Фармон қассоб хонадонида вояга етиб, уйланган.

Даврон Очилбой ўғли ҳам акаси мулла Шукур сургун қилинган, қийналиб қолган йиллари оиласи билан Фармон қассоб хонадонидан паноҳ топиб, ўзини ўнглаб олган.

Унинг укаси Эргаш – баджаҳл, чўрткесар бўлиб, акасининг оиласи, мол-мулкни ҳимоя қилиб юрган. Эргаш урушга кетган, Фармон қассобнинг иқтисоди таназзулга учрайди. Фармон қассобнинг Жомдаги ҳовли-жойи Соат қассоб уйининг шимол томонида жойлашган. Фармон қассоб билан Соат қассобнинг отаси Хойдоул қассоб тўн қийишган дўстлар бўлган.

Фармон қассоб ожизаларни кўрса, салласининг печини юзига тутиб, тишлаган ҳолда, қарамасдан ўтиб кетар экан.

Ойсулув момо қазо қилган, Фармон қассоб Жонгул Эгамберди қизига уйланади, ундан Бибисора, Улдон, Зинат, Ўғил исмли қизлари бўлган.

Мулла Шукур Очилбой ўғли. Шукурни акаси Маҳмарасул ўқитган. Мулла Шукур Мавлонаи Жом ота масжидида имом-хатиблик қилган.

Мулла Оллоҳмуроднинг шогирди мулла Холикул қози бўлгач, унинг мадрасадоши мулла Шукур муфти бўлган. Шунинг билан биргаликда Накшбандийнинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Оллоҳда қўлинг меҳнатда бўлсин» таълимотига риоя қилган ҳолда қосиблик билан машғул бўлган, чармдан этик, махси, ковуш каби пойафзаллар тиккан.

Онамиз Улдон момонинг гувоҳлик беришича, мулла Шукур бобомизнинг тиккан пойафзаллари жуда сифатли, бежирим, чиройли бўлиб, ингичка учлари юқорига қайрилиб турар экан.

Шу даврда Шўро замони бошланиб, мулла Холикул қози Тожикистонга қочиб кетади. Мулла Шукур ушланиб қолади ва 1927 йилда халқ душмани сифатида Қорақалпоғистонга сургун қилинади. 1940 йилда сургундан қайтиб, қосиблигини давом эттиради. Бу одам давлат назорати остида бўлиб, чарм билан қўлга тушади.

Шундан кейин Чўнқаймишдаги дўсти мулла Исмоилникига қочиб боради. Дўсти мулла Шукурни тоғ орқали Қорақишлоқ, яъни Ўсмаатга қочиради.

Мулла Шукур қувғинга учрагунга қадар, ҳозирги даврда Ҳафриндаги мулла Норбўта бобонинг авлодлари ўтирган жойда ҳовли-жой қуриб, боғ қилади ва укаси Даврон Очилбой ўғлини шу ҳовлида тўй қилиб уйлантиради.

Катта Мактаб онамиз мулла Оллоҳмуроднинг кизи бўлиб, мулла Шукур туфайли Даврон Очилбой ўғлига хотин бўлади. Зиёт Даврон ўғли Ҳафриндаги шу ҳовлида 1926 йилда туғилган.

Мулла Оллоҳмуроднинг уч ўғли Маҳсум, Маҳмаюсуф ва Муҳаммадилар бўлишган. Буларнинг фарзандларидан Мухтор Маҳсум ўғли, мулла Раҳматуллоҳ, Неъматуллоҳ полвон, моҳир тижоратчи ва мактаб директори Норбўта Маҳмаюсуф ўғиллари ҳамда Абдурахмон Мухтор ўғли ва уларнинг жиянлари Оллоҳёр Йўлдошев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, қатор орденлар нишондори, Бахтиёр Бободўстов, Норкул ва Собир Чинмирзаевларнинг эл-юрт орасида ўз ўрни бор инсонлар.

Мулла Шукур бобомизнинг шўро ҳукумати томонидан уй – жойи мусодора қилинган, укаси Даврон катта отамиз яна Толлига кўчи боради ва Авазалибой ўғли Фармон қассобнинг оқ ўтовиди оиласи билан яшаб, ўзига керакли ҳовли-жой куриб олади. Такдир ўйинини қарангки, Эшмирза Омонтурди ўғлининг хотини қазо қилган, унинг фарзандлари Даврон Очилбой ўғлининг уйдан паноҳ топиб вояга етишади.

Мулла Шукур Ўсмадда ҳам имомлик ва косиблик ишини давом эттиради. Замон шунча оғир эдики, мулла Шукур қамалиб қолишдан қўриқиб, акаси Маҳмарасул ва укаси Даврон Очилбой ўғилларининг таъзияларига ҳам кела олмайди.

Бахмал туманида Жўлтой Бердиев ижрокўмнинг раиси бўлган. Мулла Шукур Ўсмад томонда Жўлтой Бердиевнинг мулласи номи билан машҳур эди. Жўлтой Бердиев жомлик Эшқул бобо Сафар ўғлининг жияни. 1956 йилда Жўлтой Бердиев биринчи ва охириги марта мулла Шукурни Жом бозорига олиб келади.

Мулла Шукурни бозорда укаси Даврон бобонинг катта ўғли Зиёт таниб қолади ва кучоклаб олади. Мулла Шукур «Маҳмазиётмисан» деб инграб юборади. Сўнгра сабзи сотаётган мулла Расул Тошпўлат ўғлининг қаршисига бориб ўтиради ва йиғлаб, кучоклашиб кўришадилар. Сабаби улар Бухоро мадрасасида бирга ўқиган дўстлар эдилар.

Мулла Шукур Жомда бир ҳафта давомида кўлдан-кўлга тегмай меҳмон бўлади ва Ўсмадга кетади, қайтиб қишлоғини кўрмайди. Ўсмадда вафот этади.

Мулла Шукурнинг хотини Ойпарча Жуман қизидан Нурулла ва Иноятилло исмли ўғиллари бўлиб, улар иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган.

Мулла Шукур Ўсмадда уйланган, кизи Ойхон сарой уруғидан Мажид бобога турмушга чиққан. Мажид бобо Ўсмадда сарой қишлоғини барпо этган номдор одам бўлган. Унинг фарзандлари ва кўпчилик авлодлари Республикамизда, айниқса, Жиззах вилоятида масъул лавозимларда ишлайдилар.

Даврон Очилбой ўғли. Собик шўро даврида маҳаллий халққа мансуб саводли инсонлар, жумладан, мулла Шукур бобо қатоғон қилинади. Сўнгра, бобонинг бойлигини топиб берасан, деб унинг укаси Даврон ҳам камокка олинади. Унга икки ой давомида

сурункали равишда азоб берилади, бошига буров солинганда, кўзлари косасидан ташқарига чиқиб кетар экан.

Даврон бобонинг Толлида катта ери бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Даврон бобонинг гужуми, деб аталган дарахт атрофи хирмонжой қилиниб, ғалладан олинган бутун хосил шу ерга тўпланиб, тозаланиб, сўнгра дони ва сомони ташиб кетилган. Бу ишларда Фармон қассоб ўғли Сори бевосита иштирок этган.

Даврон Очилбой ўғли 1943 йилда ишчилар батальонида бўлиб, поезд йўли қурилишида қатнашган, 1945 йилда қайтиб келиб, 1948 йилда вафот этган, қабри Оқтошда. Кампири Мактаб момо 1951 йилда ўлган ва акаси Махсум эгалигида Мавлонаи Жом ота қабристонига қўйилган.

Бу йилларда катта ўғил Зиёт армия сафида хизматда бўлган. Даврон ва Мактабнинг биринчи набираси, Зиёт билан Улдоннинг бош фарзанди Пирназар 1949 йил туғилган. Махсум Оллоҳмурод ўғли ҳар ҳафта бозор қилгач, олдин Омондорага бориб, синглиси Мактабнинг набираси Пирназарга бозорлик ташлаб, сўнгра Жом маҳалласидаги уйига қайтиб келган. Бир тоғанинг жиян оиласига раҳнамолиги бундан ортиқ бўлмас. У кишини Оллоҳ раҳмат қилсин.

Назар Абдуназар ўғли. Назар бобонинг отаси Абдуназар чопоғон, деб аталган. Чопқир ва моҳир кўпқари чавандози бўлган.

Шўро тузуми ташкил топган даврнинг дастлабки йилларида сиёсат юргизиш, халқни кўрқитиб ишга солиш ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида раисларга қурол берилган. Раислар ҳар куни эрта саҳардан ўзларига тегишли қишлоқлардан одамларни ишга жалб қилганлар.

Назар бобо тижорат билан шуғулланиб жамоа ишларида ишлашни хоҳламаган. Усмон раис одамларни ишга айтиб юрганида, Кичик кўталга чиқишда, Назар бобони кўриб қолиб, милтиғини отининг эгаридан олиб қараса, Назар бобо Тангидан ўтиб кетган бўлади. – «Мен милтиқни раиснинг қўлида деб ўйлабман, отнинг эгаридалигини билганимда, Усмоннинг ўзини уриб, йиқитиб олар эдим», – деган экан Назар бобо.

Назарни ишчилар батальонига кузатиш учун борган Шерман Жуман ўғли, отнинг узангисидан оёғини чиқариб, отга мингашинг

деса, Назар йўқ эмиш, орқасига қараса, Назар аллақачон отга мингашиб бўлган экан. Бобомиз ниҳоятда абжир бўлган.

Назар бобони таърифлашда «ўта» сўзи жуда мос келади. Ўта абжир, ўта ориятли, ўта қизиккон, ўта баджаҳл, ўта чўрткесар, оғайни-қариндошга ўта меҳрибон инсон бўлган. Бундай хислатлар унинг ўғли Абрўйда бор.

Эшмирза бобо ўғли Манзарни армияга жўнатиш учун Жомдан Каттақўрғонга пиёда кетаётган. Буни кўрган Назар эшагининг устидан хуржунини елкасига олиб, Эшмирза бобога «миниб кетинг», – деб эшагини беради. Эшмирза бобо «кўй Назаржон эшагингни қачон қайтараман» дейди. Бунга жавобан Назар бобо Эшмирза бобога: Сиз эшакни Каттақўрғонга миниб борингда, кейин қўйиб юборинг, – дейди. У даврларда бундай валламатликни ундан бошқа одам қилолмаган. Чунки, у пайтларда бир яхши эшакнинг кадри, ҳозирги енгил машинаникидан кам бўлмаган.

Хотини Зубайда момо тадбиркор аёл бўлиб, табиблик ҳам қилган. Ундан кўп инсонлар шифо топишган. Томоқ босиш, теппа-тиш босиш, қулоқ тортиш, қопқоқ кўтариш, доялик қилиш, киндик кесиш ишлари билан шуғулланган. Бош оғриғини одамнинг бошини махсус боғлаш орқали тузатган, томирлар тортишиб қолишини уқалаш орқали ёзган, қон кетишини тўхтатишда ўтлардан фойдаланган.

Исирик (Ҳазорисбанд), андиз, каврак, абрик, жинни – ўзак ўсимликларининг томири, пояси ва гулидан турли хил дорилар тайёрлаган. Дори тайёрлашда зиғир ва кунжут мойини ишлатган.

Эшмурод Назар ўғли 1960-1962 йилларда устози ва оғайниси Худойназар Даврон ўғлининг таклифи билан Самарқанд шаҳридаги собиқ Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумида ўқиб, уни битирганидан кейин Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг қатор хўжаликларида бухгалтер, Қашқадарё вилоятининг 9-савхозиди бош бухгалтер бўлиб ишлаган. 1973 ва 1978 йилларда катта кўпқарили тўйлар қилиб берди.

Обрўй Назар ўғли 1942 йил туғилган. О.Назаров ёшлигида чўпон, тош терувчи ишчи бўлиб ишлади, харбий денгиз флотиди хизмат қилиб, 1968-1973 йилларда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг кечки бўлимида ўқиган ва бир

пайтда Тошкент шаҳар Чилонзор туман ички ишлар бўлимида суруштирувчи бўлиб ишлаган. 1973-1976 йилларда Қашқадарё вилояти юстиция, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида юридик бўлим мудир, 1976-2003 йилларда вилоят прокуратураси тизимида прокурор ёрдамчиси, терговчи, тергов бўлими прокурори вазифаларида ишлаган. Меҳнат фаолиятидаги самарали хизматлари учун 1979 йилда ЎзР Бош прокурори буйруғи билан биринчи даражали юрист, 1989 йилда собиқ СССР Бош прокурори буйруғи билан «Адлия кичик маслаҳатчиси», 1999 йилда ЎзР Бош прокурори буйруғи билан Адлия маслаҳатчиси унвонларига сазовор бўлган.

Шунингдек, 1998 йил 11 январдаги Республика Президентининг Фармонида асосан, қонун устуворлигини таъминлашдаги юксак хизматлари учун Республика Президентининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

2003 йилдан меҳнат нафақасига чиққан О.Назаров деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳозирда Жомнинг Қарриқўл массивида улкан боғ яратиш билан машғул.

Манзар Эшмирза ўғли. Омонтурди бойнинг набираси Манзар Эшмирза ўғли иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Курск, Орлов, Смоленск, Ярославлдаги уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этган. 1943 йилда оғир ярадор бўлиб, госпиталга ётқизилади. 1944 йилда уруш ногирони сифатида Жомга қайтиб келади.

Кўп йиллар Бурхон Турсунов номли 21-мактабнинг хўжалик ишлари бўйича фаолият олиб боради.

Манзар бобомиз шундай ҳикоя қилади: Ярославскийда немислар билан юзма-юз турибмиз. Бизлар сойнинг юқори, немислар пастки қисмида. Немислар бизларни бир қадам олға юришга қўймайди. Шу куни армия бош қўмондони орқага бир қадам ташлаган ҳарбий отиб ташлансин, олдинга танклар, кейин пиёдалар жойлаштирилсин, командирлар орқада борсин, – деб радиодан фармон берди. Бундан олдин командирлар олдинда юрар эди. Худонинг қудратини қаранг. Осмонда чойнакдай-чойнакдай булутлар сузиб юрар эди, улар бирлашиб бирданига пақирлаб қуйгандай ёмғир ёға бошлади, ҳеч нарсани, еру осмонни кўриб бўлмай қолди, сой сув ва балчикка тўлиб кетди. Бирдан ёққан

ёмғир, бирданига тўхтаб, куёш чарақлаб кетди. Немис кўринмай қолди. Бир танкимиз юрган эди, балчикқа тош ташлагандек кўринмай чукиб кетди. Кейин билсак, сой олти метрлик лойқага тўлган, немис техникаси ва бошқа қурол-аслаҳалари билан балчик остида қолиб кетган экан. Шу юришда тўхтамай етмиш километр юриб кетдик. Урушда туб бурулиш бўлган эди.

Манзар бобо 2007 йилда 83 ёшида, касал бўлмасдан ўз оёғида юриб вафот этди.

Зиёт Даврон ўғли. Зиёт Даврон ўғли ҳозирги вақтда мулла Норбўта бобо авлодлари ўтирган ерда, амакиси мулла Шукур Очилбой ўғли томонидан қурилган Ҳафриндаги ҳовли – жойда 1926 йилда таваллуд топган. Онаси Мактаб Жомбой томонидан келиб Сарикқўлда мактаб очиб одамларга таълим берган мударрис мулла Оллоҳмуроднинг кизи.

Зиёт Даврон ўғли жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаган, Фарҳод канали, Каттақўрғон ҳовузи қурилишларида иштирок этган, 1950-1953 йилларда собиқ Совет Армияси сафида хизмат қилган. 1953 йилдан бошлаб қирқ йилдан ортиқ умрини давлат ва халқ чорвасини боқиш билан ўтказган. Шу даврда «Бировнинг тирриқ улоғига ҳам ғилофлик қилмадик», – дейди.

Ўртабулоқ сувини ичган ёнғоклар, тутлар совхоз директори Мамат Абдуллаевнинг раҳнамолигида отамиз томонидан ўстирилган. У киши Омондара маҳалла оқсоқоллари кенгашининг аъзоси бўлган.

Зиёт бобонинг икки хўржунлаб бозорлиқ қилиб келишини, ҳаммага пул тарқатиб туришини, нарсани назар-писанд қилмаслигини, назари тўқ инсонлигини келини Қизларсулув Эштурди махсум қизи доимо фахр билан гапиради.

Зиёт Даврон ўғли салмокли микдорда чорва, жумладан от, эшак, қорамоллар, эчкилар, юзлаб қўй-қўзилар қилиб оила учун катта иқтисодий манба яратди. Фарзандларини ўқитди. Жомнинг тоғларида, чўлу адирларида Зиёт бобонинг оёғи тегмаган бир қарич ер ёки бир дона тош қолмаган. Баҳор ёмғирлари, қишнинг қорли – қировли кунлари ва тунларида тоғу тошларда юрди. Ёмғир остида кебанagini кийиб, чўпон таёғига иягини тираб тик турган, толиқиб кетганида таёғи билан милтиғини тошлар устига ётқизиб, уларнинг устида ёнбошлаб биров мизғиганда ҳам тагидан

ёмғир суви оқиб ётар экан. Отамиз: «Қўйни боқадиган чўпон, унинг туёғидан ҳам қаттиқ бўлиши керак», – дерди.

Зиёт Даврон ўғлининг қўзилари бозорда бошқаларникидан уч баробар киммат сотилар, бунинг сабаби ҳар кечаси уйқудан турилиб қўйлар бир-икки марта қўзгатилиб, бир оз емиш бериларди. Отамиз Зиёт бобонинг шарофати билан даштга чиқадиган моллардан ташқари, ҳовлида икки-учта боқма ҳўкиз, ўн-ўн бешта боқма қўйлар бўлмай қолган йилни эслай олмаймиз.

1962 йилда бир боқма қўйни Турсун қассобга сўйдириб бозорга сотиш учун олиб борган отамиз, бозордан хафа бўлиб қайтди, боиси килоси икки сўм ўн тийин бўлган гўшт, икки сўм ўттиз тийинга чиққан экан. «Бу яхши эмас», – дегани ёдимизда.

Зиёт Даврон ўғли бозорда мол сотишни яхши билгани учун оғайин-қариндошлар, қўшнилари, таниш-билишлар молларини отамизга соттирар эди. Жом маҳалласи тадбиркорлари Жомнинг юкорисидаги аҳолини ўзларининг томорқаси, деб аташган, боиси уларнинг бозорга олиб келган молларини арзон гаровга олиб қўйишган бўлса, «Зиёт жиян тошнинг парраси, ундан мол олиш осон эмас», – деб баҳо беришган.

Зиёт Даврон ўғлининг қўпол гапирганини ёки ёлғон айтганини ҳеч ким эшитмаган. Шунингдек, фарзандларини – «Ёлғон гапирган менинг душманам», – деб тарбиялади.

Тоғда эшагидан йиқилиб оёғи лат еган кекса Ашурали бобони отамиз кўриб қолиб, уйига елкасида кўтариб келади. Турсунпўлат Раҳмонов бобосига кўрсатилган бу ёрдамни доимо фахр билан эслаб, «Зиёт ака сизни кўрсам бўйим осмон қадар ўсиб кетади», – дерди.

Отамиз Зиёт Даврон ўғли «Оила мулки аёлдан», – дерди. Бу эркак топиб келган мулкни аёл эҳтиёт қилиб асрамаса, исрофгар бўлса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, – деган маънони англатади.

Онамиз Улдон момо фарзандлари қатори келинларини ҳам яхши тарбиялади, мавжуд иқтисодий манбани авайлаб-асрашни, тежаб-тергаб покиза рўзгор тутишни, эшикли уй меҳмон келиб қолади деб, егуликлар асраб қўйишни, доимий ҳолда меҳмон кутиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб кузатишни ўргатди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бошқа қийинчиликлар қатори ширинликларда ҳам етишмовчилик, танқислик рўй берди.

Укамиз Йўлдош ифторлик бераётганда парварда топилмай қолди. Бормаган дўкон ва савдогар, сўрамаган ҳамсоя қолмади. Онамиз ўзининг тугунлари, сандиқларини кавлаган эди, тўрт килодан ортиқ парварда чиқиб кетди. Жомликлар парвардасиз марака ўтказишмайди.

Ота-онамиз инсонда аввало фаросатни тарбиялаш керак,— дерди. Ўспирин ёшда эдим, отам бозордан келиб чақирди, шунда уйдан чиқиб ёнига чопиб бордим. Отамиз оёқ остида ноўрин турган офтобани ўз жойига қўймасдан югуриб борганимни кузатиб турган экан. Отам ўшанда мени у ёқдан бу ёққа уч марта югуртирган. Бир боришда офтобани тегишли жойга, қайтишда оёқ остига қўйдирган. Мажбуран югуриш жуда қийин бўлар экан, аммо, секин юришга қўймаган. Отамизнинг бу тадбирига эллик йилдан ошибдики, ҳамон миннатдорлик билан эслаб тураман. Онамиз укам Эсанбой иккаламизга кечга чироқларни ёқишга тайёрлаб қўйишни тайинларди. Шарти чироқларга мой, чанг тегмаган, пилиги катта ёнишга мосланган, шишаси ярқиратиб тозаланган бўлиши керак эди. Шишаларни латта билан тозалаганмиз, онамиз камчилик топган. Тупроқ солиб ювганимизда ичидаги майда кесакларнинг шишани синдиришини ўйлаб бу тадбирдан воз кечганмиз. Охири кул билан ювиш тадбирини ўйлаб топиб онамиздан мақтов эшитганмиз. Ана фаросатни тарбиялаш жараёнидан бир шингил.

Улдон Фармон қизи тиним билмай меҳнат қилган инсон, ёши саксондан ошганда ҳам онамизни томорқада экинларга қараётган, мева тераётган, ўт юлиб молга солаётган, уйдаги чорвадан хабар олаётган, набиралари учун нимадир тикаётган, хатто, дастурхон бошида ҳам тинч ўтирмасдан чойнак-пиёлани артиб тозалаётган ҳолатда кўрганмиз.

Онамиз иккала қайнисини ҳам ўзининг фарзанларидан кам кўрмасди. Уларни уйлантириб — жойлаштиришда, бир она қиладиган барча ишни сидқидилдан бажарди.

Отамиз билан онамиз давлат, жамият, халқ ва оила учун фақат яхши амаллар қилишди, бирор кишига зиён етказишмади. Ҳаётда намунали яшашди.

Қуръони Каримнинг Худ сураси ўн биринчи оятига кўра, «Магар (балолли кунларда) сабр қилиб, (сафолли кунларда) яхши

амаллар қиладиган зотлар борки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бўлур»[78. 117].

Онамиз маълумоти: фарзанд кўрмаган Хушвақт бобо Бердикул ўғлининг бир умрлик орзу армонлари йўғрилган мисралар:

*Болали уйлар гулистон,
Боласиз уйлар чўлистон.
Ёнган нонларинг қулчали бўлсин,
Ёйган кирларинг чечакли¹ бўлсин.*

Зиёт бобо тажрибасидан: 2008 йилда киш жуда қаттиқ келди, совуқ минус 30 даражага тушиб кетди. Эрта баҳор тўл даврида қишлоқнинг жуда кўп хонадонларда қўзи, улоқ ва бузоқлар туғилиши билан ёки туғилганидан сўнг бир ҳафта-ўн кун ўтар-ўтмасдан ўлиб, чорвада катта талофат кузатилди. Сабаби уларга оналари қорнидаёқ совуқ таъсир қилган. Бироқ Зиёт бобо фарзандларига тегишли чорвада бундай нохуш ходисалар бўлмади. Шу маънода келгусида авлодларга фойдали бўлар, деган фикр билан отамизнинг чорвага қараш тажрибасини ёзишга жазм этдик.

Молхона девори кўтарилиб, сувалиб, ёғоч оширилгач, қуйидаги ишлар тартиб билан бажариларди: ёғоч устига тикисроқ қилиб дастаклар ташланади; устидан шох-шабба босилади; ўтган йилдан қолган ёнтоқ бир қатор солинади; бир қатор янги ёнтоқ дасталари қўйиб чиқилади; қишдан ортиб қолган нушхурдлар қанча бўлса, шунча қалин қилиб солинади; 20 сантиметр қалинликда тупроқ, унинг устидан 15 сантиметр хом лой босилади; сомонли лой билан андава қилинади; шиферланади. Ҳавонинг совуқ кунлари молхонанинг тешиклари ичига сомон солинган халталар текилиб беркитилади. Эшикка совуқ ичкарига кирмайдиган қилиб бирор нарса тутилади. Жуда совиб кетган кунлари халталарга озроқ нушхўрд солиниб, от, эшак, ҳатто қора моллар бошига осиб қўйилади. Сабаби ҳайвон бурнидан чиққан иссиқ ҳаво нушхурдни иситади, натижада мол иссиқ хаводан

¹ Чечак- бола кийими маъносида.

кайта нафас олади. Ўта совуқ кунлари ҳаво илимагунча қора моллар ташқарига чиқарилмайди.

Кўй кўтонларнинг очиқ жойлари ҳам об-ҳавога қараб ёпиб-очилади. Кечга ёш кўзи ва улоқлар оналаридан ажратиб олиниб алоҳида иссиқ жойларда эрталабгача сақланади. Молхонадаги бузоқчаларнинг тагига сомон солиниб, устига эски чопонлар ёпиб боғлаб кўйилади. Кечаси албатта барча моллар бир-икки марта жойидан кўзгатилиб бироз емиш берилади.

Бугунги кунда айрим одамлар фақатгина шифрланган, туникаланган ёки наридандан-бери юпқа сувалган иморатларда молларини асраб, уларнинг нобуд бўлишига ўзлари сабабчи бўлишмоқда.

Худойназар Даврон ўғли 1932 йилда Толлида туғилган. 1952-1957 йилларда Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Молия институтида ўқиб олий маълумот олган. 1957-1959 йилларда Пастдарғом туманининг собиқ Москва ва Куйбешев номли жамоа хўжаликларида иктисодчи бўлиб ишлаган. 1959 йилда аҳолини рўйхатга олиш, Пастдарғом туманидаги собиқ Киров номли жамоа хўжалигини иккига бўлиш ҳайъатларида қатнашган. 1959-1991 йилларда собиқ Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумида ўқитувчи, собиқ комсомол ташкилотининг котиби, амалиёт завучи, бош бухгалтер вазифаларида фаолият кўрсатган.

Х.Давронов билим юртида ўқиган оилали аёлларга боласи учун суюнчи пули ва нафақа беришни Республикада биринчи бўлиб жорий қилган. 1991 йилдан Самарқанд вилоят пенсия фондида бош ҳисобчи вазифасида ишлаган. Қатор йиллар вилоят кишлоқ хўжалик ходимларининг ўқишларида етук мутахассис сифатида дарс берган. Х.Давронов 2008 йил Самарқанд шаҳрида вафот этган, қабри Мавлонаи Жом отада.

Х.Давроновнинг Жомлик шогирдлари: Эшмурод Назаров, Улаш Субонов, Норбўта Бегимкулов, Омон Юсупов, Суюн Ўсаров, Темур Жумаев, Қўчқор Пиримкулов, Даврон Турдикулов, Ўрол Махмудов, Курбон Суяров, Жонгул Тўхсориева, Дўстмурод Йўлдошев, Бойхўроз Фармонов, Зиёдулло Юсупов, Абдурахмон Бегимов, Дағар Тўраев, Садулла Давронов, Абдунаби Шокиров, Намоз Сафаров, Давир Тўраев, Санакул Тўйлиев, Сайдулла Аликулов, Турғун Сурманов, Турдибой Очилов, Бўрибой Бозоров,

Абдурашид Мамировлар. Бу шогирдларнинг кўпчилиги етим болалар ёки камбағал оилаларнинг фарзандлари бўлишган.

ҚЎРЛИСОЙЛИК РАЎБАРЛАР **(Қирсой, Қирлисой, аслида Қўрлисой)**

Турсун Рўзикул ўғли Шўролар давридан 1960 йилларгача раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Эркабой Холқул полвон ўғли зоотехник, ферма мудири, хўжалик раиси, Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида чорвачилик бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Худойберди Боймурод ўғли раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Бахтиёр Бозор ўғли 1983 – 1991 йилларда Пастдарғом туман Самарқанд пахтачилик хўжалигида бош иқтисодчи вазифасида ишлаган, 1991 йилдан Гумбаз жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб фаолият кўрсатапти.

Икром БОЗОРОВ 1961 йил Чўнқаймишда туғилган. 1987-1991 йилларда Самарқанд кишлоқ хўжалик институти иқтисод факультети сиртки бўлимида ўқиган. 1984-1987 йилларда Самарқанд пахтачилик хўжалигида статист, ёрдамчи иқтисодчи ва бўлим хисобчиси вазифаларида, 1987-1995 йилларда Гўзалкент туманида бош иқтисодчи, 1996 йилдан 2000 йилгача Самарқанд вилоят Ўзмевабазавот узум саноат бошқармасида аудитор, 1997-2000 йилларда аудит фирмаси директори, 2000-2002 йилларда вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси қошидаги «Деҳқон-Аудит» аудиторлик фирмаси директори, 2002 йилдан бошлаб Республика «Агромашаудит» компаниясида етакчи аудитор ва Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаб келмоқда.

Жўракул полвон ХОЛИҚУЛОВ. Чўнқаймишлик мулла Тилав Бердиёр ўғлининг берган маълумотиға кўра, Жўракул полвон Холиқулов ўн саккиз-ўн тўққиз ёшидан бошлаб от чопишни бошлаган. Шу вақтда собиқ Қуйбешев номли жамоа хўжалигидаги Абдурахмон бобонинг Кўкини, Тошмурод бобонинг Шолпорини, Амур бобонинг Тўриғини, Оксойнинг Тарлонини,

Бўронов бобонинг Қорақашқасини кўпқариларда чопган. 1990 йилгача узлуксиз кўпқари чопиб келган ёш полвоннинг маҳоратини кўрган Самарқанд вилоят отчопари директорининг унга қизиқиши ортган. 1974 йилда Ўзбекистон Республикаси пахта байрами тўйига Жўракул полвон бошчилигида команда тузилиб, Тошкентга жўнатилган. Аъзолари, Боймирза, Бурхон, Шариф, Чўнқаймишдан Рашид, Улусдан Илаш, Назар, Иштихондан Тожибой полвонлар бўлишган. 1974-1976 йилларда вилоятлараро бўлган кўпқариларда биринчи ўринни, 1977 йилда иккинчи ўринни олишган. 1978 йилда Ўзбекистон бўйича терма команда тузилиб, Россиянинг Краснодар ўлкасига жўнатилган, унда Ҳамдўстлик мамлакатлари чавандозлари қатнашиб Ўзбекистон командаси яхши натижа билан келган. Жўракул полвон 1966 йилда Тайлоқ, Ургут, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб туманларида ва ўнбирдаҳа қипчоқсарой, Чархин, Арабхонада бўлган тўйларда бош совринларни кўлга киритган.

1972 йил баҳорида Бойхўроз Формонов катта тўй берган. Меҳмонларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши эътиборга олиниб Дюккер қурилиши қатнашчиларига бир кун олдин ош бериб юборилган. Тўй куни қишлоқ аҳли ва меҳмонларга ош берилган. Тўйда республика микёсида, айникса, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан барча таниқли чавандозлар ва курашчи полвонлар иштирок этишган. Бу тўй кўпқариси ва курашлари донгдор баковул Ҳайдар бобо Эргашев томонидан бошқарилган. Тўйнинг тўрт бош соврини Жўракул полвон Холикуловдан бошқаларга насиб этмаган.

1979 йил Чўнқаймиш қишлоғида баҳор пайти учта катта тўйлар бирин-кетин бўлган. Кўпқарилар Чўнқаймишнинг Туваксой деб аталадиган отчопар майдонида чопилган. Туваксой уч томондан баланд қирлар билан ўралган, томошабоп, қибла томони очик. Сойнинг узунлиги тахминан 700-800 метр бўлиб, бош қисмида тошдан қилинган эски қўй кўтон бор. Уни аҳоли Тошқўра деб аташади. Чавандозларга бош совринлар улоқларини Тошқўрага олиб бориб ташлашлари айтилади. Бу майдонда кўп тўй кўпқарилари чопилганлиги учун Тошқўра атамаси ҳаммага, жумладан, узокдан келган полвонлар учун ҳам тушунарли.

Чўнқаймиш тўйлари кўпкариларининг яна бир қисми Яккаолма отчопар майдонида чопилади.

Йўлдош Раҳимов тўйи кўпкариси Хурсан Ашуров томонидан бошқарилди. Кўпкарининг биринчи бош совринини Қашқадарёнинг Оқчова қишлоғидан келган Жўракул полвон Нафас ўғли ўзининг Кўк чўкмор оти билан олди. Иккинчи бош совринни Жўракул полвон чўнқаймишлик Амир бобонинг тўрик оти билан олди. Жўракул полвон тўрик от билан улоқни олиб жўнаганидан сўнг, бошқа полвонлар энди тортиб олишнинг иложи йўқ, деб хатто орқасидан қувмаган эдилар. Шунда одамлар бугунги тўйнинг икки бош солимини икки Жўракул полвонлар олишди, деб айтишган.

Зулхон полвон Ғўдол полвон ўғли. Чўнқаймиш қўнғиротларидан Ғўдал полвон ўз замонасининг моҳир чавандозларидан бўлган. Унинг ўғли Зулхон полвон ривоятларга кўра, отасидан ҳам кучли полвон бўлган. Ёш Зулхон бир тўйда оёғидаги чориқ ва бир ориқ от билан икки марта улоқ ташлайди ва элга танилади.

Зулхон полвон Баҳромхон эшон бобонинг Селпак, Аваз бобонинг Қорақашқа, Равшан қози бобонинг Ола лақабли отлари билан шухрат қозонган.

Оқсой қишлоғида жуда катта тўй бўлиб, улоқни полвонлардан ажратиб олиб кетишнинг иложи бўлмаган. Шунда Зулхон полвон тадбир қўллаган: бир эски иморат эшиги ўрнининг тўғрисида бир от ўтадиган қилиб деворни йиқитган ва Аваз бобонинг Қорақашқасини бу туйнукдан бир-икки марта ўтказиб ўргатган. Улоқни олган Зулхон полвон отни шу туйнук томон ҳайдайди ва Қорақашқа ўрганганлиги учун ундан ўтиб кетиб, бошқа полвонларнинг отлари тўхтаб қолган.

Зулхон полвоннинг ўғли Оллохбердининг фарзандлари Чўнқаймишда яшашади. Зулхон полвоннинг укаси Боймурод бобонинг ўғли Тойлоқ бобо ҳам ёшлигида яхшигина кўпқари чопган. Унинг ўғли Абдувоҳид ва набираси Ғиёс ҳам улоқ чопишади. Ҳар қишлоқда бармоқ билан санарли оилалар борки, ташқаридан келганлар асосан шу хонадонларда меҳмон бўлишиб, роҳатланиб чиқиб кетишади. Чўнқаймишда шундай оила сифатида Аваз бобо, Ёрқул бобо ва гапга чечан Тойлоқ бобо хонадони кўпчилик томонидан эътироф этилган. Жомда Шоймат бой, Зиёт

аттор, Махсум Оллоҳмурод ўғли, Нурум бобо, Рустам мерган,
Зиёт бобо Давронов, Обруй Ашуров, Хайдар Ўсаров, Болли
Ёрқулов, Суюн хожи Норқулов кабиларнинг оилалари ҳам шулар
жумласидан бўлган.

ТАҚРИЗЛАРДАН НАМУНАЛАР

Илм ўзликни англашдан бошланади, инчунин ўз тарихимиз ва келиб чиқишимизни ўрганиш зиёлилик, олимликнинг ибтидосидир. Тарих адолат сари отланган карвон мисоли тинимсиз ҳаракатда, аммо, уни англамаслик, идрок этмаслик, қайд қилиб қўймаслик, зикр этмаслик, гумроҳликнинг энг йирик кўринишидир. Шу жиҳатдан олиб қараганимизда, бир ўғлоннинг ўз қишлоғига бўлган муҳаббати: гиёҳлардан тортиб, ҳайвонот оламигача, тўйларидан тортиб ҳар бир урф-одатларгача, илм ўчоғларидан тортиб шу юртдан чиққан ҳар бир олим, ёзувчи, чўпону, деҳқон, раҳбарлару, касб-корларгача фахрланиб таъриф-тахсинларга бой бўёқлар билан қаламга олинаши ўқувчида Она-Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотади. Дарҳақиқат, Она-Ватан киндик қони тўкилган тупроқдан бошланади. Зеро, «Самарқанд Жами» номли китобни ўқиган ҳар бир зиёлининг қалбида мен ҳам ўз қишлоғим тарихини ёзаман, деган истак пайдо бўлади.

Рисола содда, тушунарли, равон услубда ёзилган, мустақиллик йилларида қўлга киритилган жомликларнинг ютуқлари ҳам фикрлар мушоҳадасидан ўтказилгани мисоллар билан бойитилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Бу китобни ёзиш учун муаллиф узоқ йиллар тайёргарлик кўргани бой материаллар йиққанидан кўриниб турибди. Шунингдек муаллиф жуда синчковлик билан теран фикрлаш, намунали хулосалар чиқариш қобилиятини ҳам намоён этган.

Рисоладаги ҳар бир саҳифа бир-бирини тўлдириб, яхлитликни ташкил қилган.

Б.ЎРИНБОЕВ,
*СамДУ ўзбек тилшунослиги
кафедраси профессори,
филология фанлари доктори*

А.ТУРОБОВ,
*СамДЧТИ умумий ва амалий
тилшунослик кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди*

Кўп йиллик меҳнатнинг ижобий самараси ёхуд «Самарқанд Жомӣ» китоби ҳақида

Инсоннинг табиати жуда қизик: у кўнгли (қалби)да пайдо бўлган бирор бир кучли истакни поёнига етказмасдан тинчимайди. Бундан анча йиллар аввал Пирназар домланинг қалбида ҳам шундай бир эзгу мақсад пайдо бўлди: ўзи униб-ўсган юрти – Жом қишлоғи тарихи, одамлари, урф-одатлари ҳақида ёзиш. Шу мақсад унга ҳеч тинчлик бермади. Бу борада узок йиллар изланди, кеча-кундуз шу ўй билан яшади: қариялар, оксоқоллар, зиёлилар, деҳқонлар, чўпонлар, хуллас, жуда кўп ҳамқишлоқлари билан қайта-қайта суҳбатлашди.

Муаллифнинг «Самарқанд Жомӣ» рисоласи тузилиши жиҳатидан тарихшунос Абу Тоҳирхожанинг «Самария» (1844-1848) китобига ўхшаб кетади. Унда Самарқанд шаҳри номи(аталиши), иқлими, жуғрофияси, шаҳар теварагидаги тоғлари, ғорлари, дарёлари, масжиду мадрасалари, қабристонлари, боғу-роғлари, зироатчилиги, мевалару зираворлари ҳақида ҳикоя қилинган. Хуллас, П.З.Давроновнинг «Самарқанд Жомӣ» рисоласининг ёзилиш услуби тарихий анъанага мос келади.

Ишнинг эътиборли томонларидан бири Жом қишлоғининг тарихи анча батафсил ёритилган. Хусусан, саройлар, кўнғиротлар, найманлар ва бошқа уруғлар тарихи ва уларнинг ўзаро муносабатлари кенг ёритилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, жумладан, Ватан учун ҳалок бўлганларнинг номлари ғоятда ўринли ёд этилган. 372 (улардан 170 таси жангтоҳларда ҳалок бўлган) кишини излаб топишнинг ўзи бўлмайди. Каттақўрғон сув омбори, Фарҳод ГЭСи, ишчилар батальонида хизмат қилганларнинг аксарияти ҳозир ҳаёт эмас.

Жомнинг иқлими ва географияси жуда маъқул ёритилган. Қишлоқнинг ҳар бир қарич ерини, тепасини, жарини, камарини, газасини аниқлаб чиқиш учун катта камровли ишлар амалга оширилган.

Урф-одатлар хусусида ҳам ижобий фикрларни айтиш жоиз.

Жом мактаблари, зиёлилари, шунингдек, жомнинг улуғлари, шу қишлоқдан етишиб чиққан раҳбарлар ҳам эътиборга олинган.

Хуллас, Жом қишлоғи ҳақида анча мукаммал, саводли рисола яратилган.

Қанийди ҳар бир қишлоқнинг зиёли фарзанди ўз қишлоғи ҳақида шундай катта ишни қила олса. Бу ҳам фахр, ҳам савоб.

**Обруй ЭШМУРОДОВ,
СамДУ доценти**

* * *

Юртимиз мустақилликни қўлга киритиши билан халқимизда ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда.

Ҳаққоний тарихни ёзиш, шаҳарлар, қишлоқлар тарихи ёритилиб, ватанимиз тарихи янада мазмунан бойитилмоқда. Шу маънода профессор Пирназар Давроновнинг «Самарқанд Жоми» номли китоби айни вақтда бажарилган ишдир.

Самарқанд Жоми воҳамиздаги энг йирик қишлоқлардан бири бўлиб, ўзининг узоқ тарихи, мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётида муносиб ўрнига эга бўлган маскан ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг шонли тарихида ўзининг ўрнига эга бўлган қишлоқ ва унинг аҳолиси ўзига хос тарихи, урф-одатлари, анъаналари, маданий ва маънавий маросимларини кенг ёритиб беришга бағишланган асар ёзишга бел боғлаган, Жом қишлоғининг фидойи ўғлони П.Давроновнинг хатти-ҳаракати таҳсинга лойиқ. Муаллиф узоқ йиллар давомида изланишларни давом эттириб, Жомнинг тарихи ва аҳолисининг этник тузилиши, шажараси ва ўзига хос анъаналарини ёрқин саҳифаларда очиб берган.

Профессор П.Давроновнинг «Самарқанд Жоми» номли китоби ҳамқишлоқларини айниқса, ёшларни ғурур ва ифтихор, аجدодлар анъаналарига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Содиқ НАЗАРОВ,
Самарқанд иқтисодий ва сервис
институтининг ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди**

* * *

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, халқимиз ўзлигини таниб олаётган бугунги кунда, биз қайси заминнинг ва кимларнинг авлодимиз, деган савол кўпчиликини қизиқтираётир. Бундай саволга аниқроқ жавоб топиш учун тарихимизни чуқурроқ ўрганиш зарур. Бу иш эса катта машаққат ва заҳмат, изланиш ва сабр-тоқат билан узоқ йиллар меҳнат қилиш эвазига юзага келади.

Шу маънода Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Олий математика ва ахборот технологиялари» кафедраси мудири, профессор П.Давроновнинг «Самарқанд Жоми» китоби алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф бу асарда Жом қишлоғи тарихидан гувоҳлик берувчи хилма-хил қимматли манбаларни жамлаб умумлаштириб, аҳолининг иқтисодий, маънавий, илм-фан, адабиёт, санъат ва маърифат соҳасидаги ишларини баён этган.

Китобда Жом қишлоғи аҳолисининг этник таркиби, урф-одатлари, маросимлари, тўй-маъракалари ва қишлоқ ҳаётининг турли соҳалари ҳақида кўплаб маълумотлар жамланган.

Китобда тарбиявий йўналишни оширишга ҳам алоҳида эътибор берган. Ҳар бир онгли киши билиши шарт бўлган шажара анъаналари кенг ёритилган. Қишлоқ масжидлари, уламолари, қабристонлари тўғрисида келтирилган маълумотлар ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Латиф ЖАМОЛОВ,
СамҚХИ Гуманитар фанлар
кафедраси мудири, фалсафа
фанлари номзоди, доцент

* * *

Профессор П.Давроновнинг «Самарқанд Жоми» китоби Самарқанд вилоятида жойлашган, ўз тарихи, этнографияси, урф-одатлари ва маросимлари билан алоҳида ажралиб турадиган Жом қишлоғининг тарихига бағишланган.

Муаллиф ушбу китобни ёзишга пухта тайёргарлик кўрганлиги, бой манбалар тўплаганлиги кўриниб турибди. Рисоланинг

ёзилишида қишлоқнинг тарихи ва археологиясига бағишланган илмий мақолалардан унумли фойдаланилган.

П.Давронов Жом қишлоғининг ўтмишига доир барча маълумотларни тўплаб илмий муомалага киритишга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

***А.БЕРДИМУРОДОВ,
ЎзФА Археология институти
етакчи илмий ходими***

* * *

П.Давроновнинг ушбу илмий-оммабоп нашри чуқур таҳлилларга асосланиб ёзилган. Архив ашёлари, шу соҳага доир адабиётлар ҳамда шу қишлоқда яшаган, яшаётган, қишлоқ аҳли, олиму фузалолар; таъбир жоиз бўлса ҳозирги замон ахборот технологиялари маълумотларидан кенг фойдаланилган ҳолда ушбу хайрли ишга қўл урилган. Шундай ҳолда жонажон ватанимиз Ўзбекистон тарихи янада бойиб, мукаммаллашиб боради. Асар муаллифи биз билган маҳоратли, тиниб-тинчимас педагог, тарбиячи, мураббий, устоз, математика соҳасида зукколигидан ташқари, ушбу китоби билан ўзи туғилиб ўсган қадимий Жом қишлоғи ҳақида мукаммал билимга эга эканлигини намойиш этди. П.Давроновдан янада мукаммал манбаларга бой ижодий иш намуналарини кутиб қоламиз.

***Р.УСМОНОВ,
СамҚХИ Олий математика ва
ахборот технологиялари
кафедраси доценти***

* * *

Қишлоғим фарзанди П.Давроновнинг «Самарқанд Жоми» китобини ўқиб ғоят севиндим. Бу китоб шунинг учун ҳам қимматли ва эъзозлики, Жом ҳақидаги биринчи ва катта ёзма манбадир. Ушбу китобни ўқиган жомликлар Она қишлоқларининг ўтмиши ва тарихи билан танишади ва фахрланадилар. Бундай

сермашаққат ишга биринчи бўлиб бел боғлаган, кўлимизга кишлоғимиз тарихи тўғрисидаги «Самарқанд Жоми» китобини тутказган шижоатли олим ва ижодкор П.Давроновга ташақкур билдирамиз. Энди жомликлар кишлоғи тарихи билан танишиш бахтига муяссар бўлдилар. Бу тарих Ўзбекистон тарихининг бир бўлаги бўлиб сақланиб қолажак.

Китобда Жомнинг географияси, тарихи, урф-одатлари, буюк инсонлари, алломалари, шоиру ижодкорлари, чавандозу паҳлавонлари ҳақида қимматли ва тўлиқ маълумотлар берилган.

«Самарқанд Жоми»нинг тузилиш услуби «Бобурнома»га ўхшаб кетади. Буюк тарихчи Хондамир «Бобурнома»нинг хомаки нусхаси билан танишиб чиққач, уни Бобурга қайтараётиб «Мавлоно Сизнинг асарингизни ўқиб, менинг ижодим чил-чил синди», – деган. Чунки «Бобурнома» ҳаққоний ёзилган асар. П.З.Давроновнинг «Самарқанд Жоми» асари ҳам ҳаққоний ёзилган. Ҳеч бир нарса бўрттирилмаган, қандай бўлса, шундай тасвирланган. Бу асар ўз-ўзидан осонгина яратилмаган, унинг учун узоқ йиллар меҳнат қилинган. Жомнинг ўғлони, профессор П.Давроновнинг узоқ йиллик, заҳматли изланишларининг бу гўзал самарасидан биз – жомликлар ғоят мамнунмиз ва муаллифга катта миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Жаҳонгир ИРИСКУЛОВ,
Жом қишлоғидаги Амир Темур
номли 22-мактаб тарих
ўқитувчиси

ФОЙДАЛАНИЛГАН ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Опр.древней истории. Т.3. – Т.: Фан, 1972.
2. Абуль-гази-Бахадирхан. Родословное древо тюрков. -Казан, 1906.
3. Абулғозий Баходирхон. Шажарийи тарокима. -Т.: Чўлпон, 1995.
4. Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфат ут-таворих-и хоний. -//Материалы по истории киргизов и киргизии. Вып.1. -М.,1973.
5. Avanesova N., Sajdullaev S., Ėrkulov A. Gzam-ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. «Archaeologische mitteilungen aus Iran und Turan». Berlin, 2001.
6. Алемов У., Суюнов Ё. Долзарб саволларга ҳақзарб жавоблар. – Самарканд: Зарафшон, 2006.
7. Алпомиш, Рустамхон. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
8. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. - //Живая старина. СПб. Вып.3-4, 1897.
9. Асомий наваду ду фиркайи ўзбек. -ЎзФАШИ кулёмаси, инв. №4230 в 1326-133а.
10. Асқаров А. Ўзбек халкининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007.
11. Аҳмедов. Б Амир Темур. -Т.: Халқ мероси, 1995.
12. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. - //Сочинения, т.2. ч.1. -М.:Наука,1963.
13. Бердимуродов А. Спитаменнинг қизи. -Саодат журналы, 2000, №3.
14. Бердимуродов А., Сатторов А. Жом-тарихий кишлок. -Халқ сўзи, 2000, 14 март.
15. Бернштам А.Н. Ўрта Осиё туркий тилларидаги қадимги давр «ж-лашиш» ходисаси ҳақида. -Москва-Ленинград, 1938.
16. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
17. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1990.
18. Вайнберг Б.И. Топонимика как источник по истории туркмен Хорезма. -//Топонимика Востока. – Москва, 1962.
19. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. -М.: СПб: Б.и, 1865.
20. Даль В.И. Иллюстрированный толковый словарь русского языка. Современная версия. -Москва: Эксмо; Форум, 2007.
21. Давронов П.З. Жомлик алпомиш авлодлари. -Самарканд, 2007.
22. Давронов П.З. Қадимий кишлок тарихи. -Ишонч , 2007, 1 ноябр.

23. Давронов П.З. Жом ва Ҳафрин топонимлари ҳақида баъзи мулоҳазалар. - //Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. -Самарқанд, 2007.
24. Давронов П.З. Жом-қадимий қишлоқ. -Ҳаёт, 2008, 21 феврал.
25. Давронов П.З. Жом ибтидоий аجدодларимиз қўним топган қишлоқ. - Зарафшон, 2008, 27 март.
26. Донёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. -Т.: Фан, 1968.
27. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1977.
28. Ибраҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
29. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
30. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1977.
- 31.Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976.
32. Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. – Алма-ата: Казахстан, 1974.
33. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. -Т.: Ёзувчи, 1996.
34. Логофит Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом, СПб., 1911.
35. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. -Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1960.
36. Муҳаммад Солих. Шайбонийнома.-Т.: Фан, 1989.
37. Муҳаммаджонов А., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи (милоднинг IV асридан XVI аср бошларигача). 7-синф дарслиги. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.
38. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Фан, 1988.
39. Нафасов Т. Топонимик қиёс. - //Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. -Самарқанд, 2007.
40. Низомиддин ибн домла Шох Саид маҳдум. Насабномайи ўзбек. 1896-1897.
41. Нуруллаев А. Буюк ипак йўли. -Ҳаёт, 2008, 1 май.
42. Ожегов С.И. Словарь русского языка. -М.:Русский язык,1983.
43. Очилов Н. Жом. - Мулоқат, 1999, №1.
44. Очилов Э. Жом қишлоғи. -Бекажон, 2005, 14 апрел.

45. Рашид ат-дин. Сборник летописей. т. 1. кн. 1- 2. -М.-Л.: Наука, 1952.
46. Сайфиддин Ахсикатий. Мажмуъ ат-таворих. -//Материалы по истории киргизов и киргизии. Вып.1. -М., 1973.
47. Самарқанд – 3500 ёшда. -Зарафшон, 2000, 6 апрел.
48. Сағдуллаев А., Костетский В. Тарих: Қадимги дунё. 6-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2005.
49. Собрание летописей. Мажмуат таворих.-//А.Т.Тагирджанов, Иранская филология. -Л., 1960.
50. Суёнов С. Олимнинг янги китоби. -Пастдаргом ҳақиқати, 2008, 8 январ.
51. Тошкандий С. Темурнома. -Т.: Чўлпон, 1990.
52. Туробов А. Самарқанд этноним ва эноонимлари. -Самарқанд, 2004.
53. Турсунов Б. Ёдгор. - Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт, 1961.
54. Турғонов Қ. Қишлоқ таърифини тавсифлаб. – Нуробод, 2007, 29 май.
55. Турғонов Қ. Жангчи-шоир ижодида Самарқанд мадҳи. – Нуробод, 2007, 31 июл.
56. Турғонов Қ. Жом қадимий қишлоқ. – Нуробод, 2008, 31 май.
57. Узбекско – русский словарь. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1959.
58. Усмонов Қ., Жўраев У., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми). 8-синф учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2006.
59. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 2-жилд. -М., 1969.
60. Холматов Н. Тош даври жамоаларининг моддий маданияти. – Маърифат, 2007, 14 июл.
61. Шониязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. -Т.: Фан, 1974.
62. Эшмуродов А. Бешчашма тарихи. -Самарқанд, 1997.
63. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. - Тошкент, 1941.
64. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. -М., 1981.
65. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустанлақчилиги даврида. -Тошкент, 2000.
66. Ўзбекистон ССР тарихи. -//ЎзССР ФА академиги И.М.Мўминов таҳрири остида. – Т.: Фан, 1974.
67. ЎзСЭ, 2-китоб. -Тошкент, 1972.
68. ЎзСЭ, 4-китоб. -Тошкент, 1973.
69. ЎзСЭ, 9-китоб. -Тошкент, 1977.
70. ЎзСЭ, 12-китоб. -Тошкент, 1979.

71. ЎзСЭ, 14-китоб. -Тошкент, 1980.
72. Ўринбоев Б. «Жомбой» деган сўзнинг маъносини биласизми? - Жомбой тонги, 1995, 26 июл.
73. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.Б. Ўзбек лотин алифбосини ўрганамиз. – Самарқанд, 1998.
74. Ўринбоев Б. Ғазирам салоҳияти. -Самарқанд, 2007.
75. Қораев С. Географик номларнинг маъносини биласизми? – Т.: Ўзбекистон, 1970.
76. Қурбонов Ў. Жомдан топилган тошбитик .-Қишлоқ ҳаёти, 2000, 25 август.
77. Қодиров П. Сайланма. 3 жилдлик. 3-жилд. Юлдузли тунлар. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.
78. Қуръони карим. -//Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. -Т.: Чўлпон, 1992.
79. Ҳидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
80. Ҳидоятлов Г.А., Костетский В.А. Ўзбекистон тарихи (XIX аср иккинчи ярми- XX аср бошлари). 9-синф учун дарслик. -//Таржимон Ш.Мансуров. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
81. www.opexsa.com/рус/топонимс_тян-шан.шtml.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	4
Жом тарихи	8
Асрлардек барҳаёт номлар	13
«Ҳафрин» термини ҳақида	33
Тарихларга тенгдош маскан	35
Жом – стратегик аҳамиятга эга	43
Жомликларнинг аجدодлари	47
Таромиш термини ҳақида	61
Жомдаги қабристонлар	62
Жом бозори	65
Жом ҳудуди ва иқлими	66
Мустақиллик даврида Жом	71
Муҳим маълумотлар	72
Касб-хунар эгалари	77
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари	79
Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари	95
Урф-одат ва маросимлар	97
Ўн бир даҳа қипчоксарой	102
Мактаблар ва мураббийлар	105
Жом масжидлари	111
Тиббиёт тараққиёти	113
Ўз касбидан фахрланиш ҳисси	115
Фольклор-этнографик ансамбли	116
Жом салоҳияти ва унинг машҳур инсонлари	117
Жомлик раҳбарлар	144
Жом улуғлари	166
Чавандозлар	182
Алпомиш авлодлари	195
Толли қишлоғи	198
Қўрлисойлик раҳбарлар	221
Тақризлардан намуналар	225
Фойдаланилган ёзма манбалар ва адабиётлар	231

Пирназар Давронов

Самарқанд Жоми

«Зарафшон» нашриёти ДК, Самарқанд – 2009 й, 236 бет.

Муҳаррирлар:	Адолат ФАРМОНОВА, Ҳаким ЖЎРАЕВ
Мусахҳих:	Гулмира ЮСУПОВА
Саҳифаловчи:	Зебинисо АҲМАДОВА
Тех.муҳаррир:	Комил СУЛАЙМОНОВ

Босишга рухсат этилди 10.04. 2009 й. Бичими 60x84 ¹/₃₂. Шартли босма тобоғи 15,0. Нашриёт ҳисоб тобоғи 13,0. Адади 500 нусха. Офсет қоғози. Буюртма № 83/1. Баҳоси келишилган нархда.


«Зарафшон» нашриёти ДК, 140100.
Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 12-уй.

Оригинални макет “Зарафшон” нашриёти ДК да саҳифаланиб,
тайёрланди.

ISBN 978-9943-329-51-5

Сартепо туризм коллежи кичик босмахонасида чоп этилди.
Самарқанд ш., Сартепа маскани, Туризм коллежи биноси.

[illegible]



Жом қишлоғининг космик тасвири



Ғиштбанд



Қоровултепа



Жом жомеъ масжидида Қурбон ҳайити намози



Қишлоқ манзараси



Омондарасой



Ҳафрин қишлоғи манзараси



Оқчоғол қирлари



Гулаксой этагидаги ҳовуз



Сарик чўкки тоғи



Бўлакчоғол манзараси



Гўзал саман лақабли тулпор



Ўрмон хўжалиги



Чўнқаймиш тоғи



Учтумшук тоғи



Пирназар Зиятович Давронов 1949 йилнинг 18 январида Жом қишлоғида туғилган. 1955-1966 йилларда қишлоқдаги Амир Темур ва Бурхон Турсунов номли мактабларда, 1968-1973 йилларда С.Айний номли СамДПИнинг «Физика-математика» факультетида, 1977-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТининг кундузги аспирантурасида ўқиган. 1980-1995 йилларда Жиззах ДПИда ўқитувчи, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаган. 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси, 1989 йилдан «Олий математика» кафедрасининг доценти, 1994 йилдан шу кафедра профессори, 2005 йилдан СамЎХИ «Олий математика ва ахборот технологиялари» кафедрасининг мудири. Муаллифнинг юздан ортиқ илмий ишлари ва услубий қўлланмалари нашр этилган. Эндиликда ўз қишлоғи тўғрисидаги узоқ йиллик заҳматли илмий изланишларининг самараси бўлган «Самарқанд Жами» номли тарихий асари билан танишишга муяссар бўлдик.

ISBN 978-9943-329-51-5

